

М. ИРИСҚУЛОВ

ТИЛШУНОСЛИККА КИРИШ

*Республика Халқ таълими вазирлиги дорилфунун
ва педагогика институтлари талабаларига
қўлланма сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ «УЎҚИТУВЧИ» 1992

Махсус муҳаррир: филология фанлари номзоди, профессор
Л. Т. БОБОХОНОВА

Тақризчи: В. И. Ленин номи Тошкент Давлат дорилфунуни
роман-герман филологияси факультети инглиз фило-
логияси кафедрасининг ўқитувчиси, филология фан-
лари номзоди **Ғ. Х. САЛИМОВ**.

И 74

Ирисқулов М. Т.

Тилшуносликка кириш: Дорилфунун ва
педагогика ин-тлари талабаларига қўлл./
[Махсус муҳаррир Л. Т. Бобохонова].— Т.:
Ўқитувчи, 1992.—256 б.

Ирисқулов М. Т. Введение в языкознание: Учебное
пособие для студентов филологических и романо-гер-
манских факультетов университетов и пединституты.

ББК 81я73

И 4602020102—73
353 (04) — 92 68 — 91

© «Ўқитувчи» 1992

ISBN 5—645—01342—5

Мазкур қўлланма дорилфунун ва педагогика олийгоҳларининг I курс талабаларига мўлжалланган. «Тилшуносликка кириш» фани олий ўқув юртларида ўрганиладиган биринчи назарий курсдир. Табiiйки, талабалар бу курсни ўзлаштириш жараёнида турли қийинчиликларга дуч келадилар, чунки биринчидан, тил — мураккаб ҳодиса, унинг системасини ва таркибини атрофлича тушуниш, кейинчалик бу билимни бошқаларга тушунтириш осон иш эмас, иккинчидан, тилшунослик назарий фан бўлганлиги сабабли, кўплаб атамалар ва тушунчаларни ўзлаштиришга тўғри келади, учинчидан, «тилшуносликка кириш» фақат она тилининг хусусиятларини эмас, балки дунёдаги мавжуд тилларнинг ранг-баранг хусусиятларини, тиллар орасидаги ўхшашлик ва фарқларни ҳисобга олади, бу эса талабалардан чуқур билимни талаб этади, тўртинчидан, бу фанга ўқув режаларида ажратилган соат билан мазкур фан ҳажми орасида катта номутаносиблик бор; табiiйки, ўқув жадвалидаги соатлар миқдори бу фанни дарс жараёнида ўрганиш имкониятини бермайди. Шунинг учун тилшуносликнинг талайгина қисмини талабаларнинг мустақил ўрганишларига тўғри келади.

Шу муносабат билан ҳозир жумҳуриятимиз олийгоҳлари олдида мустақил ишлашга мўлжалланган дарслик ва қўлланмалар яратиш, талабаларнинг мустақил ишини ташкил қилиш, мустақил ишнинг натижаларини назорат қилиш йўлларини ишлаб чиқиш каби бирмунча жиддий вазифалар турибди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур қўлланма ана шу йўлдаги дастлабки уринишлардандир.

Бошқа фанлар қатори тилшунослик ҳам катта одимлар билан ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда иттифоқимизда ва хорижда нашр этилган қатор ишлар таҳсинга сазовордир. Уларнинг кўпчилиги коммуника-

тив тилшунослик деб аталмиш соҳани ўрганишга бағишланган. Шу муносабат билан тилшуносликка оид аввал ишлаб чиқилган баъзи илмий фаразлар, назариялар ҳозирги кунда қайта кўриб чиқилмоқда. Қўлланмани тайёрлашда замонавий тилшунослик фани эришаётган ютуқларни имкони борича ҳисобга олишга ҳаракат қилинди. Қўлланмага киритилган «ижтимоий тилшунослик» (социолингвистика) «матн (текст) тилшунослиги», «халқаро тил муаммоси» каби бўлимлар шулар жумласидандир. Қўлланманинг тузилиши унинг олдига қўйилган мақсад билан белгиланади. Ҳар бир бўлимдан кейин масалани ўзлаштирилиш даражасини аниқлаш мақсадида савол ва топшириқлар берилди. Тилнинг амалий томони билан боғлиқ бўлган бўлимлардан кейин эса саволлар билан бир қаторда машқлар ҳам киритилди.

Ўқувчининг амалий ҳамда мавҳум тафаккурини чегараламаслик ниятида дастурнинг кўпчилик бобларида у ёки бу масалада замонавий тилшуносликда мавжуд бир эмас бир нечта фикрлар келтирилди. Англашилишича, бу услуб ўқувчининг кўрилаётган масалага ижодий ёндошишига ёрдам беради: у келтирилган фикрларнинг бирини танлайди ёки улар асосида ўзи янги бир хулосага келади. Ҳар қандай ривожланиш, тараққиётнинг асосида кўп фикрлилик ётади. Бу фикрларни қиёслаш, чоғиштириб ўрганиш янги фикр пайдо бўлишининг гаровидир.

Бу турдаги қўлланма биринчи бор нашр қилинаётганлиги сабабли, унда хато ва камчиликлар бўлиши табиий бир ҳолдир. Шу муносабат билан биз ҳамкасбларимиз ва талабаларнинг ушбу иш бўйича фикр ва мулоҳазаларини мамнуният билан қабул қиламиз.

Яна бир масалада тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Қоғозни тежаш ниятида тегншли бобларнинг охирида Ш. Қаримов томонидан ёзилган «Тилшуносликка кириш» курсидан практикум» қўлланмасида берилган машқларни фақат бет ва номерлари кўрсатилди.

ТИЛШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ЎРГАНИШ СОҲАСИ ВА МАВЗУСИ

Тилшунослик тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, тил ва тафаккур, тил ва жамият ўртасидаги муносабатлар, тилнинг жамиятдаги ўрни, ички тузилиши — тилнинг таснифи, уни таҳлил қилиш усуллари ва шу каби масалаларни ўрганадиган фандир.

Тилни тилшуносликдан ташқари фалсафа, мантиқ каби бошқа фанлар ҳам ўрганади. Маълумки, тафаккурга дахлдор масалалар мантиқ илмининг мавзусидир. Шу туфайли мантиқчилар тафаккур қонуниятлари билан бирга, фикрнинг тилда акс этишини ўрганмасликлари мумкин эмас. Ундан ташқари, тил ва тафаккур бир-бири билан узвий боғланган, бири — иккинчисисиз яшай олмайдиган ҳодисадир, тафаккур тилда яшайди, ҳар қандай нутқ асосида эса тафаккур ётади. Мантиқ тилни ана шу йўналишда ўрганади.

Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиёти билан боғлиқлиги туфайли тил социологлар томонидан ҳам ўрганилади. Маълумки, жамият тарихий тараққиёти жараёнида содир бўлган воқеа ва ҳодисалар тилда акс этмай қолмайди. Шунга кўра, тарихчилар тил тарихига, тилшунослар эса ўз навбатида тарих фанига мурожаат қилмай иложлари йўқ. Демак, тилшунослар тилга онд масалаларни ҳал қилишда этнография, психология, антропология, математика, жуғрофия, физика ва бошқа фанларга онд материаллар ва хулосалардан фойдаланадилар.

Шундай қилиб, тил фақат тилшунослик эмас, балки бошқа фанлар учун ҳам ўрганиш соҳаси сифатида намоён бўлади. Бу соҳадан ҳар бир фан ўз мавзусини ажратиб олади. Ўрганиш соҳасини ажратиб олиш нуқтаи назаридан тилшуносликни икки турга: **микрoлингвистика** (кичик тилшунослик) ва **макрoлингвистика** (катта тилшунослик)га ажратилади.

Микрoлингвистика тилнинг фақат ички, яъни фоне-

тик, лексик ва грамматик тузилишини, **макролингвистика** эса, тилни бошқа фанлар билан қўшилиб ўрганади.

Макролингвистика тилнинг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёт қонунлари, тилнинг ижтимоий моҳиятини: унинг тафаккур билан муносабатини, тил ва бошқа сигнал системалари орасидаги ўхшашлик ва фарқларни, тилнинг тарқалиши (идиалект (шахсий шева), шева, янги тил масалалари) каби муаммоларни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда тил иккита бир-бирига зид дунёқараш — идеалистик ва материалистик нуқтаи назардан таърифланади. Онгни бирламчи, материяни иккиламчи деб билувчи идеалистик йўналишдаги олимлар тилга қуйидагича таъриф беришади:

«Тил тафаккурни ифода қилувчи ишоралар мажмуидир» (*Ф. Де Сосеюр*).

«Тил — одам онгининг иштирокисиз, унинг ташқи дунёга нисбатан бўлган механик ҳаракатидир» (*Л. Блумфильд*).

«Тил фикрни ифода қилишга мўлжалланган, талаффуз қилинадиган, чегараланган товушлар мажмуидир» (*Б. Гроссе*).

Бу фикрларнинг бирортаси, улар гарчи бир-бирини тўлдирса ҳам, тилнинг тўлиқ таърифи эмас, чунки у тилнинг ижтимоий моҳиятини очиб беролмайди.

Олимлар тилнинг кишилик жамиятида тутган ўрни нақадар муҳим эканини кўрсатиб, тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир деб таърифлайдилар. Тил яккаю ягона алоқа воситаси эмас. Алоқа бошқа воситалар орқали ҳам ўрнатилиши мумкин. Масалан: Морзе алфавити, имо-ишоралар, Африкада узоқ масофага ахборот бериш учун қўлланиладиган ноғора товушлари, Канар оролларида ишлатиладиган «хуштак-тили» шулар жумласидандир. Лекин бу воситалар тилга нисбатан ёрдамчи, иккинчи даражалидир. Тил ва бошқа алоқа воситалари орасида ўхшашлик ва фарқлар мавжуд. Бу воситаларни бир-бири билан бирлаштирадиган хусусиятлар қуйидагилар:

— фикр ва ҳиссиётларни ифодалайди;

— ижтимоий, чунки жамият томонидан яратилиб, унга хизмат қилади.

— моддий (товуш тўлқинлари, график чизмалар ва бошқалар):

— объектив борлиқни акс эттиради.

Улар орасидаги фарқ эса қуйидагилар:

— тил фикр ва ҳиссиётларни ифода қилувчи восита. Инсон уни барча фаолиятида қўллайди. Бошқа алоқа воситалари ишлатилиш кўлами чекланган, масалан, кўча ҳаракати белгилари асосан ҳайдовчиларга хизмат қилади, бошқа ерда ишлатилмайди;

— тил қуруқ ахборотнинг ўзинигина бир шахсдан иккинчи шахсга етказмасдан, балки гапирувчининг бу ахборотга муносабатини, унинг хоҳиш-истаги ва баҳоси, руҳий ҳолатини акс эттиради.

— тилдан бошқа ҳамма сигнал системалари сунъийдир, улар одамлар томонидан яратилади ва шароитга кўра ўзгартирилиши мумкин. Сунъий воситаларнинг яратилишида одамларнинг ҳаммаси эмас, балки мазкур соҳани яхши билувчи кичик бир гуруҳ иштирок этади. Тил эса одамларнинг истак-хоҳишларига боғлиқ бўлмайди, уни жамият аъзолари ўз ихтиёрлари билан ўзгартира олмайди. Тил асрлар давомида жамиятга хизмат қилади, уларнинг эҳтиёжларини тўла-тўқис бажаради, гарчанд тил ўзгарувчан ҳодиса бўлса-да, у фақат ўзининг ички объектив қонунлари асосида ривожланади. Шу билан бирга шуни ҳам қайд қилиш керакки, жамият бўлмаса, тил бўлмайди; жамият тилни кундалик ҳаётида қўлламаса, у (тил) ривожланмайди. Демак, тил ва жамият доимо бир-бирини тақозо этади. Бошқа сигнал системалари тилга нисбатан иккиламчи, унга қўшимча восита сифатида намоён бўлади, тилни тўлдиради.

Шундай қилиб, тил ўзига хос семиологик система (яъни ишоралар системаси) бўлиб, жамиятда асосий ва энг муҳим фикр алмашиш қуроли, жамият тафаккурининг ривожланишини таъминловчи, авлоддан авлодга маданий-тарихий анъаналарни етказувчи восита хизматини ўтайди.

ТИЛ — ИЖТИМОЙ ҲОДИСА

Тилнинг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёт йўлини ўрганиш тилнинг қандай ҳодиса эканлигини тасаввур қилиш имконини беради.

Тилшунослик тарихида қадимдан қарама-қарши икки фикр ўртасида кураш боради. Биринчиси, XIX асрда Германияда Август Шлейхер томонидан асос солинган тилнинг табиий ҳодиса эканлиги ҳақидаги фикр-дир. Шлейхер у ёки бу ҳодисанинг табиий ёки ижтимоийлигини халқнинг иродаси шу ҳодисага таъсир кўрсата олиш-олмаслиги нуқтаи назардан аниқлайди. Унинг фикрича, тилнинг ривожланиши халқ истагига боғлиқ бўлмайди, у ўз қонунлари асосида ривожланади, демак, тил табиий ҳодисалар қаторидан ўрин олиши керак. Бундан тил дунёдаги бошқа табиий ҳодисалар сингари ўз-ўзинча пайдо бўлади, ривожланади, кези келганда, йўқ бўлади, ўлади деган маъно келиб чиқади. Тил кишининг табиий хусусиятлари (масалан, юриш, нафас олиш, овқатланиш ва бошқалар) га хос нарсадир. Олма дарахти маълум вақт ўтиши билан олма ҳосили берганидек, одам боласи маълум ёшга етганда гапир-ра бошлаши керак. Бундай фикрни илгари сурган олимларда баъзи «далиллар» ҳам бор эди. Улар латин, санскрит (қадимги ҳинд тили) каби ўлик тилларни мисол қилиб кўрсатишади. Мазкур фикр тарафдорлари ўз назарияларини асослашда немис идеалист файласуф олими Гегелнинг абсолют ғоясидан фойдаланадилар. Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ана шу абсолют ғоянинг ҳаракати деб билишди, бу эса нотўғри тушунчадир.

Материалистик тилшунослик тил табиий ҳодисадир, деган ғояни рад этади. Тилнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти инсоният жамияти билан узвий боғланган. Ф. Энгельс ўзининг машҳур «Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг роли» асарида тилнинг келиб чиқи-

шини асослашда асосий эътиборни кишининг ижтимои меҳнатига қаратади. Материалистик таълимотга кўр жамият аъзолари маҳсулот ишлаб чиқарар ва у айирбошлар эканлар, ўзаро ишлаб чиқариш муносабатига киришадилар. Бу муносабат туфайли кишилар орасида алоқа зарурияти туғилади. Бундай муаммо фақат одамлар орасида воситачи, фикр алмашиш қуро бўлиши тил ҳал қилди.

Жамиятдан ташқарида яшаган инсон боласи қан умир кўрмасин, у гапирмайди. Чунки тил наслдан насл авлоддан авлодга ўтмайди, яъни унинг ирсиятига ҳандай алоқаси йўқ. Ирсият қонунига биноан, болани биологик, антропологик хусусиятлари (танасининг сочининг ранги, юз тузилиши ва бошқалар) авлоддан авлодга ўтади, лекин ўзбек онласида туғилган бола фақат ўзбек тилида гапиради дейиш нотўғридир. У қай тилда гапира бошлаши, қайси онла, қайси ижтимои муҳитда тарбияланишига боғлиқ: агар чақалоқ рус тилида тарбияланса, русча, тожиклар ичида тарбияланса тожикча гапиради.

XX аср бошларида Ҳиндистонда рўй берган воқеа мавзуга яхши далил бўла олади. У ерда бўрилар тўда орасида икки қизчага дуч келинди. Қизчалардан бири 2, бошқаси 7—8 яшар бўлган. Улар бўриларга хос хатти-ҳаракатлар қилишган, лекин гапирганини билдирмаган. Ҳиндистонлик психолог олим бу икки гўдакни дастла уйда, кейинчалик каттасини (кичиги кўп вақт ўтмас касалланиб вафот этган) болалар уйида тарбиялаган. Бу қиз яна 10 йил атрофида умр кўрди, аммо тил юриш-туришда айтарлиқ муваффақиятга эриша олмади. Бу йиллар мобайнида у 45 га яқин сўзни ўрганди, лекин улардан гап туза олмади. Бу воқеани чуқур таҳлил қилган психологлар, социологлар, тилшунослар:

1. Тил табиий ҳодиса эмас.
2. Тилнинг пайдо бўлиши учун кишилик жамият бўлиши шарт.
3. Тил-нутқ муҳити боланинг чақалоқлигида яратиши ва чақалоққа бир томонлама тил таъсири ўткази муҳим ҳал қилувчи аҳамиятга эга.
4. Тил ва тафаккур бир вақтда пайдо бўлади, бири ривожланади, бири иккинчисиз яшай олмайди, дег хулосага келдилар.

«Тил ҳам онг каби қадимийдир, тил амалий, ҳақиқий онгдир, бошқалар учун ҳам мавжуд бўлган ва ҳ...

ди шу туфайли мен учун ҳам мавжуд бўлган онгдир, бинобарин, тил онг каби бошқа кишилар билан муомала қилиш эҳтиёжи зарурлиги туфайли пайдо бўлган»¹.

Шундай қилиб, тил ижтимоий характерга эга, чунки у жамият тараққиёти, меҳнат фаолияти жараёнида юзага келади. Тил фақат жамиятда, одамлар орасида мавжуд бўладиган ижтимоий қуролдир. Тилнинг тақдири унинг яшаши, ривожланиши фақат шу тилда гаплашувчи жамиятга боғлиқ. Тил жамият билан пайдо бўлганидек, жамият билан бирга ўлади. Юқорида латин, санскрит тиллари эга олиниб ўлик тиллар деб айтилганди, чунки бу тилларда гаплашадиган, уни ўз она тили деб ҳисоблайдиган халқ йўқ, ҳозирги кунда бу тилларнинг луғат таркиби, товушлар мажмуи, грамматикаси бор, улар тўғрисида фикр юритиш, бошқа тиллар билан қиёслаш мумкин. Аммо бу тилларда ривожланиш йўқ, қадимдан қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай ва шундайлигича қолаверади.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Тилшунослик фани қандай масалалар билан шуғулланади?
2. Нима учун тилшунослик фанининг ўрганиш соҳаси ва мавзуси бир-биридан фарқланади?
3. Тилни тилшуносликдан ташқари яна қандай фанлар ўрганади?
4. Микролингвистика ва макролингвистика нима ва у қандай масалалар билан шуғулланади?
5. Тил ва тил тўғрисидаги тушунчаларни таърифланг.
6. Тил ва бошқа алоқа воситалари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқни тушунтиринг.
7. Тил табиий ҳодисами ёки ижтимоийми?
8. Тил ва жамият орасидаги боғлиқликни асосланг.
9. «Тилшуносликка кириш» курсидан практикum қўлланмадаги иккинчи машқни бажаринг².

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Немис идеологияси. Марксча-ленинча философия хрестоматияси, I-том, Тошкент, 1971, 61-бет.

² Ш. Каримов. «Тилшуносликка кириш» курсидан практикum. Тошкент, «Ўқитувчи» 1987.

ТИЛНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Тилнинг пайдо бўлиши масаласи — тил қачон ва ерда пайдо бўлган, дастлаб нечта тил бўлган, у ёки тиллар қандай бўлган ва шу каби саволларга ҳали илмий асосланган мукаммал жавоб топилгани йўқ. Бу сусда илмий тахминлар мавжуд холос. Баъзи олимларнинг фикрича тил тахминан беш юз минг йиллар илми пайдо бўлган.

Маълумки, тил бошқа нарса ва ҳодисалар сингари табиқатнинг ҳарувчандир. Шундай экан, беш юз минг йил ичида тилларда қандай ўзгаришлар содир бўлганини тасаввур қилиш, уни илмий, ҳам амалий, ҳам назарий нуқтадан назардан ўрганиш мумкин эмас. Тил тараққиётининг ёзув пайдо бўлишидан аввалги ҳолати биз учун аниқ эмас. Биз фақат ёзув пайдо бўлгандан кейинги даврда рўй берган тил тараққиёти тўғрисида ёзма ёдгорликлардан фойдаланиб, фикр юритишимиз мумкин. Биз ёзув пайдо бўлгандан кейинги тилни ўрганиш илмининг пайдо бўлиши тўғрисидаги муаммони ёритишга имкон бермайди. Шундай бўлса ҳам, баъзи олимлар бу масалага ўз муносабатларини, фикрларини айтиб ўтишган.

Қадимги Юнонистонда файласуфлар тилни қай тарзда келиб чиққанлиги устида узоқ давр қизғин баҳс юритганлар. Тилшунослик тарихидан маълумки, бу масалада грек файласуфлари бир-бирига зид икки хил аразни ўртага ташлаган. Демокрит ва бошқалар (асримизгача бўлган 460—370 йиллар) тилда нарса номи билан нарса орасида ҳеч қандай боғланиш йўқ, бу номлар мазкур тилда гаплашувчи одамлар томонидан яратилган, демак, тил инсон томонидан яратилган, деган фикрнинг илгари суришган. Бу гуруҳ олимлар **аномалистлар** деб ном олган. Платон бошлиқ бошқа бир гуруҳ олимлар (асримизгача бўлган 427-347 йиллар) нарса билан унинг номи орасида муайян боғланиш бор. Бу боғланиш нарсаларнинг хусусиятларидан, табиатидан келиб чиққан ва бу боғланиш илоҳий куч томонидан яратилган, деган фикрнинг илгари суришган. Тарихда у оқим **аналогистлар** деб ном олган.

Ҳозирги тилшунослик нуқтадан назаридан қаралса, арасалар билан уларнинг номи орасида, умуман олганда ҳеч қандай боғланиш йўқ. Бу кўпчилик олимлар фикридан қайд этилган. Чунки нарса билан унинг номи

орасида боғлиқлик бўлганда тилларнинг сони 5000 дан ортиб кетмасди. Марксистик таълимотга кўра — тил инсоният ижоди, ижтимоий меҳнат маҳсулидир.

ТИЛНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ ТЎҒРИСИДА АСОСИЙ ФАРАЗЛАР

Товушга тақлид. Бу фараз қадимги Юнонистонда — Демокрит ва Платон даврида ўртага ташланган бўлиб, унга кўра ибтидий одамлар ё онгли, ё онгсиз тарзда турли-туман товушлар, яъни ҳайвонларнинг бақирқиқлари, қушларнинг сайраши, шамол ва шаршараларнинг овозлари ва ҳоказоларга тақлид қилишга ҳаракат қилишган. Ибтидий одамлар дастлаб айрим товушларни, кейинчалик бу товушларни бир-бирига қўшиб талаффуз қилишни ўрганишган; ана шу товуш ва товуш бирикмалари сўз ясашга асос бўлган, деган фикр илгари сурилади. Ҳар бир тилда табиат товушларига тақлид қилиш йўли билан пайдо бўлган сўзлар (масалан, рус тилида **кукушка, гавкать, шипеть (шипение)**, ўзбек тилида — **қарға, шаршара, каклик, чумчуқ, миёв, миёвламоқ**)нинг мавжудлиги бундай фаразга асос қилиб олинган. Аммо бу сўзлар тилдаги сўзларнинг жуда камчилигини ташкил этади. Табиатда товуш чиқармайдиган нарсаларнинг сони товуш чиқарадиганларга нисбатан кўп. Шундай бўлгач, товуш чиқармайдиган нарсаларга ном қардан олиб қўйилган, деган табиий савол туғилади. Товушга тақлид қилиш фарази тўғри бўлса, унда ибтидий жамиятда яшаган қабилалар тилида бундай усулда ясалган сўзларнинг сони фан ва техникаси ривожланган халқлар тилидагига нисбатан кўпроқ бўлиши керак. Лекин сўнгги йилларда Австралия ва Жанубий Америкада топилган, ибтидий тузумни бошидан кечираётган қабилалар тилида ўтказилган тажрибалар, бу тилларда товушга тақлид қилиш йўли билан ясалган сўзлар ривожланган тиллардагига нисбатан бирмунча камлигини кўрсатди. Ундан ташқари, табиатдаги бақирқиқ-чақирқиқ, шовқин-суронларга тақлид қилиш учун нутқ органларининг ўта ривожланган бўлиши зарурлиги ҳам аниқланган. Одамсимон маймуннинг тараққий қилмаган ҳиқилдоғи турли товушларга тақлид қила олмайди. Демак, товушга тақлид фарази тилнинг пайдо бўлиши масаласини ҳал қиллолмайди.

Маълумки, тил билан тафаккур бир вақтда пайдо бўлади. Шундай экан, юқоридаги фаразни илгари сурган файласуфлар ва тилшуносларнинг фикри тил билан

тафаккур бирлигига зиддир, чунки фаразда дастлабки тақлидий товушларни ибтидоий одамлар беихтиёр «изҳор қилишган» дейилади. Бундай ҳолда тил тафаккурдан аввал пайдо бўлган деган нотўғри хулоса юзага келиши мумкин.

Ундовлар фарази. Тилнинг пайдо бўлишига доир иккинчи кенг тарқалган фикр ундовлар фаразидир. Бу фараз ҳам қадимий бўлиб, унинг асосида ҳам ҳайвонларнинг бақриқ-чақриқлари ётади. Бу фараз асосчиларнинг фикрича, ибтидоий одамлар ҳайвонларнинг бақриқ-чақриқларини ўрганиб, улар орқали ўзларининг ички кечинмалари, ғам-аламларини ифодалашган. **ох, ух** каби ундов сўзлар бунга мисол қилиб кўрсатилади. Тилдаги бошқа сўзлар эса, ана шундай сўзларнинг бирикувидан келиб чиққан, деб тушунтирилади. Таниқли француз олими Жан Жак Руссо (XVIII аср) ҳам шу фикрни қувватлаган.

Дунёдаги барча тилларда бундай birlikлар мавжуд бўлиб, улар ёрдамида ҳар хил сўз туркумлари ясалиши мумкин: (рус тилида **охать, ухать**; ўзбек тилида **уфламоқ** ва ҳоказо). Лекин бу сўзларнинг миқдори шу қадар камки, тилдек мураккаб ҳодиса ана шу йўл билан пайдо бўлган, дейиш бу масалани жуда соддалаштириб юборган бўлур эди.

Маълумки, тилнинг асосий вазифаси одамлар орасида фикр алмашинувини таъминлашдир. Бинобарин, мазкур фаразни қабул қилиш тилнинг асосий вазифасини, тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини рад этишга олиб келади. Ички кечинмаларни изҳор қилиш доимо ҳам жамиятнинг бўлишини тақозо қилмайди. Ваҳоланки, тилнинг яшаши ва ривожланиши жамият билан узвий боғлиқ: жамият бор жойдагина тил бор, тил бор жойда жамият бор.

Меҳнат чақриқлари фарази. Бу фаразни илгари сурган олимларнинг фикрича, тил одамлар жамоа бўлиб меҳнат қилаётганларида меҳнатни ташкил қилишда фойдаланилган товушлар асосида пайдо бўлган.

Ҳозирги замон олимларининг далолат беришича, тилнинг пайдо бўлишида меҳнат чақриқларининг ҳеч қандай дахли йўқ, чунки у на одамлар орасида алоқа воситаси вазифасини бажаради, на нарса ва ҳодисаларнинг номини атайди ва на ҳис-ҳаяжонни ифодалайди. Бу фараз ҳам тилнинг келиб чиқиш сабабларини, тилнинг пайдо бўлишини жамиятнинг пайдо бўлиши, сўз-

лаш ва фикр юритиш қобилиятига эга бўлган инсониятнинг пайдо бўлиши билан узвий равишда боғлай олмайди.

Ижтимоий келишув фарази. Бу фараз XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлиб, уни илгари сурувчи олимлар баъзида бир-бирига зид хулосаларга келишган, уларнинг тилнинг келиб чиқиши тўғрисидаги асосий фикрлари бир хил. Қисқа қилиб айтганда, бу фаразга нарсаларни қандай аташни одамлар ўзаро келишиб олишган. Кўриниб турибдики, бошқа фаразларга қараганда бу энг оддий ва осон танқид қилиниши мумкин, чунки бирор нарса тўғрисида келишиб олиш учун, табиийки, келишув воситаси, яъни тил керак. Бинобарин, бу фараз тилнинг пайдо бўлишини эмас, балки тилни ривожланишининг бир йўналишини тушунтириши мумкин. Ҳозирги вақтда у ёки бу фанга тааллуқли сўз ва атамалар ўзаро келишиб олинади. Лекин буни тилнинг пайдо бўлишига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Тилнинг пайдо бўлиши тўғрисида марксча таълимот. Юқорида кўриб чиқилган тўрт фаразнинг асосий камчилиги, тилнинг пайдо бўлишини одамнинг пайдо бўлиши билан боғламаслигидир. Юқорида қайд қилинганидек, тил ва жамият бир-бири билан узвий боғланган, бири иккинчисини доимо тақозо қилади. Шу билан бирга тилнинг пайдо бўлишини изоҳлашда юқорида айтиб ўтилган фаразларнинг бирортаси тилнинг пайдо бўлишини атрофлича, материалистик нуқтан назардан ҳал қилиб бера олмасада уларнинг аҳамиятини буткул инкор этиб бўлмайди. Улар тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини тушунтиришга маълум даражада ўз ҳиссасини қўшишди.

Тилнинг келиб чиқиши масаласи диалектик материализм асосчилари К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан ёритиб берилди. Ф. Энгельснинг «Маймуннинг одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли»¹ асарида тилнинг келиб чиқиш муаммосига катга эътибор берилади. Ф. Энгельснинг ёзишича, бундан кўп юз минг йиллар бурун одамсимон маймунларнинг жуда тараққий қилган бир насли яшаган. Бу маймунлар даставвал дарахтга ўрмалаб чиққанда қўлларининг оёқларига қараганда бошқа вазифаларни бажаришни талаб қиладиган ҳаёт

¹ Ф. Энгельс. «Маймуннинг одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли». К. Маркс, Ф. Энгельс. Танланган асарлар. II том. Тошкент, 1959, 80—94-бетлар.

кечиришлари таъсири остида, ерда юрганларида қўллари ишлатиш одатини ташлай бошлаганлар ва тик юришни борган сари кўпроқ ўргана бошлаганлар. Ана шу йўл билан маймундан одамга айланиш учун қатъий қадам қўйилган. Тик юриш аввал одат бўлиб, сўнгра заруриятга айланган ва шу тариқа озод бўлган қўл, борган сари кўпроқ хилма-хил ишлар билан шуғулланган.

«Қўл фақат меҳнат органигина бўлиб қолмай, айти вақтда меҳнатнинг маҳсули ҳамдир. Бу одамсимон маймунлар жамоа бўлиб яшайдиган ҳайвонлар эди». Қўлнинг тараққий қилиши натижасида, меҳнат натижасида табиат устидан бошланган ҳукмронлик, илгарига қараб босилган ҳар бир янги қадам одамнинг билим даражасини кенгайтира борди. Табиат буюмларида у доимий равишда янги, шу вақтгача маълум бўлмаган хусусиятларни очиб берди. Иккинчи томондан, меҳнатнинг ривожланиши, зарурият орқасида жамият аъзоларининг янада яқинроқ жипслашувига ёрдам берди, чунки шунинг орқасида бир-бирларига ёрдам қилиш, биргалашиб ишлаш, тез-тез учрайдиган ҳодисалардан бўлиб қолди ва бу биргалашиб ишлашнинг фойдасини англаш жамиятнинг ҳар бир айрим аъзоси учун равшанроқ бўла борди. Қисқача айтганда, уюшган кишилар шу даражага етдиларки, уларда бир-бирларига ниманидир айтиш эҳтиёжи туғилди. Бу эҳтиёж ўзига керакли органини вужудга келтирди: маъмуinning тараққий қилмаган ҳиқилдоғи аста-секин, лекин тўхтовсиз модуляция йўли билан, борган сари тараққий қилган. Модуляция ўзгариб турди, оғиз органлари эса аста-секин аниқ ва равшан товушларни чиқаришни ўрганди.

Тил — меҳнат процессида ва меҳнат билан бирликда тараққий қилган.

Тил билан тафаккурнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги масаласи ҳам буюк олим назаридан четда қолмади. «Авалло меҳнат, сўнгра у билан бирга бурро-бурро қилиб сўзлаш иккита энг муҳим сабаб бўлдики, бу сабаблар таъсири остида маймуinning мияси секин-секин одам миясига айланди»¹. Мия ва сезги органларнинг тараққий этиши, онгнинг ривожланиши мавҳум тафаккур-

¹ Ф. Энгельс. «Маймуinning одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли». К. Маркс, Ф. Энгельс. Танланган асарлар, II том, Тошкент, 1959, 84-бет.

ни юзага келтирди. Булар эса ўз навбатида меҳнат ва тилни янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Меҳнат, тил ва онг орасидаги бундай муносабат келажакда ҳам давом этди ва ҳозир ҳам давом этмоқда.

Шундай қилиб, одамни ҳам, тилни ҳам коллектив ижтимоий меҳнат яратди. Ибтидоий жамият бошларида пайдо бўлган бошланғич тил вақт ўтиши билан ўзгариб, тараққий этди.

ТИЛЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Қабила ва уруғ тиллари. Ижтимоий формациялар ва тил. Кишилар ибтидоий жамиятнинг дастлабки даврларида тўда-тўда, яъни уруғ бўлиб яшаганлар. Уруғ кишилар жамиятининг энг кичик, оддий ҳамда қадимий уюшмасидир.

Бир нечта қардош уруғлар қабила ташкил қилган. Бундай уюшмаларнинг ҳар бирининг ўз тили, ўз алоқа воситаси бўлган. Ф. Энгельс бу ҳақда шундай деган эди: «Қабиланинг айрим ўзига хос диалекти (шеваси) бор. Ҳақиқатда қабила демак — аслида диалект демакдир»¹.

Маълумки, жонли мавжудот кўпайиш хусусиятига эга. Вақт ўтиши билан қабила аъзолари кўпайиб, кенгроқ ҳудудга тарқала бошлайди. Бошқа жойларга кўчиб кетган қариндош қабилалар маълум ижтимоий-иқтисодий шароитларда бир тилнинг турли шеваларида сўзлашувчи қабилаларнинг уюшмасига — қабила иттифоқларига бирлашади. Қабила иттифоқларининг умумий тили бўлиб, айрим қабила тиллари қабила иттифоқи тилига нисбатан шева ҳолатини эгаллайди.

Қардош қабилалар иттифоқи вақти келиб халқни ташкил қилади. Кишилиқ жамиятини бу уюшмасининг асосий белгилари: умумий тил, умумий ҳудуд, маданият ва маънавий тахлитнинг умумийлигидир.

Халқнинг асосий белгиларидан бири бўлган миллий тил бир-биридан фарқ қилувчи шеваларни ўзаро яқинлаштирувчи, етакчи, иқтисодий ва маданий марказ тили сифатида намоён бўлади.

Шевалар, миллий тиллар уруғчилик давридан бошлаб сон жиҳатдан кўпайиб боради. Аввал бир қабила иттифоқига кирган тилларда марказдан узоқлашган сари, шевага хос фарқ орта боради ва охир натижада бу фарқ

¹ Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. Тошкент, 1956, 103-бет.

янги тил пайдо бўлишига олиб келиши мумкин; сон ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келади. Янгидан-янги шева ва тилларнинг пайдо бўлишида икки омил: вақт ва масофа ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир; вақт ўтган сайин, масофа кенгая бориши, янги шева ва тиллар пайдо бўлишига олиб келади.

Фарқланиш ва мужассамлашув. Шеваларнинг сони кўпайиши ва улар асосида янгидан-янги тилларнинг вужудга келишини тилшуносликда фарқланиш тушунчаси билан белгилашади. Шундай қилиб, фарқланиш деганда тилларни шеваларга парчаланиши тушунилади, бир тилга мансуб шеваларнинг миқдорини ортиб бориши англашिलाди.

Тилнинг шевадан фарқи шуки, тил бутун бир халққа хизмат қилади, шева эса халқнинг бир гуруҳигагина тааллуқлидир. Шу сабабдан тил кўп функцияли, ҳамма учун умумий алоқа воситаси, яъни инвариант воситадир, шева эса, вазифа нуқтаи назардан чегараланган бўлиб, тилнинг бир вариантыни ташкил этади.

Халқ тили ёзма-адабий тил кўринишида ҳам намоён бўлиши мумкин, лекин унинг ҳамма тилларни бирлаштириш қобилияти бу даврда анча ожиз ва таъсир кучи кам бўлади.

Жамиятнинг муайян тарихий шароитида халқлар тараққий қилиб, миллат бўлади. Миллатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун албатта кўп сонли одамлар орасидаги иқтисодий муносабат бўлиши зарур. Миллатнинг асосий белгилари: **умумий ҳудуд, умумий тил, умумий маданият ва маънавий бирликдир.** Шу белгиларни ўзида мужассамлаштирган кишилар уюшмасини **миллат** дейиш мумкин. Бундай уюшманинг тилини биз **миллий тил** деб атаемиз.

«Капитализмнинг феодализм устидан узил-кесил ғалаба қилган даври бутун дунёда миллий ҳаракатлар билан боғлиқдир. Бу ҳаракатларнинг иқтисодий асоси шуки, товар ишлаб чиқариш тўла ғалаба қилиши учун буржуазия ички бозорни эгаллаши керак, аҳолиси бир тилда сўзлашувчи ҳудудлар давлат йўли билан бирлаштирилиши, бу тилнинг тараққийси ва адабиётда маҳкам ўрнашиши йўлидаги барча тўсиқлар бартараф қилиниши керак. Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир; тил бирлиги ва унинг бемалол ривожланиб бориши ҳозирги капитализмга мувофиқ келадиган ҳақиқат эркин ва кенг савдо оборотининг, аҳолининг ҳамма айрим

синфларга эркинлик билан ва кенг суръатда бирлашишнинг энг муҳим шартларидан бири «Миллатлар — ижтимоий тараққиётидаги буржуа даврининг муқаррар маҳсули ва муқаррар формасидир».

Тил бирлиги ва унинг эркин ривожланиши миллатнинг асосий белгиларидан биридир. Миллий тилнинг халқ тилидан фарқи, унинг адабий ёзув шаклини мавжудлигидир. Миллий тилнинг бу шакли мазкур миллатнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир шева учун умумийдир. Ҳар бир миллатнинг маданий мероси ана шу тилда ўз аксини топади.

Ҳар бир тил турли ривожланиш даврини бошидан кечиради. Бирорта тил пайдо бўлганидан бошлаб то ҳозиргача фақат ўз-ўзинча ривожланиб келяпти дейиш мумкин эмас. Маълумки, тил инсон билан боғлиқ. Тил ўз-ўзидан ривожланмайди; фақат жамият тилдан фойдалангани учунгина у ривожланади: ўзгариб туради. Демак, тилнинг ривожланиш тарихи, жамият тарихи билан узвий боғланган.

Субстрат ва суперстрат ҳодисаси. Тил тараққиётида қўшни халқлар ўртасидаги турли муносабатлар, савдосотиқ ва маданий алоқалар, урушлар ўз таъсирини қолдиради. Бундай ҳодисалар баъзи тилларда кўпроқ, баъзиларида эса камроқ акс этади. Масалан, ҳозирги замон инглиз тили луғат бойлигининг фақат 30 фоизи соф инглиз тилига оид, қолганлари роман ва шарқ тилларидан кирган сўзлардир. Тилларнинг бундай муносабатлари тиллар ҳамкорлиги дейилади. Тиллар ҳамкорлигида тилларнинг чатишувига одатда катта аҳамият берилади. Баъзи олимларнинг фикрича, ҳар қандай ҳамкорлик ҳам тиллар чатишувига киравермайди. Масалан, бир тилдан иккинчи тилга сўз ўзлаштирилиши тиллар чатишувига кирмайди, чунки ўзлаштирилган сўзлар тилнинг грамматик қурилишига ўз таъсирини ўтказмайди: араб тилидан ўзбек тилига ўзлаштирилган сўзлар бунга яхши мисол бўла олади.

Франциянинг XI асрда Британия оролини босиб олиши ва француз тили билан англосаксон тиллари орасидаги алоқа чатишувга энг яхши мисолдир. Маълумки, бу ерда голиблар тили бўлмиш француз тили билан, маълумлар тили — англосаксон тиллари орасида узоқ вақт давом этган урушдан кейин, голиблар ўз тилини йўқотиб, англосаксон тилини қабул қилишларига тўғри келди. Шунинг ҳам айтиш керакки, англосаксон тили ҳам фран-

цуз тилидан баъзи элементларни қабул қилди. Чатишув содир бўлганда субстрат ва суперстрат (бу сўзлар лотинча бўлиб, биринчиси таг қатлам, иккинчиси эса устки қатлам деган маъноларни англатади) ҳодисалари тўғрисида гап юритиш мумкин.

Ҳар иккала тушунча мағлуб тилнинг ғолиб тилдаги элементларидир. Агар мағлуб тилнинг элементлари ғолиб тилнинг фонетик, грамматик тузилишини бузиб, унга фаол таъсир қилган бўлса, унда субстрат (суперстрат) ҳодисалари рўй беради. Бир тилдан иккинчи тилга сўз ўзлаштириш субстратга қирмайди. Субстрат юз берганда келгиндилар тили маҳаллий тилни сиқиб чиқаради ва ишлатилишдан чиқиб кетаётган тил келгиндилар тилига сезиларли таъсир кўрсатади.

Суперстрат ҳодисасида эса, келгиндилар тили маҳаллий тил билан курашиб, унга сезиларли даражада таъсир ўтказади, лекин уни сиқиб чиқармайди. Бунга Британия оролини нормандлар томонидан босиб олиниши ва норманд тилининг инглиз тилига ўтказган таъсири энг яхши мисол бўла олади.

Шуни қайд қилиш керакки, тилдаги ўзгаришлар кескин, тўсатдан содир бўлмайди: тилда инқилоб бўлмайди, тилдаги ўзгаришлар аста-секин, эволюцион йўл билан амалга ошади. Шу билан бирга тил тараққиётида турғунлик ҳам бўлмайди, у доимо ривожланишдадир.

1. **Миллий тиллар тараққиёти.** Юқорида айтганимиздек, миллий тилларнинг пайдо бўлиши миллатнинг пайдо бўлиши билан узвий боғланган.

Миллат ва миллий тилларнинг пайдо бўлиши турли халқларда турлича амалга ошади. Бу ижтимоий тузумга ҳам боғлиқ бўлиб, ҳамма ерда бир вақтда содир бўлавермайди.

К. Маркс ва Ф. Энгельс миллий тиллар уч йўл билан пайдо бўлиши мумкинлигини айтиб ўтишган¹.

Биринчиси миллий тил пайдо бўлгунга қадар мавжуд бўлган бирор бир шевага миллий тил мақомини бериш. Бунга ҳозирги замон француз тили яхши мисол бўла олади.

Француз миллий тилининг асосида Париж ва унинг атрофида кенг тарқалган Иль-де-Франс шеваси ётади. 1539 йилда Франциск I нинг буйруғи билан бу шева Франциянинг ягона давлат тили деб эълон қилинди.

¹ К. Маркс, Ф. Энгельс. Асарлар, 3-том, 427-бет (русча нашри).

Иккинчиси чатишув орқали бўлиб, унга инглиз тили қулай мисолдир. Инглиз тили асосан уч даврни бошидан ўтказган: биринчи давр қадим замонлардан то XI асрга-ча бўлган давр. Бу даврда англлар, сакслар ва ютлар Британияни босиб олиб, маҳаллий кельт (ҳозирги шотландлар, ирландлар ва уэлсларнинг қадимий аждодлари) қабилаларини Бретань ярим оролига ҳайдаб, ўзлари Британия оролига ҳукмрон бўлиб олган даврдир. Бу даврнинг охирида, IX—X асрларда англосакслар ва данияликлар орасида урушлар бўлиб ўтади ва бу урушда данияликлар енгиб, англосаксларга қўшилиб, чатишиб кетадилар.

Иккинчи давр XI—XV асрларни ўз ичига олади. Бу вақт ичиде нормандлар Британияни босиб олиб, ҳукмронликни ўз қўлларига оладилар. Улар француз тилида, англосакслар — герман тилида гаплашардилар. Бу икки тил орасида узоқ вақт кураш бўлиб, оқибатда маҳаллий тил енгиб чиқди, лекин француз тили англосакслар тилига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатди. Жумладан, инглиз тили тарихида содир бўлган «унлиларнинг буюк силжиши» француз тили суперстрати билан тушунтирилади.

Учинчи давр XVI асрнинг охири, Шекспир ижодининг бошланиши билан боғланган. Бу англосаксон тили орасидаги чатишув жараёни тугаб, миллий инглиз тилининг барпо бўлиш даврига тўғри келади.

Учинчи йўл билан, яъни шеваларнинг мужассамлашуви орқали миллий тилнинг ҳосил бўлишига рус ва ўзбек миллий тилларининг шаклланишини мисол қилиб келтириш мумкин. XVI—XVII асрда Москва давлатининг пайдо бўлиши билан бир вақтда Москва диалекти асосида рус миллий тили шакллана бошлайди. Маълумки, Москва ўша вақтда шимол ва жануб диалектларининг туташадиган маркази эди.

Олимлар фикрича, ўзбек тили XI—XII асрларда маълум ижтимоий-тарихий шароитларга кўра халқ тили ҳолатида шакллана бошлаган.

Ўзбек тилига қорлуқ — чигил — уйғур таянч шевалари асос бўлган. Бу шева Тошкент, Фарғона, Самарқанд — Бухоро шеваларини ўз ичига олади. Ҳозирги ўзбек адабий тили фонетик жиҳатдан асосан Тошкент шеvasига ва морфологик жиҳатдан Фарғона шевасига асосланган.

Миллий тилларнинг шаклланишида бадий сўз усталари, ёзувчи ва шоирларнинг ҳиссаси жуда каттадир. Жумладан, ўзбек тилининг шаклланишида Алишер Навоий ва Бобур, рус миллий тилининг тараққиётида А. С. Пушкин, янги грузин тили учун — Шота Руставели, немис тили учун — Мартин Лютер, инглиз тилининг ривожланишида В. Шекспир ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Мустиқил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Тилнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги қандай фаразларни биласиз?

2. Қадимги Юнонистондаги «аномалист»лар ва «аналогист»лар тўғрисида сўзлаб беринг.

3. Товушга тақлид, ундов, меҳнат чақириқлари ва ижтимоий келишув фаразларининг ижобий ва салбий томонларини асосланг.

4. К. Маркс ва Ф. Энгельснинг тил ҳақидаги фикрларини таърифланг.

5. Одам ва тилнинг пайдо бўлишига нималар сабаб бўлган?

6. Қабил ва уруф тилларининг шаклланишини тушунтириб беринг.

7. Тил ва иқтисодий-ижтимоий тузумлар ўртасидаги боғлиқликни тушунтириб беринг.

8. Фарқланиш ва яқинлашув ҳодисалари тўғрисида нима биласиз?

9. Миллат нима ва у қачон пайдо бўлган? Миллатларнинг гуллаб-яшнаши қайси даврга тўғри келади?

10. Миллий тилларнинг шаклланиши қандай йўллар билан амалга ошади? Субстрат ва суперстрат ҳодисалар нима?

ФОНЕТИКА

Инсон нутқи замон ва маконда кетма-кет пайдо бўладиган кичик ва катта бирликлардан ташкил топади.

Тилда уч асосий қатлам — фонетика¹, лексика, грамматика (агар грамматика морфология ва синтаксисга

¹ Фонетика атамаси грекча *phone* — «товуш» сўздан олинган бўлиб, яқки маънода: маълум бир тилнинг товушлар системаси, товуш воситалари ҳамда ана шу товушлар системаси, товуш воситаларини ўрганадиган фан маъносига қўлланади.

ажратилса, —4 қатлам) фарқланиб, улар ўз олдига қўйилган вазифага кўра нутқни таркибий қисмларга ажратади.

Фонетик жиҳатдан нутқ тўрт таркибий қисм: жумла, такт, бўғин ва товушга ажралади. Фонетика ана шу тўрт бирликни тилда тутган ўрни, тури ва хусусиятларини ўрганади. Товушлар талаффузи нутқ органларига боғлиқлиги туфайли фонетика нутқ аппаратини ҳам ўрганишни назарда тутди. Фонетика, шунингдек, нутқнинг, урғу, интонация ва шу каби бошқа таркибий қисмларини ҳам ўрганади.

НУТҚНИНГ ФОНЕТИК ЖИҲАТДАН БЎЛИНИШИ

Юқорида айтилганидек, нутқ фонетик жиҳатдан фраза, такт, бўғин ва нутқ товушларига ажратилади. Грамматика ҳам нутқни таркибий бўлақларга ажратади: гап, сўз бирикмаси (фраза), сўз ва морфемаларга, гарчи ҳар икки қатлам нутқнинг сон нуқтаи назаридан бир хил бўлса ҳам, сифат жиҳатдан улар бир-бирига мос келмайди. Бу хусусият бирликлар кўрилаётганда қиёслаб таърифланади.

Фраза нутқнинг энг катта фонетик бирлиги бўлиб, икки томонидан пауза билан чегараланиб, ўзига хос оҳангга эга бўлади. Масалан, **Қуёш тик келган (Ойбек). Гулнор чолнинг чиқиб кетишини кутиб, деворга қисилган ҳолда турди (Ойбек). Шипи паст, деворлари юпқа, торгина дўконхона, ҳар вақтдагидек ивирсиқ (Ойбек).**

Биринчи гап битта, иккинчиси иккита фразадан ташкил топганлиги аниқ кўриниб турибди. Учинчи гапда нечта фраза борлигини айтиш қийин. Гап шундаки, нутқда фразани ажратиш кўпинча субъектив сабабларга боғлиқ бўлиши мумкин. Бу гапирувчи нутқнинг равонлиги ва тезлигига боғлиқ. Тез гапирувчилар бу гапни иккита фразага, секин гапирувчилар эса тўрт фразага ажратишлари мумкин.

Қиёслаб:

Шипи паст, деворлари юпқа, торгина дўконхона//ҳар вақтдагидек ивирсиқ.

Шипи паст. // деворлари юпқа, // торгина дўконхона, // ҳар вақтдагидек ивирсиқ.

Шундай экан фонетик бирлик бўлмиш жумла ва

грамматик бирлик гап доимо бир-бирига тўғри келмайди. Гап битта ёки икки ва ундан ортиқ фразадан ташкил топган бўлиши мумкин. Грамматик бирлик бўлмиш гапнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Гап бўлиши учун икки томондан пауза билан ажратилган бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Гап бир сўздан ёки бир неча сўзнинг бирикувидан тузилган бўлиши мумкин. Унинг асосий белгиси — предикативликдир. Ҳар қандай гап эга-кесимлик муносабатига эга бўлиши ва бу бирликда доимо грамматик замон, шахс ва майл ифодаланиши зарур (синтаксис қисмига қаранг).

Фразалар **такт**лардан ташкил топган бўлади. Фразанинг икки кичик паузаси орасига жойлашган ва ягона урғу билан талаффуз қилинадиган бир ёки бир нечта бўғиннинг йиғиндисига **такт** деб айтилади. Фразада нечта урғу бўлса, шунча **такт** бўлади.

Ҳаво булут эди гапида иккита урғули сўз бор: **ҳаво** ва **булут**; учинчиси — урғусиз. Демак, бу гап иккита тактдан иборат: биринчиси — **ҳаво** ва иккинчиси — **булут** эди.

Одатда урғу олмаган сўзлар урғу олган сўзларга бирикиб келади. Агар урғу олмаган сўз урғули сўздан олдин туриб унга боғланса, уни тилшуносликда **проклитик элементлар** дейилади. Масалан, рус тилида **на работу, за мир** бирикмаларидаги **на** ва **за** элементлари проклитикадир. Аксинча, агар урғусиз сўз урғули сўздан кейин келиб, у билан боғланган бўлса, уни **энклитик элементлар** дейилади, юқоридаги ўзбек тилидан келтирилган мисолда **булут** эди бирикмасидаги **эди** энклитик элементдир.

Фонетик бирлик бўлмиш **такт** грамматикадаги сўз бирикмаси билан қиёсланса, улар ҳеч вақт бир-бирига тўғри келмайди. Чунки грамматик бирликда урғули сўз доимо бирдан ортиқ бўлади. Гап шундаки, сўз бирикмаси деганда камида иккита мустақил сўзларнинг синтактик қўшилмаси назарда тутилади, масалан: **хушхўр қиём, кўркам уй, мустаҳкам тинчлик** ва шу каби-лар.

Такт бўғинлардан ташкил топади. Бўғин бир ёки бир неча товушдан ташкил топиб, бир зарб билан талаффуз қилинадиган фонетик бирликдир, масалан, **онилалар** сўзида 4 бўғин бор. Бўғин асосан унли товушлар билан боғланган. Тактда нечта унли товуш бўлса, унда шунча

бўғин бўлади. Бу универсал ҳодисадир. Лекин баъзи тилларда бўғинни сирғалувчи, сонор товушлар ҳам ҳосил қилиши мумкин.

Ўзбек тилида бўғин бўлиши учун албатта унли бўлиши керак. Тилларда бўғин тузилиши бир хил эмас. Тиллардаги бўғинларда унли ва ундош товушларнинг кетма-кетлигига қараб ҳам уларни турларга ажратиш мумкин. Ўзбек тилида бўғин икки ёки ундан ортиқ ундош товушларнинг кетма-кет келиши билан бошланмайди; унлидан кейин ҳам ҳар бир бўғин таркибида уч ё ундан ортиқ ундош учрамайди. Славян тилларида бундай ҳол учраши мумкин: **Трка** (чех тилида), **текст** (интернационал сўз), **стрелка** (рус тили) ва ҳоказо. Бўғинлар унли ва ундош билан бошланиб, тугашига қараб тўрт хил бўлади: **очиқ, ёпиқ, беркитилган** ва **беркитилмаган**.

Ундош товуш билан тугаган бўғин ёпиқ бўғин дейилади: **мак-таб**. Бу сўзнинг иккала бўғини ҳам ёпиқ.

Унли товуш билан тугаган бўғин очиқ бўғин дейилади: **но-ғо-ра, ва-фо** ва бошқалар.

Ундош товуш билан бошланган бўғин беркитилган (ёпилган) ва унли билан бошлангани эса, беркитилмаган (ёпилмаган) бўғин дейилади: **ол-ма** сўзининг биринчи бўғини беркитилмаган, иккинчиси эса беркитилган. Шундай қилиб, бўғинлар изоҳланаётганда улар қандай товуш билан бошланиши ва қандай товуш билан тугаши ҳисобга олинishi лозим. Бу жиҳатдан бўғинлар қуйидаги турларга эга бўлиши мумкин:

беркитилмаган очиқ бўғин: **о-лим** (биринчиси);

беркитилмаган ёпиқ бўғин: **афт**;

беркитилган очиқ бўғин: **да-ла**;

беркитилган ёпиқ бўғин: **даф-тар**.

Сўз материал таркиби (лексик-грамматик) ва артикуляция-акустика (фонетик) нуқтаи назаридан таркибий қисмларга ажратилади. Сўзни гапирувчи товушлар эмас, балки бўғинларга ажратиб талаффуз қилади. Шунинг учун бўғин нутқнинг энг кичик артикуляция-акустика бирлигини ташкил этади.

Бўғиннинг маъно англатиши ёки англатмаслиги фонетика учун аҳамиятсиздир. Сўз морфемаларга ажратилаётганда уларнинг маъно англатиши эътиборга олинади, чунки морфема энг кичик маъно англатувчи тил бирлигидир. Баъзи ҳолларда лексик-грамматик бирлик (морфема) ва артикуляцион-акустик бирлик (бўғин) бир-би-

рига тасодифан мос келиб қолиши мумкин. Аслида, айтганимиздек, улар иккита ва икки хил бирликлардир. **Фай-ла-суф** сўзи бир морфема, лекин уч бўғиндан иборат. **Мен** сўзи бир бўғин, лекин иккита морфемадан ташкил топган: **м-ен**; **иш-чи-лар** сўзи уч бўғин ва уч морфемадан ташкил топган.

БҶҒИН

Тилшунослик фанида бўғин таърифига алоқадор бир нечта назария мавжуд. Шулардан иккитаси: фонологик бўғин назарияси ва фонетик бўғин назарияси бошқаларига қараганда кенгроқ тарқалган.

Фонологик назария бўғинда унли ва ундош товушларнинг жойлашиш тартибини ўрганеди. Бу назарияда асосан бир бўғинли сўзларнинг товуш тузилиши ўрганилиб, унлидан олдин туриши мумкин бўлган ундошларнинг сони ва сифати ҳамда унлидан кейин келиши мумкин бўлган ундошларнинг сони ва сифати аниқланади. Бунинг натижасида муайян тилга хос идеал фонологик бўғин модели яратилади. Рус тилида унлидан олдин тўртта ундош (масалан: **всплеск, вскрыть**), унлидан кейин ҳам тўрттагача ундош учраши мумкин (**монстр, черств**). Демак, рус тилида максимал идеал фонологик бўғиннинг кўриниши қуйидагича бўлади:

Унд/сирғ. Унд/сирғ. Унд/порт. Ун/сон. Унд/сон. Унд/сирғ.

Унд/порт. Унд/сирғ, ёки портловчи. Бу моделда Унд. —

ундош ва U_n — унли ўрнида турибди.

Рус тилидаги бошқа бўғинлар ана шу модель асосида ўрганилади.

Фонологик бўғин назарияси кўп бўғинли сўзлардаги бўғин чегарасини аниқлашда кўп фойда бермайди. Масалан, **грусть** билан **грустить** сўзларини бир-бирига қиёслаб, иккинчи сўзни биринчи сўз модели асосида бўғинларга ажратмоқчи бўлсак, **груст-ить** сингари бўғинларга ажратишга тўғри келади, лекин кўпчилик бу сўзни **грустить** каби бўғинларга ажратади. Чунки кўп бўғинли сўзни бўғинларга ажратиш, товушларни бўғинларга бириктиришда бошқа қонуният фонетик ўлчов кучга киради.

Бўғинга фонетик бирлик сифатида ёндошишда ҳам турли фикрлар бор. Шулардан акустик ва артикуляцион назарияларни кўриб чиқамиз.

Бўғинга акустик бирлик деб қаралганда, уни нутқ оқимининг жарангдорлигини тартибга келтирувчи бир восита деб тушунилади. Гап шундаки, ҳар бир нутқ товуши (фон) ўзига хос жарангдорлик хусусиятига эга. Уларнинг ана шу хусусиятининг кам-кўплигига кўра қуйидаги тартибда жойлаштириш мумкин (жарангдорликнинг тартиб боришига кўра); жарангсиз портловчилар (п, т, к) — жарангсиз аффрикатив (қоришиқ) (ч, ц) — жарангсиз сирғалувчилар (ф, с, ш, х) — жарангли портловчилар (б, д, г) — жарангли аффрикатлар (ж) — жарангли сирғалувчилар (в, з) — бурун сонанглари (м, н, нг) — сокин сонантлар (л) — тор унлилар (и, у) — ўрта унлилар (э, ў) — кенг унлилар (а, о).

Бу назарияга биноан ҳар бир сўз жарангдорлик нуқтаи назаридан тартибга келтирилган бирликдир, бўғин эса, ана шу бирликнинг бир тўлқинини ташкил этади. Унлилар жарангдорлик жиҳатдан ундошлардан афзал туриши учун, улар бўғиннинг чўққисини ташкил этади, ундошлар эса чўққининг ён бағирларига (икки ёнига) жойлашади, масалан: фармон, тиклаш, турдош. Шундай қилиб, бўғинлар жарангдорлик даражаси турлича бўлган фонларнинг бирин-кетин жойлашиши маҳсулидир. Лекин ҳамма бўғинлар ҳам товушлар жарангдорлиги тартиб бориши принципига асосан тузилавермайди. Масалан, рус тилида мстить сўзидаги биринчи м товуши жарангдорлик жиҳатдан ундан кейин келаётган с товушига нисбатан устун туради. Шундай экан акустик назарияни мукаммал дейиш қийиндир.

Бўғинни артикулятор бирлик деб талқин қилишда ҳам турли ёндошиш кўзга ташланади. Баъзилар бўғин мазкур бўғиндаги талаффузи қийин бўлган ундошлар талаффузини унлилар ёрдамида осонлаштириш деб тушунишса, бошқалар бу бирликни нутқ нафаси билан боғлашади. Бу фикрга асосан бир бўғин бир нафас турткисига тўғри келади: бир нафас билан бўғинни ташкил этувчи фонлар талаффуз қилинади.

Замонавий экспериментал фонетик тадқиқотлар Унд-Ун ни энг кичик талаффуз бирлиги эканини тасдиқлайди. Бундай бирликлар бир артикуляцион ҳаракат асосида талаффуз қилинади. Нутқ эса бундан кичик артикуляцион бирликларга бўлинмайди. Муайян турдаги бўғинларни ташкил этувчи товушлар талаффуз жиҳатдан узил-кесил мустақил бўлмай, бир-бирига боғлиқ

бўлиб, бўгин деб аталмиш каттароқ бирликнинг ташкил этувчиларидир.

Сўзларни бўгинларга ажратиш масаласида ҳам фикрлар уйғунлиги йўқ. Баъзилар сўзларни бўгинга ажратишда унинг морфологик тузилишига, бошқалар эса сўзларни очиқ бўгинларга бўлишга асосланадилар; учинчилар фикрича, агар икки унли орасида икки ёки ундан ортқ товуш турса, уларнинг жарангдорлик хусусияти ҳисобга олинади. Бўгин чегараси бу хусусият кўпроқ бўлган товуш билан бундай хусусияти камроқ бўлган товуш орасидан ўтади.

Бу масалада кўпчиликнинг фикри — экспериментал-фонетик тадқиқотлар натижасига амал қилиш, бўгинларни ягона артикуляцион ҳаракат асосида аниқлашдир. Масалан: **Маму позвали в школу** гапини мазкур назария асосида қуйидагича бўгинларга бўлиш керак: **ма-му-по-зва-ли-вшко-лу**¹.

Нутқ товушлари. Фонетика нутқнинг энг кичик маъно англатмайдиган бирликлари — нутқ товушлари фонлар билан ҳам шуғулланади. Фонлар нутқнинг моддий базаси бўлиб, сўз, сўз бирикмалари, гап ва текстларни шакллантиришда бевосита аҳамиятга эгадир, чунки инсон тили — товушлардан таркиб топади.


Фонлар асосан учта акустик, физиологик ва ижтимоий нуқтаи назардан ўрғанилади. Нутқ товушларининг акустик ва физиологик томонларини фонетика, ижтимоий ёки социал шароитларини фонология ўрғанади.

Нутқ товушларининг акустик хусусияти деганда, уларнинг физик хусусиятлари, яъни қулоққа чалиниши, эшитила олиниш хусусиятлари тушунилади. Маълумки, ҳар қандай товуш бирор жисмнинг бошқа жисм таъсирида тебраниши натижасида пайдо бўлади. Нутқ товушларининг пайдо бўлиши ҳам ана шундай тебраниш натижасидир. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими товуш найчаларини тебратиши ва нутқ органларида ҳосил бўладиган шовқин натижасида нутқ товушлари вужудга келади.


Нутқ товушларининг акустик хусусияти, уларнинг кучи, баландлиги, тембри ва чўзиқ-қисқалиги билан ифодаланади.

¹ Бу масалани ёритишда қуйидаги адабиётдан кенг фойдаланилди: Л. В. Бондарко, Л. А. Вербицкая, М. В. Гордина. Основы общей фонетики. Л., 1983, 73—81- бетлар.

Нутқ товушларининг кучи ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг қаршилиқ кўрсатаётган нутқ органларига куч билан урилишига боғлиқ. Бу кучланиш қанчалик шиддатли бўлса, тебраниш даражаси шунчалик катта, товуш ҳам шунчалик кучли бўлади. Товушларнинг бу хусусияти амплитуда дейилади. Тебранаётган жисмнинг дастлабки, ҳаракатсиз ҳолатидан тебранишнинг юқори ва пастки нуқтасига бир марта бориб келиши амплитуда атамаси билан белгиланган. Жисмнинг сукунат ҳолатидаги нуқтасидан тебранишнинг юқори ва пастки нуқталари қанчалик узоқ бўлса, товуш шунча кучли бўлади.




1- расм.




2- расм.

Биринчи расмда амплитуданинг катта, товушнинг кучли, иккинчи расмда амплитуданинг кичик, товушнинг кучсиз ҳолати кўрсатилган. Амплитуданинг катта ва кичиклигини ҳаракатсиз ҳолат нуқтаси (А) билан тебранишнинг юқори (В) ва пастки (С) нуқталари кўрсатиб турибди, акустикада товуш кучи децибал билан ўлчанади.

Нутқ товушларининг баландлиги тебраниш миқдори га боғлиқ: вақт бирлиги (сония, дақиқа) ичида тебранишларнинг сони қанча кўп бўлса, товуш шунча баланд бўлади. Акустикада тебраниш миқдори герц (гц)лар билан ўлчанади. Схемада буни қуйидагича кўрсатиш мумкин:



3- расм.



4- расм.

Табийки, 3- расмдаги товуш 4- расмдагидан баланд, чунки 3- расмда А ва В вақт ичида тебраниш миқдори 4- расмдагига қараганда кўп. 1 герц тебранаётган жисмнинг тебраниши юқори ва пастки нуқтасига тенг. Шундай экан, 3- расмдаги товушнинг баландлиги 12 гц, 4- расмдагиники эса 8 гц га тенг.

Нутқ товушларининг тембри деганда уларнинг сифати

тушунилик, унга асосий ёрдамчи тонлар ва шовқин бирикмаси киради. Гап шундаки, товушлар фақат куч ва баландлик билан изоҳланмай, балки куч, баландлик, қўшимча обертон ва шовқинлар қўшилмасидан ташкил топади. Қўшимча тон (обертон)лар оғиз ва бурун бўшлиғида асосий товуш тонига қўшимча тонларнинг таъсири натижасида пайдо бўлади. Шундай экан нутқ товушларининг тембри резонатор вазифасини ўтовчи оғиз ва бурун бўшлиқларининг ҳажми ва шаклига ҳамда оғиз бўшлиғи ва бўғиздан ҳосил бўладиган шовқинларнинг қандай бўлишига ҳам боғлиқ. Тембр бўлмаса, бир кишининг нутқини иккинчисиникидан ажратиш қийин. Чунки ҳар бир шахснинг оғиз ва бурун тузилишида — ўзига хос хусусиятлари бўлиши табиийдир.

Нутқ товушлари акустик хусусиятининг яна бир таркибий қисми узун-қисқа бўлишидир. Бу хусусият унлиларга хос бўлиб, маълум вақт ичида унлиларнинг узун ва қисқа талаффуз қилинишидир. Масалан, инглиз тилида узун ва қисқа [u] ва [u:] унлилари бор. Узунлик миқдори миллисекунд билан ўлчанади.

Нутқ товушларининг физиологик хусусияти деганда нутқ товушлари талаффуз қилинаётганда қайси нутқ органлари иштирок этиши тушунилади. Масалан: б — лаб-лаб товуши; в — лаб-тиш товуши ва ҳоказо.

Нутқ товушларининг ижтимоий хусусияти деганда, уларнинг морфема ва сўзларнинг маъноларини ўзгартира олиш қобилиятлари тушунилади. Аввал айтганимиздек, бу масалани фонетика эмас, фонология ўрганади. Масалан: от-ўт, қор-нор-зор.

ФОН ВА ФОНЕМА

Товушлар фонетика бирлиги сифатида ўрганилганда нутқ товушлари ёки фонлар деб юритилади. Фон ҳозирги замон тилшунослигида кенг тарқалган атама бўлиб, нутқнинг энг кичик маъно англатмайдиган бирлигидир.

Товушлар тил бирлиги сифатида ўрганилганда тил товушлари ёки фонемалар деб юритилади. Фонема энг кичик маъно англатмайдиган тил бирлигидир. Фон ва фонемани бир-биридан ажратиш XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошига тўғри келади. Оғзаки нутқ ва ёзувга диққат билан назар ташланса, ёзувдаги чекланган тил

товушларига нутқдаги чексиз товушлар тўғри келишининг гувоҳи бўламиз.

Масалан: рус тилидаги **гора** сўзини баъзилар **ғора**, бошқалар — **гара**, яна бошқалар — **ғара** деб талаффуз қилишини эшитганмиз. Лекин ёзувда ҳамма бир хил — **гора** ёзади. Олимлар ана шундай ҳодисаларни кузатиш натижасида нутқ товушларини тил товушларидан фарқ қилиниши ва уларни айрим терминлар билан белгилашни зарур деб топдилар.

Фонема тўғрисида гап борганда, унинг қуйидаги хусусиятлари ҳисобга олинishi зарур.

Юқорида келтирилган **гора** сўзини турлича талаффуз қилиниши одамларнинг бу сўзни тўғри тушунишига халал бермайди. Бундан товушларни изоҳлайдиган акустик компонентлар — (баландлиги, кучи, тембри, узун-қисқалиги)дан айримлари муайян тилда ўзгарувчан, беқарор, бошқаларни эса — ўзгармайдиган, барқарор хусусиятларга эга деган хулоса келиб чиқади. Беқарор акустик хусусиятлар сўзларнинг маъноларини ўзгартирмайди ва аксинча, барқарор акустик хусусиятлар сўзларнинг маъносини ўзгартиради, демак, ундай хусусиятлар нутқ жараёнида сақланиб қолади. Уларнинг ўзгартилишига тил бефарқ эмас. Ана шундай хусусиятларни тилшуносликда маъно ўзгартирувчи ёки дифференциал хусусиятлар деб аташ мумкин. Ҳар қандай товуш дифференциал ва нодифференциал артикулятор ва физик хусусиятлардан ташкил топган бўлади, лекин гапирувчи товушларнинг нодифференциал хусусиятларига бефарқ бўлса ҳам, дифференциал хусусиятини ҳисобга олмай иложи йўқ.

Тиллардаги фарқланувчи ва фарқланмовчи хусусиятлар бир хил эмас. Бир тилдаги фарқланувчи хусусият иккинчи тилда фарқланмовчи бўлиши мумкин. Масалан, унлиларнинг узун-қисқалик хусусияти ўзбек ва рус тиллари учун фарқланмовчи, лекин инглиз, немис, француз, қирғиз, туркман тиллари учун эса фарқланувчидир. Рус тили учун юмшоқ-қаттиқлик хусусияти фарқланувчи, инглиз, немис тилларида эса фарқланмовчи ва ҳоказо. Масалан: рус тилида **угол** сўзидаги охириги ундош қаттиқ талаффуз қилинади; унинг маъноси — **бурчак**; лекин уни юмшоқ, яъни **уголь** тарзида талаффуз қилсак, бу сўз **кўмир** маъносини англатади.

Қиёсланг: **пыл** — **пыль**, **стол** — **столь**.

Нутқ жараёнида товушларнинг фарқланувчи белгилари ҳар қандай шароитда ҳам сақланиб қолади, фарқланувчи белгилари эса товушнинг сўздаги тутган ўрни гапирувчининг нутқий хусусиятларига кўра ўзгариб туриши мумкин. Ҳар қандай ўзгариш янги нутқ товуши, яъни янги фонни ташкил этади.

Агар нутқдаги ўзгаришлар сифат ўзгаришига олиб келмаса, сўзнинг маъносини ўзгартирмаса, бундай ўзгаришлар миқдор ўзгариши деб аталиб, битта фонемага бирлаштирилади. Битта фонемага бирлаштирилган фонлар **аллофонлар** деб аталади. Юқорида келтирилган **гора** сўзидаги дастлабки ундошнинг икки хил талаффуз қилиниши сўз маъносини ўзгартирмайди; шунинг учун бундай ўзгаришни сифат эмас, балки миқдор ўзгариши деса бўлади. Демак, рус тилидаги г ва ғ бир фонеманинг аллофонлари, ёки бир фонеманинг икки хил кўринишидир.

Энди нима учун фон нутқ товуши, фонема эса тил товуши деган саволга жавоб беришимиз мумкин. Нутқ жараёнида товушлар ҳар хил ўзгаришга дуч келиши табиий. Бу одатда товуш ёнида турган бошқа товушлар таъсирида бўлади. Тилнинг системаси ва таркиби нутқда намоён бўлади. Тил яхлит тарзда бир шахс нутқида акс этмади, чунки бир шахснинг нутқи тил системасининг фақат бир кўринишидир, холос. Бир тилда сўзлашувчиларнинг ҳаммаси жамлангандагина, тилнинг системаси тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Лекин бу ўта мураккаб, амалда бажарилиши қийин ишдир. Шу сабабли тилни мавҳум ҳодиса, тил эса нутқнинг умумлашган кўриниши деб юритишади. Фонема тил товуши сифатида мавҳум бирлик бўлиб, нутқда учраши мумкин бўлган бир ягона вазифани бажарувчи барча фонларнинг умумий йиғиндисидир.

Тиллардаги фонемалар йиғиндиси мазкур тилнинг фонемалар мажмуини ташкил этади.

Нутқ органлари ва артикуляция базаси. Нутқ товушларининг физиологик хусусияти тўғрисида гап борганда, товушларнинг ҳосил бўлишида иштирок этувчи органлар ҳақида гапирмай иложимиз йўқ.

Нутқ товушларининг ҳосил бўлишида қатнашувчи органлар **нутқ органлари** дейилади. Нутқ органларининг товушлар ҳосил бўлишидаги иштирокига кўра **актив** ва **пассив** органларга ажратилади.

Актив нутқ органлари **тил, лаблар, юмшоқ танглай,**

товуш пайчаларидир. Бу органларнинг ичида тил энг активдир. Товуш ҳосил бўлаётганида тилнинг ҳамма қисми баробар хизмат қилмайди. Шу сабабли тилшуносликда у тил олди, тил ўрта ва тил орқа қисм деб аталмиш уч таркибий бўлақларга бўлинади.

Пассив нутқ органларига тиш (тепа олд тишлари), милк, (алвеол) ва қаттиқ танглай кирадн.

Нутқ товушлари тўғрисида гапирганимизда «артикуляция» терминини ишлатмай иложимиз йўқ. Товушнинг ҳосил бўлишида нутқ органларининг ҳаракати ва эгаллаган ўрни артикуляция дейилади. Нутқ товушларининг артикуляцияси талаффуз қилишга тайёргарлик — *экскурсияни*, *талаффузнинг ўзини* ва нутқ органларининг ўз жойига қайтиши — *рекурсияни* ўз ичига олади: Нутқ товушларини ҳосил қилишдаги артикуляция ҳаракатларининг йиғиндиси **артикуляция базаси** дейилади.

Нутқ товушларининг таснифи. Нутқ товушлар шовқин ва овоздан ҳосил бўлади. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра товушлар икки катта гурҳ — **унли** ва **ундошларга** ажратилади.

Агар ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими товуш пайчаларини титратиб ўтиб, оғиз бўшлиғида қаршиликка учрамаса, унли товуш ҳосил бўлади.

Агар ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими товуш пайчаларини титратиш ёки титратмаслигидан қатъи назар оғиз бўшлиғида қаршиликка учраса, унда ундош товуш ҳосил бўлади.

Нутқ товушлари тилларда миқдор ва сифат жиҳатдан бир хил эмас. Масалан, ўзбек тилида 6 унли ва 25 ундош, инглиз тилида 21 унли ва 24 ундош товушлари бор.

Унли товушлар ва уларнинг таснифи. Унли товушлар фақат овоздан ташкил топган бўлади, яъни ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими товуш пайчаларини титратиб ўтиб, оғиз бўшлиғида ҳеч қандай қаршиликка учрамайди.

Унли товушлар сон ва сифат жиҳатдан тилларда бир хил эмас. Баъзи тилларда унлиларнинг сони иккита, баъзиларида эса 20 дан ортиқ. Унли товушлар умумий тилшунослик нуқтаи назаридан: тилнинг горизонтал ҳолатига кўра; тилнинг кўтаррилиши даражасига кўра (вертикал ҳаракатига кўра); товушларнинг қисқа ва чўзиқлигига кўра; лабларнинг иштирокига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Тилнинг горизонтал ҳолатига кўра унлилар уч турга ажралади:

- а) тил олди унлилари: ўзбек тилида [и], [а], [э];
- б) тил ўрта унлилари: рус тилида [ы] ва бошқалар;
- в) тил орқа унлилари: [у], [ў], [о] ва бошқалар.

Тилнинг кўтарилиши даражасига кўра унлилар уч турга ажралади:

- а) очиқ унлилар: ўзбек тилида [а], [о]; рус тилида [а] ва бошқалар;

- б) ярим очиқ (ярим ёпиқ) унлилар:

ўзбек тилидаги [э], [у], рус тилидаги [е], [о] ва бошқалар;

- в) ёпиқ унлилар: ўзбек тилидаги [и], [у]; рус тилидаги [и], [ы], [у] ва бошқалар.

Қисқа ва чўзиқлигига кўра унлилар қисқа, чўзиқ унлиларга ажралади. Унлиларнинг бу хусусиятлари дунёдаги барча тилларга хос эмас; масалан, ўзбек ва рус тилларида унлилар қисқа ва чўзиқ товушларга бўлинмайди, лекин нутқ жараёнида унлиларнинг чўзиқ ёки қисқа талаффузи учраши мумкин, бундай ҳол сўзларнинг маъносини ўзгартиришга олиб келмайди. Унлиларга нисбатан қўлланиладиган бу ўлчовни тилшуносликда **миқдор белгиси** деб юритилиб, чўзиқ товушлар махсус фонетик ёзув — транскрипция [:] белгиси билан ёзилади. Инглиз, немис тилларида бундай товушлар мавжуд, масалан: инглиз тилида қисқа [ʊ] ва чўзиқ [u:], қисқа [i] ва чўзиқ [i:] фонемалари мавжуд. Қиёсланг [pit] ва [pi:t] [pul], [pu:l].

Лабларнинг иштирокига кўра унлилар лабланган ва лабланмаган товушларга ажралади. Ўзбек тилидаги [и], [э], [а] товушлари талаффуз қилинганда, лаблар фаол иштирок этмайди, шунинг учун уларни **лабланмаган унлилар** деб юритилади. Лекин [у], [ў], [о] товушлари талаффузда лаблар актив иштирок этади, шу сабабли уларни **лабланган унлилар** дейишади.

Унлиларнинг таркибига кўра турлари. Таркибий нуқтаи назардан унлилар уч турга: монофтонглар, дифтонглар ва трифтонглар, яъни бир товушли, икки товушли ва уч товушли унлиларга ажратилади. Таркибида фақат бир товуш бўлса, уларни **монофтонглар** деб юритиб (а, в, и ва бошқалар) уларни талаффуз қилишда нутқ органлари бир хил ҳолатда бўлади. Таркибида икки товуш бўлган унлиларни **дифтонглар** дейилади [au], [ou], [ai] ва бошқалар. Дифтонглар талаффузида нутқ органлари бир ҳолатдан бошқасига ўтади. Таркибида **учта**

товуш бўлган унлиларни **трифтонглар** деб аталади [aIə], [aue]. Буларнинг талаффузида ҳам нутқ органлари бир ҳолатдан бошқасига ўтади. Унлиларни монофтонг, дифтонг ва трифтонгларга ажралиши ҳамма тилларга ҳам хос эмас. Ўзбек ва рус тилларида бундай ҳодиса учрамайди. Роман-герман тилларида эса кўплаб учрайди. Дифтонг ва трифтонглар гарчи икки ва уч товушлар йиғиндиси бўлса ҳам, улар бир вазифани бажарувчи (монофункционал) тил бирликлари бўлиб, бир фонема ҳисобланади. Бўғин ажратишда бу ҳисобга олиниб, улар бир бўғинга киритилади.

Ундош товушларнинг таснифи. Аввал айтилганидек, ундош товушларнинг ҳосил бўлишида ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими товуш пайчаларини титратиши ёки титратмаслигидан қатъи назар оғиз ёки бурун бўшлиғида қаршиликка учрайди. Агар ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими товуш пайчаларини титратмасдан фақат оғиз бўшлиғида қаршиликка учраса, бундай товушлар фақат шовқиндан ташкил топиб, уларни **жарангсиз ундош товушлар** дейилади ([т], [с], [к], [п], [ф] ва бошқалар). Агар ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими товуш пайчаларини титратса, ҳам оғиз бўшлиғида қаршиликка учраса, у ҳолда овоз ва шовқиндан ташкил топган ундош товушлар ҳосил бўлади. Бундай ундошларни иккига бўлиш мақсадга мувофиқдир. Агар овоз шовқиндан устун турса, бундай ундошларни **сонор ёки сонантлар** дейилади (масалан: [м], [н], [л], [й] ва бошқалар). Улар ўз навбатида бурун ва оғиз сонорларига ажратилиши мумкин. Бурун сонорларига ўзбек тилидаги [м], [н], [н] товушлари ва бошқа тиллардаги шуларнинг эквиваленти киради. Бу товушлар талаффузида юмшоқ танглай пастга тушган бўлиб, ҳаво бурун бўшлиғидан ўтади.

Оғиз сонорлари ён [л], титроқ [р], ўрта [й] товушларидан иборат бўлади.

Агар шовқин овоздан устун турса, бундай ундошлар жарангли ундошлар дейилади ([б], [в], [г], [д], [ж] ва бошқалар).

Овоз ва шовқиннинг иштирокидан ташқари ундошлар талаффуз ўрнига кўра ва ҳосил бўлиш усулига кўра турларга ажратилади.

Талаффуз ўрнига кўра ундошлар лаб, тил ва бўғиз товушларига ажратилади. Лаб ундошларини икки лабнинг учрашуви натижасида ҳосил бўладиган лаб-лаб товушлари ([б], [п], [м]) ва лаб билан пастки тишлар-

нинг учрашуви натижасида ҳосил бўладиган лаб-тиш товушлари ([в], [ф]) га ажратиш мумкин.

Тил ундошлари тил олди, тил ўрта, тил орқа ва чуқур тил орқа товушларига бўлинади.

Тил олди ундошларига [т], [д], [с], [ш], [н] каби товушлар киради. Тил олди ундошлари ўз навбатида дорсал (тиш) [с], [з], [н]; апиқал (танглай) [т], [д] ва какуминал (тил орқа) — [ч], [ш], [ж] товушларига ажратилади.

Тил ўрта ундош — [й]. Ўзбек тилидаги бу товуш тил ва танглайнинг ўрта қисмида ҳосил бўлади.

Тил орқа ундошлари — [қ], [ғ] товушлари ўзбек тилида тил орқа қисмининг танглайни ўрта қисмидан орқа-роғига тегиши натижасида ҳосил бўлади.

Чуқур тил орқа товушлари тилнинг илдизи билан юмшоқ танглайни бир-бирига тегиши натижасида ҳосил бўлади, ўзбек тилидаги [қ], [ғ] [х] шундай товушлар жумласидандир.

Бўғиз ундошларига ўзбек тилидаги [х] ва араб тилидаги [ҳ] ва [қ] товушлари мисол бўла олади. Бу ундошлар бўғиз бўшлиғида ҳосил бўлади.

Ҳосил бўлиш усулига кўра ундошлар портловчи, сирғалувчи, қоришиқ ва баъзи тилларда нафас турларига ажратилади.

Портловчи товушларга [б], [п], [т], [д] кабилар ки-ради. Бу товушлар талаффузида ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими артикуляцияда қатнашаётган нутқ органларининг қаршилигини ёриб ўтади, натижада портлаш рўй беради.

Сирғалувчи товушларга [в], [ф], [с], [ш], [ж], [х] лар киради. Уларнинг талаффузида қатнашаётган нутқ органларида қаттиқ жипслашиш рўй бермай, балки бу органлар бир-бирига яқинлашади; ҳаво оқими уларнинг орасидан сирғалиб ўтади.

Қоришиқ товушларга [ч], [ж] (ўзбек тилидаги **жўжа** сўзидаги товуш) ва [ц] лар ки-ради. Бу товушлар мураккаб таркибли ундошлардир, яъни улар икки ундошнинг йиғиндисидан ташкил топади ($ч = т + ш$; $ж = д + ж$ **жадал**, **жўра** сўзларидаги **ж**) ва $ц = т + с$ (станция, цирк). Бу товушлар талаффузида тилнинг олдинги қисми милкка тақалади, лекин одатдаги портлаш юз бермай, ҳаво асосан сирғалиб чиқади. Натижада тўла бўлмаган портлаш ва унинг кетидан сирғалиш икки хил усул қатнашган қоришиқ товушларни ҳосил қилади.

Баъзи тилларда нафас ундошлари ҳам учраши мумкин. Бундай товушларга аслида сирғалувчиларга ҳам киритиш мумкин бўлган инглиз тилидаги [h] товуши мисол бўла олади. Сирғалувчи билан нафас товушлари орасидаги фарқ шундаки, сирғалувчилар талаффузида қатнашаётган органларнинг жипслашуви кучли бўлади, нафас товушларида эса, талаффуз органлари бир-бирига бир оз яқилашади, холос. Ҳаво оқимининг шу ораликдан ўтиши натижасида энгил товуш ҳосил бўлади.

Тилларда нутқ товушлари сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам бир-бирига тўғри келмайди. Масалан, ўзбек тилида 31 фонема бўлса, инглиз тилида 48. Унли ва ундошларнинг сони ҳам тилларда турлича. Масалан, ўзбек тилида 6 унли, 25 ундош, гавай тилида 5 унли 6 ундош, абхаз тилида 2 унли 68 ундош товуш бор. Тиллар нутқ товушлари нуқтаи-назаридан бир-бирини такрорламайди; уларнинг акустик-артикуляцион хусусиятлари ҳам ҳар хилдир.

СУПРАСЕГМЕНТ ЭЛЕМЕНТЛАР

Нутқ товушларини тилшуносликда тилнинг сегмент элементлари дейилади. Тилнинг сегмент элементларидан ташқари супрасегмент ёки просодик элементлари ҳам мавжуддир. Сегмент ва супрасегмент элементлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Тил ўз вазифасини бажариши учун бу икки элементнинг ўзаро бирлигини таъминлаши даркор. Улардан бири бўлиб, иккинчиси бўлмаса нутқ тушунарли бўлмайди.

Супрасегмент элементларга **бўғин**, **урғу** ва **оҳанг** киради.

Маълумки, нутқ занжирни эслатувчи бир ҳодисадир. Занжирда айрим ҳалқалар бирин-кетин келганидек, нутқ жараёнида нутқ товушлари, бўғинлар, тактлар бирин-кетин занжирсимон намоён бўлади. Супрасегмент элементлар нутққа оҳанг бағишлаб, гўёки сегмент элементларнинг устига жойлашиб, улар билан биргаликда ягона бутунликни ташкил этади. Тил ўзининг кишилар орасидаги муҳим алоқа воситаси ролини ўташи учун ҳар томонлама замин яратади.

Урғу ва оҳанг. Сўзларда бўғинлар, гапларда сўзлар ва сўз бирикмаларини маълум воситалар билан бошқаларидан ажратиб кўрсатиш **урғу** дейилади. Бу — тилларда сўз фраза урғулар мавжудлигидан далолат беради.

Сўз урғуси бир мустақил сўзни ёки унга боғланиб

келган бир ёки бир нечта ёрдамчи сўзлар гуруҳини бошқалардан ажратиб кўрсатиш демакдир. Замонавий тилшунослик дунё тилларида: *динамик, миқдор, мусиқавий* урғуни фарқлайди.

Динамик урғуда ажратиб кўрсатилаётган бўғин кучли талаффуз қилинади (масалан, немис тилида).

Миқдор урғусига эга бўлган тилларда урғу олган бўғиндаги унли чўзиқроқ талаффуз қилинади (масалан, рус тилида).

Мусиқавий урғуга эга бўлган тилларда урғу олган бўғин овоз тонини кўтариш ва пасайтириш йўли билан ажратиб кўрсатилади. Шунинг учун бу урғуни **тоник урғу** деб ҳам юритилади. (масалан, хитой, вьетнам тилларида).

Кейинги йилларда такомиллашган асбоблар воситасида ўтказилаётган фонетик тадқиқотлар далолат беришича бу учала урғунинг бирортаси ҳам тилда соф ҳолда учрамайди. Масалан: рус тилида бир бўғинни бошқалардан динамик урғу билан миқдор урғуси ҳамкорлигида ажратади. Лекин бу ўринда миқдор урғуси етакчилик қилади. Ўзбек тилининг урғуси ҳам шундай. Инглиз тилида динамик урғу етакчидир. Кўпчилик хитой-тибет тилларида етакчи урғу вазифасини тон бажаради, шунинг учун бу тиллардаги урғуни мусиқавий дейишади.

Урғунинг ўрнига кўра: **турғун урғули** тиллар ва **эркин урғули** тиллар фарқланади.

Турғун урғули тилларда урғу доимо сўзнинг маълум бўғинига тушади. Бу жиҳатдан турғун урғуга эга бўлган тилларни ўрганиш қулай, чунки урғу масаласида фақат битта қондани билиб олишнинг ўзи кифоя. Турғун урғули тилларга ўзбек, француз, поляк, венгер, чех, латин тиллари мисолдир. Ўзбек ва француз тилларида урғу доимо охириги бўғинга, поляк тилида охиридан битта олдингисига ва венгер, чех, латин тилларида ҳамма вақт биринчи бўғинга тушади.

Эркин урғули тилларда урғу сўзнинг қайси бўғинига тушишини олдиндан билиш мумкин эмас. Бундай тилларда урғу сўзнинг ҳар хил бўғинларига тушиши мумкин. Рус, инглиз, немис тиллари шулар жумласидандир.

Сўз урғуси сўздаги бўғинларнинг бирини бошқаларига нисбатан ажратиб кўрсатишни назарда тутса, **фраза урғуси** сўз бирикмалари ёки бир неча сўзни бошқаларидан ажратиб кўрсатишни назарда тутди.

Фраза (гап) урғусининг қуйидаги турлари бор:

- 1) Синтактик урғу
- 2) Синтактик-логик (мантиқ) урғу
- 3) Кучсиз синтактик урғу
- 4) Эмфатик (ҳис-ҳаяжон) урғу.

Масалан: Биз **Навой ва Бобурлар** ўлкасида яшай-
миз.

Фраза урғуси оҳангнинг таркибий қисмидир. Фраза урғусидан ташқари оҳанг таркибига нутқнинг ритмик-мелодик тузилиши ҳам киради.

Нутқ жараёнида урғу олган ва урғу олмаган бўғинларни бирин-кетин келиши натижасида нутқнинг ритми пайдо бўлади. Алмашилиб келувчи урғули ва урғусиз бўғинлар бир вақтнинг ўзида нутқнинг мелодиясини таъминлайди, чунки урғули бўғин овоз тонини кўтаришни, урғу олмагани эса, тонни пасайишини тақозо этади. Шундай қилиб, нутқ оҳанги мураккаб фонетик воситалар йиғиндисидан ташкил топган бўлиб, унга гап урғуси, оҳанг, пауза, суръат, ритм, тембр киради.

Одатда оҳангни икки турга ажратишади: **пасаювчи** ва **кўтарилувчи**.

Пасаювчи оҳанг кўпроқ дарак гапларнинг биринчи синтагмасида, ундов ва буйруқ гапларда, кўтарилувчиси эса сўроқ гапларда ишлатилади. Нутқ жараёнида бу икки оҳангнинг бирикуви ҳам учраши мумкин, уни кўтарилувчи-пасаювчи оҳанг деб юритишади.

НУТҚ ТОВУШЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Нутқ жараёнида товушлар турли ўзгаришларга юз тутади. Нутқ жараёнида товушларнинг бир-бирига таъсири натижасида рўй берадиган ўзгаришларни **комбинатор** ўзгаришлари дейилади. Бундай ўзгаришларга аккомодация, ассимиляция, диссимиляция, гаплогия, дизреза ва бошқалар киради.

Товушларнинг талаффузига уларнинг сўзда тутган ўрни, урғунинг таъсири сабаб бўлса, бундай ўзгаришларни **позицион** ўзгаришлар дейишади. Бу фонетик ҳодисаларни кўриб чиқамиз.

Товушларнинг мослашуви. Аккомодация латинча ассаматодatio сўзидан олинган бўлиб, «мослашув» деган маънони англатади. Мослашув ёнма-ён турган унли ва ундош товушлар орасида содир бўлади. Мослашув прогрессив ва регрессив бўлиши мумкин. Мослашув ҳеч

қачон тўлиқ бўлмайди, унли ва ундошлар бир-бирига фақат қисман мослашади.

Прогрессив мослашувда кейинги келаётган товушнинг экскурсияси олдинги товушнинг рекурсиясига мослашади, масалан: **қафас** сўзида **қ** чуқур тил орқа ундошидан кейин **а** товуши аслида тил олди товуши бўлишидан қатъи назар тил орқа унлиси каби талаффуз қилинади.

Регрессив мослашувда олдинги товушнинг рекурсияси кейинги товушнинг экскурсиясига мослашади, масалан: рус тилидаги **дом** ва **диск** сўзларидаги **д** товушнинг талаффузига аҳамият беринг: **о** орқа унлисидан олдин **д** қаттиқ талаффуз қилинапти; **и** олд унлисидан олдин эса, юмшоқ талаффуз этилмоқда. Бу ҳодиса тилшуносликда палатализация (юмшалиш) дейилади.

Ассимиляция латинча *assimilatio* сўзидан олинган бўлиб «ўхшашлик» деган маънони англатади. Товушларнинг ўзаро бир-бирига таъсири натижасида бириккинчисига ўхшаб кетиши ассимиляция ҳодисаси дейилади. Ассимиляция ҳам **прогрессив** ва **регрессив** бўлиши мумкин. Олдинда келаётган товуш кейингисига таъсир ўтказиб, уни ўзига ўхшатиб олса, **прогрессив** ассимиляция рўй беради, масалан: **очди**, **ботди** сўзларидаги **д** товуши олдинги жарангсиз ундошлар таъсирида **т** деб талаффуз қилинади.

Кейинги келаётган товуш ўзидан олдингисини ўзига ўхшатиб олса, **регрессив** ассимиляция дейилади. Ўзбек тилидаги бир сўзига **т** қўшимчаси қўшилши натижасида, кейинги **т** таъсирида **р** товуши ҳам **т** га айланади, яъни **бир + та = битта**. Қиёсланг: **юз — юзсанг, йигит — йигитча**.

Тилшуносликда **дистант** (билвосита) **контакт** (бевосита) ассимиляцияни ҳам ажратишади. Ёнма-ён турган товушларнинг бир-бирига таъсири контактдаги ассимиляция дейилади. Юқорида келтирилган мисоллар ана шу турдаги ассимиляцияга хосдир. Дистант ассимиляция деганда бевосита контактда бўлмаган (яъни ёнма-ён турмаган) товушларнинг бир-бирига таъсири тушунилади. Масалан, ўзбек тилидаги **мен** олмошининг бошида турган **м** товуш қадимда **б** бўлган, сўзнинг охиридаги **н** таъсирида **б** бурун сонантига айланган, кўплик **биз** формасида **н** бўлмагани учун **б** сақланиб қолган. Ҳозирги замон турк тилида биринчи шахс кишилиқ олмоши **бен** деб талаффуз қилинади. Бу тилда **б** ассимиляцияга учрамаган. Тошкент шеvasида **буни** олмоши ҳам кўпинча **муни** деб талаффуз қилинади. Бу ҳолда ҳам **н** товушининг таъсирида **б** товуши ассимиляцияга учрайди.

Диссимилияция термини латинча *dissimilatio* сўздан келиб чиққан бўлиб, «ўхшамаслик» маъносини англатади. Талаффуз жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган товушлардан бири ўзининг физиологик ёки акустик хусусиятларини ўзгартириб юборса, бундай ҳодисани **диссимилияция** дейилади: зарур — зарил, дамба — данба ва ҳоказо.

Диэреза сўздаги товушлардан бирини талаффуз қилмай тушириб қолдиришдир: дастлаб — даслаб, паст — пас, даштга — дашга ва ҳоказо.

Метатеза ёнма-ён турган товушларнинг ўрин алмашиши ҳодисасидир. Масалан: аҳвол — авхол. Ўзбек оғзаки тилида **юрган дайро ўтирган бўйро** мақолида аналогия принципига асосан **дарё сўзи бўйро** сўзи таъсирида **дайро** деб талаффуз қилиниши ҳам метатезага мисолдир.

Гаплоглогия икки ёнма-ён турган товуш ёки ўхшаш бўғинлардан бирининг тушиб қолиш ҳодисасидир. Масалан: инглиз тилидаги **itself** олмошида гаплоглогия ҳодисаси бор, бу олмош икки сўздан **its + self** сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган; иккита **s** дан бири тушиб, биттаси ёзилади, яъни **its + self = itself**.

Эпентеза сўзларга уларнинг таркибида йўқ бўлган товушларнинг қўшилиб, айтилиши ҳодисасидир. Ўзбек тилида **у** олмошига ўрин пайт, чиқиш ва жўналиш келишиги қўшимчалари қўшилганда **унга н** товуши қўшилади: яъни **унга, унда, ундан**.

Товушларнинг позициян ўзгаришлари. Баъзи тилларда нутқ товушлари сўзда тутган ўринларига қараб талаффузда ва расмий ёзувда орфографияда ўзгариб кетиши ёки тушиб қолиши мумкин. Бундай ҳодисалар ўзбек тилида ҳам учрайди. Масалан: сўзнинг охиридаги жарангли товушлар жарангсизланиб қолиши мумкин: **завод, бод, боб, адиб** сўзларидаги охириги **д** ва **б** товушлари **т** ва **п** бўлиб талаффуз қилинади, баъзи сўзларга қўшимчалар қўшилиши натижасида, сўзнинг урғуси қўшимчага ўтади, аввалги урғу олган унли тушиб қолиши мумкин: **сингил — синглим, бурун — бурним, оғиз — оғзим** каби. Бу масала бошқа тилларда ҳам кўп тарқалган **редукция** ҳодисасига мисолдир.

Редукция «қисқариш» маъносини англатиб, унли товушларнинг урғули ёки урғусиз ҳолатига тааллуқли ҳодисадир. Бу ҳодиса динамик урғу билан узвий боғлиқ. Баъзи тилларда унлилар урғу олганда бир хил,

урғу олмаганда бошқача талаффуз қилиниш хусусиятига эга. Умумий тилшунослик нуқтаи назаридан уч хил: миқдор, сифат ва тўлиқ редукцияни кўрсатиш мумкин.

Миқдор редукцияси ҳамма тилларга хос бўлса ҳам, чўзиқ ва қисқа унлиларга эга бўлган тилларда яққол кўзга ташланади. Урғу олмаган бўғинда чўзиқ унлиларнинг қисқа талаффуз қилиниши миқдор редукциясидир. Инглиз тилидаги кишилик олмошлари бундай редукцияга яхши мисол бўла олади: *he, she, we* олмошлари урғу олганда чўзиқ [i:] фонемаси билан, яъни [hi:], [Si:], [wi:] тарзида ўқилади. Лекин урғу олмаган ҳолда чўзиқлик қисқариб [hi'], [Si'], [wi'] каби ўқилади.

Сифат редукциясида урғусиз позициядаги унли фақат қисқарибгина қолмай, балки бошқа товушга ўтиб кетади. Масалан, рус тилидаги **взять** сўзида урғу иккинчи бўғинга тушади, биринчи бўғиндаги **я** товуши **и** деб талаффуз қилинади. Инглиз тилида урғусиз ҳолатда бу ҳодиса кўплаб учрайди: **to** сўзида урғу олмаган **o** унлиси нейтрал [ə] тарзида талаффуз қилинади; **private** сўзидаги урғу олмаган **a** унлиси [ɪ] деб талаффуз қилинади, яъни [praɪvɪt].

Тўлиқ редукцияда урғу олмаган ҳолатдаги баъзи унлилар умуман тушиб қолади. Юқорида ўзбек тилида келтирилган мисоллар редукциянинг ана шу турини акс эттиради: **қорин — қорни, бурун — бурни**; урғунинг охириги бўғинга кўчиши билан **и** унлиси талаффуздан тушиб қолади. Бундай редукция инглиз тилида ҳам учрайди: **lesson** [lesn], **final** [faɪnɪ]. Урғу олмаган бўғинлардаги **o** ва **a** унлилари талаффуздан тушиб қолмоқда. Бундай мисолларда бўғин ясовчи [n] ва [l] товушларининг аҳамияти ҳам катта.

ТОВУШ ВА ҲАРФ

Товуш ва ҳарф тўғрисида гап борганда ўқиш ва ёзиш назарда тутилади. Ҳамма гап шундаки, дунёдаги тилларнинг алфавитидаги ҳарфлар сони билан тиллардаги товушлар сони ҳамма вақт бир-бирига мос келавермайдн. Тилшуносликда товуш билан ҳарф орасидаги муносабатни орфография ўрганати. Бу сўз грекча *orthos* тўғри ва *grapho* ёзаман деган сўзлардан ташкил топган бўлиб, имло қоидалари билан шуғулланади (бу ҳақда Ёзув бобига қаранг.)

Ўқиш билан ёзиш орасидаги энг яқин муносабат ўзбек тилида таъминланган. Имкони борича ҳарфлар товушларга мос келтирилган, лекин шундай бўлса ҳам улар орасидаги тафовут сезиларлидир; бу тилда 35 та ҳарф бор, товушлар сони эса 33. Демак, ҳеч қандай товушни англамайдиган шакллар ҳам бор экан. Шунинг назарда тутиб, товушни ифодалайдиган шакллари **ҳарф**, товушни ифодаламайдиган шакллари **белги** деб аташади. Маълум тартиб асосида жойлаштирилган ҳарф ва белгиларни **алфавит** дейилади.

Ҳозирги замон инглиз тилида ўзбек тилидаги ҳодисанинг аксини кўрамиз. Бу тилда алфавитдаги ҳарфлар сони товушлар сонидан деярли икки марта кам, яъни 48 товушга 26 ҳарф тўғри келади. Бундай ҳол табиий равишда ўқиш билан ёзишни қийинлаштиради, чунки бир ҳарф бир неча хил товушни ифодалаши мумкин. Ундан ташқари бундай тилларда яқка товушни ифодаловчи ҳарфлар бирикмасининг ҳам кўп бўлиши табиий. Кўпчилик роман-герман тиллари шулар жумласидандир. Товуш ва ҳарф орасида номутаносиблик бор тилларда **транскрипция** деб аталмиш махсус ёзув муҳим аҳамият касб этиб, ундан ўқиш-ўқитиш ишларида кенг фойдаланилади. Бу ҳақда кейинроқ фикр юритамиз.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Фонетика қандай масалалар билан шуғулланади?
2. Фонетика жиҳатдан нутқ қандай бирликларга бўлинади?
3. Фраза, такт, бўғин ва нутқ товушини таърифланг. Фраза ва гап, такт ва сўз бирикмаси, бўғин ва морфема орасидаги фарқларни қайд этинг. Энклитик ва проклитик элементлар деганда нимани тушунамиз? Бўғиннинг турларини мисолларда кўрсатинг. Бўғин билан боғлиқ қандай назарияларни биласиз?
4. Фонология қандай масалалар билан шуғулланади? Фонетика ўрганадиган масалалар билан қиёсланг. Фон ва фонема.
5. Нутқ товушларининг акустик хусусияти деганда нима тушунилади?
6. Нутқ товушларининг физиологик хусусияти деганда нима тушунилади?
7. Нутқ органлари қандай вазифани бажаради? Ак-

тив ва пассив нутқ органлари орасидаги фарқ нимадан иборат?

9. Нутқ товушлари қайси нуқтаи назардан таснифланади? Нутқ товушлари нимадан ташкил топади?

10. Қандай товушлар унли товушлар дейилади? Улар қандай турларга бўлинади?

11. Ундош товушлар унлилардан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади? Ундош товушларни турларга ажратинг?

12. Сонор (сонант) товушлари деб нимага айтилади?

13. Монофтонг, дифтонг, трифтонг, диграф атаmalarининг маъноларини тушунтиринг, мисоллар келтиринг.

14. Тилнинг сегмент ва супрасегмент элементлари тўғрисида нималарни биласиз?

15. Урғу деб нимага айтилади? Унинг қандай кўришиларини биласиз?

16. Қандай тилларни турғун урғули тиллар дейилади? Турғун урғули тиллар қандай бошқа тилларга қарама-қарши қилиб қўйилади?

17. Сўз урғуси фраза урғусидан фарқ қиладими?

18. Нутқ товушларининг комбинатор ўзгаришида қандай ҳодисаларга дуч келамиз?

19. Нутқ товушларининг позицион ўзгаришида қандай ҳодисалар рўй беради?

20. Товуш ва ҳарф ўртасида фарқ борми? Ўзбек, рус ва чет тиллар мисолида улар орасидаги муносабатни тушунтириб беринг.

21. «Тилшуносликка кириш» курсидан практикum қўлланмасида 5, 7, 9, 10, 13, 14, 15, 16, 20, 22, 23, 24, 25- машқларни бажаринг.

МОРФОЛОГИЯ

Юқорида айтилганидек, тил асосан тўрт ярус; фонетика — фонология, морфология, лексика ва синтаксисдан ташкил топади. Тилшуносликка оид адабиётларда морфология ва синтаксис ярусларини бир атама билан — грамматика деб аталади. Қуйида морфология ярусини шуғулланган масалалар устида тўхталамиз.

НУТҚНИ ЭНГ КИЧИК МАЪНО АНГЛАТУВЧИ БИРЛИКЛАРГА АЖРАТИШ

Тилни ярусларга ажратишнинг асосий шартларидан бири, ҳар бир яруснинг ўз бирлигига эга бўлишидир.

Маълумки, фонетик — фонологик яруснинг бирлиги фон ва фонема деб аталади. Фон ва фонема нутқдаги энг кичик маъно англатмайдиган, лекин маъно англатувчи бирликларнинг маъносини ўзгартишга хизмат қиладиган бирликлардир.

Морфологиянинг бирлиги эса — нутқ фаолиятидаги энг кичик маъно англатувчи элементдир. Бу элементнинг нутқдаги кўриниши морф ва тилдаги кўриниши морфема дейилади. Ўзбек тилидаги **ишчи** сўзи иккита морфемадан ташкил топган, чунки бу сўзнинг таркибида иккита энг кичик маъно англатувчи бирлик: **иш** ва **чи** бор. **Иш** ва **чи** элементлари бошқа кичикроқ маънодор бўлақларга бўлинмайди. **Иш** сўзини **и** **ш** сингари бўлақларга бўлиш мумкин, лекин улар ҳеч қандай маъно англатмайди. **Ишчиларимиздан** деган сўзда эса, олтига энг кичик маъно англатувчи бўлақлар бор: **иш-чи-лар-им-из-дан**. **Иш** сўзнинг ўзаги, **чи** — касбни кўрсатувчи, **лар** — кўплик маъносини англатувчи, **им** — шахс маъносини, **из** — кўплик маъносини ва **дан** — чиқиш маъносини англатувчи элементлардир. Шунга ўхшаш мисолларни бошқа тиллардан ҳам келтириш мумкин.

Инглиз тилидан: **fishers** сўзи учта маъно англатувчи бирлик, яъни **fish** — ер ва — s дан ташкил топиб, ўзбек тилига **балиқчилар** деб таржима қилинади.

Шундай қилиб, морфологиянинг бирлиги фонетика, фонология бирлигидан тубдан фарқ қиладди. Морфология бирлиги **маънодор**, фонетиканики эса, **маъно англатмайдиган** бирликлардир. Морф ва морфемаларни **икки томонлама** бирликлар деб юритилади; фон ва фонемалар эса, **бир томонлама** бирликлардир. Чунки морф ва морфемаларнинг **ифодаловчи** ва **ифодаланувчи** томонлари бор (баъзи адабиётларда ифодаловчи план ва ифодаланувчи план деб ҳам юритишади). Ифодаловчи деганда морф ва морфемаларнинг оғзаки нутқда эшитиладиган **товуш** ва **товушлар бирикмасини** ёзма нутқда эса, **ҳарфларни** ёки **ҳарфлар бирикмасини** тушунамиз. Ифодаланувчи деганда эшитилган **товуш** ёки **кўриляётган ҳарфнинг англатадиган маъноси** тушунилади.

Морф ва морфемаларни бўғинлар билан аралаштирмаслик лозим. Биринчидан морф ва морфемаларни тилнинг морфологик яруси ўрганади. Иккинчидан, морф ва морфемалар ҳамма вақт бўғинларга тўғри келавермай-

ди ва ҳамма бўғинлар ҳам морф ва морфемаларга мос бўлавермайди. Масалан, ўзбек тилидаги **кўча** сўзи икки бўғиндан, лекин бир морфемадан ташкил топган, **отам** сўзи эса, икки бўғин ва иккита морфемадан ташкил топган бўлса ҳам, уларнинг чегараси бир-бирига тўғри келмайди. Фонетик жиҳатдан бўғинларга бўладиган бўлсак, унда бу сўз: **о-там**, морфологик жиҳатдан энг кичик маъно англатувчи бўлақларга бўлсак **ота-м** тарзида ажратилади. Баъзи ҳолларда морфлар тасодифан бўғинга мос келиб қолиши мумкин. Масалан: **дарсликлар**, **ишчилар** ва **ҳоказо**.

МОРФ ВА МОРФЕМА

Аввал таъкидланганидек, морф нутқнинг морфологик ярусига энг кичик маъно англатувчи бирлиги, морфема эса, тилнинг морфологик ярусига энг кичик маъно англатувчи бирлигидир.

Морф ва морфема ҳамма вақт бир-бирига тенг келавермайди. Тил бирлиги бўлмиш морфема нутқда битта морф орқали ва баъзи ҳолларда бир неча морф орқали ифодаланиши мумкин. Ўзбек тилида отларда кўплик битта-лар морфемаси билан ифодаланadi. Бундай ҳолларда морф ва морфема бир-бирига мос келади. Ёки чиқиш маъноси келишиқ қўшимчаси орқали, яъни **-да** ҳам худди шундай ҳодисага мисол бўла олади. Лекин жўналиш маъноси ўзбек тилида турли қўшимчалар билан амалга оширилади: (**-га**, **-ка**, **-қа**). Бундай ҳолларда бир морфема учта морф орқали намоён бўлади. Одатда бир морфемага кирувчи морфларни шу морфеманинг **вариантлари ёки алломорфлари** дейилади. Демак, алломорф деб турли формага эга бўлган, лекин бир хил маъно англатадиган ва бир морфемага кирадиган **морфларга** айтилади. Алломорфларга мисоллар ҳинд-оврупо тилларида кўплаб учрайди: [ы] [и] [а] [я] каби рус тилидаги кўпликни кўрсатувчи алломорфлар шулар жумласидандир.

Морфеманинг турлари

Морфемалар англатган маъноси, ифодаловчи ва ифодаланувчи томонларининг очиқ намоён бўлиши ҳамда ифодаловчи ва ифодаланувчи томонларининг сон жиҳатдан бир-бирига муносабатига кўра турларга ажратилади.

Қуйида морфемаларнинг англатган маъносига кўра турларини муфассалроқ кўриб чиқамиз. Бу нуқтаи назардан морфемалар **ўзак морфема ва аффиксал морфема** деб аталмиш икки гуруҳга ажратилади.

Ўзак морфемалар ўз навбатида англатган маъноларига кўра **лексик маъно англатувчи ўзак морфемалар** ва **грамматик маъно англатувчи ўзак морфемаларга** ажралади.

Лексик ўзак морфемалар нарса, ҳодисаларни англатади, масалан: /уй-/ , /иш-/ , /бош-/ , /китоб-/ ва ҳоказо.

Грамматик ўзак морфемалар мустақил ишлатилса ҳам, мустақил лексик маъно англатмайди, улар сўзларнинг грамматик формаларини ҳосил қилиш, гаплар ичидаги сўзлар орасида грамматик муносабатлар ўрнатишга хизмат қилади. Бундай морфемаларга кўмакчи, боғловчи, предлоглар, артиклар, ёрдамчи феъллар ва ҳоказолар киради.

Аффиксал морфемалар ҳам **сўз ясовчи аффиксал морфемаларга** ва **форма ясовчи аффиксал морфемаларга** ажратилади.

Сўз ясовчи аффиксал морфемалар (ўзбек тилида /-чи/, /-дор/, /-зор/, /-сиз/, /-лаб/, /-ла/; рус тилида /-тель/ (учитель, писатель), /-чик/ (переписчик, счётчик) янги сўз ясах учун ишлатилади. Демак, сўз ясовчи аффиксал морфемалар ўзакка қўшилиб, шу ўзакнинг маъноси билан боғланган ва янги маънодаги сўз ҳосил қилишда иштирок этадиган морфемалардир.

Сўз ясовчи аффиксал морфемаларни **тобе лексик морфемалар** ҳам дейиш мумкин. Чунки улар сўзларга қўшилиб, янги сўзлар ясашда бевосита иштирок этадилар. Аффиксал морфемаларнинг иккинчи турини **грамматик аффиксал морфемалар** дейиш мумкин. Чунки улар сўзларга қўшилганда, уларнинг лексик маъноларини ўзгартирмайди, балки сўзларнинг грамматик формаларини ўзгартиришга ёки сўзлар орасида маълум грамматик алоқа ўрнатишга хизмат қилади. Ана шу икки вазифадан қайси бирини бажаришига қараб, грамматик аффиксал морфемалар ўз навбатида яна икки турга бўлинади: **сўз ўзгартувчи аффиксал грамматик морфемалар (флекциялар)** ва **форма ясовчи грамматик аффиксал морфемалар**.

Сўзнинг асосий лексик маъносини ўзгартирмай, у англатган ҳодиса ва нарсаларнинг борлиққа муносабатини ифодалайдиган морфемалар **форма ясовчи грам-**

матик аффиксал морфемалар дейилади. Бундай морфемаларга ўзбек, рус, инглиз, француз, немис тилларидаги кўплик англатувчи морфемалар, сифат ва равиш даражаларини ясайдиган морфемалар киритилади.

Сўзнинг сўз бирикмалари ва гаплардаги бошқа сўзларга алоқасини, муносабатини кўрсатишга хизмат қиладиган морфемалар **сўз ўзгартирувчи аффиксал грамматик морфемалар** дейилади. Бундай морфемаларга тиллардаги келишик ва эгалик категорияларининг қўшимчалари кирилади. Ўзбек тили мисолида бу икки хил грамматик морфема орасидаги фарқни кўришимиз мумкин.

**Сен уни чақирдинг.
Сен уларни чақирдинг.**

Бу икки гапдаги тушум келишигининг кўрсаткичи **-ни** нинг ишлатилиши мажбурий, акс ҳолда сўзлар бири бири билан боғланмайди. Лекин кўплик қўшимчаси **«-лар»** нинг ишлатилиши мажбурий эмас: унинг бор бўлиши ёки бўлмаслиги мазкур гапларда сўзларнинг ўзаро боғланишига алоқаси йўқ.

Сўз ўзгартувчи грамматик аффиксал морфемалар билан форма ясовчи грамматик аффиксал морфемалар сўзнинг лексик маъносига ҳеч қандай таъсир ўтказмайди, фақат сўзнинг грамматик маъносини ўзгартиришга хизмат қилади.

Аффиксал морфемалар ўзакка нисбатан жойлашиши нуқтан назаридан уч турга бўлинади: **префиксал, инфиксал ва постфиксал морфемалар.**

Префиксал морфемалар ўзакнинг олдида жойлашади: **бефарқ, изгнать, починить, наилучший, перечитать.**

Инфиксал морфемалар ўзакнинг ичига жойлашган бўлади. Инфиксал морфемага энг яхши мисол латин тилидан келтирилиши мумкин: **findo** сўзидаги **n** инфиксал морфема феълнинг ҳозирги замон қўшимчасидир. Бу сўз **fid** (санчмоқ) деган инфинитивдан ясалган.

Баъзи олимлар инглиз тилидаги баъзи сўзларнинг кўплик шаклининг ясалишини инфиксал морфемага мисол қилиб кўрсатишади:

foot (оёқ)
man (киши)

feet (оёқлар)
men (кишлар)

Сўзларнинг грамматик формасини бундай йўл билан ясалиши, айниқса, араб тилига хосдир, масалан:

Постфиксал морфемалар кўпчилик тилларга хосдир. Постфиксал морфема ўзакдан кейин жойлашган бўлади. Масалан: синфдош, пахтадан, ойнадек, спутник, белий.

painting, worker, freedom (инглиз тилидан)
herzlich, Arbeiter, Freiheit (немис тилидан)

СЎЗ МОДДИЙ ТАРКИБИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Маълумки дунёда ўзгармайдиган нарса йўқ — ҳамма нарса вақт ўтиши билан маълум даражада ўзгариб туради. Тил ҳам бундан истисно эмас. У доимо эволюцияда. Бу ўзгариш тилнинг ҳамма босқичларига хос нарса. Тилда содир бўлаётган ўзгаришлар сўзнинг таркибига ҳам ўз таъсирини ўтказди, натижада у ҳам аста-секин ўзгариб боради. Сўз таркибининг ўзгариши турли тилларда турли йўл билан боради. Тилшунослик фанининг тарихида асосан учта йўл таъкидланади: **соддалашув, қайта тузилиш ва мураккаблашув**. Бу йўлларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Соддалашув

Қўшма йўл билан ясалган негизларни ясама негизларга ўтиш ёки қўшма негиз билан ясама негизни туб негизга ўтиш ҳодисалари **соддалашув** дейилади. Бошқача қилиб айтганда, кўп морфемали сўзнинг бир морфемали сўзга ўтиб қолиш ҳодисаси тилшуносликда соддалашув деб ном олган. Одатда, бу ҳодиса сўзнинг ички формасини йўқотиши натижасида, яъни морфемалар орасидаги чегаранинг йўқолиши натижасида рўй беради.

Соддалашув икки сабабга асосан содир бўлиши мумкин:

1) у ёки бу морфеманинг маъносини кучсизланиши ва аста-секин йўқ бўлиб кетиши;

2) бир сўздаги ўзакни ўзига қардош бўлган бошқа ўзақлар билан алоқасининг узилиши натижасида.

Бу икки сабабнинг биринчисига қуйидаги сўзлар мисол бўла олади; рус тилидаги **ретавый** сўзи ҳозирги

вақтда сўз ясовчи аффикси бўлмаган содда (туб) сўз саналади, чунки қадимги рус тилидаги **реть** (бахс маъносида) сўзи ишлатилишдан чиқиб кетган. Аслида эса, **ретивый** сўзи **реть** от ва **-ив** сифат ясовчи морфемадан ташкил топган. Ҳозирги рус тилидаги **нужный, хижина, колько** сўзларини ҳам худди шу усулда тушунириш мумкин. Бир вақтлар рус тилида **нужа, хижа** ва **коло** сўзлари бўлган, ана шу сўзларга **-н, -ин, -ц** сўз ясовчи ва форма ясовчи **-ый, -а, -о** ларнинг қўшилиши натижасида ҳосил қилинган. Лекин ҳозирги пайтда бу сўзлар туб сўзлар қаторидан ўрин олган ва уларнинг таркиби тўғрисида гап борганда, уларни қуйидаги морфемаларга ажратишади: **нужн-ый, хижин-а, кольц-о**.

Иккинчи усулига эса, қуйидагилар мисол бўла олади.

Ҳозирги замон рус тилида **жир** деган сўз бор. Бу сўз туб сўз ҳисобланади. Рус тилида бу сўзга ўзакдош сўзлар ҳам мавжуд, масалан: **жизнь, живой**. Бу сўзларнинг асосида ётган ўзак ҳам маълум — **жить**. Лекин ҳозирги пайтда **жир** сўзи билан қолган уч сўз орасида ҳеч қандай боғланиш сезилмайди. Аслида эса **жир** сўзи **жи** ўзагидан ва **-р** сўз ясовчи қўшимчадан ташкил топган бўлиб, **ҳаётда орттирилган** деган маънони англатган. Шундай қилиб, қадимги рус тилидаги **-р** сўз ясовчи морфема ҳозирги вақтда ўзакнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва бу ўзак асосида янгидан-янги сўзлар ясалади: **жирный, жиреть, обезжиренный** ва ҳоказо.

Баъзан соддалашув сўз таркибида содир бўладиган қатор фонетик ўзгаришлар натижасида амалга ошади. Масалан, рус тилидаги **закоулок** сўзининг соддалашувида икки омил ўз таъсирини ўтказди:

а) бу сўзнинг таркибидаги бир бўғин тушиб қолди; аслида бу сўз қуйидагича кўринишга эга эди: **заколулок**;

б) бу сўзнинг асосида ётган **коло** ўзаги ишлатилишдан чиқиб кетди.

Adler немис сўзининг соддалашувида сўз таркибидаги фонетик ўзгаришлар катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳозир бу сўзнинг маъноси **бургутдир**. Аслида бу сўз қўшма сўз, яъни **adal** ва **-аг** бўлиб, **асл қуш** деган маънони англатган. Бу сўздаги фонетик ўзгаришдан ташқари **аг** сўзи ишлатилишдан чиқиб кетган. Рус тили-

даги **завтра** сўзининг дастлабки фонетик таркиби **заутра** бўлиб, **за** ва **утро** дан ташкил топган.

Сўзнинг морфологик таркибининг содалашуви, айниқса бир тилдан иккинчи тилга сўз ўзлаштирилганда кўп рўй беради: ясама ва қўшма сўзлар сифатида ўзлаштирувчи тилга кириб келади. Масалан, инглиз тилидан ўзлаштирилган футбол сўзи ўзбек тилида туб сўз ҳисобланса, инглиз тилида қўшма сўздир: **foot** — оёқ ва **ball** — тўп. Немис тилидан кириб келган **курорт** сўзи ҳам бу тилда қўшмадир, яъни **kur** — дам, **ort** — жой. Ўзбек тилига форс тилидан кириб келган **астойдил** сўзи гарчи ўзбек тилида туб сўз ҳисобланса ҳам, форс тилида уч сўздан ташкил топган — **аз таги дил**.

Қайта тузилиш

Сўз моддий таркибини ўзгаришининг қайта тузилиш йўли деганда сўздаги морфемаларнинг чегарасини ўзгариши ва бунинг натижасида янги аффиксал морфемаларни пайдо бўлиши тушунилади.

Қайта тузилишда сўзнинг негизи ясамалигича қолаверади, лекин у морфемаларга ажратилаётганда уларнинг чегараси ўзгариб, бу сўзни тузишда иштирок этган дастлабки морфемалар асл кўринишини йўқотади ва сўз янгича таркибий қисмларга ажратилади. Қайта тузилиш жараёнида аналогия ҳодисаси ва эскирган морфемаларнинг тилдан чиқиб кетиши айниқса катта аҳамиятга эга бўлади. Масалан, ҳозирги замон рус тилида **смелость** ва **готовность** ясама сўзлари бор. Биринчиси **смел** ўзаги ва **-ость** сўз ясовчи морфемадан, иккинчиси эса, **готов** ўзаги ва **-ность** сўз ясовчи морфемасидан ташкил топган. Шундай қилиб, ҳозирги замон рус тилида бир функцияни бажарувчи икки сўз ясовчи суффикс — **-ость** ва **-ность** бор. Баъзи олимларнинг фикрича **-ность** морфемаси кейинроқ пайдо бўлган, дастлабки **-ость** дир. Улар бунни қуйидагича изоҳлашади. Бир вақтлар рус тилида **готовый** ва **готовный** сифатлари бўлган. Бу сифатлардан мавҳум от ясалганда **готовный** сўзига — **ость** аффикси қўшилган. Ясалган отни авваллари қуйидагича таркибий қисмларга ажратишган: **готовн-ость**; **-н** ва **-ость** негиз ясовчи морфемалар ёнма-ён турганлиги учун вақт ўтиши билан улар бир-бирига қўшилиб кетган ва ҳозирги кунда бу сўз янгича таркибий қисмларга ажратилади: **готов-** ўзак ва **-ность** негиз

ясовчи морфема. Бу ҳодиса, ўз навбатида, тилдан **готовный** деган сифатни тушиб қолишга сабабчи бўлган. Мавҳум от **готовность** бевосита **готовный** сифатига **-ность** морфемасини қўшиш орқали ясалади, деб қабул қилинган.

Шундай қилиб, бу мисолда кўрсатилган қайта тузилиш жараёнини қўйидагича тасвирлаш мумкин:

готов-н-ый < **готов-н-ость** < **готов-ность**

Баъзи ҳолларда сўзлар ҳам қайта тузилади. Бунга рус тилидан яна бир мисол келтириш мумкин. Бу тилда унли билан бошланадиган олмошларнинг ундош билан бошланадиган вариантлари ҳам бор.

Я дал **ему** книгу Я дал **им** книгу
Я пришел к **нему** Я пришел к **ним**

Бир вақтлар рус тилидаги **с** ва **к** бир товушдан эмас, балки учта товушдан ташкил топган: **сьн, кън**.

Маълумки, предлоглар ёрдамчи сўзларга мансуб бўлиб, нутқда урғу олмайди. Улар олмошлар олдида ишлатилганда, ритмнинг таъсири натижасида, олмошлар билан қўшилиб талаффуз қилинган: **кънему, сьним**. XII ва XIII асрга келиб, (унсиз) жарангсиз **ъ** товушини тил системасидан чиқиб кетиши натижасида юқорида келтирилган сўзлар орасидаги чегара ўзгарди: дастлабки уч товушли предлоглар унинг биринчи товуши мустақил сўз — предлогга айланди, охириги товуш эса, олмошларнинг бошланғич товушлари қаторига ўтди. Бунни қўйидагича изоҳлаш мумкин:

сьн им < **сьним** < **сь ним** < **с ним**

Мураккаблашув

Сўзнинг моддий таркибини ўзгаришининг учинчи йўли **мураккаблашув** номини олган.

Мураккаблашув деганда, аввал туб сўз ҳисобланган сўзларни ясама ёки мураккаб сўзлар қаторига ўтиб қолиши ёки бир морфемали сўзларни икки ва ундан ортиқ морфемали сўзларга ўтиб қолиши тушунилади.

Масалан, голланд тилидан рус тилига ўтган **zonedek** сўзи **зонтик** тарзида ўзлаштирилиб, аналогия қондасига

биноан бу сўзнинг таркиби **столлик, домик** сўзлари таркиби сингари **зонг** ва **-ик** морфемаларига ажратилади.

Мураккаблашув ҳодисаси аввалги ҳодисага қараганда тилларда камроқ учрайди.

Шундай қилиб, сўз моддий таркибининг ўзгариши деганда мазкур сўзнинг дастлабки кўриниши билан унинг ҳозирги морфологик таркиби орасидаги ўзгариш тушунилади. Бу ҳодисаларни аниқлашда қиёслаш катта аҳамиятга эгадир.

Сўз моддий таркибининг ўзгариши тил тараққиётини кўрсатувчи омиллардан биридир.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Морфология қандай масалалар билан шуғулланади?

2. Морф ва морфема деганда нимани тушунаси?

3. Морф ва фон ҳамда морфема ва фонема орасидаги умумийлик ва фарқларни тушунтиринг.

4. Бўғин ва морфема бир-бирига тенгми? Фарқ қилса, мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

5. Алломорфлар қандай тил ҳодисасини ифодалайди?

6. Морфемалар қайси хусусиятларга кўра турларга ажратилади? Англатган маъноларига кўра морфемалар қандай турларга бўлинади?

7. Ўзак морфемалар аффиксал морфемалардан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади? Ўзак морфемалар иккига бўлиниши сабабларини тушунтиринг.

8. Аффиксал морфемалар қандай турларга ажралади? Уларни ўзбек, рус ва чет тиллар мисолида тушунтириб беринг.

9. Сўзнинг моддий таркиби деганда нимани тушунаси?

10. Сўзнинг моддий таркиби ўзгармайдиган барқарор нарса деб бўладими?

11. Соддалашув деганда қандай тил ҳодисаси тушунилади? Бошқа тиллардан сўз ўзлаштиришда соддалашувнинг ролини тушунтиринг.

12. Қайта тузилиш мураккаблашув ҳодисаларини тушунтиринг.

13. «Тилшуносликка кириш» курсидан практикум қўлланмасида берилган 110, 111, 113, 114, 117, 120-машқларни бажаринг.

ГРАММАТИК МАЪНО

Юқорида морфемалар англатган маъносига кўра лексик, грамматик ва лексик-грамматик морфемаларга ажратилишини айтиб ўтилганди. Демак, тилда асосан икки хил: лексик ва грамматик маъно бор.

Лексик-грамматик морфемаларни янги сўз ясовчи воситалар деб қараб, уларни лексик морфемалар қаторига киритиш мумкин.

Лексик маъно ташқи дунёдаги бирорта воқеа, ҳодиса ёки нарсага алоқадор якка маъно ҳисобланади; бир сўз билан боғланган бўлади. Грамматик маъно лексик маънодан фарқ қилиб, лексик маъно сингари дунёдаги нарса ва воқеаларни акс эттирмайди ва якка маънолик хусусиятига ҳам эга бўлмайди. Грамматик маъно бир ёки бир неча сўз туркумига хос бўлади.

Лексик ва грамматик маънолар хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилса ҳам, ишлатишда, яъни нутқда бир-бирига узвий боғланган. Бири иккинчисизсиз учрамайди: Грамматик маъно лексик маънога қўшимча равишда намоён бўлади ва турли грамматик муносабатларни ифодалайди: бир сўзни иккинчи сўзга бўлган муносабатини, сўзни шахсга, сонга, замонга ва ҳоказоларга бўлган алоқасини кўрсатади.

Масалан: **уй, ноқ, китоб, тулки, нейтрон, бўғин** сўзларининг лексик маънолари ҳар хил: олтига сўз олти хил лексик маъно англатади, лекин уларнинг грамматик маънолари бир хил: улар ҳаммаси бирлик ва бош келишик шаклида.

Агар бу сўзларга биз -дан қўшимчасини қўшсак (**уйдан, ноқдан, китобдан, тулкидан, нейтрондан, бўғиндан**) улар бирлик ва чиқиш келишиги маъноларини англатади. Демак, сўзнинг грамматик ўзгариши унинг лексик маъносига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Шу сўзларни рус тилига таржима қилсак, грамматик маънода табиий ўзгаришлар содир бўлади — **дом, груша, кннга, лиса, нейтрон, слог**. Булардан: **дом, нейтрон** ва **слог** сўзларининг ҳар бири учтадан грамматик маънога эга: бирлик, бош келишик ва мужской род: қолган учтасида ҳам учтадан грамматик маъно мавжуд, лекин улардан бири аввалги учта сўзлардагидан фарқ қилади: бирлик, бош келишик ва женский род. Бу мисоллардан чиқади-ган хулоса шуки, грамматик маъноларнинг тури ва сони ҳамма тилларда ҳам бир хил эмас.

Грамматик маъно грамматик категориялар билан узвий боғлиқдир. Бу ҳақда қуйироқда, грамматик категорияларга бағишланган бобларда фикр юритамиз.

Одатда, лексик маънони муайян, аниқ, грамматик маънони эса мавҳум маъно дейилади.

Грамматик маънонинг ҳаммасини мавҳум дейиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, кўпинча грамматик маъно борлиқдаги муносабатларни акс эттиради. Агар лексик маъно атроф-теваракдаги маълум нарса, ҳодисаларни англатса, грамматик маъно ана шу нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради, умумлаштиради, гуруҳларга, туркумларга ажратади. Ташқи дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг бошқа нарса ва ҳодисалар билан алоқага киришиши тилда лексик ва грамматик воситалар орқали ифодаланади.

Масалан: бирлик ва кўплик, одатда грамматик маънога киритилади: бирлик ташқи дунёда битта нарса ёки ҳодисани англатади: кўплик эса, кўп нарса ва ҳодисаларни акс эттиради.

Келишик қўшимчалари грамматик маънони англатади. Бу қўшимчалар фақат текст сўзлари ўртасидаги муносабат эмас, балки борлиқдаги кишилар, нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги муайян муносабатларни ҳам акс эттиради. Агар биз, **Анвар уйдан чиқди**, десак, **-дан** англатган грамматик қўшимча Анвар деган шахсни бирорта уйдан чиққанини ифодалайди.

Феъл замонлари ҳам грамматик маънога киради, лекин бу замонлар фақат нутқдаги, текстдаги сўзларни қайси замонга оид эканини кўрсатмай, балки ташқи дунёда содир бўладиган воқеа ва ҳодисаларни қачон бўлиб ўтганини, яъни айнан гапирилаётган вақтдами, ёки гапирилаётган вақтдан олдин ва ё кейин содир бўлганини ифодалашга хизмат қилади:

Анвар келди
Анвар пришел ўтган замон

Анвар придёт
Анвар келади келаси замон

Анвар келаётир
Анвар идёт ҳозирги замон

Сифат даражалари ҳам грамматик маънога киради. Лекин улар нарса ва ҳодисаларнинг борлиқдаги нисбий фарқини акс эттиради:

ёруғ — ёруғроқ — энг ёруғ
светлый — светлее — светлейший (самый светлый)

Барча грамматик маънолар ҳам ташқи дунёдаги аниқ муносабатларни акс эттирмай, баъзи мавҳум маъноларни ҳам англатиши мумкин. Бунга грамматик род маъноси энг яхши мисол бўла олади.

Маълумки, баъзи масалан, рус, немис, француз ва бошқа тилларда от грамматик род категориясига эга. Грамматик род маъносини мавҳум грамматик маъно дейишимизга сабаб, унинг биологик жинсга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Агар биологик жинс билан грамматик род бир-биринга мос келганда, биз уни мавҳум дея олмас эдик. Бу икки хил жинс баъзи ҳоллардагина, у ҳам бўлса тасодифан тўғри келиб қолади:

Масалан, рус тилидаги **стол** сўзн мужской род,
ручка — женский род,
окно — средний род.

Қизиғи шундаки, бу сўзларнинг бирортасини биологик жинсга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу категорияга биз қуйироқда батафсил тўхталамиз.

Грамматик маъно донмо бир хил воситалар билан ифодаланмайди. Бу воситаларга аффикслар, интонация, такрор, супплетив формалар каби воситалар киради. Уларни ҳар бирини айрим-айрим кўриб чиқамиз.

ТИЛНИНГ ГРАММАТИК ВОСИТАЛАРИ

Аффиксация

Аффиксация олимлар фикрича тилларда энг кўп тарқалган воситадир. Юқорида морфемаларнинг тури тўғрисида гапирилганда грамматик маъно англатувчи аффиксларни икки турга ажратгандик. Форма ясовчи аффиксал морфемаларнинг кейинги тури **флексия** деб юритилиб, бу восита тўғрисида «Морфемалар» бобида таърифланди.

Оҳанг

Оҳанг ўз ичига тилда грамматик маънони ифодалаш учун хизмат қиладиган мелодика билан урғуни қамраб олади. Лекин мелодика ва урғунинг роли ҳамма тилларда бир хил эмас: баъзи тилларда мелодика бошқа тилларда урғу грамматик маънони ифодалашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Мелодика

Мелодика деганда тон баландлигининг ўзгариши тушунилади. У асосан хитой-тибет тилларида катта аҳамиятга эгадир, чунки бу тиллар учун аффиксация умуман олганда ёт нарсадир. Хитой-тибет оиласига кирувчи хитой тилида тўртта тон мавжуд бўлиб, сўзнинг маъноси шу тонлардан қайси бири ишлатилаётганлигига кўра ўзгаради. Масалан, да сўзи нутқда талаффуз қилинишига кўра от, сифат, феъл ва равиш бўлиб келиши мумкин. ма сўзи мелодикаси ўзгартиб талаффуз қилинганда қуйидаги маъноларни англатиши мумкин:

- биринчи тон — она;
- иккинчи тон — каноп;
- учинчи тон — чумоли;

— тўртинчи тон — сўкинмоқ маъноларини англатади. Хитойликлар сўзнинг талаффуз қилиниш усулига қараб, уни асосий ёки ёрдамчи сўз туркумига киришини ажратишади. Сўзнинг қайси тон билан талаффуз қилиниши, қайси маънода ишлатилишини унинг гапда тутган ўрнидан фарқлаб олиш мумкин.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, мелодика орқали фақат грамматик маънони эмас, балки лексик маънони ҳам ўзгартириш мумкин.

Бу восита ёрдамида баъзи тилларда:

а) гапнинг тури фарқланади:

Он пришёл. Он пришёл? Он пришёл!

б) гап бўлаклари ажратилади:

Ходить долго — не мог.

Ходить — долго не мог!

Рус тилида сўроқ гапларни интонация орқали ифодалаш мумкин бўлса, ўзбек, инглиз, немис тилларида фақат оҳангнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу тилларда оҳангдан ташқари сўроқ юкламаларининг ишлатилиши (ўзбек тилида), сўз тартибининг ўзгариши, ёрдамчи сўзларнинг ишлатилиши (инглиз, немис тилларида) шарт ҳисобланади.

У келдими?

Анвар-чи?

Бу воситаларнинг қўлланиши, албатта, сўроқ гапнинг турига ҳам боғлиқдир.

¹ А. А. Реформатский. Введение в языковедение. М., 1967, 309-бет.

Урғу деганда, нутқда бирорта бўлаги (бўғин, сўз)ни маълум воситалар ёрдамида (кучлироқ, чўзиқроқ) талаффуз қилиб фарқлаш тушунилади.

Урғунинг грамматик маъно англатиш вазифаси унинг тилларда эркин ёки турғунлиги билан узвий боғланган. Урғу эркин бўлган тилларда унинг бу хусусиятидан кўп фойдаланилади. Урғуси турғун бўлган тилларда урғу орқали грамматик маънони ўзгартириш камдан-кам учрайди. Урғуси турғун тилларда урғунинг сўздаги ўрни белгиланган бўлиб, у ё биринчи, ё охириги бўғинга тушиши мумкин.

Урғуси эркин тилларга рус ва немис тиллари мисол бўлиши мумкин. Рус тилида сўзларнинг келишик ва сон грамматик шакли баъзан урғу орқали кўрсатилади.

Масалан: **воды** — бирлик, қаратқич келишик
'**воды** — кўплик, бош келишик.
рукй — бирлик, қаратқич келишик
'**руки** — кўплик, бош келишик.

Бу восита ёрдамида тугалланганлик маъноси ҳам англашилиши мумкин: насыпáть — насы́пать, разрéзать — разрéзáть ва бошқалар.

Ўзбек ва инглиз тилларида урғу сўзларнинг лексик маъноларини фарқлашда ишлатилиши мумкин: **янгй** (сифат), **я́нги** (равш), '**present** (от), **pre'sent** (фeъл).

Шуни ҳам эсда тутиш керакки, рус тилидаги сўзларнинг ҳаммаси юқорида келтирилган грамматик маъноларни донмо урғу орқали ифодаламайди. Урғу ўзининг бу маъносида бошқа воситалар қатори ишлатилади, яъни

дóма — бирлик, қаратқич келишик
домá — кўплик, бош келишик

Бу икки сўздаги грамматик маънолар урғу орқали ифодаланган бўлса, **стола** — **сто́лы** сўзларида худди шу грамматик маънолар аффикслар орқали амалга оширилган, яъни **стола** — қаратқич, **сто́лы** — бош келишик.

Такрор (редупликация)

Такрор деганда грамматик маънони ифодалаш мақсадларида сўз ёки унинг бирор қисмини икки марта қайтариш тушунилади. Такрорлар кўп тилларда учрайди, лекин у бир хил мақсадга хизмат қилмайди. Масалан, у малай тилида грамматик восита сифатида иш-

латилади. Такрордан бу тилда кўплик маъноси ифодалашда фойдаланилади, масалан:

судара — фуқаро, **судара-судара** — фуқаролар,
оранг — одам, лекин **оранг-оранг** — одамлар.

Такрорлаш бошқа тилларда сўз маъносини кучайтириш, бўрттириш воситаси сифатида ишлатилади.

Такрорда сўз тўлиқ ёки қисман такрорланиши мумкин.

Рус тилида **куриш-куриш** каби такрорлар давомийликни, инглиз ва ўзбек тилларида тақлидни **лим-лим**, **тоғ-тоғ**, **тақир-туқир (пул-мул)** ифодалайди. Бундай сўзлар грамматик маъно эмас, балки табиатдаги турли товушларга тақлид қилиш йўли билан янги сўз ясаш бўлиб, ундан стилистик восита сифатида кўп фойдаланилади.

Ўзбек тилида сифатларда белгиларнинг қиёс қилинишини ёки янги маъно ҳосил қилишни назарда тутмайдиган махсус модал форма ясаш мавжуд. Бунда сифат негиздан англавчилган белгининг кучлидиги, ортиқлиги, камлиги каби маънолар ифодаланади.

Модал форма морфологик усул ва синтактик усул билан (такрорлаш орқали) ясалади. Оддий даражадаги сифатнинг биринчи бўғинини ўша сўзнинг тўла формасидан аввал келтириб, унга **п**, **м**, баъзан эса **с**, **б** товушларидан бирини қўшиш билан: **қип-қизил**, **қоп-қора**, **ям-яшил**, **баб-баравар** каби кучайтирув формаси ясалади.

Бир бўғинли сифатларда сўз охиридаги ундош **п**, **м** товушларидан бирига алмаштирилади ва ўша сўзнинг тўла формасидан аввал келтирилади: **кўм-кўк** каби. **Оқ** сўзнининг кучайтирма формасида охирги товуш **чўзиқ** **п** (ёзувда **пп**) билан алмаштирилади; **оппоқ**. Айрим вақтда сифатнинг бош қисми — ҳеч қандай ўзгаришсиз келтирилади: **бут-бутун**, **дум-думалоқ** каби¹. Шундай қилиб, ўзбек тилида келтирилган услуб орқали қўшимча грамматик маъно ифодаланади.

Ички флексия

Ички флексия деганда турли грамматик маъноларни ифодалаш учун сўз таркибидаги товушларни ўзгартиш

¹ М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов. Ўзбек тили. Тошкент, 1970, 120-бет.

тушунилиб, бу восита ҳинд-оврупо ва семит тилларида кенг қўлланилади.

Инглиз ва немис тилларидаги феъллар замони шу восита орқали ифодаланади:

Ҳозирги замон:

инг. : **spring** (сакрамоқ)
get (олмоқ)

Ўтган замон:

sprang (сакраган)
got (олган)

Нем. **ich schlafe** (мен ухлаяпман); **ich schlief** (мен ухладим); **ich halte** (мен ушлаяпман); **ich hielt** (мен ушладим).

Шу восита билан баъзи отларда бирлик ва кўплик маънолари ҳам ифодаланади:

инглиз тилида

man (эркак)
foot (оёқ)

men (эркаклар)
feet (оёқлар)

немис тилида:

der Schüler ўқувчи
der Vater ота

die Schüler ўқувчилар
die Väter оталар

Ички флексия семит-хамит тиллар оиласида алоҳида ўрин тутади. Агар ҳинд-оврупо тилларида бу восита унумсиз бўлса, семит тилларида у унумлидир. Семит тилларига кирувчи араб тилларида лексик маънони асосан сўз таркибидаги ундош товушлар англатса, грамматик маънони унлилар ифодалайди. Масалан: қадимги яҳудий (иврит) тилида ш — м — р ундошлари шу келтирилган тартибда **бермоқ** ғояси билан боғланган, яъни бериш маъноси билан боғлиқ бўлган сўзларнинг ҳаммасида бу ундошлар шу тартибда учрайди, лекин грамматик маънонинг ўзгариши билан бу ундошлар орасидаги унлилар ўзгариб боради;

шмор — бермоқ
шамар — бераётган эди
шомэр — бераётган
шамур — берилаётган

Супплетивизм

Супплетивизм деганда биз бир сўзнинг грамматик формаларини ҳар хил сўз ўзакларидан ясалишини тушунамиз.

Сўзларнинг супплетив формаси ҳинд-оврупо тилларида кўплаб учрайди. Грамматик маънони бу йўл билан ифодалаш асосан кишилик олмошлари ва айрим феъллар ҳамда сифатларга хосдир.

**я — меня; мен — мени — менга;
мы — нас; биз — бизни — бизга.**

Ўзбек тилида бош келишиқдаги мен олмошига бошқа келишиқ қўшимчалари қўшилаверади, яъни **мен, мени, менинг, менга, менда** ва ҳоказо, лекин инглиз, немис ва рус тилларида бош келишиқдаги **I, ich** ва я олмошлар билан бошқа келишиқдаги олмошлар орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ: бошқа келишиқдаги олмошлар бош келишиқдаги олмошни асос қилиб олмай, балки, бошқа ўзак ёрдамида янги грамматик форма ҳосил қилади: **me, mich**.

Инглиз тилидаги **be** феъли ҳам супплетивизмга яхши мисолдир. **Be** — инфинитив форма, унинг маъноси **булмақ**, ҳозирги замон, бирлик, биринчи шахсда **am, иккинчи шахсда are, учинчи шахсда is**, ўтган замон бирликда **was**, кўплиқда **were** кўринишига эга.

Немис тилидаги **sein** феъли ҳам (шу маънода) биринчи шахс, бирлик, ҳозирги замонда **bin**, иккинчи шахсда **bist**, учинчида эса, **ist** формасига эга; **sein** ва келтирилган формалар орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ, чунки улар бошқа-бошқа феъл ўзакларидан ясалган.

Рус тилидаги **идти** феълининг ўтган замон формаси **шел, шли**. Бу ҳам супплетив йўл билан сўз ясашга мисолдир.

Инглиз, рус, немис ва француз тилларидаги баъзи сифатларнинг даража формалари ҳам ана шу йўл билан ясалади:

good — better	(инглиз тили)
bad — worse	
хороший — лучше	(рус тилида)
плохой — хуже	
gut — besser	(немис тилида)
bon — meilleur	(француз тилида)

Мазкур тилларда супплетив йўл билан ўз формасини ясайдиган яна бир қанча сўзлар бор. Шундай қилиб, супплетив йўл билан грамматик маънони ифодалаш деганда, биз ўзаро боғланган, маълум бир системани ташкил қилган грамматик маъноларни ифодалаш учун

алоҳида мустақил сўздан фойдаланиш усулини тушунамиз. Ҳозирги замон ўзбек тилида супплетивизм ҳодисаси учрамайди.

Ёрдамчи сўзлар

Ёрдамчи ёки функционал сўзлар ҳам грамматик маънони ақс эттиришга хизмат қилади. Юқорида морфемалар тўғрисида гап борганда, биз бундай сўзларни грамматик ўзак морфемалар деб атаган эдик.

Умумий тилшунослик нуқтан назаридан тилларда ёрдамчи сўзлар турли-тумандир. Уларга: кўмакчи, боғловчи, артиклар, предлоглар, ёрдамчи ва боғловчи феъллар, юкламалар, ёрдамчи сўзлар киради. Бундай сўзларда тутган ўрни, вазифаси, бошқа сўзлар билан бирикиш тартиби турличадир. Шунинг учун уларни гуруҳларга ажратиш турли нуқтан назардан амалга оширилиши мумкин. Биз бу сўзларни грамматик категорияларни ифодалашда қатнашиши ёки қатнашмаслиги нуқтан назаридан туркумларга ажратамиз. Бунга кўра сўзларнинг аналитик формасини ясашда иштирок этувчи ва бу вазифани бажармайдиган ёрдамчи сўзлар фарқланади.

Биринчи гуруҳга: артиклар, ёрдамчи феъллар, баъзи ёрдамчи сўзлар, иккинчисига боғловчи, кўмакчи, предлоглар ва юкламалар киради.

Сўзларнинг аналитик формасини ясовчи ёрдамчи сўзлар. Маълумки, грамматик категориялар фақат аффиксал морфемалар, орқали эмас, балки грамматик ўзак морфемалар, яъни ёрдамчи сўзлар воситасида ҳам ясалиши мумкин. Биринчи туркумга кирган ёрдамчи сўзлар ана шулар жумласидандир.

Артиклар тилларда турли вазифаларни бажаради. Лекин ҳамма тиллардаги артикларни бир-бири билан бирлаштириб турган нарса — бу уларнинг аниқлик ва ноаниқликни белгилаб беришидир, яъни аниқлик ва ноаниқлик категориясини ясашга хизмат қилишидир. Артиклар ҳамма тилларга хос эмас. Улар ҳинд-оврупо тиллар оиласига мансуб бўлган инглиз, немис, француз тилларида, славян группасига кирувчи болғар тилида ва бошқа баъзи тилларда учрайди. Инглиз тилида **a (n)** ва **the** артикларини, немис тилида **ein, eine, der, das, die** шулар жумласидандир.

Ёрдамчи феъллар кўпчилик тилларда учрайди. Лекин уларнинг тиллардаги аҳамияти уларнинг сонига, бажар

радиган вазифаларига боғлиқ. Баъзи тилларда бундай феъллар битта, масалан, ҳозирги замон рус тилида; француз тилида — иккита, немис тилида — учта ва ҳоказо. Рус тилидаги ёрдамчи феъл келаси замонни ясашга, ўтган ва келаси замон пассив конструкциясини ифодалашга хизмат қилади:

Я буду изучать русский язык.

Книга **была** переведена на узбекский язык в прошлом году.

Книга **будет** переведена на узбекский язык.

Инглиз тилидаги **be, have, shall, will, should, would** ёрдамчи феъллари иштирокида аспект, замон каби категориялари ясалади:

He is coming —	У келяпти (давомийлик)
He was asked 3 questions —	Ундан учта савол сўрашган эди (мажҳул даража)
He has come —	У келди (тугалланганлик маъноси)
John will come —	Жон келади (келаси замон)
I shall read this article —	Мен бу мақолани ўқийман (келаси замон)

Сўз тартиби

Грамматик маъно англатишнинг яна бир воситаси сўз тартибидир. Сўзларнинг гапда маълум тартибда жойлаштирилиши ҳам грамматик маъно ифодалашга хизмат қилади. Бу восита айниқса синтаксис учун аҳамиятлидир. Сўз тартиби хитой-тибет оиласига кирувчи тиллар ва таркиби шу тилларга ўхшаш бўлган тилларда жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги замон инглиз ва француз тили учун ҳам бу восита муҳим ҳисобланади. Бу тилларда сўз тартиби сўзларнинг гапдаги вазифаси, уларнинг қайси сўз туркумига тааллуқли эканини кўрсатади:

1) **The ball hit the boy.** — Копток болага тегди.

2) **The boy hit the ball.** — Бола коптокка тегди.

3) **A clown called a clown a clown.** — Масхарабоз масхарабозни масхарабоз деб атади.

1 ва 2 — гапларда сўз тартиби ўзгариши билан гап бўлаклари ҳам ўзгарди. 1 — гапда эга **The ball**, чунки у кесимдан олдин, яъни биринчи ўринда турибди; 2 — гапда эса, бу сўз тўлдирувчи, чунки у кесимдан кейин-

ги ўринда ўтимли феълдан кейинги учинчи ўринни эгаллаб турибди, бу ўрин — тўлдирувчининг ўрнидир. Шу муносабат билан учинчи гап, айниқса диққатга сазовор: бу гапда учта а slowп сўзи бор, улар бир-биридан грамматик формаси жиҳатидан ҳеч қандай фарқ қилмайди, лекин шунга қарамай, улар уч хил вазифани бажараётир: биринчиси — эга, иккинчиси — воситасиз тўлдирувчи, учинчиси — воситали тўлдирувчи. Бу сўзнинг бундай вазифаларини биз уларнинг формалари орқали эмас, балки гапда тутган ўрнига қараб аниқлаймиз.

Сўз тартибининг бундай хусусияти гапда сўз тартиби қатъий бўлган тилларга хосдир.

Баъзи сўз тартиби қатъий бўлмаган тилларда бу восита орқали сўзнинг қайси келишида эканлигини аниқлаш ҳам мумкин, масалан, рус тилида:

Смех (им. падеж) побеждает грусть (винит. падеж).

Грусть (им. падеж) побеждает смех (винит. падеж).

Шунга ўхшаш мисоллар ўзбек тилида ҳам учраб туради:

Ота (бош келишик) бола излади.

Бола (бош келишик) ота (тушум келишиги) излади.

Синтетик ва аналитик воситалар.

Синтетик ва аналитик тиллар. Юқорида баён қилинганидек, грамматик маъноларни ифодаловчи тил воситалари хилма-хилдир.

Тилшунослик фанида бу воситаларни икки катта туркум: синтетик ва аналитик воситаларга ажратилади.

Синтетик воситаларга аффиксация (префикслар, суффикслар), ички флексия, супплетив усул, аналитик воситаларга эса ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, такрор, оҳанг киради.

Маълум бўлишича синтетик ва аналитик воситалар дунё тилларида бир хил тарқалмаган. Кўпчилик тилларда бир вақтнинг ўзида ҳам синтетик, ҳам аналитик воситалар учрайди, лекин улар нисбат нуқтаи назардан бир хил эмас; баъзи тиллар сўзнинг грамматик формасини ўзгартиришда, яъни гапда сўзларни бири-бири билан боғлашда кўпроқ синтетик воситалардан, баъзи тиллар эса аналитик воситалардан кўпроқ фойдаланади. Асосан синтетик воситалардан фойдаланган тилларни синтетик тиллар, аналитик воситалар-

дан фойдаланадиган тилларни аналитик тиллар деб юритилади.

Синтетик тилларга ҳинд-оврупо тиллар оиласига мансуб тиллар (рус, немис ва бошқалар) киради. Бу тилларда грамматик категорияларнинг кўпчилиги синтетикдир: аналитик воситалар нисбатан кам қўлланилади.

Аналитик тилларга хитой-тибет тиллари (бу тилларда грамматик аффикслар йўқ даражада), баъзи ҳинд-оврупо оиласига кирувчи тиллар (инглиз, француз тиллари) киради.

Синтетик тилларда грамматик аффикслар бажарадиган вазифаларни аналитик тилларда сўз тартиби, ёрдамчи сўзлар каби воситалар бажаради.

Қиёсланг: Bill saw a black dog

Бил увидел черную собаку

Инглиз ва рус тилларидан келтирилган мисолда синтетик ва аналитик воситаларнинг ҳиссаси яққол кўриниб турибди. Инглиз тилидаги saw сўзи билан ундан кейин келаётган сўзлар ўзаро сўз тартиби билан боғланган, рус тилида эса, синтетик боғланиш келишик қўшимчаси орқали амалга оширилган.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Лексик маъно нима ва у грамматик маънодан қандай фарқ қилади?

2. Грамматик маъно қандай тил воситалари орқали ифодаланади?

3. Грамматик воситалар ҳамма тилларда бир хилми? Агар ҳар хил бўлса, бунинг сабабини тушунтиринг.

4. Аффиксларнинг қандай турларини биласиз? Ўзбек ва рус тилларида аффикслар қандай аҳамиятга эга?

5. Қандай фонетик воситалар грамматик вазифаларни ўтай олишини мисоллар ёрдамида атрофлича тушунтиринг.

6. Қандай грамматик воситалар такрор деб аталади? Такрор тилларда қандай вазифани бажариши мумкин? Ўзбек тилида ҳам такрор борми? У бошқа тиллардагидан нимаси билан фарқ қилади?

7. Супплетивизм нима? Қандай тилларда бу ҳодиса кенг тарқалган? Мисоллар келтиринг.

8. Ёрдамчи сўзларга нималар киради? Улар нутқда қандай вазифаларни бажаради? Инглиз, немис, француз

тилларидаги артиклар бажарадиган вазифани ўзбек ва рус тилларида қандай воситалар ўтайди?

9. Гаплардаги сўз тартиби қандай грамматик вази-фаларни ўташи мумкин? Қандай тилларда бу восита кенг тарқалган? Ўзбек, рус ва инглиз (немис, француз) тилларини қиёсланг ва уларда сўз тартибининг ўрнини белгиланг.

10. Аналитик ва синтетик грамматик воситалар ора-сидаги фарқни тушунтириб беринг.

11. 1) «Тилшуносликка кириш» курсидан практикум қўлланмасида берилган 129—145- амалий машқларни бажаринг.

2) Қуйидаги илокано тилидан (Филиппин ороллари) келтирилган сўзларни диққат билан ўрганинг. Қўплик маъносн қандай воситалар билан ифода қилинишини аниқланг¹.

1. *pinang* — овқат

pinpinang — овқатлар

2. *talon* — дала

taltalon — далалар

3. *dalan* — йўл

daldalan — йўллар

4. *biag* — ҳаёт

bibiag — ҳаётлар

5. *ulo* — бош

ululo — бошлар

Қуйидаги бирликдаги сўзнинг кўплик шаклини ёзинг: **mula** — ўсимлик.

Tawtawa — деразалар сўзининг бирлик шаклини аниқланг.

3) Судандаги динка тилидан келтирилган сўзларни диққат билан ўрганинг. Бу тилда кўплик қандай ифо-даланишини тушунтириб беринг.

1. *pal* — пичоқ

paal — пичоқлар

2. *bit* — найза

biit — найзалар

3. *vot* — уй

voot — уйлар

4. *ciṅ* — қўл

ciin — қўллар

5. *agok* — маймун

agook — маймунлар

6. *mas* — гулхан

mes — гулханлар

7. *ben* — доҳий

ban — доҳийлар

8. *dom* — дала

dum — далалар

9. *dok* — бола

dak — болалар

10. *tuon* — тухум

ton — тухумлар

¹ Бу ва кейинги машқлар С. И. Қалабинанинг «Практикум по курсу «Введение в языкознание» қўлланмасидан олинди. М., 1977, 49—50-бетлар.

11. jop — ит

jok — итлар

12. yie — қулоқ

yix — қулоқлар

4. Филиппин оролларидаги бонток тилидан келтирилган сўзларни ўрганинг. Фейлларнинг ясалиш усулини гапириб беринг.

1. fikas — кучли

fumikas — кучли бўлиб қолмоқ

2. kilad — қизил

kumilad — қизармоқ

3. bato — тош

bumato — тошга айланмоқ

4. fusul — душман

fumusul — душман бўлиб қолмоқ

Агар **pusi** сўзи «камбағал» маъносини англатса, **pususi** сўзи қандай маъно беради? **Pukaw** ва **nitad** сифатларини феълга айлантинг.

ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ ТУШУНЧАСИ

Умумий тилшунослик нуқтаи назаридан тилларда турли грамматик маънолар учрайди. Лекин бу грамматик маънолар ва уларнинг ифода услублари ҳамма тиллар учун умумий, бир хил эмас. Ҳар бир тилда ўзига хос грамматик маънолар ва уларни ифодалаш усуллари мавжуд. Улар айрим-айрим ҳолда эмас, балки маъно турларининг яқинлигига кўра гуруҳ-гуруҳ ҳолда учрайди. Бундай гуруҳларда улар сон жиҳатдан камида иккита ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Ана шундай бирикмалар тилшуносликка оид адабиётда грамматик категория — умумлашган грамматик маъно бўлиб, у тилнинг қайси морфологик турга киришини кўрсатади ва ўз ифодасини сўзларнинг ўзгаришида ёки гапда сўзнинг боғланишида топади. Умумий грамматик маънони ташкил этувчи хусусий маънолар бир-бирига зид бўлади, бир-бирини инкор қилади ва шу билан бирга бир-бирини доимо тақозо қилади: Масалан: грамматик сон категорияси деб ном олган тил ҳодисасини кўрайлик

уй — уйлар

китоб — китоблар


чироқ — чироқлар

Чап томондаги сўзларни биз сон нуқтаи назаридан бирлик деймиз. Бундай дейишимизга сабаб — улар иккинчи устундаги сўзлардан фарқ қилади: ўнг томондаги сўзлардаги **-лар** элементи уларда йўқ.

Ўнг томондаги сўзларни биз кўпликда деймиз, чунки улар чап томондаги сўзлардан ўзларидаги **-лар** қўшимчасининг борлиги билан фарқ қиладилар. Шундай қилиб, грамматик маъно қиёслаш йўли билан аниқланади.

Чап ва ўнг томондаги сўзларнинг келтирилган грамматик маънолари бир-бирига зид: бирлик ва кўплик. Лекин ана шу бир-бирига зид икки грамматик маъно биргаликда сон категориясини ташкил этади. Шу билан бирга бу категорияга кирувчи бирлик ва кўплик маънолари доимо бири иккинчисини бор бўлишини тақозо қилади: тилларда бирлик маъноси борлиги учун биз кўпликни ажрата оламиз, ва аксинча, тилларда кўплик маъноси борлиги учун биз бирликни ажратамиз. Агар тилларда отлар фақат бирликда ишлатилганда, биз кўплик тўғрисида ҳеч қачон гапирмаган бўлардик, бирлик тушунчага ҳам ҳожат қолмаган бўлур эди. Бу фикр тушунарли бўлиши учун антоним сўзларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин: **яхши** деган тушунча борлиги сабабли, биз **ёмонликни** ажратамиз; **торлик** тушунчаси борлиги учун **кенгликни**, **оқ ранг** борлиги сабабли бошқа рангни ажратамиз ва ҳоказо.

Грамматик категориялар грамматик маъно ва грамматик шаклдан ташкил топади. Масалан, юқорида кўриб чиқилган сон категориясини шу нуқтан назардан кўйидагича изоҳлаш мумкин:



яъни грамматик сон категорияси икки маънодан: бирлик ва кўпликдан, бирлик ∅ морфемаси орқали, кўплик эса **-лар** морфемаси орқали ифодаланади.

∅ — бу шакл — **нслъ морфема** деб юритилади. ∅ нинг морфемалар қаторидан ўрин олишига юқоридаги, **уй**, **китоб**, **чироқ** сўзларида ҳеч қандай қўшимча йўқлиги ҳам маълум бир маъно аниқлашга сабаб бўлди.

Грамматик категориялар ифодаланиш усулига кўра уч турга бўлинади:

- 1) синтетик грамматик категориялар,
- 2) аналитик грамматик категориялар,

3) аралаш грамматик категория ёки синтетик-аналитик грамматик категориялар.

Синтетик грамматик категориялар аффиксал морфемалар орқали ифода қилинади. Масалан, ўзбек тилидаги сон, келишик, эгалик, шахс-сон категориялари, рус тилидаги сон, род каби категориялар, инглиз тилидаги сон ва келишик категориялари шулар жумласидандир.

Аналитик грамматик категориялар фақат ёрдамчи сўзлар орқали ифода қилинади. Масалан, инглиз тилидаги келаси замоннинг ясалишига ўхшаш ҳолларда:

I shall go home.


Bill will come now.

Агар инглиз тилидаги кўп бўғинли сифатнинг даражаларини ясашда иштирок этадиган «more» ва «most» сўзларини баъзи олимлар айтганидек, ёрдамчи сўзлар деб қабул қилсак, унда ана шундай сифатларнинг (кўп бўғинли) даража категорияси соф аналитик воситалар билан ясалган бўлади:

interesting — more interesting — the most interesting
attractive — more attractive — the most attractive

Аралаш ёки синтетик-аналитик грамматик категориялар бир вақтнинг ўзида ҳам аналитик, ҳам синтетик воситалар билан ёки бошқача қилиб айтганда, ҳам грамматик аффиксал ҳам мустақил грамматик морфемалар ёрдамида ифодаланади. Бундай грамматик категориялар инглиз, немис ва француз тилларида кўплаб учрайди. Инглиз тилидаги феълларда даража категорияси қуйидагича ясалади:

Даража категорияси



актив

пассив

They asked Martin some questions.

Улар Мартиндан бир нечта савол сўрашди.

Martin was asked some questions.

Мартиндан бир нечта савол сўрашди.

Шундай қилиб, мажхул даража инглиз тилида **be** ёрдамчи феъли билан-**ed** аффикси орқали ифода қилинади.

Немис тилидаги замон нисбати категорияси (категория временного отношения) ҳам кўрилатган категорияга мисол бўла олади, яъни:

Ich schreibe

Ich habe geschrieben

Аввал айтганимиздек грамматик категорияларнинг сони турли тилларда турличадир. Масалан, рус тилидаги отларда учта грамматик категория, ўзбек ва инглиз тилида ҳам учта, немис тилида эса тўртта грамматик категория бор. Грамматик категориялар уч тилда миқдор жиҳатдан бир хил бўлса ҳам, тури жиҳатдан ҳар хилдир:

Категориялар Тиллар	Сон	Келишик	Жинс	Эгалик	Аниқлик ва ноаниқлик
Рус	+	+	+	-	-
Ўзбек	+	+	-	+	-
Инглиз	+	+	-	-	+

(+) белгиси келтирилган грамматик категориянинг борлигини билдиради. Бу учта тилда сон ва келишик грамматик категорияси умумий, лекин род фақат рус тилида, аниқлик (ноаниқлик) фақат инглиз тилида ўз аксини топган. Шунинг ҳам таъкидлаш зарурки, агар ўзбек тилида аниқлик ва ноаниқлик категорияси бўлмаса, бу маънолар ўзбек тилида ифодаланмайди деган фикрга олиб келмаслиги керак. Чунки ҳар қандай тилда ҳар қандай маъно ифодаланиши мумкин, аммо воситалар бир хил бўлмайди. Маълум бир маъно бир тилда грамматик воситалар билан ифодаланса, бошқа тилда лексик, учинчи бир тилда синтактик восита билан берилиши мумкин.

Роман-герман тилларига хос бўлган аниқлик ва ноаниқлик категорияси ўзбек ва рус тилларида лексик ва синтактик воситалар ёрдамида ифодаланadi. Масалан:

She swerved the beam around to the hatchway. **A man** was standing there— a massive, brutish young man, dressed in dirty jeans and a heavy pullover

The man ignored her questions and flashed the torch around the cabin. (N. Buckingham).

У (Карол) чироқ нуруни люк томон бурди. У ерда қандайдир бир одам турарди — у бақувват, ифлос жинси ва қалин пуловер кийган ёш йигит эди.

Эркак унинг саволларига аҳамият бермай, фонарь нурида хонани текширар эди.

Бу гапда инглиз тилидаги **a** ноаниқ артикли ўзбек тилига қандайдир бир сўзлари билан таржима қилиниб, **the** аниқ артикли умуман тушириб қолдирилди. Лекин у англатган аниқлик маъноси контекстдан сезилиб турибди, **man** сўзи олдида турган бу артикль **аввал гапириб ўтилган, ўқувчига маълум** каби маъноларни англатади.

Эгалик категорияси юқорида келтирилган тиллардан фақат ўзбек тилига хосдир. Эгалик категорияси ўзбек тилида грамматик восита — грамматик-аффиксал морфемалар орқали ифодаланади. Эгалик маъноси рус ва инглиз тилларида ҳам ўз аксини топади, ammo бу тилларда ўзбек тилидагига ўхшаш эгалик маъносини ифодаловчи грамматик восита йўқ; бу тилларда лексик восита олмошлар ўзбек тилидаги аффикслар вазифасини ўтайди. Масалан:

китобим	моя книга	my book
китобинг	твоя книга	your book
китоби	его, её книга	his, her, its book
китобимиз	наша книга	our book
китобингиз	ваша книга	your book
китоблари	их книга	their book

Грамматик категориялар тўғрисидаги умумий тушунчанинг якунида шунини айтиш керакки, дунёдаги ҳар бир тил инсон тафаккури яратган ҳамма категорияларни ифодалашга қодир, лекин уларни грамматик категория дея олишимиз учун, улар грамматик воситаларнинг бирортаси билан ифода қилиниши лозим¹.

Асосий грамматик категориялар

Грамматик род категорияси. Бу категория тилларда учрайдиган бошқа грамматик категориялардан фарқ қилади. Род категорияси тилдаги сўзларни учта, яъни

¹ Л. И. Бархударов. Структура простого предложения современного английского языка, М., 1966, стр. 188—194.

кенский род, мужской род ва нейтрал ёки средний род-а ажратлади. Мазкур грамматик категориянинг бошқа категориялардан фарқи шуки, у ҳозирги замон инсон афаккури мантиқига ҳеч тўғри келмайди, чунки грамматик род табиий биологик жинсга мос келмайди. Маънумки, табиий, биологик жинс иккита, грамматик род эса кўпчилик тилларда учта: грамматикадаги (нейтрал) :редний родга табиатда мос келадиган жинс йўқ. Ундан ташқари, табиатда жинс тирик организмларга хос нарса, аммо грамматикада род категорияси ўз ичига жонивиз предмет ва ҳодисаларни ҳам олади. Грамматик род категорияси кўпчилик ҳинд-европо тилларига, жумладан: немис, француз, инглиз тилларига хосдир. Мисоллар:

Мужской род	Женский род
рус т. дом, стол, человек,	ручка, девочка, рука
нем. т. Tisch, Knabe, Mann	Lampe, Wand
фр. т. un homme, un stylo	une maison
	une filette

Средний род

окно, радио, время
Fenster, Radio
француз тилида
бу род йўқ

Ҳар бир тилнинг ўзига хос грамматик жинс кўрсаткичи бор: рус тилида женский род -а аффиксал морфемага, мужской Ø аффиксал морфемага ва (нейтрал) :редний одатда -о, -я ва -е га тугайди. Бошқа тилларда ҳам шунга ўхшаш кўрсаткичлар бор. Шуни ҳам айтиш лозимки, бу кўрсаткичлар мутлақ эмас, яъни бундай ҳодалар истисносиз эмас. Истиснолар ҳамма тилларда ҳам учрайди. Масалан: рус тилидаги **мужчина**, **папа** сўзлари -а қўшимчасига тугаса ҳам мужской родга киради (бу албатта, биологик жинснинг таъсиридир). Шу тилдаги юмшоқ ундошга тугайдиган отларнинг жинси ҳам кенский, ҳам мужской бўлиши мумкин, бу уларнинг турланиши турига боғлиқ: **лошадь** — женский родга киради, **дождь** — мужской родга киради, **яшень** — мужской родга, **плесень** — женский родга киради ва ҳоказо.

Грамматик род категориясининг яна бир хусусияти шуки, бир турдаги отлар турли жинсга кириши мумкин. Масалан: **море** — средний род, **река** — женский род, **ирод** — мужской род, **дуб**, **берёза**, **ива**, **сосна**, **клён** каби

сўзлар дарахт турини англатса-да, грамматик роди ҳа хилдир.

Бир сўзнинг ўзи турли тилларда турли граммати родга кириши мумкин, масалан, рус тилидаги **лошад** сўзи женский родга кирса, немис тилида шу маънодаг **das Pferd** средний родга, француз тилидаги **le chevre** сўзи — мужской родга киради. Рус тилида **девочка** в **женщина** сўзларининг женский родга кириши табиқ ҳолдир, лекин шу маънодаги немисча **das Weib, da Mädchen** сўзларининг средний родга кириши тушуни бўлмайдиган ҳолдир. Ушбу категориянинг ана шу ху сусиятларини назарда тутиб, баъзи олимлар грамматик родни сирли категория деб аташса, бошқалари ун тилнинг ўтмишдан бизгача етиб келган қолдиғи деб ту шунтиришади.

Грамматик роднинг яна бир ажабланарли жойи шун даки, у тарихан ўзгарувчан категориядир. Бир вақтлар рус тилидаги **атом** сўзи женский родга кириб, **атом** деб юритилган, **молекула** сўзи эса, авваллари мужской родга мансуб бўлиб, **молекул** деб юритилар эди.

Грамматик жинс категориясининг келиб чиқиши тўғ рисида тилшунослик тарихида ҳар хил фикрлар, илми тахминлар айтиб ўтилган. Маълумки, қадимги инг лиз тилида ҳам мазкур категория бўлган. Унинг пайди бўлиши тўғрисида Америка олимлари ўз мулоҳазалари ни айтиб ўтишган. Масалан: қадимги инглиз тилиди **қайиқ** сўзи женский родга мансуб бўлган, олимларнинг айтишича, бир вақтлар қайиқнинг олд томони аёл бюсти билан безатилган. Ана шу ҳолат бу сўзни қайси родга киритилиши масаласини ҳал қилган. Бошқа ҳолларди ҳам шундай сабаблар бўлган бўлиши мумкин, деб тах мин қилишади.

Немис олимларининг фикрича, одамлар дунёдаги ҳамма кучли, қудратли нарса ва ҳодисаларни мужской родга, гўзал, нозик, нафис нарсаларни женский родга киритишган. Қўлда ясалган нарсаларни эса нейтрал деб билишган, мисол тариқасида **тоғ** ва **гул** сўзларини кўрсатишган: **der Berg** — мужской род, **die Blume** — женский род.

Бу ҳозирги вақтда энг кенг тарқалган фикр бўлса да, у айрим сабабларга кўра қабул қилинмади. Чунки биринчидан, немис тилидаги кўп отларни бундай тушун тириб бўлмайди, масалан, юқорида келтирилган **қиз** ва **аёл** сўзлари немис тилида средний родга эмас, балки

женский родга кириши керак эди, ҳолбуки, бундай эмас, иккинчидан, рус тилидаги **гора** сўзи немис тилидагидек мужской родга кирмайди, аксинча, у женский родга мансуб, цветок сўзи эса, мужской родга тўғри келади. Демак, умумий тилшунослик нуқтаи назаридан у ҳам нотўғридир.

Ўзбек тилида грамматик род категорияси йўқ. Лозим бўлганда бу маъно лексик-семантик, морфологик ва синтактик усуллар билан ифода этилиши мумкин, лекин бу воситаларнинг грамматик род категорияси бор тиллардан яна фарқи шуки, улар (ўзбек тилидаги отлар) юқорида кўрсатилган усуллар ёрдамида одам ва ҳайвонларни биологик жинсини аниқлаш учун қўлланилган, яъни:

Лексик-семантик усул:

- 1) Ўғил — қиз тоға — хола
ота — она эркак — аёл
- 2) Қарим — Қарима
Нодир — Нодира
Салим — Салима
Шоир — Шоира

Синтактик усул:

- 3) эркак мушук — ургочи мушук

Эслатма: морфологик усулдаги — а аффикси араб тилидан кириб келган бўлиб, ўзбек тилида маҳсулдор эмас. Қўлланилиши имкониятлари чегараланган.

Грамматик сон категорияси

Грамматик сон категорияси нарса ва предметларнинг сонини, бирлик ёки кўплигини кўрсатади. Бу грамматик категория кўпчилик тилларда икки хусусий маъно: **бирлик** ва **кўпликдан** ташкил топган. Баъзи тилларда бирлик кўпликдан ташқари жуфтликни англатувчи **иккилик сони** ҳам учрайди.

Сон категорияси фақат отга хос бўлмай, сифат, олмош ва феълларда ҳам ифодаланиши мумкин. Лекин унинг грамматик ифода услублари сўз туркумлари ва тилларда бир хил эмас.

Ўзбек, рус, инглиз, немис, француз тилларида мазкур категория бир-бирига зид бўлган икки хусусий сон — бирлик ва кўпликдан ташкил топади. Ўзбек тилида бу

категория от, олмош ва феълларда; рус тилида от, сифат, олмош, феъл ва тартиб сонларда; инглиз тилида асосан от ва олмошларда ўз аксини топади.

Бирлик сони предмет ва ҳодисаларнинг яккалигини англатса, кўплик уларни бирдан ортиқлигини, сони ноаниқлигини ифодалайди, масалан:

китоб — китоблар,
чақмоқ — чақмоқлар.

Китоблар сўзи кўплик маъносини билдиришига шубҳа йўқ лекин бу сўз талаффуз этилганда ундан китобларнинг аниқ миқдори англашилмайди. Инглиз тилидаги **books**, немис тилидаги **die Bücher** француз тилидаги **les livres** сўзларида, ҳам биз айнан шу нарсани кузатамиз.

Грамматик сон категорияси тилдаги бир неча сўз туркумида ўз аксини топса ҳам, унинг нутқдаги вазифаси бир хил эмас. Масалан, отларда сон бирлик ва кўпликни англатса, сифат ва феълларда у белги ва иш-ҳаракатнинг миқдорини кўрсатмайди. Маълумки, сифат ҳам, феъл ҳам нутқ жараёнида от билан узвий боғланган бўлади. Сифат ва феълдаги сон бу сўз туркумларининг қайси шаклдаги от билан муносабатга киришишига боғлиқ: улар кўпликдаги от билан боғланса, унда ўзлари ҳам кўпликда келишлари лозим, масалан: **белый дом — белые дома,**

студент отвечает — студенты отвечают.

Ўзбек тилида сифатда сон категорияси йўқлиги сабабли, от қандай формада ишлатилган бўлишидан қатъи назар, сифатда ўзгариш рўй бермайди, масалан: **оқ уй — оқ уйлар,**

қизил байроқ — қизил байроқлар.

Бундан рус тилига ўхшаган тилларда сифат ва феъллардаги сон категорияси отлар билан мослашув учунгина зарурдир, деган хулоса келиб чиқади.

Грамматик сон категориясининг ифодаланиш усули тилларда бир хил эмас. Ўзбек тилига ўхшаш тилларда бу категория отда аффиксал грамматик морфемалар билан ифода этилади. Рус, инглиз ва немис тилларида, гарчи асосан шундай воситалар ишлатилса ҳам, баъзи ҳолларда ички флексиялар, супплетив усуллар учраши мумкин, масалан:

инг: **man** (одам, эркак) — **men** (одамлар)
goose (ғоз) — **geese** (ғозлар)
нем: **Mann** (одам) — **Männer** (одамлар)

Олмошдаги сон категорияси бошқа сўз туркумларидагидан тубдан фарқ қилади. Ҳинд-оврупо тилларидаги кишилик олмошлари кўплик шаклини асосан супплетив йўл билан ясади:

Шахс	рус		инглиз		немис		француз	
	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик	бирлик	кўплик
I	я	мы	I	we	Ich	wir	je	nous
II	ты	вы	you	you	du	Ihr	tu	vous
III	он, она оно	они	he, she it	they	er, es sie	sie	il elle	ils

Рус тилидаги кишилик олмошларининг учинчи шахс кўплиги истисно тарзда аффиксал морфема орқали ясалади.

Туркий тилларда ва шу жумладан ўзбек тилида кишилик олмошларининг сон категориясини аффиксал грамматик морфемалар кўмагида, яъни биринчи ва иккинчи шахс бирлик — **ен** кўплиги **из** аффикси, учинчи шахс бирлиги «**ноль**» морфема, кўплиги эса, отлар сингар — **лар** қўшиш орқали амалга оширилади. Бундай ҳолат ўзбек тилининг соф агглютинатив тиллардан бири эканлигини яна бир бор исботлайди.

Нарса ва ҳодисаларнинг аниқ миқдори отнинг сон билан бирикиши орқали ифодаланади, масалан:

ўнта уй
десять домов
ten houses

Соннинг от билан бирикиши тилларда ўзига хос хусусиятларга эга. Ўзбек тилида ноаниқ кўплик-лар аффиксал морфема билан ифодаланса, аниқ кўпликда, яъни отнинг олдида сон келганда от охиридаги-лар қўшимчаси тушиб қолади. Инглиз, немис ва француз тилларида бундай эмас; бу тилларда кўплик маъносини кўрсатувчи грамматик аффиксал морфемалар нарсаларнинг аниқ сони кўрсатилаётганда ҳам от таркибида сақланади. Рус тили бу масалада бошқа тиллардан бирмунча фарқ қилади: от олдида иккидан бешгача бўлган

сонлар келса (яъни 2, 3, 4), от бирликда, лекин қаратқич келишигида туради: два стола / книги; три стола / книги; четыре стола/книги.

Беш ва ундан кейинги сонлар қўшилганда от кўпликда қаратқич келишигида ишлатилади:

пять столов/книг.

шесть столов/книг ва ҳоказо.

Тиллардаги сўзларнинг ҳаммаси ҳам бирлик ва кўпликда ишлатилавермайди. Кўпчилик ҳинд-оврупо тилларида фақат бирликда ёки фақат кўпликда ишлатиладиган отлар учрайди. Фақат бирликда ишлатиладиган сўзларни тилшунослик фанида *singularia tantum* деб юритилади. Бундай сўзларга рус тилидаги *вода, мука, беготня* сўзларини, инглиз тилидаги *oil, rice* каби сўзларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Фақат кўпликда ишлатиладиган сўзларни *pluralia tantum* деб аталади. Бундай сўзларга рус тилидаги *сумерки, духи, брюки, сливки, очки*, инглиз тилидаги *goods, trousers, spectacles* каби сўзлар киради.

Бир тилда фақат *pluralia tantum* да ишлатиладиган сўзлар бошқа тилларда, масалан, ўзбек, немис, француз тилларида ҳам бирлик, ҳам кўпликда ишлатилиши мумкин:

шим — шимлар

die Brille — die Brillen

Келишик категорияси

Отнинг бошқа сўз туркумига муносабати келишик категорияси орқали ифодаланади. Бу категория борлиқдаги нарса, сифат ва ҳодисалар ўртасидаги алоқа муносабатларини белгилайди. Келишик категориясини ифодаловчи грамматик воситалар от ва отлашган сўзларнинг синтактик вазифасини кўрсатади. Шунинг учун кўпчилик тилшунослар бу категорияни морфологик-синтактик категория деб юритишади. Келишик маънолари грамматик аффиксал морфемалар орқали ифодаланади, масалан, **-а, -у, -ом, -е** (рус тили мужской род, бирликдаги келишик қўшимчалари), **-нинг, -ни, -га, -да, -дан** (ўзбек тили келишик қўшимчалари).

Тилларда келишиклар ишга тушиши учун камида икки сўз муносабатга киришиши керак. Бир-бири билан боғланган икки мустақил сўз бор жойда синтаксис кучга киради. Бу келишикни синтактик категория дейишга яна бир далилдир:

**Уйда тўқилган
қуёшнинг нури**

**встретил друга
girl's bag**

Келишик категорияси бир неча хусусий маънодан ва бу маъноларни ифодаловчи воситалардан ташкил топади. Келишикларнинг сони тилларда бир хил эмас. Ҳозирги замон инглиз тилида иккита, немис тилида — тўртта, ўзбек ва рус тилларида — олтита, эстон тилида ўн бешта, венгер тилида эса йигирматадан ортиқ келишиклар бор. Хитой-тибет тилларида ва ҳозирги француз тилида келишик умуман йўқ. Келишик йўқ тилларда гапдаги сўзлар ўртасидаги муносабат бошқа грамматик воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Келишикларнинг сони тилларда турлича бўлиши, келишик категориясига кирувчи хусусий маъно ва формаларнинг мазмуни ва вазифаси ҳар хил эканлигидан далолат беради.

Бир тилда бор келишик келишиги бор бошқа тилларда ҳам мавжуд дейиш нотўғридир. Буни исботлаш учун ўзбек ва рус тилларидаги келишикларни қиёслашнинг ўзи kifоя. Маълумки, ҳар иккала тилда олтитадан келишик бор. Ўзбек тилидаги бош келишик рус тилидаги именительный падежга ҳар жиҳатдан мос келади: иккала тилда ҳам бу келишикда келган сўз гапда эга от кесим вазифасида келади; рус тилидаги родительный падеж ўзбек тилидаги қаратқич ва тушум келишикларига, дательный падеж эса жўналиш келишигига мос тушади ва ҳоказо.

Баъзи тилларда келишик категорияси бир нечта сўз туркумларига хос бўлиши мумкин, масалан, ўзбек тилида фақат от ва олмош, рус тилида эса от, сифат, сон ва олмош келишикларда турланади. Қиёсланг:

Карим менинг яқин дўстимни учратибди.

Карим встретил моего близкого друга.

Гарчи ўзбек ва рус тилларида келишиклар олтитадан бўлса-да, келишик қўшимчаларининг сони бир хил эмас: ўзбек тилида қўшимчалар сони бешта бўлса, рус тилида бирмунча кўпроқ. Рус тилида келишик қўшимчалари турланидиган сўзнинг роди ва сонига кўра қўшилади.

Ўзбек тилида келишик қўшимчалари сўзнинг бирлик ва кўпликдалигидан қатъи назар қўшилаверса (**уй-уйга-**

уйларга), рус тилида кўпликдаги отлар ўз келишиқ кўшимчаларига эга бўлади:

род.п.: **дома** (бирлик) — **домов** (кўплик)
дат.п.: **дому** (бирлик) — **домам** (кўплик)

Инглиз тилидаги келишиқ категорияси ўзига хос хусусиятга эга. Агар рус ва ўзбек тилларида бир келишиқ системаси бир нечта сўз туркумига хизмат қилса, инглиз тилида от ва кишилиқ олмоши ўз келишиқ системасига эга бўлади. Отда **умумий** (common) ва **қаратқич** (genitive), кишилиқ олмошларида эса **бош** (nominative) ва **объектив** (objective) келишиқларига эга.

От

Олмош

умумий к. : boy
қаратқич к. : boy's

бош к. ; I, we
объектив к. ; me, us

Ҳинд-оврупо тилларида олмошнинг келишиқ шакли асосан супплетив йўл билан (**she — her; я — меня**), туркий тиллар, шу жумладан ўзбек тилида грамматик аффиксал морфемалардан фойдаланиб ясалади:

китобнинг — менинг
китобга — менга ва ҳоказо.

Грамматик замон категорияси

Грамматик замон категорияси тилларда энг кўп тарқалган феъл категорияларидан биридир.

Феълнинг замон категорияси иш-ҳаракатнинг нутқ содир бўлиш пайтига нисбатан амалга ошишини кўрсатади. Назарий жиҳатдан бу категория: гапирилаётган пайтда, гапирилаётган пайтдан олдин, гапирилаётган пайтдан кейин содир бўладиган иш-ҳаракатни ифодалайди. Кўпчилик тилларда замон грамматик категорияси ана шу уч хусусий маънодан ташкил топган.

Ҳозирги замон феъли нутқ сўзланаётган вақтда содир бўлаётган иш-ҳаракатни англатади, масалан:

Я читаю журнал
Мен журнал ўқияпман.
I read a magazine

Ундан ташқари, бу замон яна бир қатор қўшимча маъноларни:

1) донмий тўхтовсиз такрорланиб турадиган иш-ҳаракатни:

Тошкент — Ўзбекистоннинг пойтахти.
Земля вращается вокруг своей оси.
The earth rotates round the sun.

- 2) маълум вазиятда келаси замон маъносини:
Эртага уйга кетяпман.
Завтра вылетаю домой.
I go home tomorrow.

- 3) ўтган замон маъносини ҳам англатиши мумкин.
Вчера захожу в институт и встречаю родителей.

Ўзбек тилида бу замоннинг ҳозирги-келаси замон феъли; ҳозирги замон давом феъли турлари бор.

Ҳозирги-келаси замон феъли нутқ жараёнида ва ундан кейин содир бўладиган иш-ҳаракатни ифодалайди. Бу маъно феъл ўзагига **-а (-й)** равишдош ясовчи аффиксал морфемани қўшиш ва туслаш билан ифодаланади:

Ишни ҳозироқ бошлаймиз.
Улар бугун келишади.

Ҳозирги замон давом феъли иш-ҳаракатнинг айнан нутқ жараёнида содир бўлаётганини ифодалайди. Бу маъно феълга **-яп, -ётиб, -моқда** аффиксал морфемаларни қўшиш ва туслаш йўли билан ифодаланади:

Газета ўқияпмиз (ўқимоқдамиз, ўқиётимиз).

Ўтган замон нутқ жараёнидан олдин бўлиб ўтган иш-ҳаракатни англатади. Бу маънода турли тилларда турлича: рус тилида **-л** аффикси ёрдамида, инглиз тилида агар феъл тўғри феъллар туркумига мансуб бўлса, **-(e)d** аффикси ёрдамида, агар у нотўғри феъл бўлса, у супплетив, ё феъл ўзагидаги унлини ўзгарттиш орқали ифодаланади:

Лектор пришёл.

Mary helped me.

Mary brought me a book (инфинитив шакли — bring)

Mary went home (инфинитив шакли — go)

Баъзи тилларда ўтган замон бир нечта кўринишга эга. Бундай тилларга ўзбек ва немис тиллари яхши мисол бўла олади.

Ҳозирги замон ўзбек тилида ўтган замоннинг: **яқин ўтган замон, узоқ ўтган замон, ўтган замон ҳикоя феъли, ўтган замон давом феъли** ва **ўтган замон мақсад феъли** фарқланиб, уларнинг ҳар бири ўз ифода воситасига эга.

Яқин ўтган замон феъл ўзагига **-ди** аффиксини қўшиш

ва туслаш, **узоқ ўтган замон** сифатдош ясовчи **-ган** аффиксини қўшиш ва туслаш, (**эди, экан** тўлиқсиз феълларнинг **-ган** аффиксини олган феъл формаси билан бирикиши натижасида), **ўтган замон ҳикоя** феъли **феъл ўзагига** равишдош ясовчи **-(и)б** аффиксини қўшиш ва туслаш, **ўтган замон давом феъли** **-(а)р** аффикси ёрдамида ясалган ҳозирги замон сифатдошига **эди** тўлиқсиз феълини туслаб бириктириш, **-ётган** аффикси билан ясалган ҳозирги замон сифатдошига **эди** тўлиқсиз феълини туслаб бириктириш, феъл ўзагига **-моқда** аффиксини қўшиб, **эди** тўлиқсиз феълини туслаб бириктириш ва **ўтган замон мақсад феъли** феъл ўзагига **-моқчи** аффиксини қўшиш ҳамда **эди** тўлиқсиз феълини туслаб бириктириш ёки **-диган** аффикси ёрдамида ясалган келаси замон сифатдошига **эди** тўлиқсиз феълини туслаб бириктириш билан ифода этилади.

Яқин ўтган замон:

Мен ишладим	— Биз ишладик.
Сен ишладинг	— Сиз ишладингиз.
У ишлади	— Улар ишладилар.

Узоқ ўтган замон:

Мен ишлаганман	— Биз ишлаганмиз.
Сен ишлагансан	— Сиз ишлагансиз.
Мен ишлаган эдим.	— Биз ишлаган эдик.
Сен ишлаган экансан	— Сиз ишлаган экансиз.
У ишлаган эмиш	— Улар ишлаган эмишлар.

Ўтган замон ҳикоя феъли:

Мен ишлабман	— Биз ишлабмиз.
Мен ишлаб эдим	— Биз ишлаб эдик.
Сен ишлабсан	— Сиз ишлабсиз.
Сен ишлаб эдинг	— Сиз ишлаб эдингиз ва ҳоказо.

Ўтган замон давом феъли:

Мен ишлар эдим	— Биз ишлар эдик.
Мен ишлардим	— Биз ишлардик.
Мен ишлаётган эдим	— Биз ишлаётган эдик.
Мен ишламоқда эдим	— Биз ишламоқда эдик ва ҳоказо.

Ўтган замон мақсад феъли:

Мен ишламоқчи эдим	— Биз ишламоқчи эдик.
Мен ишлайдиган эдим	— Биз ишлайдиган эдик ва ҳоказо.

Келаси замон феълдан англашиладиган иш-ҳаракат нутқ жараёнидан кейин содир бўлишини кўрсатади. Бу замоннинг ифодаланиши ва маъно турлари ҳам тилларда бир хил эмас. Ҳозирги инглиз тилида бу маъно уч турда ифодаланади.

Shall, will ёрдамчи феъллари ва инфинитив орқали. **Shall** ёрдамчи феъли биринчи шахс бирлик ва кўplik учун, **will** эса, иккинчи ва учинчи шахслар учун қўлланилади, масалан:

I shall read it later (Мен бунни кейинроқ ўқийман)

He will phone you up (У сенга қўнғироқ қилади)

Бу усулда оддий келаси замон ифодаланади.

2. Утган замон нуқтаи назаридан келаси замон маъноси ифодаланиши мумкин.

3. Келаси замонда содир бўладиган иш-ҳаракатдан олдин амалга ошадиган бошқа иш-ҳаракатнинг ҳам маъноси ифодаланиши мумкин.

Бу учала келаси замондан иккинчиси **should** ва **would** ёрдамчи феълларига инфинитивнинг бирикиши натижасида ифода этилади.

John said that he would come.

Жон келишини айтди.

Should ёрдамчи феъли биринчи шахсга, **would** эса, қолган шахсларга нисбатан ишлатилади.

Келаси замоннинг учинчи турида иккита келаси замон маъносини англатадиган феъл бўлиб, улар бири иккинчисидан олдин содир бўладиган ёки кетма-кет содир бўладиган икки иш-ҳаракатни англайди, масалан:

When you come he will have finished his composition.

Сен келганида, у иншони ёзиб бўлган бўлади.

Ҳозирги замон немис тилида келаси замоннинг икки тури ажратилади. Бу икки замон инглиз тилидаги биринчи ва учинчи келаси замон турларига мос келиб, аналитик воситалар ёрдамида ясалади.

Ўзбек тилидаги келаси замон бошқа тиллардагидан анча фарқ қилади. Ўзбек тилида соф келаси замон маъносини англатадиган феъл шакли йўқ. Юқорида айтилганидек феълнинг бир шакли айни вақтда келаси замонни ҳам англаверади. Ҳақиқий келаси замон келаси замон гумон феъли, келаси замон мақсад феълдан иборат бўлади.

Келаси замон гумон феъли иш-ҳаракатнинг нутқ сўзлангандан сўнг содир бўлишини тахмин қилинишини

ифодалайди. Бу маъно **-(а)р** аффиксал морфемаси билан ясалган сифатдошни туслаш орқали ифода этилади.

Мен ишларман — Биз ишлармиз.

Сен ишларсан — Сиз ишларсиз.

У ишлар — Улар ишлар.

Келаси замон мақсад феъли нутқ жараёнидан сўнг бажарилиши мақсад қилиб олинган, мўлжалланган иш-ҳаракатни англатади. Бу маъно феъл ўзагига **-моқчи** аффиксал морфемасини қўшиш ва туслаш билан, **ёки** ҳозирги замон равишдошига **-диган** аффиксал морфемасини қўшиш ва туслаш билан ифодаланади.

Мен ишламоқчиман — Биз ишламоқчимиз.

Мен ишлайдиганман — Биз ишлайдиганмиз.

Сен ишламоқчисан — Сиз ишламоқчисиз.

Сен ишлайдигансан — Сиз ишлайдигансиз.

Келаси замоннинг ўзбек тилидаги кўринишлари бизга маълум бўлган ҳинд-оврупо тилларининг бирортасига ҳам мос келмайди. Демак, ҳар бир тилнинг ўзига хос грамматик маъно турлари ва уларни ифода қилиш услублари бор.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Қандай тил ҳодисаси грамматик категория дейилади?

2. Грамматик категориялар ифода режасига кўра қандай турларга бўлинади?

3. Грамматик категориялар сон ва сифат жиҳатдан барча тилларда бир хилми? Ўзбек тилида бор бўлган грамматик категориялар рус тилида ҳам борми?

4. Ўзбек тилида отда эгалик грамматик категорияси бор, лекин рус, немис, инглиз тилларида йўқ. Ўзбек тилидаги эгалик категорияси англатган маъно рус, немис ва инглиз тилларида ифодалана оладими? Агар ифодаланса, унда қандай воситалар ишлатилади?

5. Грамматик род категорияси қандай хусусий маънолардан ташкил топган? Бу категория Сизга маълум тилларнинг қайсиларида бор? Биологик жинс билан грамматик род орасидаги фарқни тушунтиринг. Бу категориянинг пайдо бўлиши тўғрисида қандай фикрлар бор?

6. Грамматик сон категорияси қандай маъно англа-

тади? Сизга маълум бўлган тилларда грамматик сон категорияси қандай воситалар билан ифодаланади? Қуйидаги жавобларнинг қайси бири тўғри:

— сон категорияси ҳамма тилларда аффикслар билан ифодаланади;

— сон категорияси фақат ёрдамчи сўзлар билан ифодаланади;

— сон категорияси ички флексиялар орқали ифодаланади;

— сон категорияси баъзи тилларда такрор (редупликация) орқали ифодаланади;

— сон категорияси тилларда турли грамматик воситалар орқали ифодаланиши мумкин.

7. Грамматик сон категорияси сўз туркумларидан фақат отларга хосми ёки бошқа сўз туркумларида ҳам учраши мумкинми?

8. Келишик категорияси деганда нимани тушунасиз? Келишик категорияси қайси сўз туркумларига хос? Бундай категорияга эга бўлмаган тиллар ҳам борми? Агар бўлса, келишик категорияси бажарадиган вазифани у тилларда қандай грамматик восита амалга оширади? Ўзбек ва рус тилларидаги келишик қўшимчаларини қиёслаб ва фарқини тушунтириб беринг.

9. Грамматик замон категорияси қандай маъно англатади? Ҳамма тилларда учта замон бор дейиш мумкинми? Замон категорияси қандай воситалар ёрдамида ифодаланади?

10. Сўзларнинг грамматик формаси билан грамматик категориялар орасидаги муносабатни тушунтиринг.

11. «Тилшуносликка кириш» курсидан практикум қўлланмасидаги 156, 158, 160, 163, 164- машқларни бажаринг.

12. Келтирилган жуфтликларда қайси грамматик категория ўз аксини топган ва улар қандай грамматик воситалар билан ифодаланган?

Ўзбек тилида
уй — уйлар
уй — уйдан
уй — уйим
мен — мени
ун — унинг
келмоқ — кел
келмоқ — келди

Рус тилида
дом — дома
дом — домов
бежал — бежала
писать — написать
брить — сбрить
тереть — три
братъ — взял

ребёнок — дети
идти — шёл
читать — буду читать

Юқорида келтирилган жуфтликларни ўрганаётган хорижий тилга таржима қилинг ва уларни бу тилда қандай восита ёрдамида ифодаланганлигини тушунтиринг.

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Инсон кўрган, эшитган ва ҳис қилган нарсаларини турларга, гуруҳларга ажратади. Турларга ва гуруҳларга ажратиш доимо қиёслаш орқали амалга оширилади. Қиёслаш инсон табиатига хос нарса. Масалан, олмани катта-кичиклиги, ранги, ҳиди ва ҳоказоларига қараб турларга, навларга бўламиз. Сайёраларни қуёшга ёки ерга нисбатан жойлашиши, катта-кичиклиги, ҳарорати, атмосфераси ва таркибига қараб гуруҳларга ажратамиз.

Лекин гуруҳларга, турларга ажратишнинг асосий шартларидан бири кўрилаяётган нарса ёки ҳодисанинг камида иккита бўлиши лозимлигидир.

Маълумки, тилда ранг-баранг, сон-саноқсиз сўзлар бор. Тилшунослик тарихида олимлар сўзларни сўз туркумларига ажратишни диққат марказида ушлаганлар. Тилшунослик фанининг ривожланиб, мукамаллашиб бориши билан сўзларни туркумларга ажратиш ҳам мукамаллашиб борган.

Юқоридаги олма ва сайёралар мисолидан кўриниб турибдики, нарса ва ҳодисаларни туркумларга ажратиш учун маълум ўлчов, шарт, мезонлар бўлиши керак. Сўзларни туркумларга ажратувчи мезонлар, белгилар тўғрисида кўп бош қотирилган. Бу муаммонинг ечилиш тарихи ҳозирги кунда уч асосий босқич: **структурализм-гача бўлган давр; структурализм даври; структурализмдан кейинги, яъни ҳозирги даврга ажратилади.**

Тилшунослик тарихида структурализм оқими пайдо бўлгунча, яъни асрмизнинг 30-йилларигача бўлган даврда сўзларни туркумларга ажратишда асосан уч ўлчов: сўзларнинг лексик-грамматик маъносидан, сўзларнинг морфологик белгилари, яъни сўзнинг грамматик формасидан; сўзларнинг гапдаги синтактик вази-фасидан фойдаланилган.

Структуралистлар эса фақат биргина белги, яъни сўзларнинг дистрибуциясидан фойдаланишади. Сўзнинг дистрибуцияси деганда бир сўзнинг чап ва ўнг томонидан алоқага киришиши мумкин бўлган ҳамма имкониятларни назарда тутилади. Бу ҳақда қуйироқда фикр юритамиз.

Ҳозирги кун грамматикаларида сўзларни туркумларга ажратишда асосан беш белги:

- сўзнинг лексик-грамматик маъноси;
- сўзнинг грамматик шакли;
- сўзнинг синтактик вазифалари;
- сўз ясовчи морфемалар;
- сўзнинг дистрибуциясидан фойдаланилади.

Сўзнинг лексик-грамматик маъноси деганда, сўз англатадиган аниқ маъно эмас, балки унинг умумлашган маъноси назарда тутилади. Масалан: **уй, марс, ялпиз, қор, дўстлик, қуён** сўзларининг муайян аниқ маънолари бор, яъни, биринчи сўз қурилиш тури — яшаш учун қурилган бинони, иккинчиси — қуёш системасига кирувчи сайёрани, учинчиси — истеъмол қилинадиган ўсимлик турини, тўртинчиси — табиат ҳодисасининг турини, бешинчиси — мавҳум тушунчани ва олтинчиси — ҳайвон турини англатади. Сўзларнинг лексик-грамматик маъноси деганда уларнинг англатадиган маънолари эмас, балки шу сўзларга хос бўлган умумий маъно — нарса ёки ҳодиса маъноси назарда тутилади. Нарса ёки ҳодиса номини англатувчи сўзлар **от** деб ном олган сўз туркумига киритилади.

Чекмоқ, ўқимоқ, ёзмоқ, турмоқ, қурмоқ, бузмоқ сўзларининг аниқ маънолари ҳар хил, баъзиларининг аниқ маънолари бир-бирига қарама-қарши ва зид, лекин уларнинг ҳаммасига хос бўлган маъно иш-ҳаракатдир. Ана шу хусусиятларига кўра бу туркумдаги сўзлар **феъл** деб ном олган сўз туркумига киради.

Сўзнинг грамматик ёки морфологик хусусияти деганда, у ёки бу сўзга хос бўлган грамматик категориялар, форма ясовчи, сўз ўзгартувчи аффиксал морфемалар тушунилади. Масалан, **қизил, катта, ишламоқ, ётмоқ, уй, дарахт** сўзларининг морфологик хусусиятларини аниқлаш лозим бўлса, аввал бу сўзлар билан ишлатиладиган форма ясовчи ва сўз ўзгартувчи қўшимчаларни аниқлаш лозим бўлади. Биринчи ва иккинчи сўз **-роқ** морфемасини олиши мумкин, лекин кейинги сўзлар бу морфемани олмайди. Учинчи ва тўртинчи сўз-

лар **-ди, -(и)б, -ган** морфемаларини олиши мумкин, биринчи, иккинчи, бешинчи, олтинчи сўзлар эса бу қўшимчалар билан учрамайди. Бешинчи ва олтинчи сўзлар келишиқ қўшимчаларини олиши мумкин, лекин учинчи ва тўртинчи сўзлар бундай морфемалар билан учрамайди. Биринчи ва иккинчи сўз келишиқ қўшимчаларини олиши мумкин, лекин у ҳолда улар отлашиб от вазифасини ўтай бошлайдилар.

Шундай қилиб, сўз ўзгартувчи ва форма ясовчи аффиксал морфемалар ҳам сўзларни туркумларга ажратишда катта аҳамиятга эгадир.

Сўзларнинг синтактик вазифаси деганда сўзларнинг гапдаги ўрни, гап бўлаклари нуқтаназаридан бажарадиган вазифаси тушунилади.

Маълумки, сўз туркумларининг гапда бажарадиган вазифаси турлича. От гапларда ҳамма вазифада келиши мумкин, лекин сифатларнинг синтактик вазифалари чегараланган. Шунинг ҳам айтиш керакки, сўз туркумларининг гапда бажарадиган вазифаси тилларда бир хил эмас. Инглиз тилида от ўзбек тилидаги сингари ҳамма вазифаларда ишлатилавермайди. Сифат эса инглиз тилида фақат аниқловчи ва қўшма от кесимнинг от қисми вазифаларида ишлатилиши мумкин.

Сўз ясовчи морфемалар деганда, у ёки бу сўз туркумига хос бўлган сўз ясовчи қўшимчалар назарда тутилади. Ҳар бир сўз туркумининг ўзига хос сўз ясовчи морфемалари бор. Биз **-ли** морфемасини олган сўзни учратсак, иккиланмасдан уни сифат деймиз, **-зор, -кор, -чи** қўшимчаларини олган сўзни кўрсак, уни иккиланмасдан от деймиз ва ҳоказо. Ҳар бир тилдаги сўз туркумларининг ана шуларга ўхшаган сўз ясовчи морфемалари бор. Масалан, инглиз тилида **-ize, ёки -fy** морфемалари фақат феълга **-ment, -dom, -ship, -er** отга; **-ous, -ful, -less** сифатга хос ва ҳоказо.

Сўзларнинг дистрибуцияси деганда биз уларнинг бошқа сўзлар билан бирика олиш имкониятларини тушунамиз. Сўзлар дистрибуцияси тўғрисида гап борганда, биз аввал уларнинг лексик-грамматик маъносини ёдимизда тутишимиз керак, чунки сўзларнинг маънолари уларнинг бошқа сўзлар билан бирикшишни таъминлайди. Масалан, от нарса ёки ҳодисани англатади. Нарса, ҳодисалар маълум белги ва хусусиятларга эга бўлиши мумкин, бундай ҳолларда улар сифатлар билан бирикишади; нарсаларнинг иш-ҳаракати ва ҳолати тасвирланиши мумкин, у ҳолда улар феъллар билан бирики-

шади. Ана шундай сўз бирикмаларига қараб, биз сўз туркумини ажратишимиз мумкин. Масалан, инглиз, немис ва француз тилларида артикллар билан бириккан сўзни кўрсак, уни албатта, от деймиз, чунки артикллар фақат отлар билан бирикади. Сўзларнинг дистрибуцияси ўзбек тилида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу тилда ҳам сўзнинг қайси сўз туркумига тааллуқлилигини баъзан уларнинг бирикмасига қараб фарқланади:

У яхши одам.

У яхши гапирди.

Бу икки гапда **яхши** сўзи бир хил грамматик формада ишлатилган, лекин унинг вазифаси ҳар хилдир. Бу гапларда унинг қайси сўз туркумига мансублиги ва қандай синтактик вазифани ўтаётганини, уни қайси сўз билан бирикиб келаётгани орқали аниқланади. Биринчи гапда у отни аниқлаб, изоҳлаб келса, иккинчисида феъл билан боғланиб келган. Шунинг учун биринчи гаптаги **яхши** сўзи сифат бўлиб, аниқловчи вазифасида ишлатилган, иккинчисида эса, у феъл билан боғлангани учун сўз туркумларидан равишга киради ва ҳол вазифасида ишлатилган.

Сўз туркумларини аниқловчи мезонлар қанча кўп бўлса, сўз туркумлари шунча аниқ бўлади. Мезонлар қанча кам бўлса, натижа шунча ноаниқ чиқади.

Шундай қилиб, умумий лексик-грамматик маънога эга бўлган, бир хил грамматик категориялардан фойдаланадиган ҳамда гапда маълум синтактик вазифаларни бажариб, маълум сўзлар билан алоқага киришадиган ва ниҳоят маълум сўз ясовчи қўшимчалар орқали ясаладиган сўзлар йиғиндисига сўз туркуми дейилади.

Тилларда сўз туркумлари

Тиллардаги сўз туркумларининг сони ҳақида олимлар ўртасида турли фикрлар мавжуд. Масалан, ҳозирги замон рус тилида ўнта, ўн иккита, ҳатто ўнбешта сўз туркуми бор, деган фикрлар ўртага ташланган.

Агар **ручка** сўзини биз иккиланмасдан от десак, а) маъно нуқтан назаридан у нарсани англатади; б) грамматик форма нуқтан назаридан бирлик ва кўplik кўрсаткичига эга, келишиклар билан турланади,

жинс кўрсаткичи бор; в) маълум синтактик вазибаларни бажаради; г) сифат, феъл ва бошқа сўз туркумлари билан алоқага киришади; бу нуқтан назардан **возможно, вероятно** сўзларини ҳозирда амалда бўлган 10 туркумдан бирортасига киритиб бўлмайди. Шунинг учун баъзи олимлар уларни алоҳида туркум деб билишни тавсия қиладилар. Бу сўзлар морфологик нуқтаи назардан равишга ўхшаса ҳам, гапда равишлар бажарган вазибани бажармайди; яъни ҳол бўлиб келмайди. Улар сўзловчининг гапдан англашилган мазмунга муносабатини кўрсатади. Бу хусусиятига кўра мазкур сўзлар **модал сўзлар** номини олган. **Стыдно, жаль** каби сўзлар ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Улар равишни эслатса-да, гапдаги вазибаларига кўра, равишдан тубдан фарқ қилади, иккинчидан, гапда кесим вазибасини ўтайди ва бу хусусияти билан феълга ўхшайди. Лекин феълнинг бошқа хусусиятларини акс эттирмайди. Ана шу сабабларга кўра, уларни **ҳолат категорияси** дейилмиш туркумга киритишади.

Ҳозирги замон инглиз тилидаги сўз туркумларининг сони турли олимлар томонидан турлича талқин қилинади: Айрим олимлар ҳозирда амалда бўлган 10 та сўз туркумига (**от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, предлог, боғловчи, артикль ва юкламалар**), яна тўртта қўшиб (**модал сўзлар, ҳолат категорияси, ундовлар, жавоб сўзлар**) сўз туркумлари сонини 14 тага етказадилар. Бу — олимларнинг сўз туркумларини фарқлашда қандай ва нечта мезонлардан фойдаланишларига боғлиқдир.

Сўз туркумлари англаган маъноларига ва гапдаги вазибаларига кўра уч гуруҳ: **мустақил сўз туркумлари, ёрдамчи сўз туркумлари** ва **ундовларга** ажратилади.

От, сифат, сон, олмош, феъл, равиш мустақил сўз туркумига киритилади. Улар борлиқдаги бирор воқеа ва ҳодисалар белгиларини, ҳаракатнинг номини ифодалайди, мустақил лексик маъно англайди, гапда албатта, мустақил бир бўлак бўлиб келади. Мустақил сўз туркумлари орасида олмош бошқаларидан қатор хусусиятлари билан фарқ қилади. Олмошлар нарсани бевосита эмас, билвосита ифодалайди ва уларни одатда англадиган маъноларига кўра бир туркумга киритишади. Бошқа жиҳатлардан, яъни гапдаги вазибаси, грамматик формаси ва бошқа сўзлар билан алоқага кириша олиши нуқтаи назаридан олмошлар бир-биридан жиддий фарқ

қилишлари мумкин. Олмошларга хос грамматик категориялар ҳам тилларда фарқ қилади. Агар ўзбек тилидаги ҳамма олмошлар келишик билан турланса, инглиз тилидаги олмошлар келишиклар билан турланиши жиҳатидан номинатив ва объектив келишик билан турланадиган олмошлар (кишилик олмошлари); бош ва қаратқич келишиги билан турланадиган олмошлар, яъни биргалик олмошлари (each-other, one-another) умуман келишиклар билан турланмайдиган олмошлар (сўроқ, кўрсатиш ва бошқалар)га ажратилади.

Сўзларнинг грамматик формаларини ўзгартишга ва гапда сўзларни бир-бирга боғлашга хизмат қиладиган сўз туркумлари (боғловчи, предлог, юклама, артикл, кўмакчи, ёрдамчи феъл)га **ёрдамчи сўз туркумлари** дейилади. Ёрдамчи сўз туркумлари мустақил сўз туркумларидан қўйидаги хусусияти билан фарқ қилади. Ёрдамчи сўз туркумлари:

1) асосан грамматик маънога эга бўлиб, гапда сўзларни бир-бирга боғлаш учун хизмат қилади ёки мустақил сўз туркумларининг грамматик формаларини ясашда иштирок этади;

2) грамматик категорияларга эга эмас;

3) негиз ясовчи морфемаларга эга эмас, улардан янги сўзлар амалда ясалмайди;

4) гапда мустақил гап бўлаги сифатида учрамайди;

5) сон жиҳатдан чегараланган ёпиқ системани ташкил этади. Ёрдамчи сўз туркумларига кирувчи сўзларни санаб чиқиш мумкин;

6) улар сон жиҳатдан кам бўлишига қарамай ишла-тилиш даражаси жиҳатдан нутқда бошқа мустақил сўз туркумларидан анча юқори туради.

Учинчи гуруҳ сўз туркумларига **ундов** ва **тақлидий сўзлар** киради. Улар одамнинг ички кечинмаси, ҳис-туйғуларини шодлик, алам, истакларини бевосита ата-маса ҳам уларни ифодалайди.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Сўз туркумлари деб нимага айтилади?

2. Аниъанавий тилшуносликда сўз туркумлари қандай мезонлар асосида таърифланган? Замонавий тилшуносликда-чи?

3. Структурал тилшуносликка мансуб бўлган олимлар сўз туркумлари масаласига қандай ёндашишади?

4. Сўзнинг лексик-грамматик маъноси деганда нима тушунилади?

5. Сўзнинг грамматик формаси нима?

6. Сўзларнинг синтактик вазифаси сўз туркумларини фарқлашда қандай ёрдам кўрсатиши мумкин?

7. Сўз дистрибуцияси деганда нима тушунилади?

8. Тилларда сўз туркумлари сон жиҳатдан бир хилми?

9. Мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари орасида қандай фарқ бор?

10. Қуйидаги сўзлар қайси сўз туркумига мансуб эканини тушунтиринг:

иш, ишчи, бетоб, гўзал, чиройли, югурмоқ, ёздим, тез, югуриш, ҳамма, у, бизлар, ун, от, қўй, гулзор, иттифоқдош, билан, зерикарли, бадавлат, учун, ва, янгилик, коммунизм, топишмоқ, топмоқ, ўша, диндор, ишчан, бегараз, майин, куйла, донгдорларча, сермазмун, янги, эҳ, ҳайхот, ахир, наҳотки, гулдаста, ҳеч ким, ким, мураккаб, кимдир.

11. Ўзбек ва рус тилларидаги от ясовчи қўшимчаларни ёзиб чиқинг.

12. Ўзбек, рус ва бирорта чет тилидаги сифат ва феъл ясовчи қўшимчаларни ёзиб чиқинг.

13. Қуйидаги гапларда ажратиб кўрсатилган сўзларни қайси сўз туркумига киришини айтинг ва сабабини тушунтиринг:

1. Чигит текис униб чиқди.

Машина текис йўлдан шамолдек учиб борарди.

2. Кўп ўйла, оз сўзла.

Оз етар, кўп кетар.

Оз пахта терибсан.

Кўп дардинг борга ўхшайди.

3. Навоий ғазални дастлаб ичида ўқиди,

Кейин товуш чиқариб чиройли ўқиди. (Ойбек)

Адирдаги чиройли гуллар кўзни қамаштирар эди.

4. Яхши сўз тошни ёрар.

Нотиқ яхши гапирди.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

Лексикология тилнинг луғат бойлигини ўрганиш билан шуғулланади.

Лексикология фани сўз маъносининг ўзгариши, яъни

сўз маъносининг кенгайиши ва торайиши, сўзларнинг шакли ва маъно муносабатларига кўра турлари, уларнинг ҳудудий ва ижтимоий қатламлари, янги сўзларнинг пайдо бўлиши каби қатор масалаларни ўрганади.

Лексикология, семасиология, лексикография, ономаσιология, этимология, фразеология, ономастика каби бўлимларни қамраб олади.

1. Семасиология тил бирликлари (тил ишоралари)-ни маъно жиҳатдан ўрганади. Тил ишоралари сўзнинг шакли ва сўзнинг маъноси жиҳатидан изоҳланади (бу ўринда бизни сўз қизиқтираётганлиги учун гап шу бирлик тўғрисида боради). Сўзнинг шакли деганда унинг таркибидаги товушлари, сўзнинг маъноси деганда уни ташкил этувчи товушлар йиғиндисидан англашиладиган маъно кўзда тутилади. Семасиология тилнинг барча маъно англатувчи бирликларини ўрганади.

2. Лексикография тил таркибидаги сўзларни маълум тартиб ва мақсад асосида (алфавит тартибида, нутқда ишлатиш даражасига ва шу кабиларга кўра) ёзма равишда тўплаб луғат тузиш масалаларини ўрганади.

3. Ономасиология нарса ва ҳодисаларга ном бериш жараёнини ўрганади.

4. Этимология сўзларнинг келиб чиқиш масалалари билан шуғулланади. Ясама, қўшма ва хорижий тиллардан ўзлаштирилган маънолар билан ҳам қизиқади. Этимология сўзнинг ҳар икки томонини, яъни шакли ва маъносини ҳисобга олади.

5. Фразеология тилнинг турғун бирикмаларини ўрганади.

6. Ономастика атоқли отларни ўрганадиган фан бўлиб, антропонимика (одамларнинг исмини илмий жиҳатдан ўрганади), топонимика (географик номларни ўрганади), этнонимика (миллатларнинг номларини ўрганади)дан таркиб топади.

Тилнинг луғат бойлиги ўнинг ҳозирги ҳолати ва тарихан босиб ўтган йўли нуқтаи назаридан ҳамда таснифий ва қиёсий ўрганилиши мумкин.

Тилнинг ҳозирги ҳолати ва унинг тарихий босиб ўтган йўли жиҳатдан лексикология икки турга: синхроник (замонавий) ва диахроник (тарихий) лексикологияга ажратилади.

Тилнинг луғати таснифий ва қиёсий ўрганилиши мумкин. Айрим олинган тилнинг луғат бойлигини ҳар томонлама ўрганиш **таснифий лексикология**, икки ёки

ундан ортиқ тилларнинг луғат бойлигини қиёсий ўрганиш, қиёсий лексикология деб юритилади.

СЎЗ — ЛЕКСИКОЛОГИЯНИНГ ЎРГАНИШ МАВЗУСИ ВА ТИЛНИНГ АСОСИЙ БИРЛИГИ

Сўз тилнинг асосий бирлиги бўлиб, у ҳар бир тил яруси томонидан ўрганилиши мумкин.

Сўзни қуйидагича таърифлаш мумкин:

Сўз фонетик жиҳатдан шаклланган бир бутунликдир; фонема ва морфемалар сўзнинг асосий бирликлари; сўзлар мустақил бирлик бўлиб, ўз урғусига эга. Урғу сўзни фонетик жиҳатдан бутунлигини таъминлаб, ундаги товушларни бирлаштиради ва шу билан бирга, нутқ жараёнида бир сўзни иккинчисидан фарқлашга хизмат қилади. Сўзнинг бутунлигини кўрсатувчи бир далил паузадир. Маълумки, сўз бир ҳаракатда талаффуз қилиниб, уни паузаларга бўлиш мумкин эмас. Ва ниҳоят, у маъно англаувчи тил бирликлари ичида такрор ишлатилиши мумкин. Сўз қўшимчаларга ўхшаб, бошқа тил бирликларига боғлиқ бўлмайди. Масалан, -лар, -нинг, -дик каби элементлар нутқда мустақил қўлланилмайди: уларнинг ишлатилиши сўзларга боғлиқ, сўзлар эса қайта-қайта турли сўзлар билан бириккан ҳолда ишлатилиши мумкин. Масалан: **тинчликни ҳимоя қилинг, тинчлик тарафдорлари, халқаро тинчлик қўмитаси, тинчлик ғояси, дунёга тинчлик бирикмаларида тинчлик** сўзи турли сўзлар билан бирикиб келмоқда.

- **Сўзни морфологик жиҳатдан ўрганиш.** Тилдаги грамматик воситалар сўз борлиги учунгина мавжуд бўлади, чунки грамматик воситалар сўзларнинг ўзаро боғланишига ёки сўзнинг формасини ўзгартишга хизмат қилади. Ички флексия ҳам сўзнинг бўлишини тақозо қилади.

Синтактик бирликларни ясаш учун ҳам сўзларга мурожаат этилади, чунки сўз бирикмаси камида иккита мустақил сўзнинг ўзаро боғланиши орқали ҳосил бўлади, гап эса айрим сўз ёки сўзлар йиғиндисидан ташкил топади. Гап сўзлардан ташкил топганидек, сўзга ҳам бир бутун қурилма сифатида қаралади, шунинг учун сўзни ҳам таркибий қисмларга ажратиш мумкин, масалан: **донгдорлардан** сўзи **донг-дор-лар-дан** тарзида қисмларга ажралади. Унда биринчи элемент — **ўзак**, иккинчиси **негиз ясовчи**, учинчиси — **кўплик**, тўрт-

инчиси — **келишик** кўрсаткичидир. Сўзларнинг таркибий тузилиши тўғрисида гап борганда, тилдаги сўзларнинг лексик-грамматик жиҳатдан турли гуруҳларга бўлиниши айтиб ўтилиши лозим. Бир қарашда бетартибдек туюлган сўзлар аслида ўзларининг лексик ва грамматик хусусиятларига кўра турли сўз туркумларига ажраллади. Лексик хусусиятлари деганда уларнинг маъноси ва негиз ясовчи элементлари назарда тутилади. Грамматик хусусиятлари эса сўзларнинг грамматик формаси, яъни қандай грамматик қўшимчалар олиши, гапда қандай гап бўлаги бўла олиши ва ниҳоят, сўзларнинг бир-бири билан бирика олиши кабилар ҳисобга олинади. Масалан, **пахта** сўзи от сифатида нарсани англатади; эгалик, келишик ва сон қўшимчаларини олиши мумкин (**пахта**миз, **пахтани**, **пахталар** каби); **-чи**, **-кор**, **-зор** сўз ясовчи қўшимчаларини олиши, гапда эга, тўлдирувчи каби вазифаларда келиши мумкин. Сўзнинг **бошқа сўзлар билан бирикиши**, яъни **дистрибуцияси сўзларнинг грамматик ва лексик-семантик нуқтан назардан қаралиши** лозим. Грамматик дистрибуция деганда бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумдаги сўзлар билан бирика олиши тушунилади, масалан: **пахта** сўзи от бўлгани учун сифат, феъл ва бошқа сўзлар билан бирикади. **Лексик-семантик дистрибуцияда** сўз маъноларининг бир-бирига мос келиш-келмаслиги тушунилади.


Юқорида айтилганидек, **пахта** сўзи от бўлгани учун сифат билан бирика олади: **оқ пахта**, **момиқ пахта**, **лекин қора пахта** дейилмайди. Гарчи **қора** сўзи сифат бўлса-да, у пахта сўзи билан биринка олмайди, чунки қоралик пахтага хос эмас, пахта сўзи қора маъносини сингдира олмайди¹.

Ана шу йўл билан тилдаги сўзлар туркумларга ажратилади. Бинобарин, сўзнинг таркиби унинг қайси сўз туркумига киришига боғлиқдир. /Тилнинг асосий бирлиги бўлмиш сўз, гап бўлиб келиши ҳам мумкин. Ўзбек тилидаги номинатив ва бошқа гаплар бунга мисол бўла олади. Бу турдаги гаплар воқеа ва ҳодисаларнинг мавжудлигини тасдиқлаб, гапга хос ҳамма хусусиятларни ўзига мужассамлаштирган бўлади. **Ой**, **нозик жимжитлик**. **Салқин шамолларгина қизнинг сочлари билан ўйнашади**. **Баҳор!** **Ҳамма ёқ кўркем** (*Ойбек*). Бу


¹ Сўзларнинг кўчма маънода ишлатилиши ҳисобга олинмайди.

хилдаги гаплар бошқа тилларда ҳам учрайди. Улар маъно жиҳатидан фикрнинг нисбий тугалланганини англатиб, оғзаки нутқда бошқа турдаги гапларга хос оҳанг билан талаффуз қилинади. Гапга хос бўлган маънолар имплицит (яширинган) ҳолда ифода қилинган бўлади (синтаксис бўлимига қаранг).

Юқориди айтилганидек, тилнинг асосий бирлиги бўлиши сўз шакли ва маъно томонлари билан характерланади. Ҳозирги замон тилшунослигида сўзнинг маъносини **сигнификат** атамаси билан, сўз англатаётган ҳодисани эса **денотат** атамаси орқали ифодалаб, сўзни расмда учбурчак орқали қуйидагича ифодалашади: ✓



5- расм.



6- расм.

Бу учбурчакларда сўзнинг шакли ва нарса орасидаги муносабат унинг тушунчасини, маъносини англатиши кўрсатилган. Шундай қилиб, кўпчилик сўзлар бири бири билан боғланган уч жиҳат: **шакл, нарса** (ҳодиса) ва **мазмундан** ташкил топади. Тил вазифалари тўғрисида гап борганда, сўзлар тилда номинатив — аташ вазифасини бажаради дейилганди. Бу вазифани кўпчилик сўзлар бажара олса-да, баъзилар бу вазифани билвосита бажаради, бошқалари эса умуман бажара олмайди. Агар от, феъл, равиш, сифат кабилар аташ вазифасини бевосита бажарса, олмошлар бу вазифани тўғридан-тўғри адо этмасдан билвосита бажариши мумкин. Бу олмошлар нарса-ҳодисалар номини атамасдан, уларни кўрсатади демакдир. Лекин нутқ жараёнида олмошлар бошқа мустақил сўз туркумлари каби қўлланиб, нарса ва ҳодисаларни атай олади. Ёрдамчи сўз туркумлари (предлоглар, кўмакчилар, боғловчилар ва ҳоказо) предмет, ҳодиса, иш-ҳаракат, белги-сифатларни атай олмайдилар.

Сўз билан у атаган нарса ва ҳодиса орасида бевосита боғланиш йўқ. Тилшунослик тарихида бу масала юзасидан кўп мунозаралар бўлган. Қадимги Юнонистонда бу мунозаралар натижасида икки катта оқим:

аномалистлар ва аналогистлар оқими юзага келган. Аналогистлар нарса (яъни денотат) билан унинг номи орасида боғланиш бор, сўзлар ўзлари англатган нарсанинг бирор хусусиятини ҳисобга олган ҳолда пайдо бўлган, деб қарашади. Аномалистлар эса бу фикрга қарши чиқиб, нарса ва унинг номи — сўз ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ дейишган. XIX аср охири ва XX аср бошларида Австралияда Рудольф Мерингер бошлиқ «Сўз ва Нарса» номли махсус мактаб ҳам вужудга келган. Бу мактаб вакиллари ҳам мазкур масала юзасидан бир қанча фикрлар айтишса-да, лекин уни тўғри ҳал қилиша олмади. Ниҳоят, ҳозирги замон тилшунослигида бу масала юзасидан узил-кесил бир фикрга келиб тўхталди ва сўз билан нарса ўртасида ҳеч қандай алоқа, боғланиш йўқ, деган хулосага келинди.

✓ Агар сўз билан нарса ва ҳодиса ўртасида бевосита боғланиш бўлганда эди, айни бир нарса ҳар хил тилларда турлича ном билан аталмаган бўларди, масалан: рус тилидаги **стол** сўзи немис тилида **Tisch**, инглиз тилида **table** деб аталади ёки ўзбек тилидаги **тош** сўзи рус тилида **камень**, инглиз тилида **stone**, немис тилида **Stein** ва ҳоказо. Шунини ҳам қайд қилиш керакки, турли тилларда **чуғурчуқ**, **қизилиштон**, **момақалди**роқ, **шивирламоқ** каби маъноларни ифодаловчи сўзлар учрайди. Масалан, **момақалди**роқ, **шивирламоқ**, **чуғурчуқ** товушга тақлид қилиш, **қизилиштон** қўшининг ташқи кўринишини тасвирлаш, **медведь** ҳайвон яхши кўрадиган таомнинг номи билан аташ орқали ясалган (**медоед**, яъни **асалхўр** деган сўздан келиб чиққан). Шунингдек рус тилидаги **водопад** сўзи ҳам ҳодисани тасвирлаш йўли билан пайдо бўлган. Инглиз тилидаги **fall** сўзи ҳам худди шу усул билан юзага келган, лекин ўзбек тилида эса бу ҳодисанинг номи товушга тақлид қилиш йўли билан ҳосил қилинган: **шаршара**. Бундай сўзлар дунёдаги барча тилларда ҳам мавжуд бўлса-да, уларнинг сони кўп эмас. Шундай экан, умуман олганда, сўз ва нарса орасида бевосита алоқа йўқ деган фикр тўғридир.

Тиллардаги барча сўзлар уч хил муносабатга киришиши мумкин.

1. Сўзнинг ўзи англатган предмет ва ҳодисага;
2. Сўзнинг инсон фикрига, ҳиссиётига, хоҳиш-истакларига;

3. Сўзнинг бошқа сўзларга нисбатан.

Бу муносабатларга қисқача тўхталиб ўтамиз¹.

Сўзнинг ўзи англатган нарса ва ҳодисаларга муносабати тушунча билан узвий боғланган. Юқорида айтилганидек, сўзни ташкил этувчи товушлар, яъни сўзнинг ташқи шакли билан у англатган нарса-ҳодиса ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқ. Сўзни ташкил этувчи товушлар предметнинг қиёфаси бўлмай, унинг ишорасидир. Бу ишора бошқа сигнал системаларидаги ишоралардан тубдан фарқ қилади. Бошқа сигнал системаларидаги ишоралар (кўча ҳаракати қондаларини белгиловчи ишоралар, Морзе алфавити ва ҳоказо) шартли ва ихтиёрийдир: улар сунъий ишоралар бўлиб, киши томонидан ихтиро этилган, келишиб олинган сигналлардир: шароит тақозоси билан уларни ўзгартириш, яъни янги ишоралар қўшилиши, кераксиз деб топилганларини системадан чиқариб ташланиши мумкин. Нарса ишораси бўлмиш сўзнинг товушлар йиғиндиси — шартли ва ихтиёрий эмас. Унга одамлар ташқаридан ўз хоҳиш-иродаларига қараб таъсир ўтказа олмайдилар, уни ўзгартира олмайдилар. Гарчи тил ва тафаккур бир вақтда пайдо бўлган бўлса-да, тилнинг ривожланиши қайси йўлдан боришини инсон белгилаб бера олмайди. Тил ўз ҳаёт йўлига эга бўлиб, тафаккур билан биргаликда эволюцион тарзда тўхтовсиз ҳаракат қилади ва ўзи жамиятнинг барча талабларига жавоб беради. Фан ва техниканинг ривожланиши туфайли ва кундалик ҳаёт эҳтиёжларини қондириш мақсадида турмушдаги барча янгиликларни акс эттириб боради. Янги сўзлар (неологизмлар)нинг пайдо бўлиши мазкур тилда сўзлашувчи кишилар жамияти йўқ бўлиши билан тўхтайдди. Шундай қилиб, тил ишораларни шартсиз бўлиб сўзлашувчиларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлади ва ўз ички объектив қонунияти асосида тараққий этади. Масалан, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида экинларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш мақсадида ўйлаб топилган асбоблардан бири **чанглатгич** (русча — **распылитель**)дир. Бундай сўзларнинг пайдо бўлишида одамлар ўз ихтиёрлари билан мазкур товушлар йиғиндисини шартлашиб олмаган. Бу тушунчаларни ифода қилиш учун ўзбек ва рус тиллари

¹ Бу масалани ёритишда Б. Н. Головиннинг асаридан фойдаланилди. Б. Н. Головин. Введение в языковедение, Москва, 1983, 55—58-бетлар.

Ўз имкониятларидан келиб чиқиб, **чанг-ла-т-кич, распылит-ель** элементларини ажратиб, уларнинг қўлланиш қонуниятларини ҳам тавсия этади. Ана шундай йўллар билан кишилик жамиятининг тилга бўлган эҳтиёжи муттасил қондириб турилади.

Сўз маъносининг ўзи англатаётган предметга муносабати тўғрисида қуйидагиларни айтиш мумкин. Тилшунослик фанида бу масалага ёндошиш бир хил эмас, шунинг учун мазкур масалада рус тилшуноси Б. Н. Головиннинг фикрларини келтириш ўринлидир.

Кишиларнинг онгида ҳам сўзнинг, ҳам нарсанинг физик ва моддий тузилиши акс этади. Демак, нарса билан сўзнинг қиёфаси бизнинг онгимизда бирлашиб, бир бутунликни ташкил этади. Ҳар сафар предмет бизнинг онгимизга таъсир кўрсатаётганда, унинг акси пайдо бўлиб, у билан биргаликда сўзнинг ҳам акси гавдаланади. Ёки, аксинча, ҳар гал биз сўзни эшитганимизда, сўз англатган маъно билан бир вақтда нарсанинг ҳам акси пайдо бўлади. **Сўзнинг физик қиёфаси билан у англатган нарсанинг физик қиёфаси ўртасидаги боғланиш бирлигини маъно деб атаёмиз.**

✓ Сўз ўзининг маъноси туфайли нарса ва ҳодисаларни атай олади, тушунчани англатади, ваҳоланки, предмет ҳам, тушунча ҳам ўз-ўзича сўзнинг маъносини ташкил этмайди. Сўз маъносининг предметга бўлган муносабати денотатив муносабат дейилади. Демак, маъно борлиқдаги предметни акс эттиради, сўзнинг моддий томони эса предметнинг ишораси бўлиб хизмат қилади. Маънонинг тушунчага муносабати сигнификатив муносабатни ташкил этади. Унинг моҳияти шундаки, маъно асосида тушунча шаклланади, сўзнинг моддий қобиғи орқали тушунча акс эттирилади, ифодаланади.

Бир маъно (сўз)нинг бошқа маъно (сўз)га муносабати структурал муносабат дейилади. Бундай муносабат туфайли сўзлар типларга, гуруҳларга ажралади.

Сўзлар тилдаги вазифасини денотатив, сигнификатив ва грамматик муносабатларга киришиб, бажаради. Сўзнинг денотатив вазифаси эса тушунчанинг шаклланиши ва ифодаланишини таъминлайди, грамматик вазифа сўз бойлигининг турли маъно гуруҳларини ҳосил қилади.

Сўз ва тушунча

Юқорида қайд қилинганидек, сўзнинг моддий томони (қобиги) тушунчани акс эттиради. Бу ишора бошқа ишоралардан тубдан фарқ қилади. Бунинг боиси шундаки, тил ишоралари фақат мулоқотга хизмат қилади, бошқа сигнал системаларидаги ишоралар эса (масалан, светофорнинг яшил, сариқ, қизил ранглари) табиат ва жамиятда бошқа мақсадларда ҳам ишлатилади (рангни ифодалайди), сигнал системаси ишораси сифатида қўлланилиши эса уларнинг иккиламчи жамият аъзолари орасида шартлашиб, келишиб олинган вазифасидир.

Маълумки, сўзнинг моддий қобиги (томони) тушунчанинг ишораси деб қаралади. Бу ўринда сўзнинг маъносини ҳам тушунчанинг ишораси деб бўладими? Йўқ, албатта, чунки сўзнинг маъноси сўз ва предметнинг биргаликда акс этишидир: сўзнинг маъноси тушунчани ифодаламайди, балки тушунчанинг ташкил топишида ва ривожланишида асос сифатида воситачи хизматни ўтайди. Инсонга хос бўлган иккинчи сигнал системаси унга фикрлаш жараёнининг таркибий қисми бўлмиш тушунчалар системасини яратиш имконини беради. Маълумки, оннинг бир қисми бўлган тафаккур, борлиқнинг фақат мантиқий инъикоси бўлмай, балки нарса ва ҳодисаларни эмоционал эстетик нуқтаи назардан ҳам акс эттиради, бошқача қилиб айтганда, одамларнинг мулоқот учун танлаган сўзлари таркибида муносабатлари ҳам иштирок этади, шунинг учун тушунча таркибида эмоционал — эстетик маънонинг бўлиши табиийдир. Таркибида бундай маънолари бўлмаган тушунчалар ҳам бўлади, уларга **лексема, атом, космос, алгоритм** каби атамалар киради. Шу сабабли атамаларга нисбатан ягона талаб — уларнинг объектив бўлишидир, улар доимо бир воқеа ё ҳодисани аниқламоғи зарур, уларда субъективизмга ўрин йўқ, атамалар соф тушунчаларни ифодалаш керак. Масалан: **фонема, лексема, интеграл, квант, электрон** ва бошқалар.

Тилларда фақат эмоцияни (ҳаяжонни) англатадиган сўзлар ҳам мавжуд, масалан, **ох, ух, вой** ва ҳоказо. Агар сўз ва тушунча ўртасидаги муносабатни символлар ёрдамида кўрсатмоқчи бўлсак, уни қуйидагича кўрсатиш мумкин бўлади:

Барча йўлларнинг бехатарлигига ишонч ҳосил қилинган бўлса ҳам, қўшинларимиз эгаллаб турган олдинги позициядан ўтилгач, бутун вужуд кўз ва қулоққа айланди. (М. Саматов).

Бу мисолда кўз ва қулоқ сўзлари ўзининг луғавий маъносини эмас, балки сезгирлик, эҳтиёткорлик, зийраклик каби маъноларни англатади. Бундай маънолар кўз ва қулоқ сўзлари учун вақтинча маъно бўлиб, улар бу маънода бошқа контекстда учрамаслиги мумкин.

Шундай қилиб, сўзларнинг тилдаги маъноси уларнинг нутқдаги маъносидан фарқ қилиши мумкин. Сўзларнинг тилдаги маъноси доимий барқарор бўлса, нутқдаги маъноси ўзгарувчан, барқарор мавзу билан узвий боғланган бўлади. Лексик маънони нарса ва ҳодисалар муносабатига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. **Аташ маъноси.** Сўзларнинг тилдаги асосий вазифаси нарса ва ҳодисаларни аташдир. Аташ маъноси деганда лексик маънонинг ана шу вазифаси тушунилади. Аташ маъносига эга бўлган сўзлар эшитилганда, киши кўз ўнгига аталаётган нарса гавдаланади: **айиқ, фил, арслон** ва бошқалар.

2. **Кўрсатиш маъноси.** Ҳамма сўзлар ҳам аташ маъносига эга эмас. Айрим сўзлар фақат нарса ва ҳодисаларни кўрсатишга хизмат қилади, масалан, ўзбек тилидаги **у, бу, ўша** рус тилидаги **этот, тот** кабилар.

3. **Тўғри маъно.** Бу маъно бевосита аталаётган нарса ва ҳодисани билдиради: **тоғ, дарахт, сув, тош** ва бошқалар.

4. **Кўчма маъно.** Ҳар қандай сўзнинг маъноси бир нечта кичик маънолар (семалар)дан ташкил топади. Масалан: **тулки** сўзи *ёввойи, йиртқич, чиройли, айёр, сунт эмизувчи* ва бошқа семалардан ташкил топган. Баъзан ана шу маънолардан бири етакчи қилиб олиниб, уни шахс ёки нарсага нисбатан ҳам ишлатилади. Масалан, одамга нисбатан **у тулки** дейилса, бу одамнинг *айёрлиги* назарда тутилади. Бу сўзни кўчма маънода ишлатишдир. Бу ҳодиса ўз ичига **истора, метонимия, синнектох, функциядошлик**ни олади.

Истора. Икки нарсанинг бир-бирига ўхшашлиги асосида бир сўз билан иккинчисини аташ **истора** дейилиб, сўз маъносини кучайтиришга хизмат қилади. Нарса ўз хусусият, шакл, ҳаракат, ранг, ҳид, ҳажм ва шу каби бирон белгисига кўра бошқа шу хусусиятларга эга бўл-

ган нарсанинг номини олади. Истора йўли билан бир сўзнинг маъноси иккинчисига кўчганда, ўша предметлар учун умумий бўлган белги тушунчада сақланиб қолади. Масалан: **темир иродали одам** деганда, одамнинг иродасини темирга ўхшаш қаттиқ, кучли эканлиги назарда тутилади.

Исторанинг пайдо бўлиши қуйидаги хусусиятларга асосланади:

а) одам танаси аъзоларига: тиш (арранинг тиши), бурун (чайнакнинг бурни), оғиз (кўчанинг оғзи), бош (сувнинг ёки ишнинг боши) ва ҳоказо;

б) вазифанинг ўхшашлигига (яшиндек тез учмоқ);

в) шакл ўхшашлигига (кулча юзли, масаланинг илдизи);

г) товуш ўхшашлигига (бўрон увулларди);

д) турли таассуротлар ўхшашлигига (илиқ табасум, ширин уйқу, ачкиқ гап).

Баъзан сўз ифодалаган нарсанинг турли белгилари ҳар хил нарсаларнинг хусусиятларига ўхшаш бўлганлиги сабабли, айни бир сўз бир қанча нарсалар ифодаси сифатида ишлатилиши мумкин. Бу жиҳатдан немис тилидаги **Schlange** сўзи юқоридаги фикрга мисол бўла олади. Бу сўзнинг маъноси илон демакдир. Ҳозирги замон немис тилида бу сўз қуйидаги маъноларда ишлатилади: **баджаҳл, заҳар, резина ичак** (шланг).

Метонимия. Нарса ва ҳодисаларнинг макон ёки замондаги ўзаро доимий боғланиши асосида бирининг номини бошқасига кўчириш метонимия ҳодисаси дейилади. Агар метафорада бир предмет билан иккинчиси ўртасида маълум хусусиятларга асосланган ўхшашлик бўлса, метонимияда икки предмет ўртасида доимий реал алоқанинг мавжудлиги сабабли бирини айтилганда, иккинчисини тушуниш имконини беради. Масалан, **бино** деганимизда шу номдаги уй-жой билан унинг ижтимоий вазифаси ўртасидаги муносабат ётади, айтайлик, **бутун институт йиғилди**, деганимизда гап институт биноти тўғрисида эмас, балки маълум институтда ўқийдиган талабалар, унда ишлайдиган ўқитувчилар тушунилади. Ёки, **самоварда ош қилдик** дейилганда бино — чайхона тушунилади. Метонимия ҳодисаси материал ва ундан ясалган буюм ўртасидаги муносабат, муаллиф ва у яратган асарлар ўртасидаги муносабат асосида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан, **мен Чайковскийнинг концертига бордим**, дейилганда, **Чайковский яратган**

асарлар ижро этиладиган концертга бордим, деган фикр тушунилади. Яна бир мисол: **Уроқ ва Болға иттифоқ** дейилганда бу асбобларни ишлатадиган кишилар ўрта-сидаги иттифоқ тушунчаси англашилади, яъни ишчи ва деҳқонлар орасидаги иттифоқ тушунилади.

Синекдоха. Бу ҳодиса метономиянинг таркибий қисми бўлиб, бунда бир бутунликни англатувчи сўз орқали шу бутунликнинг бир қисми ёки шу қисм орқали мазкур қисми ўз ичига олувчи бир бутунликни ифода лаш тушунилади. Масалан, **савсар телпак** дейилганда савсар номли ҳайвондан тикилган телпак эмас, балки унинг терисидан тикилган телпак тушунилади. Баъзан бармоқни кесиб олганликни ифодалаш учун **у қўлини кесиб олибди** дейишади. Бундай ҳолларда бутунлик номи билан қисм тушунилади.

Синекдохада сўз орқали ифодаланган қисм ўзича мавжуд бўлмай, бутуннинг бўлинмас таркибий қисмини ташкил этади. Демак, синекдоха бутун ва унинг қисми орасидаги муносабат бўлиб, у билан миқдор муносабати орқали боғланади. Метафора, метонимия, синекдоха ва шунга ўхшаш бошқа бир қанча масалалар билан тилнинг стилстик яруси яқиндан шуғулланади.

Лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши

Юқориди қайд қилинганидек, тилнинг ҳамма яруслари доимо ривожланишда бўлади. Тилнинг луғат бойлиги ҳам бундан истисно эмас.

Маълумки, сўзнинг лексик маъноси мунтазам ўзгариб туради ва айтиб ўтилганидек, у бир қанча майда маънолар — семалардан ташкил топади. Ана шу семалардан бирининг тушиб қолиши ёки баъзиларининг ривожланиб, бошқа семаларга нисбатан етакчи вазифани ўтай бошлаши мумкин. Шунингдек, сўздаги дастлабки айрим семалар нейтраллашиб, тушиб қолиши ҳам мумкин. Сўз маъносининг ривожланиши сифат ва миқдор ўзгаришига, маънонинг кенгайиши ва торайишига, ҳаттоки тилдан умуман тушиб қолишига олиб келади. Бунда жамият тараққиёти алоҳида аҳамиятга эга. Тафаккурнинг ривожланиши фан ва техника тараққиётига олиб келади. Бу ҳол ўз навбатида янгидан-янги табиий ҳодисалар моҳиятини билиш, техника янгиликларини очиш, янгидан-янги асбоб-ускуна ва нарсаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Тил буларнинг

ҳаммасига алоҳида янги ном (янги сўз) яратмасдан, балки уларни мавжуд сўзлар ёрдамида ифодалаш ҳам мумкин. Натижада лексик — семантик маъно кенгай боради. Масалан, **учмоқ** феъли аслида парранда-яр ҳаракати билан боғланган, лекин ҳозир унинг маъноси кенгайиб, **кўз**, **варрак**, **самолёт**, **ер сунъий йўлдоши** каби тушунчалар билан ҳам алоқага киришадиган бўлди. Шунингдек, **майдон** сўзи ҳам юқоридаги фикримизга далил бўла олади: **экин майдони**, **футбол майдони**, **қизил майдон** ва ҳоказо. Рус тилидаги **крыло самолёта**, **левое/правое крыло здания** ҳам шулар жумласидандир.

∴ Сўзни лексик маъносининг кенгайиши натижасида кўп маъноли (полисемантик) сўзлар пайдо бўлади. Лексик маънонинг торайиши сўз маъносининг кенгайишига нисбатан акс жараёндир. Тил эволюцияси жараёнида сўз маъноси торайиши унинг қўлланиш доирасини чегаралаб қўяди. Кўпчилик тилшуносларнинг фикрича, лексик маънонинг торайиши дейилганда умумлаштирувчи сўзнинг айрим, хусусий маънони ифодалаш тушунитади. Масалан, **ош** сўзи бир вақтлар қозонда тайёрланадиган овқатнинг ҳамма турини англатар эди, кейинги зақтларда эса бу сўз кўпроқ **палов** маъносини ифодалайдиган бўлиб қолди. Рус тилидаги **хрусталь** сўзи фақат хрусталдан ишланган буюмларни, идишларни назарда тутаяди, аслида эса, бу сўз билан кристаллар ифода қилинар эди.

∴ Сўз маъноларининг кенгайиш ва торайиш ҳодисалари луғат таркибининг доимо янгиланиб боришини таъминлайдиган воситалардан биридир.

СЎЗЛАРНИНГ МАЪНО МУНОСАБАТЛАРИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Тил таркибидаги лексик маънолар доимо ўзаро маълум муносабатда бўлади. Айрим сўзлар англатган маъноларига кўра бир-бирига яқин, бошқалари эса бир-бирини инкор қилади, қарама-қарши маъно англатади. Бу нуқтаи назардан синоним ва антоним сўзлар фарқланади. Сўзлар шакл нуқтаи назардан ҳам маълум муносабатда бўлади. Баъзан тилларда шакли бир-бирига ўхшаш, яъни шаклдош сўзлар учрайди. Тилшуносликда бундай сўзларни икки турга ажратиб ўрганиш қабул қилинган: омонимлар ва полисемантик сўзлар. Қуйида шаклдош, маънодош ва маънолари бир-бирига зид бўлган сўзларни айрим-айрим кўриб чиқамиз.

Синонимлар

Бир хил ёки бир-бирига яқин маънога эга бўлган сўзлар синонимлар дейилади. Масалан: **бепарво, бефарқ, беташвиш, лоқайд; чиройли, гўзал, барно** ва ҳсказо. Синонимлар бир нарса ёки ҳодисани ҳар хил белгиларини назарда тутиб ифодалашни туфайли доим ҳам бири ўрнида иккинчисини қўллаб бўлмайди, қўлланган тақдирда ҳам уларнинг маънолари бир-бирига айнан тўғри келмайди. Шу сабабдан тилларда **мутлақ синонимлар** йўқ дейилади. Агар шундай синонимлар учраб қолса, улардан бири тез орада истеъмолдан чиқиб кетади. **Самолёт** ва **аэроплан** сўзлари мутлақ синонимлардир, шунинг учун бу синонимларнинг иккинчиси (аэроплан) ҳозирги вақтда истеъмолдан туширилди.

Хуллас, синонимлар маънодош сўзлар бўлиб, ўзлари ифода қилаётган нарса ва ҳодисаларнинг ҳар хил белгиларини ифодалайди. Натижада уларда қўшимча маънолар мавжуд бўлади, ана шу маънолар эвазига улар бир-биридан фарқ қилади. Уларни бирлаштириш турадиган нарса эса синоним сўзлардаги етакчи маънодир.

Маънодош сўзларнинг йиғиндиси **синонимик қатор**ни ташкил этади. Ҳар бир гуруҳдаги маънодош сўзларда **доминанта** деб юритилувчи асосий сўз бўлади. Ана шу доминанта синонимик қаторга кирувчи ҳамма сўзлар ўрнида ишлатила олади. Масалан: **юз, бет, афғ башара, турқ, ангор, ораз, чеҳра...** Бу синонимик қаторнинг доминантаси **юз** сўзидир. Рус тилидаги **старый ветхий, черствый, дряхлый** сўзлари ташкил этган синонимик қаторда **старый** сўзи доминанта вазифасини ўтайди.

Синонимлар, асосан, икки йўл билан пайдо бўлади: биринчидан, ҳар бир тилнинг ўз ички имкониятлари асосида, масалан, ўзбек тилида **қари — кекса, чиройли — гўзал, катта — улкан, улуғ — буюқ** ва бошқалар иккинчидан, бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳисобига масалан, **бўлим — отряд, далил — факт, режа — план** ёки рус тилидаги **ускорение — интенсификация, языкознание — лингвистика** ва ҳоказо. Синонимларнинг пайдо бўлиши тил луғат таркибининг бойиб, янгилашиб боришининг гаровидир. Улар ёрдамида фикр аниқроқ ва мақсадга мувофиқроқ ифодаланиши мумкин.

Омонимлар

Омонимлар синонимларнинг акси — **шаклдош сўзлар**-дир. Ёзилиши бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар **омоним сўзлар** дейилади. Бундай сўзлар дунёдаги барча тилларга хосдир. Масалан:

Ўзбек тилида: от	ҳайвон исм сўз туркуми буйруқ феъли
------------------	--

бор, туз, туш, чанг, тик ва бошқалар шулар жумласидандир;

рус тилида: ключ	калит булоқ
------------------	----------------

лук, соль, шашка, класс ва бошқалар;

инглиз тилида: well	қудуқ яхши	ва бошқалар
------------------------	---------------	-------------

немис тилида: Schloss	қаср қулф	ва бошқалар
--------------------------	--------------	-------------

француз тилида: tour	минора навбат саёҳат ва бошқалар
-------------------------	--

Ҳозирги замон тилшунослиги омоним сўзларни ёзилиши ва талаффуз қилиниши жиҳатдан уларни бир қанча турларга ажратади. Ёзилиши ва талаффуз бир-биринга мос келадиган сўзлар **мутлақ омонимлар** дейилади. Масалан: **Тор** — музика асбоби маъносида ва **кенг** сўзининг антоними маъносида; рус тилида **шашка** сўзи қилич ва ўйналадиган предмет маъносида; инглиз тилида **still сокин** ва **ҳозиргача** маъноларида, **acht** сўзи немис тилида **саккиз** ва **диққат** маъноларида ва ҳоказо.

Ёзилиши ҳар хил, лекин талаффузи бир хил омоним сўзлар **омофон** деб юритилади. Масалан; ўзбек тилидаги **тўн** ва **тон** (овоз), рус тилида **разредить** — **разрядить**, инглиз тилида **night** — **knight**, немис тилида **viel** — **fiel** — биринчиси **кўп** маъносида, иккинчиси йиқилди маъносида; француз тилида **mer** — **mer**; **maire** — она, денгиз ва мэр (ҳоким).


Баъзи сўзлар бир хил ёзилиб, ҳар хил ўқилади. Тилшуносликда бундай сўзлар **омографлар** деб юрити-

лади. Масалан: ўзбек тилидаги **ток** сўзи икки хил талаффуз қилинади; **узум** маъносида ва электр қуввати ёки рус тилидаги **замок** сўзи ҳам икки хил ўқилади **қаср** маъносида қўлланганда урғу биринчи бўғинга, **қулф** маъносида қўлланганда эса, иккинчи бўғинга тушади; инглиз тилида **wind** сўзи **шамол** ва **бурамоқ** маъноларида қўлланиб, ҳар хил талаффуз қилинади.

Тилларда шундай сўзлар борки, улар ўзларининг дастлабки шаклида (от бош келишида, феъл ҳаракат номи шаклида, сифат оддий даража шаклида ва шу кабилар)да бир-биридан тубдан фарқ қилиб, баъзи грамматик формаларда ўқилиши ва ёзилиши тўғри келиб қолади. Масалан, ўзбек тилида **қўй** сўзи ҳайвон ва буйруқ феъли формасида **қўй** сўзига омоним бўлиб келиши мумкин; рус тилида **три** сўзи икки маънода **уч** ва **ишқала** маъноларида қўлланади; **ишқаламоқ** маъносида — **тереть** феъли фақат буйруқ формасидагина **уч** сўзига шаклдош бўлиб келади; инглиз тилида **saw** сўзи **арраламоқ** ва **кўрди** (**м, -нг**) маъноларида ишлатилади. **Кўрмоқ** феълнинг инфинитив формаси **to see** ўтган замон **saw** формасида **арраламоқ** сўзига шаклдошдир.

Бундай омонимлар **омоформалар** деб юритилади. Омонимлар билан полисемантик сўзлар орасида бир қарашда умумийлик борга ўхшайди. Иккаласида ҳам шакл бир хил, маъно турличадир. Лекин бу сўзлар орасида катта фарқ ётади. Масала шундаки, полисемантик сўзларнинг маънолари бир-бирига қариндошдир, чунки полисемантик сўзлар бир сўз бош маъносининг кенгайтишидан ҳосил бўлиб, бош маънодаги тушунчадан бошқа тушунчани ифодаласа ҳам, улар англатган нарса ва ҳодисалар ўртасида доимо умумийлик бўлади. Масалан, **бет** сўзи полисемантик сўздир, чунки у **одамининг бети**, **кўчанинг бети**, **китобнинг бети** каби маъноларда қўлланади. Қўриниб турибдики, бу маънолар орасида умумийлик бор. Рус тилидаги **база** сўзида 5 та маъно бор. Инглиз тилидаги **get** сўзининг 10 дан ортиқ маънолари бор. Одатда, полисемантик сўз билан омоним сўзларни чизмада қуйидагича ифодалашади:

Омоним сўзлар



7-расм.

Полисемантик сўзлар



8-расм.

Омоним сўзлар маъноларининг параллель чизиқлар билан кўрсатилишига сабаб, бу сўзлар англатган маънолар ўртасида ҳеч қандай боғлиқликнинг йўқлигидир. Улардаги шакл умумийлиги тилдаги тасодифликлар, полисемантик сўзлар бир маънонинг ривожланиши бўлганлиги учун бир-бири билан кесишадиган чизиқлар орқали кўрсатилади.

✓ Антонимлар

Антонимлар тиллардаги қарама-қарши маънони англатувчи сўзлардир. Дунёда ҳамма нарса жуфтлик принципига асосланганлиги маълум. Жуфтлик борлиги учун дунёда тараққиёт бор. Лекин ҳар қандай жуфтлик ҳам тараққиёт, ривожланишнинг асоси бўла олмайди. Фақат бир-бирини бир вақтнинг ўзида ҳам инкор қиладиган, ҳам тақозо қиладиган жуфтликкина ривожланиш ва мувозанат асоси бўла олади. Антоним сўзлар тилни лексик ярусидagi ана шундай жуфтликнинг оддий намунасидир. Масалан, катта-кичик, тўғри-эгри, кенг-тор, оқ-қора ва бошқалар.

«Опомнитесь, граждане, левые и правые, консерваторы и реформаторы, идеалисты и прагматики, национал-патриоты и гуманисты, небольшевики — утописты и трезвомыслящие, законопослушные и анархистствующие, богатые и люмпоны!» («Известия» № 343, 1990).

Бундай сўзлар бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Барча нарсалар қиёсий ўрганилади. Шунинг учун катта сўзи англатган маънони тасаввур қилиш учун кичик деган сўз англатган тушунча бўлиши шарт ва аксинча. Агар ҳаётда ҳамма нарса катта бўлса, унда на катта сўзи ва на кичик деган сўз тилда керак бўларди. Ёки дунёда ҳамма нарса бир хил рангда бўлса, унда ранг тушунчаси ҳам бўлмасди.

Антонимлар нутқ жараёнида кенг ишлатилиб, рангбаранг тушунчаларни ифодалаш учун қулай воситадир.

Ҳамма сўзларнинг антоними бор дейиш мумкин эмас. Тилларда антоними йўқ бўлган сўзлар кўп учрайди, масалан: **ручка, синф, олма, дон** ва бошқалар. Ҳамма гап шундаки антонимлар тўғрисида гап борганда, уларни иккига, яъни **аслий лексик антонимлар** ва **ясама антонимларга** ажратиш олиш мақсадга мувофиқдир.

Аслий лексик антонимлар тил парадигматикасида табиий мавжуд бўлади, масалан, узун-қисқа, бор-йўқ, ер-осмон, ўнг-чап, тўғри-эгри кабилар.

Ясама антонимлар чегара билмайди. Улар инкор маъносини англатадиган тил воситалари ёрдамида яса-либ, ҳар қандай сўзнинг антонимини ифодалашга хиз-мат қилади. Бу воситалар сўзларнинг олдидан ёки ке-тидан келиб, нарса, ҳодиса, сифат, белги, иш — ҳаракат, ҳолат ва ҳоказоларни инкор этади ва шу йўл билан акс, қарама-қарши маъно ясайди. Масалан, ўзбек ти-лидаги **но-** аффикси сўздан англашилган тушунчанинг акс маъносини ифодалайди: **тинч-нотинч, тўғри-нотўғри, жўя-ножўя**. Қўриниб турибдики, бу аффикс сифатларга хосдир, **-ма** аффикси ёрдамида иш-ҳаракатнинг бажарилиши инкор этилади: **бор — борма, юр — юрма, ол — олма** каби.

Инглиз тилида **ноп** сўзи ёрдамида (*finite — non-finite*) шуздай антонимлар яшаш мумкин.

Антонимларнинг ҳар икки тури дунёдаги барча тил-ларга мансубдир. Агар ясама антонимларда бир-бири-нинг маъносини инкор қилиш асосий хусусият бўлса, аслий антонимлар фақат бир-бирининг маъноларини инкор этибгина қолмай, балки қарама-қарши бўлган янги тур тушунчани ҳам ифодалайди.

Антонимлар мавҳум маънони ифодалайдиган сўз-ларда кўпроқ (яхши-ёмон, иссиқ-совуқ ва бошқалар) аниқ тушунчаларни ифодалайдиган сўзларда камроқ учрайди.

ТИЛЛАРНИНГ ЛУҒАТ ТАРКИБИ

Тилдаги барча сўзлар унинг луғат таркибида мужас-самлашган бўлиб, тилнинг лексик бойлигини ташкил этади. Тилнинг бойлиги унинг луғат таркибини ташкил этувчи сўзларнинг миқдорига, хилма-хиллигига боғлиқ-дир. Аслида бой ёки камбағал тил деган тушунча-лар тилларнинг асосий вазифаси — алоқа вазифасига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки тилларнинг вазифаси тўғрисида гап борганда дунёдаги мавжуд олти мингга яқин тилларнинг ҳаммаси бир-бирига тенг; ҳар бир миллатнинг тили мазкур миллатга тўла хизмат қилади, ҳар қандай фикрни ифода қилиш учун ҳамма тилларда етарли лексик, грамматик воситалар мавжуд.

Тилларнинг луғат бойлигига келганда, баъзи тил-

ларда сўзларнинг сони бошқалариникидан кўпроқ. Бу нарса турли тарихий, ижтимоий масалаларга боғлиқдир. Тил луғатининг таркиби бир қанча нуқтан назардан ўрганилиши мумкин.

Луғатдаги сўзларнинг маъно турларига қараб қатламларга ажратиш.

Бу жиҳатдан сўзларни табиий борлиқни англатувчи сўзлар ҳайвонот, ўсимлик дунёсини ифодаловчи ва бошқа шунга ўхаш сўзларни кўрсатиш мумкин.

Луғатни жамиятнинг ўтмиш тарихига боғлаб қатламларга ажратиш. Бу нуқтан назардан рус тили луғатидан биз умумславян тилига оид бўлган сўзларни, шарқий славянларга хос бўлган сўзлар, соф рус тили сўзларини ажратишимиз мумкин.

Бошқа тиллардан турли вақтларда ўзлаштирилган сўзлар. Масалан, ўзбек тилида рус тилидан кирган сўзлар, араб тилидан кирган сўзлар, форс тилига оид сўзлар, латин сўзлари ва бошқалар кўплаб учрайди¹.

Луғат таркибининг ижтимоий — шева қатлами. Бу жиҳатдан у ёки бу миллатнинг ижтимоий гуруҳларига оид бўлган сўз қатламлари: касбларга оид сўз қатламлари, студентлар жарғони, тил шевалари шу бўлимда кўрилади.

Луғат составининг актив ва пассив лексикаси қатламлари. Луғатдаги ҳамма сўзлар бир меъёрда ишлатилавермайди. Баъзи сўзлар муомалада бошқаларига қараганда кўпроқ қўлланилади. Хозирда сўзларнинг ана шу хусусиятини назарда тутиб, сўзларнинг ишлатилиши даражасига кўра луғатлар тузила бошланди.

Тилларнинг луғат таркиби ана шунларга ўхшаш бир қанча қатламлардан ташкил топган бўлиб, уларни тилнинг лексик яруси ўз мавзуси сифатида ўрганади. Ана шу қатламларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз.

Ишлатилишдан чиқиб кетган сўзлар. Тилнинг луғат таркибида ишлатилишдан чиқиб кетган сўзлар кўплаб учрайди. Сўз ифодалайдиган нарса, тушунчаларнинг ҳаётда йўқ бўлиб кетиши ёки уларни ифодалаш учун янги сўзларнинг пайдо бўлиши луғат таркибининг янгиланиб боришини таъминлайди. Демак, сўзларнинг кундалик нутқ жараёнидан чиқиб кетиш ҳодисаси жонли тиллар учун табиий ҳолдир. Ишлатилишдан чиқиб кетган ёки чиқиб кетаётган сўзларни тилшунослик фанида та-

¹ К. Раҳмонбердиев. Ўзбек тили контаклари, Тошкент, 1989.

рихий сўзлар ва **архаизмларга** ажратилади. Бу сўзлар бир-биридан фарқ қилади: **тарихий сўзлар**, ўтмишга, тарихга хос бўлган нарсга, ҳодисга, тушунчаларни англатиб, тарихий матнларда ишлатилади. Замонавий тилда уларнинг ўрнини босадиган синоним сўзлар ҳам, уларга эҳтиёж ҳам йўқ. Масалан: **босмачи**, **жаллод**, **судхўр**, **ясовул** ва бошқалар.

Архаизмлар одатда замонавий тилда ўз синонимларига эгадирлар. Демак, архаизмлар англатган маъно тарихий сўзларга ўхшаб тилдан ва ҳаётдан чиқиб кетмайди, балки улар англатаётган нарсга ва ҳодисалар ҳаётда сақланиб, дастлабки номи янги ном билан алмашади. Масалан **аэроплан** сўзи архаизмга айланиб, унинг ўрнига **самолёт** сўзи кириб келди; **дудоқ** (лаб), **ёвуқ** (яқин) ва бошқалар шулар жумласидандир.

НЕОЛОГИЗМЛАР

Тилларда сўзларнинг эскириб, муомаладан чиқиб кетиши табиий бўлганидек, тилга янги сўзларнинг кириб келиши ҳам табиийдир. Акс ҳолда тил кишилик жамиятида асосий алоқа воситаси вазифасини ўтай олмайди, ривожланиб бораётган жамият фан ва техника тараққиёти талабларига жавоб беролмай қолади.

Тил жамият билан узвий боғлиқ бўлгани учун у билан доимо ҳамнафас бўлиб, жамият билан бирга ривожланиб туради. Фан ва техника тараққиёти натижасида пайдо бўлган янги муносабатлар, янги нарсга, ҳодисаларни ифода қилиш, ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга алоқадор тушунчаларни белгилаш мақсадида яратилган янги, ҳали ўзлашиб кетмаган сўзлар **неологизмлар** деб аталади. Неологизмлар **лексик** ва **семантик** неологизмларга ажратилади. **Семантик неологизмлар** тилда мавжуд сўзларнинг янги маънода ишлатилиши бўлса, **лексик неологизм** — тилдаги мавжуд сўз ва морфемаларнинг қўшилиши асосида янги тушунчани ифодадалаш, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ва, ниҳоят, турли тилларнинг лексик-грамматик воситалари орқали пайдо бўлади. Масалан, ўзбек тилида **жамоат** ва **ташкilot** сўзлари азалдан мавжуд. Уларнинг қўшилишидан пайдо бўлган жамоат ташкилотлари тушунчаси ҳозир кенг қўлланиб келинмоқда. **Қизил карвон** бирикмаси ҳам жамоат ва ташкилот каби лексик неологизмларга яхши мисол бўла олади.

Семантик неологизмда рус тилидаги **спутник**, ўзбек тилидаги **йўлдош**, инглиз тилидаги **satellite** сўзлари яхши мисолдир. Бу сўзлар ҳозирги вақтда икки маънода — аслий маъноларида ва ернинг сунъий йўлдоши маъносида барчага таниш.

СЎЗ ЯСАШ

Лексикологиянинг бу қисми неологизм билан узвий боғланган, чунки тилдаги сўз ясовчи воситалар ёрдамида янги луғат бирликлари ясашиб, тил луғат бойлигининг кенгайиши таъминланади. Тилдаги мавжуд сўзлар ва сўз ясовчи воситалар негизда янги сўз ҳосил қилишни **сўз ясаш** деб тушунилади.

Сўз ясаш турли йўллар билан амалга оширилади.

1. **Аффикслар ёрдамида**, яъни сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида сўз ясаш кўпчилик тиллар учун асосий воситадир. Аффикслар сўз ўзагига нисбатан жойлашиши нуқтани назаридан **префикс**, **постфикс** ва **инфикслар**га ажралади. **Префикслар** — сўздан олдин, **постфикслар** — сўздан кейин ва **инфикслар** сўзнинг ичида жойлашиб, янги сўз ясашга хизмат қилади.

Префикс ёрдамида сўз ясаш:

- ўзб. , бадаелат, беғам, серташвиш;
- рус. , запеть, вбежать, передумать;
- инг. , rebuild, misplace, distrust;
- нем. , bewohnen, verstehen, erzählen

Постфикс ёрдамида сўз ясаш:

- ўзб. ишчи, пахтакор, сафдош, соатсоз;
- рус. работник, ирригатор, историк, паспортист;
- инг. teacher, spoonful, kingdom, realize
- нем. Arbeiter, Freundschaft, Freiheit

1. **Инфикслар ёрдамида сўз ясаш**: бу усул араб тилларига хос бўлиб, ўзбек, рус, инглиз, немис тилларида дейрли учрамайди, хом-сом (араб) тиллари учун бундай сўз ясаш табиий ҳолдир: **китоб**, **котиб**.

Баъзан янги сўз ҳосил қилишда юқорида келтирилган воситалар уюшмасидан фойдаланилади. Масалан: **беғамлик**, **наестья**. Бу мисолда янги сўз ясалишида ҳам префикс, ҳам постфикс иштирок этмоқда.

2. **Икки ё ундан ортиқ сўзларни бир-бирига қўшиш йўли билан янги сўз ясаш**. Ўзбек тилшунослигида бу

йўлни синтактик усул деб юритилади. Ўзбек тилида: ота-она, ер ёнғоқ, олтин тепа, гултожихўроз; рус тилида: радиостанция, пивовар, инглиз тилида week end, hot house.

3. **Конверсия орқали сўз ясаш** баъзи тилларда кўплаб учрайди. Масалан, инглиз ва француз тилларида бу усул кенг қўлланса, рус, ўзбек тилларида кам учрайди. Конверсия йўли билан сўз ясалганда, сўзлар бир сўз туркумидан иккинчисига — кўпроқ от феълга, феъл эса отга ўтади. Инглиз тилидаги **We shall answer positively. The answer was positive** гапларни мисол тариқасида келтирамиз. Биринчи гапда **answer** сўзи феълдир, чунки у морфологик жиҳатдан замон категориясини ифодаловчи восита (**shall**) ни олган; синтактик нуқта назардан бу сўз кесим вазифасини ўғаб, равиш билан боғланиб келяпти.

Иккинчи гапда **answer** — отдир, чунки у гапда эга функциясини бажаряпти, морфологик жиҳатдан бош келишник, бирликда бўлиб, аниқ артикль билан боғланган. Инглиз тилида артикльлар отнинг асосий кўрсаткичларидан биридир. Инглиз тилида бундай мисоллар кўплаб учрайди.

Ўзбек, рус тилларида бу ҳодисалар ўзига хос хусусиятга эга. Агар инглиз тилида бир сўз туркумидан кўчиш кўпроқ гапдаги сўзларнинг ўрнини алмашиши билан боғлиқ бўлса, ўзбек ва рус тилларида бу ҳодиса морфологик воситалар кўмагида амалга оширилади, яъни сўз қайси сўз туркумига кўчаётган бўлса, ана шу сўз туркумининг грамматик категорияларини қабул қилади. Масалан, **қизил-қизиллар (красный-красные)** армия маъносида. Бу мисолда **қизил** сифати отлашиб, отларга хос бўлган кўплик **-лар** қўшимчасини қабул қилган. Рус тилидаги мисолда ҳам худди шу ҳодиса кўзга ташланади.

ЛЕКСИКОГРАФИЯ

Лексикография лексикологиянинг луғат тузиш билан шуғулланадиган бўлиmidир.

Анатолий Франснинг ёзишича «луғат — алфавит тартибда жойлаштирилган воқеликдир». Бундан борлиқдаги жамики нарса, ҳодиса ва воқеалар ҳар бир тилнинг луғат бойлигида акс этади, деган маъно келиб чиқади.

Луғатларнинг **изоҳли, таржима, имло, махсус этимологик** ва бошқа турлари мавжуд.

Луғат турлари устида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Изоҳли луғатлар. Бу турдаги луғатлар бир тилли бўлиб, луғат ичига киритилган сўз ва ибораларга бир тилда изоҳ берилади. Бундай луғатларга «Большая Советская энциклопедия», «Ўзбек совет энциклопедияси», «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ва бошқалар кирази. Масалан:

Битим. 1. Ўзаро келишув, тўхтам, қарор...

2. Халқаро муносабатларда: аҳднома, шартнома. Битим тузмоқ. Битимга келмоқ...¹.

Таржима луғатлари. Бу турдаги луғатлар икки ёки undan ortiq тилли бўлиши мумкин. Бундай луғатларда бирор тилга оид сўз ва иборалар иккинчи (учинчи ва ҳоказо) тилга таржима қилинади. Бундай луғатларга 1959 йилда нашр қилинган «Ўзбекча-русча луғат» (А. К. Боровков муҳаррирлиги остида), «Русча-ўзбекча луғат», Тошкент, 1983 кирази.

Имло луғатлар. Бу турдаги луғатларга кирган сўз ва ибораларнинг изоҳи ҳам, таржимаси ҳам бўлмайди. Бундай луғат сўзларнинг ёзилишини, имло қоидаларини ўз ичига олади. Маълумки, тиллардаги ҳамма сўзларнинг ёзилиши, умумий имло қоидаларига мос келмайди. Демак, бу турдаги луғатлар истисно сўзларнинг орфографиясини аниқлашда айниқса қўл келади. Имло луғатлари ҳамма учун бирдек аҳамиятлидир. Имло луғатларга мисол тариқасида Москвада 1980 йилда «Русский язык» нашриётида чиққан «Орфографический словарь русского языка», С. Иброҳимов ва М. Раҳмоновларнинг «Ўзбек адабий тилининг имло луғати», Тошкент, 1956 й. ва бошқаларни келтириш мумкин.

Махсус луғатлар. Бу луғатлар фан ва техниканинг маълум бир йўналишига, тармоғига бағишланган бўлиб, у ҳам изоҳли, ҳам таржима луғати бўлиши мумкин. Мисоллар: «Англо-русский железнодорожный словарь», Москва, 1958; М. А. Собировнинг «Русча-ўзбекча математик терминлар луғати», Тошкент, 1952 йил; О. С. Ахмановнинг «Словарь лингвистических терминов», Москва, 1966 йил ва бошқалар.

Сўзларнинг ишлатилиш даражасига кўра луғати. Юқорида қайд этилган луғатлар кўпдан бери маълум бўлса, сўзларнинг ишлатилиш даражасига кўра тузи-

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I қисм. Москва, «Русский язык» нашриёти, 1981 й., 121-бет.

ладиган луғатлар нисбатан яқинда пайдо бўлган. Изоҳли, таржима, имло, махсус луғатлар асосан алфавит тартибда тузилади, лекин сўзларнинг ишлатилиш даражасига кўра тузиладиган луғатларда унга кирган сўзлар тартиби, уларнинг нутқда ишлатилиш даражаси билан белгиланади.

Маълумки, 1977 йилда Л. Н. Засорина таҳрири остида рус тилидаги сўзларнинг ишлатилиш даражасига асосланган «Частотный словарь русского языка» яратилди. Бу луғатни тузиш жараёнида умумий сони бир миллион атрофидаги сўзлар билан ишланган. Шулардан энг кўп ишлатиладигани в ва во предлоглари бўлиб, улар 43 минг марта, иккинчи ўринда и боғловчиси эса 36 минг мартадан кўпроқ учраган. Учинчи ўринни не инкори, 4-ўринни на предлоги, 5-ўринни я олмоши эгаллаган. 13 мингта сўзга бир марта, 6 мингтача сўзга 2 марта дуч келинган. Булар кам ишлатиладиган сўзлар жумласидан бўлиб, луғатнинг охиридан ўрин олган. Луғатнинг бошидан жой олган 100 сўз матннинг 40 фоизини; мингтаси — 70 фоизини ташкил этади. Тахминан тўққиз минг сўз матнда ўн марта ва ундан ортиқроқ учраган. Бу сўзлар луғатнинг тўртдан бирини ташкил қилмаса-да, лекин ўрганилган матннинг 90 фоиздан ошқирғини ташкил этади.

Бундай луғатлар жуда катта амалий аҳамиятга эга. Уларнинг дастлабки мингта сўзи тилдаги матнларнинг 70—80 фоизини ташкил этади. Шунинг учун хорижий тилни ўрганишда ана шу сўзларни биринчи навбатда ўзлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Этимологик луғатлар. Луғатнинг бу тури сўзларнинг келиб чиқиш тарихини тушунтириб, изоҳлаб беради. Бундай луғатлар ҳозиргача кам учрайди. Рус тилида бундай луғатдан икkitаси бор: С. Г. Бархударов таҳрири остида 1961 йилда «Краткий этимологический словарь русского языка». Г. П. Циганенко томонидан ёзилган, 1970 йилда Киевда нашр этилган «Этимологический словарь русского языка».

Этимологик луғатдан мисол: От сочетания по месту (по участку) образовалось слово поместье (имение), которое «взято из практики пожалования земель служилым людям на срок несения ими военных обязанностей». От слова поместье образовалось слово помещик (помещица). Қаранг Г. П. Циганенко: «Этимологический словарь русского языка», 357—358-бетлар.

Луғат тузишнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Бу

иш узоқ вақт, чуқур билим ва чидамни талаб қилади. Машҳур рус филологи В. И. Даль ўзининг «Толковый словарь живого велико-русского языка» луғати устида 53 йил ишлаган. Бу луғат тўрт томдан ташкил топган бўлиб, биринчи нашри 1863—1866 йилларда чоп этилган. Бу луғат бир неча марта нашр қилинган, сўнги нашри 1980 йилда чиққан. Далнинг луғатида 200 минг сўз ва 30 минг мақол бор. Кейинги даврда яратилган 17 томлик «Словарь современного русского литературного языка» ўз ичига 150 минг сўзни қамраб олади. Ҳозирги вақтда Россия ФА рус тили институти картотекаларида 440 мингга яқин сўз тўпланган. Бу рус тили луғатининг навбатдаги нашрига асос қилиб олинади!

Ўзбек лексикографистлари ҳам сўнги йилларда катта ютуқларни қўлга киритдилар. 1980—1981 йилларда Москвада «Русский язык» нашриётида икки томлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нашрдан чиқди. Бу луғат 60 минг сўз ва сўз бирикмаларини ўз ичига олган. 1978 йилда «Ўқитувчи» нашриёти Ш. Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати»ни, 1971 йилда, Ш. Ш. Шоабдураҳмонов таҳрири остида «Ўзбек халқ шевалари луғати» каби бир нечта луғатлар ҳам юзага келди.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Тилнинг лексикология яруси қандай масалалар билан шуғулланади?
2. Лексикологиянинг қандай бўлимларини биласиз?
3. Нима учун сўз тилнинг асосий бирлиги деб аталади?
4. Сўз, нарса ва тушунча орасидаги муносабатни тушунтириб беринг.
5. Нарса ва уни атовчи сўз орасида боғлиқлик борми?
6. Сўзларнинг денотатив, сигнификатив ва структурал муносабатлари деганда нимани тушунасиз?
7. Сўзлар тушунча ва эмоционал-эстетик маъноларни ифода қилиши нуқтаи назаридан қандай турларга бўлинади?
8. Сўзларнинг тил ва нутқ нуқтаи назаридан англадиган маъноларини шарҳлаб беринг?
9. Сўзлар тил бирлиги сифатида қандай вазифаларни бажаради? Сўзлар қандай маънолар англатади?

Тўғри ва кўчма маъноларни мисоллар ёрдамида тушунтириб беринг.

10. Истора, метонимия ва синекдоха нима? Бу ҳодисалар тилнинг тараққиётида қандай роль ўйнайди? Бу масалалар билан тилнинг лексикологик ярусидан бошқа яна қайси ярус шуғулланади?

11. Сўз маъноларининг кенгайиши ва торайиши сабабларини тушунтириб беринг.

12. Сўзлар маъно муносабатларига кўра неча турга бўлинади?

13. Синоним, синонимик қатор деб нимага айтилади? Синонимлар қандай йўллار билан пайдо бўлади?

14. Омоним деб қандай сўзларга айтилади? Омонимларнинг қандай турлари бор? Уларни мисолларда тушунтириб беринг.

15. Полисемантик сўзларни таърифланг. Полисемантик сўзлар билан омонимлар орасидаги фарқни тушунтиринг.

16. Антоним сўзларнинг хусусиятларини сўзлаб беринг. Тил ва нутқ антонимлари орасида қандай фарқ бор? Аслий ва ясама антонимлар орасидаги фарқни тушунтиринг. Антонимларнинг тилдаги аҳамияти қандай?

17. Тилнинг луғати қандай қатламларга ажралади?

18. Қандай сўзлар ишлатилишдан тушиб қолиши мумкин? Архаизм ва историзмлар деганда нимани тушунаси?

19. Неологизмлар нима? Неологизмлар қандай йўллар билан пайдо бўлади?

20. Сўз яшашнинг қандай услубларини биласиз? Ўзбек, рус, инглиз, немис ва француз тилларидаги сўз яшашнинг етакчи услубларини айтинг ва мисолларда тушунтиринг.

21. Лексикография қандай масалалар билан шуғулланади?

22. Луғатнинг қандай турларини биласиз? Сиз қандай луғатлардан фойдаланасиз?

23. «Тилшуносликка кириш» курсидан практикум қўлланмадан 34, 35, 36, 37, 38, 41, 42, 43, 46, 48, 50, 51, 52, 54, 55, 56, 58, 64, 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 76, 77, 78, 80- машқларни бажаринг.

24. Нуқталар ўрнини тегшли сўзлар билан тўлдириб, мақолларни ўқинг.

1. Не было бы счастья, да

2. Учёный водит, а ...
3. Мы ценим и любим не праздность, а ...
4. Ученье — свет, а ...
5. Не верь началу, верь ...
6. Не отведав горького, не ...

(труд, несчастье помогло; концу; узнаешь сладкого; неученье — тьма; неучёный сзади ходит).

25. Қуйидаги сўзлар қайси хусусиятларига кўра кўч-ма маънода ишлатилган?

1. Котелок.
 - 1) Котелок с кашей поставили на печь.
 - 2) Солдаты чистили свои котелки.
 - 3) У него совсем котелок не работает.
 - 4) Мужчина в котелке важно шагал по улице.
2. Кнопка.
 - 1) Кнопками приколотли объявление.
 - 2) Нажмите кнопку звонка.
 - 3) Девочка пришила кнопки к платью.
(Из пособия Л. А. Введенской и других «Русское слово», Москва, просвещение, 1987.)
3. Қош.
 - 1) Қош қорайган пайтда Муқимий Яйпан қишлоғига кириб келди (газетадан).
 - 2) Кириб шоҳнинг қошига шоир, таъзим-қуллуқ адо қилади. (Ойбек.)
 - 3) Эгарнинг қоши нақшдор эди. Қош қўяман деб, кўз чиқарар (Мақол).
4. Тиш.
 - 1) Йўлчи тишини қисиб, индамасдан ўрнidan турди. (Ойбек.)
 - 2) Тишини — тишига қўйиб чидашга тўғри келади.
 - 3) Тиш-тирноғигача қуролланган душманни тор-мор келтириш керак.
 - 4) Арранинг тиши ўткир экан.
 - 5) Боланинг тиши чиқди.
5. Соат.
 - 1) Менинг соатим тўхтаб қолибди. (А. Қаҳҳор.)
 - 2) Татьяна тўрт соатдан бери китобдан бошини кўтармасди. (И. Раҳим.)
 - 3) Яшаш соатининг олтин капгири, ҳар бориб келиши — бир олам замон. (Ғ. Ғуллом.)
 - 4) Институтда кунда олти соат лекция бўлади.
 - 5) Ҳозир бу ишнинг вақти-соати келган эмас.

- 6) Бир неча киловатт-соат энергия сарф этилади. (Газетадан.)
6. Эшик.
1. Эшик очилиб, барзангидай йигит чиқди. (Ойбек.)
 2. Иссиқ уйдан эшикка чиқиб билгим келди совуқнинг сирин. ... (Уйғун.)
 3. Эшикма-эшик юрди.
 4. Институт «очиқ эшиклар куни»ни ўтказди.
(Мисоллар М. Мирзаевнинг «Ҳозирги зазон ўзбек тили», «Машқлар тўплами»дан олинди. Тошкент — 1958, 4-бет.)

СИНТАКСИС

Синтаксис грамматиканинг бир қисми бўлиб, унда камида икки мустақил сўзларнинг синтактик боғланиши ҳамда **матнлар** ўрганилади. Шу сабабли баъзи олимлар синтаксис предмети тўғрисида гап борганда, уни **кичик синтаксис** ёки **гап синтаксиси** ва **катта синтаксис** ёки **матн синтаксисига** ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади.

Кичик синтаксис сўз бирикмаси ва уларнинг турлари, гап ва уларнинг турлари, синтактик боғланиш воситалари, синтактик боғланиш турлари билан шуғулланади.

Катта синтаксиснинг иш мавзуси кичик синтаксисмикидан бирмунча фарқ қилиб, у:

- матн нима?
- матнни ташкил этувчи бирликлар;
- матннинг бутунлиги ва боғланганлигини кўрсатувчи белгилар;
- матннинг лексик ва грамматик воситалари;
- матннинг семантик тузилиши каби масалаларни қамраб олади.

Синтаксиснинг икки қисмга бўлиниши матн тилшунослигининг пайдо бўлиши билан боғланган. Яқин йилларда гап тилнинг энг катта бирлигидир, деган фикр ҳукм сураб эди. Гапга таъриф берилётганда унга бу хил ёндашиш, айниқса кўзга ташланиб турарди, чунки гап «туғал фикр аниқлатувчи» бирлик сифатида талқин қилинарди. Бошқа фанлар ва шунинг қатори тилшунослигининг ривожланиши натижасида гап занжирсимон ҳодисанинг бир босқичи, бир ҳалқаси ва у ўз навбатида,

Ўзидан катта бутунликни ташкил қилувчи бирлиги сифатида намоён бўлади, деган фикр ўртага ташланди. Алоҳида олинган гап ҳамма вақт ҳам тугал маънолар аңлатавермайди. Алоҳида олинган гапнинг маъноси шу матндаги бошқа гаплар маъноси билан узвий боғланган бўлади. Бу масалаларни «Матн тилшунослиги» боида батафсилроқ кўриб чиқамиз

ГАП СИНТАКСИСИ

Тилнинг ҳамма қатламлари ўзи ўрганадиган нарсаларни умумлаштириш ва мавҳумлаштириш хусусиятига эга. Фонетика ўхшаш нутқ товушларини умумлаштирса, лексикология атроф муҳитдаги ўхшаш нарса ва ҳодисаларни сўзлар орқали умумлаштиради. Грамматиканинг морфология қисми сўзларнинг маъно хусусиятлари ва морфологик белгиларига кўра уларни туркумларга (от, сифат, сон ва шу кабиларга) бирлаштиради. Синтаксис эса юқоридаги мавҳум умумлашмалар ўртасидаги мазкур тилнинг тарихий тараққиёти жараёнида вужудга келган муносабатларни белгилайди, яъни айрим олинган мвайян сўзлар орасидаги ўзига хос, хусусий муносабатларни эмас, балки туркумлар орасидаги муносабатлар тилни бу ярусининг иш мавзуси ҳисобланади.

Тил элементлари орасидаги мавжуд муносабат пировард натижада тилнинг асосий вазифаси бўлмиш алоқа вазифасига хизмат қилади: одамлар орасидаги фикр алмашиш қуроли вазифасини бекаму-қўст бажаришга имкон беради. Тил ўзининг бу вазифасини гаплар орқали амалга оширади. Демак, гап тилнинг асосий бирикмаларидан бўлиб; одамлар орасидаги мулоқотда муҳим роль ўйнайди.

ГАП

Бир ёки бир нечта сўздан ташкил топган, предикативлик хусусиятига ва оҳанг бутунлигига эга бўлган ҳамла нисбий тугал фикр аңлатадиган тилнинг мулоқот бирлиги гап дейилади.

Келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, гап бир

ёки бир нечта сўздан ташкил топиши предикативлик хусусияти ва оҳанг бутунлигига эга бўлиши ҳамда нисбий тугалланган фикрни акс эттириши лозим.

Гапнинг бу белгилари устида қисқача тўхтаб ўта-миз.

Одамлар ўзаро фикр алмашаётганда бир хил қолипдаги тушунча ва хулосалар асосида суҳбат қуришмайди. Ўзаро мулоқотнинг хусусияти ва гапирувчининг ўз фикрини ифода қилиш услубига кўра нутқ жараёнида турли туман гаплар учраши мумкин. Бу гапларнинг бир, икки, уч ва ҳатто ўнлаб сўзлардан ташкил топиши, бирорта ҳодиса ва воқеани сўраши ё тасдиқлаши табиий бир ҳолдир. **Қоронғи. Саҳна аста-секин очилади. (А. Қаҳҳор). Қуёш чиқмоқда. Кечки пайт. Район пахта қабул қилиш пункти дарвозаси ёнида прицеплар карвони навбатда турибди. («Ёш Ленинчи».)**

Ҳар қандай гап предикативлик хусусиятига эга бўлиши шарт, акс ҳолда, гап эмас сўзлар йиғиндиси бўлиб қолади. Гапнинг предикативлиги уч таркибий қисм: **модаллик, шахс ва замон маъноларидан** ташкил топади. Предикативлик гапнинг бевосита иштирокчилари, яъни тузилиши асоси бўлмиш эга ва кесим ўртасидаги муносабат орқали амалга оширилади.

Модаллик. Майл синтактик категория воситасида ифода этилиб, тасдиқ билан инкор орасидаги турли муносабатлар *мумкинлик, гумонлик, режа, истак, шубҳа* ва ҳоказони ўз ичига олади. Бу категориянинг пастки ва юқори чегаралари аниқ; булар **ҳа** ва **йўқ** сўзларидир. Юқорида қайд этилган бошқа маънолар ана шу сўзлар орасидан ўрин олади.

1) Тонг отди. Тоғлар орасидан кўтарилган қуёш нури яйлов майсаларида ярқираб кўринди, кўз қамашди! (*И. Раҳим.*)

2) Истайманки, шу қуёш бутун ҳарорати-ла шеърининг томирида ҳамма вақт оқиб турса. (*С. Зуннунова.*)

3) Эртага ёмғир ёғармиш, қаттиқ бўрон бўлармиш. Келтирилган мисолларда **аниқлик** (1), **шарт-истак** (2) ва **гумон** (3) маънолари акс этган. Бу маънолар фақат феълга қўшилган грамматик аффикслар орқали ифодаланмай, балки лексик воситалар орқали ҳам ифодаланган (истайманки).

Предикативликнинг таркибий қисми бўлган шахс маъноси кўпчилик тилларда шахс грамматик категорияси орқали ифодаланиб, иш-ҳаракатнинг бажарувчиси

учта грамматик шахсдан бирига тааллуқли эканини кўрсатади.

Ўзбек тилида бу маъно уч хил ифодаланиши мумкин:

— грамматик воситалар орқали: **Кўрдим. Гаплашдик.**

— лексик воситалар билан: **Мен гуноҳкор. Далалар кўм-кўк.**

— ҳам лексик, ҳам грамматик восита ёрдамида: **Мен уни хаёлимдан қувлар эдим, у бўлса қалбим ва фикримга тобора қайсарлик билан маҳкам ўрнашиб оларди. (С. Зуннунова).**

Замон маъноси ҳам асосан тилларда грамматик замон категорияси орқали ифодаланиб, уч грамматик замоннинг бирига тааллуқли эканини англатади. Ҳамма тилларда ҳам учта замонни ифодалайдиган грамматик воситалар бўлмаслиги мумкин. Замонларни кўрсатувчи грамматик воситалар бўлмаган ҳолда лексик кўрсаткичлар катта аҳамият касб этади. Маълумки, ўзбек тилида учала замонни кўрсатадиган грамматик воситалар мавжуд:

Мен ўқияпман — ҳозирги замон;

Мен ўқидим — ўтган замон;

Мен бораман, борарман, бормоқчиман,— келаси замон.

Шу билан бирига бир вақтнинг ўзида ҳам ҳозирги, ҳам келаси замонни ифодаловчи восита ҳам бор: **Мен ишлайман.** Бундай ҳолда замонни кўрсатувчи лексик (бугун, эртага ва келаси йил...) кўпроқ келаси замонни ифодалаш учун хизмат қилади. Қиёсланг: Мен бугун (эртага) ишлайман. Мен ишлайман.

Шундай қилиб, предикативлик тўғрисида гап борганда, эга ва кесим орасидаги муносабат тушунилиб, предикативликни ифодалайдиган воситалар кўп тилларда кесим функциясини ўтайдиган сўзларга қўшилиб келади.

Ҳар бир гап ўзининг мақсад ва вазифасига кўра маълум ритмик мусиқавий тузилишига эга бўлади. Гапнинг ана шундай тузилиши унинг оҳангини белгилайди. Гапнинг оҳанг тузилиши у қандай маъно: таъкидлаш, сўраш ва ҳоказоларни ифодалашига боғлиқ. Табиийки, қуйидаги гаплар оҳанг жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Ҳамма учун зарур бўлган ҳақиқатни олға сургани-
миз учунми? (М. Горький.)

Менинг бригадам биринчи ўринда дегин?! (А. Қаҳ-
ҳор.)

— Тавба,— деди Усмонов,— зап ёзувчилар бор-да,
шу ҳам гап бўлдими?! (С. Зуннунова).

Кўприқдан ўтиш биланоқ, гузар бошланади. (Ой-
бек.)

« Оҳанг нутқнинг ажралмас таркибий қисмидир. Нутқ-
да оҳанг гапларни бир-биридан ажратиб турувчи воси-
та ҳисобланади.

Гапларнинг кўпи узил-кесил тугал фикр англатмай-
ди; матнни ташкил этувчи гаплар нисбий тугалланган
фикрни ифодалайди, чунки улар бир-бири билан узвий
боғлиқ, бири-иккинчисини тўлдириб келади.

Гапнинг юқорида қайд қилинган тўрт хусусиятидан
биринчи ва иккинчиси талаффузда ва ёзувда кетма-кет
намоён бўлиб, унинг сегмент тузилишини ташкил этади,
улар аниқ, тилнинг моддий бирликларидан ташкил топ-
ган. Учинчи хусусияти (оҳанг) эса гапнинг просодик
элементи бўлиб, сегмент элементлари устига қатланган
бўлади. Баъзи олимлар гапнинг биринчи ва иккинчи
хусусиятларини унинг ички тузилиши, учинчи, хусусия-
тини эса гапнинг ташқи тузилиши деб ҳам юритишади.

ГАПНИНГ ТУРЛАРИ

Гаплар турли нуқтаи назардан: тузилиш, гапириш
мақсади, барча бўлақларнинг бор-йўқлигига кўра тур-
ларга ажратилади.

Гапларнинг тузилиш жиҳатидан турлари

Гаплар тузилиши жиҳатидан содда ва қўшма гап-
ларга бўлинади. **Пахта ўзбек халқининг ифтихоридир.**

Ҳаёт мураккабдир.

Аниқ бир фикрни ифодалаб, битта эга-кесимлик му-
носабатидан ташкил топган гап **содда гап** дейилади.

Содда гапларни иккинчи даражали бўлақлари бор-
йўқлигига қараб, содда йиғиқ ва содда ёйиқ гапларга
ажратиш одат тусига кирган. Агар гап фақат эга ва
кесимдан ташкил топган бўлса, уни **содда йиғиқ гап** де-
йилади. **У куйлаяпти. Ой ботди. Далалар чаман.**

Агар гапнинг эга ва кесимдан ташқари унинг ик-

кинчи даражали бўлаклари (тўлдирувчи, ҳол, аниқловчи) ҳам бўлса, бундай гап содда ёйиқ гап дейилади.

Хўжалик деҳқонлари давлатга яна 200 тонна пахта топширишга ваъда бердилар. (*«Ёш ленинчи».*)

Икки ёки ундан ортиқ эга-кесимлик муносабатига эга бўлган гапларни **қўшма гап** дейилади.

Қўшма гаплар ўз навбатида **боғланган қўшма гаплар, эргашган қўшма гаплар; мураккаб қўшма гапларга** бўлинади.

Икки ё ундан ортиқ тенг ҳуқуқли гаплардан ташкил топган гаплар **боғланган қўшма гап** дейилади:

Ҳамма қувноқлик билан сўзлашмоқда, фақат Арслонқул негандир хаёлчан ўтирарди. (*Ойбек.*)

Ер яхши, сув мўл, ўғит сероб, машиналар тайёр, куч етарли. (*Ф. Фулом.*)

Қўшма гапларнинг бу тури тўғрисида тилшунослик фанида фикрлар ҳар хил. Баъзи олимлар боғланган қўшма гапни гапнинг тузилиш турларига киритмаса ҳам бўлади, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, бундай гаплар қўшма гап қаторига сунъий равишда киритилган, уларни ташкил этувчи гапларни осонлик билан содда гапларга ажратиш мумкин. Юқорида келтирилган гапларни шундай таркибий қисмларга ажратиш қийинчилик туғдирмайди.

Бошқа тилшунослар боғланган қўшма гаплар ўзига хос хусусиятга эга, шунинг учун бундай гапларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ, чунки уларнинг таркибидаги содда гапларнинг жойлашиши маълум тартибга бўйсунди дейишади.

Меҳмонлар соат олтида келишди ва биз кечки овқатга ўтирдик. Бу гапни ташкил этувчи таркибий қисмларнинг ўрнини алмаштириш мумкин эмас, чунки фикр мантиқан тўғри чиқмайди. Ундан ташқари, боғланган гаплар структурасидаги содда гаплар ўртасида турли маъно муносабатлари ҳам бўлади:

а) бириктириш йўли билан боғланиш: Наташа онага кўзларини бир оз қисиб қаради ва бу тикилиб қарашдан она бир оз ҳижолат тортиди (*М. Горький.*)

б) айирув йўли билан боғланиш: «Гоҳ ҳаво булут бўлади, гоҳ қуёш чиқади»;

в) зидлов йўли билан боғланиш: «Қор ёғди, бироқ унча совуқ бўлмади».

Келтирилган далиллар боғланган қўшма гап ўзига хос гап тури эканлигини кўрсатиб турибди.

Қўшма гапларнинг эргашган тури таркибида икки ё ундан ортиқ гаплар бўлиб, улардан бири **бош гап**, қолганлари эса **тобе гаплар** бўлади. Бош гапга тобе бўлган гап **эргаш гап** деб юритилади. Эргаш гаплар бош гапдаги бирорта сўзга ёки бош гапнинг ҳаммасига тегишли бўлиб, бош гапдан англашилган фикрни турли йўллар билан тўлдириб келади.

Ҳосил йиғиб олинган, икки қайта уруф экилди.

Ғалла мўл бўлгани учун, омборлар тўлиб кетди.

Ёмғир тинса, шаҳар бўйлаб сайрга чиқамиз.

Бу мисолларнинг биринчисидagi эргаш гап **пайт**, иккинчисидagi — **сабаб**, учинчисидagi — **шарт** маъноларини ифода этмоқда, тўртинчисидagi эса, бош гапдан англашилган иш-ҳаракатини аниқлаб келмоқда.

Эргаш гапларнинг вазифаларига қараб, уларни пайт, сабаб, шарт, аниқловчи, тўлдирувчи эргаш гап каби турларга ажратилади. Бу барча тилларга хосдир.

Мураккаб қўшма гапларни аралаш қўшма гаплар деб атаса ҳам бўлади. Гапларнинг бу тури тўғрисида ҳам бир қанча фикрлар бор. Баъзилар мураккаб қўшма гапларга таркибида битта бош гап ва камида иккита эргаш гапи бўлган тил бирликларини киритишса, бошқалар учта ва ундан ортиқ тенг ҳуқуқли гаплар йиғиндисидан тузилган боғланган қўшма гапларни киритишади ва ҳоказо. Агар бунга амал қилинса, унда гапларнинг тури чексиз бўлиб кетиши мумкин. Шунинг учун мураккаб қўшма гап деганда камида иккита тенг ҳуқуқли (яъни боғланган) ва бир ёки бир нечта эргаш гаплардан ташкил топган гапларни тушуниш мақсадга мувофиқдир. Бу фикр кўпчилик томонидан маъқулланади.

Соғлиқ яхши бўлса, иш ҳам унумли бўлади, киши чарчамайди.

Баҳор келди, аммо ҳаво анча совуқ, чунки қиш бир оз чўзилиб кетди.

Гапларнинг ифода мақсадига кўра турлари

Бу нуқтан назардан гаплар **дарак**, **сўроқ**, **буйруқ** ва **ундов** гапларга бўлинади. Бу гапларнинг нутқда содир бўлиши гапирувчининг олдиға қўйган мақсадига боғлиқ. Маъно ва таркибига кўра гапларнинг бу турлари бир-биридан фарқ қилади.

Дарак гаплар ёрдамида сўзловчи тингловчига бирор маълумот етказади.

Тинчлик ва халқларнинг чинакам хавфсизлиги дав-

латларнинг жамоа бўлиб куч ва ғайрат сарфлаши билангина таъминланиши мумкин.

Дарак гаплар бошқа гаплардан сўз тартиби тўғрилиги ва пасаяувчи оҳангда талаффуз этилиши билан фарқ қилади.

Сўроқ гапларда сўзловчи тингловчидан бирорта масала юзасидан ахборот беришини сўрайди. Демак, дарак гаплар тингловчидан фақат диққат ва эътиборни талаб қилади, сўроқ гаплар тингловчидан жавоб ҳам кутади. Бундан ташқари, сўроқ гаплар дарак гаплардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

— сўроқ гапларнинг таркибида сўроқ сўзлар бўлиши мумкин, масалан: ўзбек тилида: **ким, нима, қачон, қаерда** ва бошқалар;

— уларда сўроқ юкламалари бўлиши мумкин; ўзбек тилида **-ми**, рус тилида **-ли** ва ҳоказо;

— қисман ёки тўлиқ инверсия ҳодисаси рўй бериши (сўз тартиби ўзгариши) мумкин, масалан, рус тилида: **Пришёл-ли он?** (қесим эганинг олдига ўтган — тўлиқ инверсия.) Инглиз тилида Is he a student? гапида кесимнинг бир қисми эганинг олдига ўтган — бу қисман инверсия;

— интонация ҳам пасаяувчи, ҳам кўтарилувчи бўлиши мумкин.

Агарда ўзбек тилидаги: **Биз бугун дарс тайёрлаймиз**, гапини турли оҳангда айтиш мумкин бўлса, инглиз тилида оҳанг сўроқ гапнинг турига боғлиқ. Инглиз тилида умумий сўроқ гап кўтарилувчи оҳанг, махсус сўроқ пасаяувчи оҳанг билан айтилади. Демак, ҳамма тиллар учун бир хил тавсия бериш мумкин эмас.

Буйруқ гапларда сўзловчи тингловчидан бирорта иш-ҳаракатни бажарилишини талаб қилади.

Буйруқ гаплар дарак гаплардан қуйидаги хусусияти билан фарқ қилади:

— кесим доимо буйруқ майлида туради;

— бундай гаплар доимо иккинчи шахсга қаратилган бўлади;

— гапнинг эгаси, одатда тушиб қолади;

— буйруқ гаплар ўзига хос оҳангда талаффуз этилади.

Ундов гапларда сўзловчи ўзининг ҳис-ҳаяжонини, ички кечинма (қувонч, шодлик, таажжуб, қайғу-алам, афсусланиш) сени тантанали ифодалайди:

Яшасин тинчлик!

Озгина инсоф борми унда!

Эҳ, биз қандай бахтли кунларда яшаяпмиз!

Ундов гаплар дарак гаплардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

— махсус оҳангда талаффуз қилинади;

— уларнинг таркибида махсус юкламалар (рус тилида да, инглиз тилида тау ва бошқалар) бўлиши мумкин;

— инверсия ҳодисаси учраши мумкин. Ўзбек ундов гапларида кесим эгадан олдин келади.

Гапнинг ҳамма бўлаклари мавжудлиги нуқтаназаридан турлари

Ҳамма бўлаклари бор-йўқлиги нуқтаназаридан гаплар эллиптик ва ноэллиптик гапларга ажралади: Ўзбек тилшунослигида эллиптик гапларни **тўлиқсиз гаплар** деб ҳам номланади. Бундай гапларда айтилаётган фикрни ифодалаш учун зарур бўлган гап бўлаklarининг баъзилари сўзловчи томонидан атайин тушириб қолдирилади. Бундай ҳол тингловчига унга йўлланган фикрни тушунишга халал бермайди. Чунки бу бўлак гапирилаётган шарт-шароитда олдинги гапдан ёки умуман мазмундан маълум бўлади.

— Сиз қаерда ишляяпсиз?

— Тайёра заводида.

— Қачондан бери?

— Августдан.

Келтирилган диалогда фақат биринчи гап тўлиқ, қолганлари эллиптик гаплар. Иккинчи гапда **Мен ... ишляяпман** сўзлари, учинчи гапда **Сиз у ерда ... ишляяпсиз** сўзлари ва ниҳоят тўртинчи гапда **Мен у ерда ... бери ишляяпман** сўзлари тушириб қолдирилган.

Ҳаммаси бўлиб учта гапда 10 сўз тушириб қолдирилган, бешта сўз ишлатилган, лекин қолган сўзлар диалогнинг тушунилишига халал бермайди. Эллиптик гапларни нутқ жараёнида учраб туриши табиийдир. Бу масала совет ва чет эл олимлари томонидан кўриб чиқилиб, уларни пайдо бўлиш сабаблари аниқланган, у ҳам бўлса, тилнинг тараққиёт йўлидаги муҳим принципларидан бири бўлмиш тил воситаларини, кучни тежаш принциpidир. Одам кундалик ҳаётида вақт, куч, пулини тежашга ҳаракат қилади. Шундай интилиш нутқ жараёнида ҳам рўй беради: кам куч ва кам вақт сарф қилиб, кўпроқ маълумот бериш, яъни иложини борича кам-

роқ сўз талаффуз қилиш йўли билан фикрни тингловчига етказиш. Эллиптик гапларга қарама-қарши қилиб қўйилган **ноэллиптик, тўлиқ гапларда** сўзловчи ўз фикрини тингловчига етказиш учун зарур бўлган барча гап бўлақларини сақлаб қолади. Эллиптик гаплар кўпроқ оғзаки нутқда ишлатилса, ноэллиптик гаплар кўпроқ ёзма нутқда ишлатилади.

Эллиптик гаплар хусусида гапирилганда **Ёз. Пахта даласи** каби гаплар ҳақида бир-бирига зид фикрлар борлигини эслатиб ўтамиз, чунки баъзи тилшунослар уларни ҳам эллиптик гаплар қаторига қўшади.

Ёз. Пахта даласи кабилар хусусиятига кўра гап эканлиги ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди, чунки уларнинг тузилиши ўзгача бўлса ҳам, гапларга қўйилган ҳамма талабларга жавоб беради. **Ёз** гапи **ёз** сўзидан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

— фикрнинг нисбий тугаллиги мавжуд.

— ўз оҳангига эга (ёзувда тиниш белгилари билан белгиланади);

— **ёз** сўзи луғатда бошқа сўзлар қатори ҳодиса ва нарсаларни атаса, **Ёз** гапи ҳодисанинг мавжудлигини тасдиқлайди;


— предикация бу шу ягона гап — сўзда ифодаланган: майл нуқтан назаридан бу гап аниқлик майлида; чунки у ҳодисани мавжудлигини ифодаламоқда; замон жиҳатдан у ҳозирги замонда: чунки бундай гаплар аниқ вақтни ифодалайди. Бу гап учинчи шахсга тааллуқли чунки **ёз** сўзи от туркумига киради, отлар кишилик оломшларининг учинчи шахси билан алмаштирилади.

Бундай гаплар эллиптик гапларга киритилиши мумкин эмас, чунки уларнинг таркибида махсус тушириб қолдирилган бўлақлари йўқ. Агар эллиптик гапларда тушириб қолдирилган бўлақларни тиклашнинг илोजи бўлса **Ёз** гапига ўхшаганларни тиклашга ҳеч ким уринмайди, бунинг ҳожати ҳам йўқ. Тилшуносликда бундай гапларни турли атамалар билан белгилашади: ўзбек тилшунослигида номинатив ёки атов гаплар: рус тилшунослигида бир составли гаплар ёки бир бош бўлақли гаплар (односоставные предложения с одной главной частью) ва бошқалар.

Гап бўлақлари

Анъанавий тилшунослик нуқтан назаридан ҳар қандай гап қайси тилга тааллуқли бўлишидан қатъи назар

икки қисм, яъни бош ва иккинчи даражали бўлақлардан ташкил топади. Бош бўлақларга эга ва кесим, иккинчи даражали бўлақларга — аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол киради. Чизмада бунни қуйидагича кўрсатиш мумкин:



Эга гапнинг бош бўлақларидан бўлиб, гапдан англашилган иш-ҳаракат ким томонидан бажарилганлигини, фикрни кимга ва нимага қарашли эканини кўрсатади.

Кесим ҳам гапнинг бош бўлақларидан бири бўлиб, эга тўғрисидаги асосий ахборотни ўзида мужассамлаштиради.

Иккинчи даражали бўлақлар бош бўлақлар билан узвий боғланган бўлади, уларни аниқлайди, тўлдиради, улар тўғрисида қўшимча маълумот беради.

Аниқловчи гапларда от ва отлашган сўзлар билан ифодаланган гап бўлақларини, сифат ва уларнинг белгиларини кўрсатади. Демак, аниқловчи амалий жиҳатдан ҳар қандай гап бўлаги олдида келиши мумкин.

Тўлдирувчи гапнинг феъл билан ифодаланган бирор бўлагига боғланиб, унинг маъносини тўлдириб келади. Одатда тўлдирувчи кесим билан боғланиб, у тўғрисида қўшимча маълумот беради.

Гулни севган тиканни ҳам севади. Гулни тўлдирувчидир, у кесим билан боғланган, чунки кесим феълнинг функционал (ноаниқ) шакли бўлмиш ўтган замон сифатдоши билан ифодаланган (севган).

Бетга айтганининг заҳри йўқ, гапида тўлдирувчи аниқловчига боғланиб келади, чунки аниқловчи (айтганининг) сифатдош билан ифодаланган. Ёки **Эришилган ютуқлар ҳақида сўзлашнинг айби йўқ** гапига тўлдирувчи яна аниқловчи (сўзлашнинг) билан боғланган, чунки бу аниқловчи ҳам феълнинг ноаниқ шакли — ҳаракат номи билан ифодаланган.

Тўлдирувчи миқдор жиҳатдан кесим билан кўпроқ боғланиб келади.

Тўлдирувчилар воситали ва воситасиз тўлдирувчига ажратилади.

Воситали тўлдирувчи ўзбек тилида бош, қаратқич

ва тушум келишикларидан бошқа келишикдаги сўзлар билан ифодаланади. Бу тўлдирувчи кўмакчи сўзлар билан бирга ифодаланиши мумкин. Баъзи тилларда предлог билан ишлатилган тўлдирувчилар предлоги тўлдирувчи деб ҳам юритилади.

Воситасиз тўлдирувчи ҳаракатни бевосита ўзига қабул қилган нарсани ифода қилади. Мисоллар:

Йўлчи титроқ кўллари билан Гулнорнинг сочларини аста силади. (*Ойбек.*) — сочларини воситасиз тўлдирувчи.

Одам одамдан баҳра олади (*А. Қаҳҳор.*) — одамдан — воситали тўлдирувчи.

Ҳол гап бўлакларидан кесимга ва баъзан умуман гапга боғланган бўлиб, феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини ва унинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган турли **сабаб, мақсад, миқдор, ўрин, пайт, ҳолатларини** ифодалайди. Гапда бажарадиган вазифасига кўра равиш, ўрин, пайт, мақсад, миқдор, сабаб, даража ва бошқа ҳолларни ажратиш мумкин.

Гап бўлаклари билан сўз туркумлари орасида бевосита алоқа бор. Чунки ҳар бир гап бўлаги маълум сўз туркуми орқали ифода қилинади. Агар гапнинг эгаси от, олмош, ҳаракат номи ва бошқа отлашган сўз туркумлари билан ифодаланса, гапнинг кесими кўп тилларда асосан феълнинг аниқ шакли билан ифодаланади. Тилларда кесим, от, сифат, сонлар билан ҳам ифодаланиши мумкин, лекин бундай ҳолда ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусияти сақланади. Ҳозирги замон ўзбек тилида от кесим ҳеч қандай ёрдамчи боғловчи феъл талаб қилмайди:

Куч кам, шаронгим оғир (*«Ёш Ленинчи»*) — кесим сифат билан ифодаланган.

Бригадада ҳаммаси бўлиб олти киши ишлайди. Мен сувчи, Маъмуржон тракторчи. Кесим от билан ифодаланган.

Кўпчилик ҳинд-Оврупо тилларида, хусусан, роман-герман тилларида бундай кесимлар боғловчи феълни талаб қилади:

He is a student.
Er ist student.

Инглиз ва немис тилларида келтирилган бу мисолларда эга билан от кесимни бир-бирига боғлаб турган

is, ist феъллари бўлмаса гап нотўғри тузилган бўлади.

Аниқловчи одатда сифат ва от билан, баъзан сифатдош шакллари билан ифодаланади.

Тўлдирувчи от ва отлашган сўзлар, олмошлар ва феълнинг функционал шакллари билан ифодаланади.

Ҳол кўпинча равиш билан баъзан эса от ҳамда феълнинг функционал шакллари ва баъзи бошқа сўз туркумлари орқали ифодаланади.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИ

Юқорида гаптаги сўзлар маъно талабларига кўра ўзаро турли синтактик муносабатларига киришиши айтиб ўтилганди. Гапнинг бутунлигини, синтактик жиҳатдан мустақкам жипслигини таъминлайдиган нарсалар ана шу муносабатлардир.

Масалан: **Илғор чилангар топшириқни ошириб бажарди.**

Бу гапта бир нечта сўз бирикмасини ажратиб кўрсатиш мумкин: **Илғор чилангар, топшириқни бажарди, ошириб бажарди.**

Бир-бири билан синтактик жиҳатдан боғланган, биринчи даражали предикативлик муносабатига эга бўлмаган, икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзлар қўшилмаси **сўз бирикмаси** дейилади.

Сўз бирикмалари англатган маъноларига кўра сўзларга ўхшаш: улар сўзлар каби номинатив аташ функциясига эга, нарса ва ҳодисаларни уларнинг хусусияти билан бирга қўшиб атайди. Сўз бирикмалари гаплардан қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

— гапларда предикативлик муносабати бор (эга-кесим муносабатида ифода қилинади) сўз бирикмаларида йўқ;

— гаплар бир сўздан иборат бўлиши мумкин, сўз бирикмасида камида иккита мустақил сўз бўлади;

— гаплар ўз оҳанг тузилишига эга, сўз бирикмаларида бундай хусусият йўқ.

Сўз бирикмалари икки нуқтаи назардан таснифланиши мумкин. Буни қуйироқда кўриб чиқамиз.

Синтактик муносабат турлари

Тилларда сўзлар орасидаги синтактик муносабатни **тенг боғланиш, эргаш боғланиш, предикатив боғланиш**га ажратиш мумкин.

Тенг боғланиш деганда икки ё ундан ортиқ бир-бирига тенг бўлган сўзлар орасидаги муносабат тушунилади.

Масалан: **кун ва тун; мен ё сен.**

Эргаш боғланиш деганда етакчи ва тобе сўзлар орасидаги боғланиш тушунилади: **қизил карвон, олтин водий** каби. Бу бирикмаларда **карвон** ва **водий** сўзлари етакчи, **қизил** ва **олтин** — тобе сўзлардир. Эргаш боғланиш ўз навбатида **мослашув, бошқарув, битишув** каби турларга ажратилади.

Мослашув эргаш боғланишнинг бир тури бўлиб, тобе сўз бош сўз билан сонда, келишикда ва родда мослашади. Мослашув ҳамма тилларда ҳам бир хил кўринишга эга эмас. Агар рус тилида мослашув қайд қилинган ҳамма формаларда амалга оширилса, инглиз тилида қисмлар фақат сон нуқтан назардан мослашади, қиёсланг:

моя книга; моей книге; моим книгам;
this book, these books, that book, those books

Қўриниб турибдики, бу икки тилдан фақат рус тилида ҳар томонлама мослашув амалга ошади. Ўзбек тилида мослашув йўқ.

Бошқарув эргаш боғланишнинг бир тури бўлиб, унда тобе сўз бош сўз талаб қилган грамматик шаклда туради. Бошқарув тўғрисида гап борганда, одатда тобе сўз бош сўзнинг талабига кўра қайси грамматик шаклда туриш кераклиги тушунилади. Демак, бошқарув дунёдаги барча тилларга хос бўлмай, фақат синтетик тилларни кўпроқ назарда тутаяди. Масалан: ўзбек тилида феъллар бошқарувчи ролни ўтайди; улар ўзидан кейин турган от, олмошларни маълум келишик формасида туришини талаб қилади. **Ишламоқ** феъли ўрин-пайт келишиги формасини, **учратмоқ** тушум келишигидаги сўзни талаб қилади. Бу тилда баъзан сифатлар ҳам бошқарилиши мумкин: **номус ўлимдан қаттиқ**. Одатда ўзбек тилида мослашув деб юритиладиган қаратқич ва қаралмиш орасидаги муносабатни **бошқарув-мослашув** дейиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу икки сўз, бир томондан, шахс ва сонда бир-бири билан мослашади (**менинг китобим, бизнинг китобимиз**), иккинчи томондан, ҳоким сўз тобе сўзни қаратқич келишик ёки қаратқичнинг яширин (ноль) варианты шаклида келишини талаб қилади (**синф иши, мактаб ҳовлиси**). Рус тилида ҳам бошқарув кенг тарқалган: **видеть** феъли

винительный падеждаги сўзни, **гордиться** творительный падеждаги сўзни талаб қилади.

Битишув эргаш муносабатнинг бир тури бўлиб, унда муносабатга киришувчи бош сўз билан тобе сўз расмий грамматик воситаларни талаб қилмайди. Улар маъно жиҳатдан боғланган бўлиб, синтактик муносабат фақат сўз тартиби ва оҳанг орқали амалга оширилади. Ўзбек тилида сифат билан отнинг бирикуви (**йирик хўжалик, онгли интизом**), ҳол билан кесим орасидаги муносабат (**тез ўқимоқ, муттасил янгиламоқ**) шулар жумласидандир.

Предикатив синтактик муносабат эга ва кесим ёки баъзи тиллардаги предикатив конструкцияларни ташкил этувчи қисмлар орасидаги синтактик алоқадир.

Предикатив муносабат биринчи даражали предикатив муносабат ва иккинчи даражали предикатив муносабатга ажратилади.

Предикатив муносабат юқорида қайд қилинган бошқа муносабатлардан қуйидагича фарқ қилади;

— предикатив муносабат иш бажарувчи ва иш-ҳаракат маъноларини ифодаловчи сўзлар орасидаги муносабатдир;

— бу муносабатни ифодаловчи икки сўздан бири доимо феълнинг бирорта шаклида бўлади.

Биринчи даражали предикатив муносабат деганда гап эгаси ва кесим ўртасидаги муносабат тушунилади. Бундай муносабатда предикацияга хос бўлган майл, замон ва шахс маънолари доимо мутлақ равишда тўғридан-тўғри ифодаланани (бу ҳақда гап таърифиға қаранг). **Иккинчи даражали предикатив муносабатда** ҳам иш бажарувчи сўз ва иш-ҳаракатни англатадиган сўз бўлади, лекин майл, замон, шахс маънолари бевосита, мутлақ тарзда ифодаланмайди. Бу маънолар фақат нисбий ифодаланиб, биринчи даражали предикатив муносабатни билдирадиган сўзлар орқали аниқланади. Масалан, *I saw him play chess* (Мен унинг шахмат ўйнаётганини кўрдим).

Бу гапдаги *I saw* (мен... кўрдим) сўзлари орасидаги муносабат биринчи даражали предикатив муносабатдир, чунки бу сўзларнинг биринчиси гапнинг эгаси, иккинчиси — кесими. Бу бирикмада майл, замон ва шахс маънолари бевосита ифодаланган (аниқлик майли, ўтган замон ва биринчи шахс); *him play* (унинг ўйнаётганини) сўзлари орасидаги муносабат иккинчи даражали предикативлик муносабатдир, чунки бу ерда ҳам иш ба-

Баъзи тиллар, масалан инглиз, француз тиллари асосан сўз тартиби ва ёрдамчи сўзларни кўп ишлатиш грамматик аффиксларни деярли ишлатмайди. Бунда тилларда грамматик аффикслар ниҳоят даражада кам.

Учинчи хил тиллар, масалан, хитой, вьетнам тиллари гапда сўзларни бир-бирига боғлаш мақсадларид сўз тартиби ва оҳангдан фойдаланади, чунки бунда тилларда грамматик аффикслар ва ёрдамчи сўзла жуда кам миқдорда бўлади.

ГАПНИНГ АКТУАЛ БЎЛИНИШИ

Гапнинг актуал бўлишини баъзи адабиётларда гапнинг функционал истиқболи деб ҳам юритилади.

Маълумки, тил тафаккурнинг нутқда бевосита намоён бўлишидир.

Лекин тил билан тафаккур бир-бирига тенг эмас. Улар диалектик бутунликни ташкил этади. Тилни тафаккурдан ва тафаккурни тилдан ажратиш қўйиш мумкин эмас. Улар доимо бир-бирини тақозо қилади. Гаплар (дарак гаплар) мантиқ бирлиги бўлмиш ҳукмнинг акс эттиради. Ҳукм асосан субъект ва предикатда ташкил топади. Баъзи олимлар субъект ва предикат ўртасида яна боғловчи ҳам бор, деган фикрни илгар суришади. Гап эса эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ҳолдан ташкил топган. Шундай қилиб, миқдор нуқта назаридан гапнинг тузилиши билан ҳукмнинг тузилиши бир-бирига тўғри келмайди. Бу номуносиблик тафаккурнинг, ҳукмнинг предикати субъект ва у ҳақда ним дейилаётганини билдирадиган предикат билан гапнинг эга-кесими ўртасида ҳам кўзга ташланади. Ҳукмнинг субъекти ҳамма вақт ҳам гапнинг эгасига, ҳукмнинг предикати эса, гапнинг кесимига тўғри келавермайди. Гапдаги ҳукмнинг субъектини ифодаловчи сўз тема гапдаги ҳукмнинг предикатини англатадиган сўз — **рем**: атамалари билан белгиланади. Ҳукмнинг бўлаклари серҳаракат, тез ўзгарувчан, гап бўлаклари эса қоти қолган, ўзгармасдир. Бундан, бир гап ёрдамида бир нечта ҳукмни ифода қилиш мумкин; гапнинг ҳар би бўлаги ҳукмнинг субъекти — темаси ёки предикати — **ремаси**¹ бўлиб келиши мумкин, деган маъно келиб чиқади. Шунинг учун ҳам тафаккурнинг бирлиги — ҳукмни

¹ Тилшуносликка оид русча адабиётларда бу атамалардан ташқари «данное», «новое» кабилар ҳам учрайди.

эрҳаракат деб аталади. Масалан: **Биз пахта тердик** гапида доимо грамматик эга — **Биз**, кесим — **тердик**, ўлдирувчи — **пахта**. Лекин **биз доимо** тема, **тердик** — эма бўлиб келади, дея олмаймиз. Бу сўзловчининг гапришдан олдига қўйган мақсадига боғлиқ. Агар сўзловчи «**Биз пахта тердик**» деб охириги сўзни ажратса, анда гапнинг **Биз пахта** қисми тема, **тердик** — рема бўлади. Агар **Биз пахта тердик** дейилса, **Биз** — рема, **пахта** — рема вазифасида келади, яъни биз кўсак ёки олма мас пахта тердик — деган маъно англашилади. **Биз пахта тердик** гапида **пахта тердик** тема, **Биз** эса рема вазифасида келади (бу ҳолда бошқалар эмас, биз пахта тердик деган фикр тушунилади). Шундай қилиб, гапнинг грамматик тузилиши билан бу гап ёрдамида ифодаланган ҳукм тузилиши кўпинча бир-бирига мос келмайди. Гап бўлақларини қотиб қолган, ўзгармас дедик, унки гапда бирорта сўз эга вазифасини бажариши учун маълум талабларга жавоб бериши лозим, хусусан уга вазифасини ўтай оладиган сўз туркумига тегишли бўлиши, бош келишида туриши зарур. Ҳукмнинг бўлақлари бундай чегарани билмайди. Тингловчи ва ўқувчилар, сўзловчи ва ёзувчилар ўз гаплари орқали қандай ҳукмни ифода этаётганларига аҳамият беришлари озим.

Ҳар бир тил тема ва ремани ифода қилувчи тил воиталарига эга. Шулардан оғзаки нутққа хос универсал воситалардан асосийси мантиқий урғудир; сўзловчи ремани ифодалаш учун, одатда мантиқий урғу билан келмакли сўз ёки сўзларни ажратиб кўрсатади.

Рус тилида ремани англатувчи сўзни гапнинг охирига ўтказиб қўйиш катта аҳамиятга эга. Инглиз тилида бу мақсадда махсус грамматик конструкциялар, инверсия, яъни гапдаги сўзларнинг тартибини ўзгартириш каби воситалардан фойдаланилади. Бу вазифани лексик воситалар ҳам бажариши мумкин: ўзбек тилида уларга **рақат**, **хусусан**, **камида** каби, инглиз тилида ноаниқ артикль, **just**, **also**, **only** каби сўзлар киради.

Тиллардаги тема ва ремани ифодаловчи воситалар ранг-баранг бўлиб, улар ҳар бир тилнинг грамматик тузилишига боғлиқ бўлади.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар .

1. Синтаксис қандай масалалар билан шуғулланади?

2. Катта ва кичик синтаксис қачон пайдо бўлган?
3. Гап деб қандай тил бирлигига айтилади? Гап хос бўлган хусусиятлар тўғрисида батафсил гапири беринг.
4. Гаплар қандай нуқтаи назардан турларга ажратлади?
5. Содда ва қўшма гаплар қандай мезон асосида аниқланади? Уларнинг орасида қандай фарқ бор?
6. Қўшма гапларнинг қандай турларини биласиз. Улар орасидаги фарқ нимадан иборат?
7. Боғланган қўшма гаплар тўғрисида тилшуносчида қандай фикрлар бор? Сиз бу фикрларнинг қай бирига қўшиласиз?
8. Қандай гаплар мураккаб қўшма гап дейилади?
9. Дарак, ундов, сўроқ ва буйруқ гаплар қайси мезонлар асосида фарқланади? Бу гаплар орасида қандай фарқ бор?
10. Қандай гапларни эллиптик гаплар дейилади. Бундай гаплар нутқнинг қайси турида кўпроқ учрайди?
11. Атов гаплар деб қандай гапларга айтилади? Атов ва эллиптик гаплар орасида қандай фарқ бор?
12. Гап грамматик жиҳатдан қандай бўлакларга ташкил топган? Гап бўлаклари қандай вазифаларни ўтайди?
13. Гап бўлаклари ва сўз туркумлари орасида қандай боғлиқлик бор?
14. Сўз бирикмалари деб нимага айтилади? Сўз бирикмалари билан гап орасида қандай фарқ бор? Сўзларнинг аналитик формаси билан эркин сўз бирикмалари орасидаги ўхшашлик ва тафовутни тушунтиринг.
15. Сўз бирикмалари қандай нуқтаи назардан турларга ажратилади? Сўз бирикмаларининг турларини гапириб беринг ва уларга мисоллар келтиринг.
16. Тилларда сўзлар орасида қандай синтактик муносабат бўлиши мумкин? Бу ҳодисани ўзбек, рус ва чечен тил мисоллари асосида тушунтиринг.
17. Тенг боғланиш деб қандай синтактик муносабатга айтилади? Унинг қандай турларини биласиз?
18. Эргаш боғланиш ўзининг қайси хусусияти билан предикатив боғланишдан фарқ қилади? Унинг қандай турлари бор?
19. Биринчи ва иккинчи даражали предикатив муносабат орасидаги ўхшашлик ва фарқларни тушунтиринг.

20. Синтактик боғланиш турлари ҳамма тилларда бир хил ифодаланадими?

21. Синтактик муносабатлар қандай воситалар ёрдамида амалга оширилади?

22. Синтактик муносабат воситаларининг мавқеи ҳамма тилларда бир хилми? Бу саволнинг синтетик ва аналитик тил типларига қандай алоқаси бор?

23. Гапнинг актуал бўлиниши қандай муаммони ўз ичига олади?

24. Гапнинг актуал бўлиниши билан грамматик бўлиниши бир-бирига тўғри келадими? Қайси бўлиниш барқарор-у, қайсиниси беқарор? Бунинг сабабини бирор тил мисолида тушунтириб беринг.

25. Тема ва ремалар тилларда қандай воситалар билан ифода этилади? Улар ҳамма тилларда бир хилми?

26. «Тилшуносликка кириш» курсидан практикум қўлланмасидан 172, 173, 174, 175, 181, 183, 184, 185, 187, 188, 191, 194, 195, 196, 198, 200, 202, 203, 240- машқларни бажаринг.

27. Қуйидаги гапларда тема ва ремани ифодаловчи воситаларни аниқланг:

1. Хатто бурингга ҳам таёқ тегибди. (*А. Қаҳҳор.*)

2. Ҳикматсиз эмас мақоллар.

3. Ватан — она сўзи нақадар лазиз!

Сенсан ҳар нарсадан мўътабар, азиз. (*Уйғун.*)

4. Биз ишчимиз, меҳнатчимиз.

Биз ҳам инсон ўғлимиз. (*Ҳ. Ҳакимзода.*)

5. Петр приехал только вчера.

6. На углу нашей улицы строят новый дом.

7. Завтра я пойду в библиотеку на весь день.

8. Затем последовала борьба взглядов между ними.

9. Звонил отец, а не Володя.

10. Дождь заставил их забраться в шалаш¹.

11. There was a tap on the door.

12. The girl's hands came together in a convulsive pressure. She sank down again on a chair.

13. He spoke against Mrs Doyle once or twice. I myself have heard him.

14. . . . but all the same she did mean more than one person.

¹ 5, 6, 7, 8, 9, 10- мисоллар С. И. Колабинанинг «Практикум по курсу «Введение в языкознание» қўлланмасидан олинди. М., 1977, 66-67- бетлар.

15. «Where were you last night between the hours of twelve and two?», «In my bunk asleep ...».

28. 27- топшириқдаги ўзбекча гапларни рус тилида рус ва инглиз тилидаги гапларни ўзбек тилига таржима қилинг. Бу тиллардаги тема ва ремани ифодаловчи воситаларни қиёсланг.

КОММУНИКАТИВ ТИЛШУНОСЛИК

Швейцариялик машҳур олим Ф. де Соссюр ижоди билан узвий боғланган структурализм оқими ўз олдиға қўйилган вазифаларни асримизнинг 50- йилларига келиб бажарди. Бу оқимға мансуб олимлар тилнинг ички тузилиши устида намунали ишлар қилишди. Улар ижодида система, тузилиш, қатлам, алломорфизм, изоморфизм, эталон тил, тил универсалийлари каби тушунчалар ҳар томонлама ўрганилиб чиқилди ва уларнинг чегаралари кўп жиҳатдан аниқланди. Тил ва нутқ дихотомияси (жуфтлиги) масаласи кўтарилиб, уларнинг ўзаро боғлиқлик томонлари ва фарқлари эътироф этилди. Айниқса, тил системасига катта аҳамият берилиб, унинг таркибий бўлимлари кўрсатилди.

Структурализм оқимининг асосий камчилиги «тил ўз ичиди ва ўзи учун мавжуд ҳодисадир» деган назариянинг илгари сурилиши, натижада нутқни ўрганишга деярли аҳамият берилмаганлигидир. Тилни ўрганиш тилни амалда ишлатувчи одамлар фаолиятидан ажратиб қўйилди; муомаладаги тил четда қолиб кетди.

Нутқда учрайдиган вариантлар расмий таъкидланиб, уларни тартибга тушириш масалалари яхши ёритилди, лекин уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ўрганилмади. Шундай қилиб тил ва одам орасидаги узвийлик, улар орасидаги боғлиқлик структуралистлар назаридан четда қолди.

XX асрнинг иккинчи ярмида тилшунослик фанида сезиларли ўзгариш рўй берди, тилнинг инвариант системасини ўрганиш ўз мавқеини аста йўқота бориб, тил вариантларини ўрганишга ўз ўрнини бўшатиб берди. Энди тилнинг бевосита ҳаракатдаги, муомаладаги кўриниши, унда содир бўладиган ўзгаришларни аниқлашга киришилди. Тилшунослик фанида тилнинг бу томонини ўрганиш унинг коммуникатив- прагматик аспекти деб ном олди. Тилнинг ривожланиши кишиларнинг ҳаёти,

уларнинг нутқ фаолиятлари билан боғлиқ равишда ўрганила бошланди. Бу эса ўз навбатида тилшуносликда бир қанча янги илмий фан соҳаларини пайдо бўлишига сабаб бўлди: психолингвистика, социолингвистика, матн тилшунослиги ва лингвистик прагматикани ўз ичига олган коммуникатив тилшунослик шулар жумласидандир. Қуйида биз бу масалалардан социолингвистика ва матн тилшунослигига қисқача тўхталиб ўтамиз.

МАТН ТИЛШУНОСЛИГИ

Қайд қилинганидек, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тилшунослик фанида бурилиш рўй берди. Тилшунослик бу вақтга келиб тил бирликлари бўлмиш фонема, морфема, лексема (сўз), гапларни ўрганишни умуман тугатиб, гапдан каттароқ бирликлар ҳам борлигини қайд этди. Уларни мазкур фанда **синтактик бутунлик, хат боши, дискурс** ва **матн** атамалари билан аташди. Синтактик бутунлик, хат боши, дискурс тушунчалари турли тилшунослар ишларида турлича таърифланса ҳам, биз уларни бирлаштириб, бир мавзу билан боғланган гап ёки гаплар йиғиндиси, деб умумлаштиришимиз мумкин.

Ҳозирги вақтда тилнинг энг катта бирлиги **матн** деб топилди. Шуни қайд этиш керакки, матнни бир бутун бирлик сифатида ўрганиш рус тилшунослари томонидан асримизнинг 30-йилларида бошланган эди. Фикри-мизнинг далили сифатида таниқли рус олимлари А. В. Пешковскийнинг «Русский синтаксис в научном освещении» (М., 1934), В. В. Виноградовнинг «О художественной прозе» (М., Л., 1930), Л. А. Булаховскийнинг «Курс русского литературного языка» (Киев, 1952) ва бошқаларнинг ишларини келтириш мумкин. Бу олимлар ўз асарларида матннинг ўзига хос хусусиятлари борлигини, тилнинг бошқа бирликларидан ўзининг майл хусусиятлари, шахс маъносини ифодалашини, матндаги шахс маъноси билан муаллиф шахси орасидаги боғлиқлик, узвийлик борлигини исботлашга кўп куч сарфлашди. Бу асарлар фақат рус тилшунослигида эмас, балки умумий тилшунослик тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги замон тилшунослигининг ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Матннинг таърифи ва бирлиги масалалари

Матннинг таърифи масаласига келсак, ҳозирги кунда кўпчилик томонидан қабул қилинган ягона қоида йўқ. Матннинг таърифи матн устида ишлаётган олимнинг тилшунослик соҳасининг қайси йўналишида (яъни фонетика-фонология, лексикология, синтаксис, семантика, генератив семантика ва ҳоказо) ишлашига боғлиқ. Масалан: А. Греймас матнни (дискурсни) гапларга бўлинадиган бутунлик бўлса-да, гапларни бир-бирига боғланиб келишининг натижаси эмас, деб таъкидлайди. Бундан матн бирламчи, дастлаб матн яратилади, кейин эса таҳлилчилар уни ташкил этувчи бевосита иштирокчиларга ажратишади, деган маъно келиб чиқади.

П. Гиро фикрича, матн ёпиқ ўзаро боғланган бирликлар бутунлиги, тузилиши бўлиб, бу бутунликни ташкил этувчи ишоралар стилистик таассуротни ифодалаш мақсадида бир-бири билан муносабатга киришиб, ягона системани ташкил қилади.

Матн таърифи матнга хос хусусиятларни аниқлаш билан боғлиқ. Ҳозир матннинг ана шундай хусусиятларидан бир нечаси аниқланган.

Ц. Тодоровнинг фикрича, ҳар қандай матн жараён, синтактик ва семантик хусусиятларга эга. Матнларнинг аниқ гаплардан ташкил топиши — унинг жараён эканини тасдиқлайди. Матнни ташкил этувчи қисмлар орасидаги ўзаро боғланиш унинг синтактик хусусиятини ва, ниҳоят, матннинг мазмуни — унинг семантикасини белгилайди¹.

Н. Энквист ҳам матннинг уч лингвистик параметрини мавзу (**topic**), фокус (**Focus**) ва боғланиш (**linkage**) ни аниқлади. Мавзу — матннинг асосий мазмуни, фокус — матнни ташкил этувчи бирлик (сўз, сўз бирикмаси, гап ва ҳоказо), боғланиш эса матннинг ташкил этувчи қисмлари орасидаги боғланиш воситаларидир².

Бу хусусиятлар фақат матнгагина эмас, балки бошқа тил бирликлари — гапга ҳам хосдир.

Нутқ фаолиятига қирувчи — матнлар маълум система асосида тузилган, ўз мазмунига эга бўлган тугалланган маҳсулотдир. Уларнинг тузилиши, таркиби жамият-

¹ Т. Todorov. «The Place of Style in the Structure of the text» In: Literary Style. A simposium. L. n. 4, 1971.

² N. Enkvist. Linguistic Stylistics. The Hague, 1973, p. 57.

да учрайдиган матнларни бирортасининг мавҳум моделига асосланган бўлади.

Матн тилшунослиги муносабати билан мазмун ва маъно атамаларини бир-биридан фарқлашга тўғри келади.

Матннинг мазмуни деганда мазкур матндан ўрин олган маълумот, ахборот тушунилади. Маъно деганда эса матн бирликлари (гап ва гапдан каттароқ — ягона синтактик бутунлик, хат боши)га хос ахборот тушунилади.

Мазмун ифодаланаётган ахборотнинг узил-кесил яқунланганлигига боғлиқдир. Маъно эса тугал фикр англатса ҳам фикрнинг давом этишини тақозо қилади. Демак, гап ва матн ўртасидаги асосий фарқ ана шу масалада: яқунланганлик мутлақ, тугалланганлик эса нисбийдир¹.

Матн ўзига хос грамматик категорияларга эга: маълумот категорияси табиат, ҳодиса, иш-ҳаракат ва шу кабиларни ифода қилиш, улар юзасидан фикр юритишни англатади; интеграция категорияси матн бирликлари орасидаги узвийлик, боғлиқлик, эргашиш каби муносабатларни кўрсатади; ретроспекция категорияси маълум қилинаётган воқеа ёки ҳодисани кетма-кет, изчил ҳикоя қилиш орқали амалга оширади.

Матннинг бир бутун маҳсулотлигини таъминловчи категорияни **интеграция** (латинча **integratio** — тўлатмоқ) деб аталди. Бу атама система назариясида ҳам ишлатилиб, бир бутунликни ташкил этувчи айрим қисмлар орасидаги боғланишни билдиради. Интеграция гап ва гапдан йирикроқ бўлган тил бирликлари англатган маъноларнинг нисбий мустақиллигини бартараф этиб, уларни матн мазмунининг бутунлигини таъминлашга жалб этади. Демак, интеграция категорияси матннинг яқунланиши билан боғлиқ категория сифатида намоён бўлади.

И. Р. Гальперин матннинг бирлиги масаласига тўхтаб, когезия ва интеграция атамаларини бир-биридан фарқлаш лозимлигини таъкидлайди. Когезия матн қисмлари орасидаги боғлиқликни грамматик, семантик ва лексик воситалар билан амалга оширишни англатади. Интеграция эса, матннинг бутунлигини таъминлаш мақсадида, уларни бирлаштиришдир. Интеграция когезия

¹ И. Р. Гальперин. Текст как объект лингвистического исследования М., 1981.

воситалари билан, ёки ассоциатив ва пресуппозитив муносабатлар билан амалга оширилиши мумкин. Демак когезия — мантиқий категория, интеграция эса психологик категориядир¹.

Ана шу масалаларни кўриб чиқиб матн нима деган саволга жавоб топиш мумкин.

Маълумки, матннинг асосий хусусиятларидан бири — унинг узил-кесил тугал фикр англатишидир. Матн баён қилингандан кейин тингловчида ким, қачон, қаерда, қандай каби қўшимча саволларга ўрин қолмайди. Ҳар қандай матн фикрлар йиғиндиси бўлиб, ўзаро узвий боғланган мулоҳазаларни ўз ичига олган бўлади. Матннинг чегарасини уни яратувчи (яъни ёзувчи, баён қилувчи) белгилайди.

Матн ўз олдига қўйган амалий мақсадига кўра турларга бўлинади. Масалан: **ёзма** ва **оғзаки** матнлар. Улар ўз навбатида яна турларга ажратилади. Оғзаки матнларга **диалог матнлар** (суҳбатлар), **фольклор**, **овозлар** (миш-мишлар) киради. Матннинг турлари тўғрисида қуйроқда батафсил тўхталамиз.

Матнларнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, ўз таркиби ва мазмуни билан бошқалардан ажралиб туради. Фольклорнинг бир кўринишини ташкил қилувчи эртақ матнлари фикримизнинг далили бўлиши мумкин.

Дунёдаги барча халқларнинг эртақлари ижобий кучларнинг салбий кучлар устидан ғалабаси билан яқунланади. Уларнинг таркибига келсак, бу ерда ҳам ўхшашлик бор. Масалан, ўзбек халқ эртақлари **бор экан-у, йўқ экан** деган гаплар билан бошланса, рус тилида **жил-был**, немис тилида **в стародавние времена, жил-был на свете король, жил на опушке дремучего леса бедный дровосек ...** каби кириш сўз ва гаплардан бошланади.

Ёзма матнлар туркумига кирувчи илмий матнлар мазкур масала тўғрисида аввал маълум бўлган фикрларни муҳокама қилиш билан бошланиб, камчиликлар очиб ташланади ва ниҳоят янги фикр баён қилиниб, унинг амалий қўлланилишига оид тавсиялар билан яқунланади.

¹ И. Р. Гальперин. Текст как объект лингвистического исследования. М., 1981, 125-бет.

Матни ташкил этувчи бирликлар

Матн тилшунослиги билан боғланган яна бир масала—унинг бирлиги, яъни матни қандай бирликлар ташкил этиши муаммосидир.

Бу масалага ўтишдан олдин тил бирлиги тушунчасининг ўзи нима, у қандай хусусиятларга эга бўлиши кераклигини аниқлаб олиш зарур.

Мавжуд фикрлар мажмуида тил бирликларига қуйидаги талаблар қўйилади:

қуйи ярус бирликлари юқори ярус бирликларининг ясалишида иштирок этиши керак;

қуйи ярус бирлигида содир бўлган омонимик ҳодиса юқори ярусда ишлатилганда бартараф қилиниши керак; нутқ ва тил кўринишларга эга бўлиши лозим;

улар ҳамма тиллар учун бир хил—универсал бўлади.

Бу талабларнинг ҳаммасига жавоб бера оладиган тил бирлиги—гапдир. Чунки, биринчидан, у ҳамма тиллар учун универсал бирлик, яъни ҳамма тилларда гап деб аталмиш тил бирлиги мавжуд; иккинчидан, нутқ жараёнида гап семантик нуқтаи назардан ўз дис-трибуциясига кўра кетма-кет изчил содир бўлади; тўзилиши ҳам кетма-кет намоён бўладиган қуйи ярус бирликларидан ташкил топган; учинчидан, бошқа тил бирликлари қатори (фон-фонема, морф-морфема ва ҳоказо) нутқ ва тил кўринишларига эга бўлиши мумкин. Бу бир фикрни бир қанча йўллار билан ифода қилиш мумкин демакдир. Масалан: **Бу ишни Алишер бажарди. Бу иш Алишер томонидан бажарилди.**

Омонимия морфема ва сўзларда бўлганидек, гапларда ҳам учраб туради. Инглиз тилидаги **Flying planes may be dangerous** гапи омоним гапдир, чунки унинг уч хил маъноси бор: **Учаётган самолётлар хавфли бўлиши мумкин. Самолётларнинг учиши хавфли бўлиши мумкин. Самолётларда учиш хавфли бўлиши мумкин.**

Юқоридаги гап уч маънодан қайси бирида ишлатилган бўлиши аниқ вазият, матига боғлиқ; узил-кесил маънони бу гап фақат матн таркибидагина кашф этиши мумкин.

Ўзбек тилидаги **Аминжонга тикилди** деган гап ҳам юқоридаги гапга ўхшайди. Бу гап икки маънони аниқлатади. Бу ўринда **тикмоқ** ва **тикилмоқ** (қарамоқ) феълларининг шакллари нутқда бир-бирига тўғри ке-

либ қолган. Гап қайси маънода ишлатилганлиги фақат вазиятда аниқланиши мумкин. Ва, ниҳоят, морфемалар фонемалардан, гаплар, сўз (лексема)лардан ташкил топганидек, матнлар гаплардан ташкил топади. Гапнинг матн бирлиги эканлигини шу орқали тасдиқлаш мумкин.

Матннинг таркиби

Матн деб аталмиш тил бирлиги ифода қобиғи, мазмуни (семантикаси) ва грамматикасига ажратилади.

Ифода қобиғи деганда, матнларнинг товушлардан ташкил топган бўлиши (ёзма матнда бу ҳарфлар ёрдамида ифода қилинади, оғзаки матнда эса бу эшитиш органлари орқали қабул қилинадиган товуш тўлқинларидир) ва маълум мелодик оҳанг тузилиши тушинилади.

Матннинг мазмуни деганда, ҳар қандай матн асосида ётган ахборот тушунилади. Матннинг назарда тутилган бу икки томони бир-бири билан узвий боғланган, бири иккинчисини доимо тақозо қилади, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Матн товушларининг танланиши товушларнинг миқдор кўрсаткичи, мусиқавий ифодаси матннинг маъноси билан белгиланади.

Тилнинг энг йирик бирлиги бўлмиш матнда, табиий равишда унинг бошқа бирликлари маъно талабига кўра кетма-кетлик принципи асосида матнда намоён бўлади. Бу бирликлар фонетик, грамматик ва семантик дистрибуция қоидаларига кўра бир-бири билан боғланади. Сўзлар, сўз бирикмалари ва гапларнинг тузилиши юқорида кўриб чиқилган. Бу ерда бизни матнни ташкил этувчи бирликларнинг, яъни гапларнинг бир-бири билан боғлайдиган воситаларни аниқлаш, матннинг грамматикаси қизиқтиради.

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, баъзи олимлар гап билан матн орасида яна бир поғона — хат боши, синтактик бутунлик ёки дискурс деган бирликлар бор, деган фикрни ҳам илгари суришади. Биринчидан, бу масала узил-кесил ҳал этилмаганлиги ва, иккинчидан, матнни ташкил этувчи гапларни ўзаро боғланиш воситаларни аниқлашда улар (дискурс, хат боши ва бошқалар)нинг аҳамияти йўқлиги сабабли, бу масалага тўхталиб ўтирмаймиз. Матннинг бутунлигини таъминлаб турган нарса унинг асосида ётган асосий ғоядир. Буни биз макротема деб белгилашимиз мумкин. Мак-

ротемалар бир қанча микротемалардан ташкил топган бўлиб, бу микротемалар гаплар ёки уларнинг бирикмаси орқали ифода этилади. Микротемалар матннинг асосий ғояси орқали бир-бирига ўзаро боғланган бўлади. Мавзулар орасидаги муносабат бир хил эмас. Олимларнинг фикрига қараганда, матнни ташкил этувчи бирликлар орасидаги боғланиш пресуппозиция ва импликация каби муносабатлар орқали амалга оширилади. Бу тушунчалар ўзаро боғлиқдир. Бу ҳар бир янги гап олдинги гапни тўлдириб келади ва ўз навбатида янги гапнинг туғилишига замин тайёрлайди демакдир. Матндаги гаплар бир-бири билан шу зайдда занжирсимон боғланиб кетаверади. Мана шу ҳодиса пресуппозиция ёки импликация деб юритилади. Матндаги макротема иштирокчилари бўлмиш микротемалар фақат битта гап орқали ифодаланмай, балки гаплар бирикмаси, хат бошилар, бўлимлар орқали ҳам англашилиши мумкин. Демак микротемалар кичик, катта бўлиши мумкин, яъни макротема поғона-поғона бўлиб жойлашган турли катталиқдаги мавзулар йиғиндисидан ташкил топган бўлади. Матнни ташкил этувчилар орасидаги боғланиш тўғрисида гап борганда гапнинг актуал бўлинишини эсламай бўлмайди. Маълумки, бу назарияга биноан ҳар қандай гап икки қисм: биринчиси — эски ахборот, иккинчиси эса янги ахборотдан ташкил топган бўлади. Тилшунослик фанида биринчисини тема, иккинчисини рема деб юритишади. Янги гапни яратилишига сабаб бўлган нарса — ремани ифодалашдир. Одатда гап фақат ремадан ташкил топган бўлмайди, гапнинг таркибиде тема ҳам ўз аксини топиши керак. Бунинг сабаби — мазкур гап ана шу тема орқали олдинги гап ёки гаплар билан боғланган бўлади, чунки тема аввал айтилган фикрни бир қисмини такрорлайди. Янги яратилган гапнинг ремаси кейинги гапда (ёки гапларда) тема бўлиб келади. Шундай қилиб, гаплардаги тема ва ремалар матннинг бутунлигини, боғланганлигини таъминлайди.

Матндаги синтактик боғланиш воситалари

Матндаги синтактик-семантик боғланиш асосида тема ва ремалар ётар экан, улар англаган маънолар қандай лексик-грамматик воситалар орқали ифода қи-

линишини ўргансак, матннинг синтактик боғланиш воситаларини аниқлаган бўламиз.

Умумий тилшунослик нуқтаи назаридан рема қуйидаги воситалар ёрдамида ифодаланади:

- ноаниқ артиклар;
- сўз тартиби (инверсия);
- мантиқий урғу;
- юкламалар;
- баъзи синтактик конструкциялар.

Темани ифода қилувчи воситаларга:

- олмошлар (баъзи турлари);
- аниқ артикль;
- ўрин ва пайт маъноларни синсемантик равишда ифодаловчи сўзлар;
- баъзи кириш сўз ва иборалар;
- сўз ва гап тартиблари;
- матн ғояси билан узвий боғланган етакчи сўзларнинг қайта-қайта такрорланиши;
- синонимик қаторга кирувчи синонимлардан матннинг асосий ғоясига мос келадиганини танлаш;
- грамматик замонларнинг қўлланиши ва бошқалар кирадн.

Матннинг ғоявий бутунлигини таъминлаб турган турли лексик-грамматик воситаларнинг баъзиларини қуйидаги наср тексти мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

Ҳайвонлар бошқа муҳитга ўтказилса, ё ҳалок бўлишади, ё мослашиб кетишади.

... Одам ҳам не-не куйларга тушмайди. Лекин у мослашиб ҳам кетмайди, ўлмайди ҳам! У муҳитни ўзига мослайди (*О. Матжон*).

Келтирилган наср фалсафий мазмундаги асар бўлиб, матнга хос ҳамма хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган. У тўрт гапдан ташкил топган бўлса ҳам, тугалланган фикрни, бир умумий ғояни ўзига қамраб олган. Биринчи гап — **Ҳайвонлар бошқа муҳитга ўтказилса, ё ҳалок бўлишади, ё мослашиб кетишади** — матннинг кириш гапи бўлиб, гап нима тўғрисида боришини, дастлабки ахборотни ифодалайди. Бу гапдан кейин келадиган иккита бошқа гап кириш гапидан англашилган маънони кенгайтириб, очиб беради. Бу гаплар орасидаги маъно муносабатлари лексик ва грамматик воситалар орқали амалга оширилган. Иккинчи — **Одам не-не куйларга тушмайди** — гапи биринчи гап билан маъно томондан ҳамжиҳат, бирдамдир. Бу умумийлик муҳит тушунчаси билан боғланган (яъни одам ҳам турли му-

ҳитга тушиб қолиши мумкин). Ана шу ҳамжиҳатлик, бирдамлик маъноси кўрилаётган гапда ҳам бўлиб, у боғловчиларнинг бириктирувчи турига киради. Демак, бу вазиятда ҳам боғловчисининг танланиши тасодифий бўлмай, икки гап орасидаги маъно муносабатларининг талабига мос тушади.

Биринчи гап билан иккинчи гап орасида фарқ ҳам бор. Биринчи гап ҳайвонлар тўғрисида бўлса, иккинчиси — одамлар тўғрисида. Бу фарқ ёзувда (графикада) янги қатордан ёзиш (хат боши) билан ифодаланган. Демак, матнларда янги қаторга ўтиш сабабларидан бири субъектнинг ўзгаришидир¹.

Иккинчи гап кейинги икки гапга нисбатан сабаб маъноларини англатувчи гапдир. Ҳар қандай сабаб бирор оқибат билан боғланган. Учинчи ва тўртинчи гаплар оқибатни ифодалайди. Бу маънони англатувчи учинчи гап биринчи гапдан англашилган оқибатга зиддир, яъни у мослашиб ҳам кетмайди, ўлмайди ҳам. Бу зидлик мазкур гапда зидловчи боғловчи **лекин** ёрдамида ифодаланган. Шундай қилиб, учинчи гап иккинчи гапнинг оқибати сифатида иккинчи гап билан боғланган; ундан ташқари, учинчи гап биринчи гапнинг оқибатига зид бўлгани учун, унга қарама-қарши қилиб қўйилишининг сабаби биринчи гап билан ҳам боғлиқлигидир. Биринчи гап билан учинчи гапни бир-бирига боғлаб турган восита **лекин** боғловчисидир. Иккинчи билан учинчи гапларни ҳам боғлаб турган тил воситаси бор. Бу восита — у олмошидир. Бу олмош биринчи гапдаги одам сўзининг ўрнида туриб, иккала гапнинг субъекти бир эканлигини таъкидламоқда. Тўртинчи гап учинчи гап томонидан ниҳоясига етказилмаган оқибатнинг мантиқий якунидир. Бу гапни олдинги гаплар билан боғлаб турган воситалардан бири яна субъектни ифодалаётган у олмошидир.

Таҳлил қилинаётган текстнинг бутунлигини таъминловчи яна бир далил бор. Бу текст 27 сўздан ташкил топган. Лекин уларнинг тури 18; 9 сўз дастлабки 18 сўзнинг баъзиларини 2—3 марта қайтарилиши натижасидир. Бу ҳол кўрилаётган масалага бевосита даҳлдор, чунки бир ғоя ифодаланаётганда бир хил сўзлар

¹ Маълумки, гапнинг эгаси деганда гап ким ёки нима тўғрисида бораётгани тушиниладн. Субъект тўғрисида нима дейилаётгани гапнинг кесимида.

ёки маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган лексик бирликларнинг қўлланиши табиийдир.

Ҳар қандай матннинг яратилиши маълум амалий мақсадларни кўзда тутаяди. Ушбу матн инсон олий тафаккур эгаси эканлиги ва бунинг натижасида у шартшароитга кўникиши эмас, балки шартшароитни ўзига мослай олиши тўғрисидаги асардир.

Бу матнда юқорида қайд қилинган лексик-грамматик воситаларнинг кўпчилиги учрамайди. Шунинг учун уларнинг баъзиларини матнлардан ажратиб олинган бўлакларда кўрсатиш билан чегараланамиз.

One day a boy went down the road. He had two gold coins in his pocket.

Soon the boy met a farmer with a basket in his hand.

(R. Stevenson)

Бу инглиз тилида ёзилган матндан олинган парчадаги ажратиб кўрсатилган сўзларга аҳамият беринг. Биринчи — кириш гапда **boy** сўзи ноаниқ артикль билан киритилиши табиий, чунки бу бола тўғрисида ҳали ҳеч нима маълум эмас. Кейинги гапда бу сўз **he** кишилик олмоши билан алмаштирилди; бунинг сабабини биз ўзбек тилидан олинган мисолда ҳам кўрганмиз. Учинчи гапда **boy** сўзидан олдин **the** аниқ артикли турибди. Бунинг сабаби бола сўзи олдинги гапларда икки марта тилга олинган, ўқувчига таниш бўлганлигидир. Ана шу воситалар берилган уч гапни бир-бирига боғлаш учун бошқа воситалар билан биргаликда хизмат қилмоқда.

Матнларни ташкил этувчи гапларни бир-бирига боғлашда қуйидаги воситалар ҳам катта аҳамиятга эга: **натижада, шундай қилиб, ниҳоят, айтилганидек, маълум бўлишича, шундан сўнг, эртасига, бир йил ўтгач** ва бошқалар.

Инглиз тилига ўхшаш баъзи тилларда грамматик замонлар мослашиб ишлатилади. Бу восита ҳам матндаги воқеаларнинг содир бўлиши тартибини ифодалайди ва натижада гапларни бир-бирига боғлашда грамматик восита бўлиб хизмат қилади. Масалан: . . . Then Mr. Epperly pulled a one-dollar bill from his pocket.

. . . I had never yet had a one-dollar bill of my own.

(R. Stevenson)

Биринчи гапдаги иш-ҳаракат **pulled** феъл билан, иккинчисида эса **had had** феъл шакли билан ифодаланган. **Had had** феъл шакли англатаётган иш-ҳаракат биринчи гапдаги иш-ҳаракатдан олдин содир бўлганлигини билдиради.

Ҳозирги кунда умумий тилшунослик нуқтаи назаридан ҳамма воситалар аниқланганича йўқ. Бу масалада ҳали кўп илмий изланишлар олиб борилиши лозим.

Матн турлари

Матнлар яратилиши мақсадларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Бу масала таниқли рус тилшуноси Ю. В. Рождественский томонидан атрофлича ёритилган¹. Матн тўртта катта гуруҳ: **оғзаки**, **ёзма** (қўлёзма), **босма ва оммавий коммуникацияга** ажратилади. Бу матнлар ўз навбатида бир қанча майда турларга ажралади. Оғзаки матн: **монолог** — **диалог** матн (суҳбат); **овозлар** (миш-мишлар); **фольклор** турларига бўлинади.

Оғзаки матнларнинг биринчи тури бир марта нутқда содир бўлиб, одатда қайтарилмайди, натижада йўқ бўлиб кетади. Иккинчиси — қайтарилиши мумкин, лекин тингловчи одатда уни фақат бир марта қабул қилади; овоза матнларнинг умри қисқа бўлади. Учинчисига — эртақ, дostonлар киритилиб, улар доимо тилдан-тилга ўтиб юради, тингловчилар уларни қайта-қайта эшитишга тайёр, шунинг учун уларнинг умри боқийдир.

Ёзма (қўлёзма) **матнлар** тўрт хил бўлади: **эпиграфик**, **сфрагистик**, **нумизматик**, **палеографик**.

Эпиграфик матнларга турли-туман кўрсаткич-ёзма матнлар: Ўзбекистон Академик опера ва балет катта театри, дам олиш уйи, аэропорт кабилар киради.

Сфрагистик матнларга муҳрларга битилган матнлар киради.

Маълумки, муҳр бир неча аср муқаддам пайдо бўлган, унинг ўзига хос тарихи мавжуд.

Нумизматик матнларга пулларга битилган, пулларнинг қийматини кўрсатувчи сўзлар киради: бир сўм, ўн тийин, пять рублей ва ҳоказо.

Палеографик матнлар қўлёзма матнларнинг асосий тури бўлиб, жамиятнинг маданий нормативларини бел-

¹ Ю. В. Рождественский. Введение в общую филологию. М., 1979.

гилайди. Палеографик матнлар мактуб, ҳужжат ва ижодий асарларни қамраб олади.

Мактуб одамлар ўртасидаги нутқ фаолиятининг бир кўриниши бўлиб, асосан эркин фикр алмашишга асосланган; эркин фикр алмашиш ҳам мактуб битишнинг ички тартибларига риоя қилишни тақозо этади.

Ҳужжатлар жамиятда одамларнинг юриш-туриш қоидаларини ўз ичига оладиган ёзма матндир. Агар мактубларни ёзиш ва ўқиш эркин бўлса, ҳужжатларнинг ўқилиши ва уларга амал қилиниши мажбурийдир. Бу матнларда яратувчи ва ижро этувчилар доимо таъкидланади. Мактубларни ёзувчи ва ўқувчи айрим-айрим шахслардир. Ҳужжатлар одатда жамоа томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, жамиятнинг барча аъзоларига ёки унинг бир қисмига тааллуқли бўлади.

Ижодий матнлар жамиятнинг яшаш нормаларини белгиламайди ва аниқ бажарувчиларни ҳам назарда тутмайди. Уларни ўқиш мажбурий эмас.

Босма матн қўлёзма матнларнинг мукамал кўринишидир. Босма матнлар адабий ва илмий матнларга ажратилади.

Матнларнинг тўртинчи асосий тури — оммавий мулоқат воситасидир. Бу матнлар оммага етиб келишида махсус техник воситалар (радио, телевизор, кино жиҳозлари) ёки алоқа бўлимлари бўлиши шарт. Бу матнларни эшитиш ёки ўқитиш эркин бўлиб, у бошқа тур матнлардан содир бўлган воқеа ва ҳодисаларни ифода қилиши билан фарқланади. Одатда бу матнлар бир марта эълон қилингандан кейин қайта тикланмайди, қайта тикланидиган бўлса, унга янги қўшимча ахборот қўшилиши зарур. Бу матнлар сўнгги янгиликларнигина оммага тақдим этади; унинг воситачилари (радио, телевизор, рўзнома, журнал ва бошқалар) маълум система асосида ишлайди. Бу система жамият азоларига маълум.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Қандай тил бирлиги матн дейилади? Матн тилшунослиги қачон пайдо бўлган? Матн бошқа тил бирликларидан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?

2. Матн тилшунослиги қандай масалаларни ўз ичига олади?

3. Матнни ташкил этувчи бирлик нима? Тил бирликларига қандай талаблар қўйилади?

4. Матнинг уч таркибий қисми: ифода қобиги, мазмуни ва грамматикасини тушунтириб беринг.

5. Матни ташкил этувчи бирликларни бир-бири билан боғлаб турувчи воситаларга нималар киради? Гапнинг актуал бўлиниши деганда нимани тушунасиз ва бу масаланинг матн тилшунослигига қандай алоқаси бор? Тема ва рема атамаларини тушунтириб беринг. Келтирилган мисолларда матннинг бутунлигини таъминлайдиган воситалардан қайсилари учради? Матннинг бутунлигини таъминлаб турадиган воситалар ҳамма тилларда бир хил, универсал деса бўладими?

6. Матннинг қандай турларини биласиз? Уларнинг бир-биридан фарқи нимада ва қайси тур ҳаётда кўпроқ учрайди?

7. Матнга оид қайси масала сизда қизиқиш уйғотди?

8. Импликация ёки пресуппозиция нима?

9. Қуйидаги парчада гапларни бир-бирига боғлаб турган воситаларни топинг.

— Становится свежо,— сказала Ольга Ивановна и вздрогнула.

Рябовский окутал ее в свой плащ и сказал печально:

— Я чувствую себя в вашей власти. Я раб. Зачем вы сегодня так обворожительны?

Он всё время глядел на неё, не отрываясь, и глаза его были страшны, и она боялась взглянуть на него. (А. П. Чехов.)

10. Ўқинг. Ундаги макро ва микротемаларни аниқланг. Микротемаларни боғлаб турган воситаларни аниқланг. Бу матннинг қайси турига киради?

ДОРБОЗ

Булутларга ёндош,

осмон остида,

Киприкдаги ёшдай турибди дорбоз.

Қиличнинг домидай арқон устида

Қўзларини юмиб, юрибди дорбоз.

Одамлар, одамлар, уни олқишланг.

Қаранг, у нақадар эпчил ва ўктам.

Биз-чи, эҳ... баъзи бир кўзи очиқлар

Эплаб юролмаимиз катта йўлда ҳам.

А. Орипов.

— Гўрўғли олис сафарга кетаётган экан. Йўлда бир горга дуч келибди. Дам олмоқчи бўлиб кирган экан.

бирдан унга девлар ҳужум қилиб қолишибди. Гўрўғли девлар билан роса олишибди. Охири уларни энгиб, банди қилибди. Девларга Ҳавдак кўли атрофида ариқ қаздириб, чўлларга сув чиқарибди.

— Бува, девлар Гўрўғлини ҳечам энгиша олмабдими?

— Йўқ, ўғлим, энгиша олмаган. Гўрўғли ҳамиша одамларга яхшилик қилган. Шунинг учун иши ўнгдан келаверган. Эл ёрлақаган одамдан ҳатто девлар ҳам қўрқишади.

— Бува, Нодир акам Гўрўғлига ўхшайдими?

— Ҳа, ўхшайди. Эл-юртига яхшилик қиладиган одамларнинг ҳаммаси Гўрўғлига ўхшайди.

— Катта бўлганимда мен ҳам одамларга кўп яхшилик қиламан-а, бува?

Э. Усмонов.

СОЦИОЛИНГВИСТИКА

(Ижтимоий тилшунослик)

Замонавий тилшуносликда бу атама икки маънода ишлатилади:

1. Тил ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабат, яъни жамият ҳаёти ва ривожланишида тилнинг роли ва аксинча, тилнинг ривожланишида жамиятнинг аҳамияти.

2. Тилда миллатнинг ижтимоий гуруҳланиши муносабати билан бўладиган фарқлар.

Бу масалалар тилшунослик тарихида бир қадар ўз аксини топган. Лекин асримизнинг олтинчинчи ва етмишинчи йилларига келиб тилшунослик фанининг бу йўналиши жадал ривожлана бошлади. Социолингвистика фақат тилшунослик ва жамиятшунослик фанлари орасидаги муносабатларни эмас, балки фалсафани, ижтимоий психология ва этнографияга онд масалаларни ҳам қамраб олади.

Тилшунослик фанидаги бу йўналишга қизиқишнинг ошиши қуйидаги сабабларга боғлиқ:

1. Жамиятнинг илмий асосланган тил сиёсати принципларига бўлган эҳтиёж;

2. Структурал тилшуносликнинг фақат тилнинг ички тузилишини ўрганишга бўлган қизиқиш.

Маълумки, жамиятда тил сиёсати масаласи борган сари кескинлашмоқда. Мустамлака бўлган кўплаб Осиё ва Африка мамлакатларида тил муаммоси шу вақтгача ҳал этилмаган. Бу мамлакатларда умуммиллат давлат тили вазифасини ҳозирча мустамлакачиларнинг тили бажармоқда. Масалан, Филиппинда, Ҳиндистонда миллий тиллардан бирини давлат тилига айлантириш борасида кўрилаётган чораларга қарамай, инглиз тиле ҳали ўз мавқеини сақлаб келмоқда.

Бирорта миллий тилни давлат тилига айлантиришда қатор муаммолар ҳал этилиши лозим. Биринчидан, бу тил ўз мавқеи билан шу давлатда яшовчи бошқа миллатларга манзур бўлиши керак. Бунинг маъноси шуки мазкур тил бошқа тилларга нисбатан кўпроқ худудга тарқалган бўлиши, бу тилда кўпчилик гапириши, лексия жиҳатдан бошқаларига нисбатан намуна бўлиш керак.

Иккинчидан, бу тилни тарғиб қилишни тўғри уюштириш ўқиш-ўқитиш ишларини йўлга қўйиш, бу мақсадда оммавий ахборот воситаларидан кенгроқ фойдаланиш лозим.

Учинчидан, умуммиллий тилга ўтиш бу бир неча йилларни ўз ичига олади. Бу даврда фан ва техника янгиликларини янги умуммиллат тили орқали етказиш мушкул, бу вазифани фақат ғарбий тиллар бажаради деган фикр эндигина мустақилликка эришган мамлакатларда чуқур ўрнашиб қолган, шу сабабли ғарбий тиллардан қутулиш қўшимча қийинчиликлар туғдиради.

Булардан ташқари социолингвистиканинг тез ривожланиб кетишига структурализм оқимининг салбий томонлари ҳам таъсир этади.

XX асрнинг ўттизинчи йилларида майдонга келган структурализм тилни асосан бир томонлама ўрганишни тилнинг тузилиши ва уни ташкил этувчи бирликлар орасидаги муносабатларни ўрганишни тилга оид бошқа масалалардан устун қилиб қўйди. Натижада тил бирликларига хос бўлган шакл ва маъно бирлигини рад этиб, фақат шаклни ўрганишга зўр берилди. Кўп ўтмай бу оқим инқирозга учраб, қўйилган мақсадларни узил-кесил ҳал қила олмади. Тилнинг яшаши ва ривожланиши бу тилда гаплашувчи жамият билан узвий боғлиқ экани равшан бўлиб қолди.

Шулар ва шунга ўхшаш яна бир қанча бошқа масалалар тилшунослик фанининг асосий масалаларида

бўлмиш тил ва жамият масаласини яна кун тартибига қўйди.

Социолингвистик тадқиқотлар асосида ётган сабаблар ҳамма ерда бир хил эмас.

Рус ва ўзбек тилидаги социолингвистик тадқиқотлар.

Бундай тадқиқотлар асосан 1917 йилдан кейин бошланди, чунки бу ҳудудда ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳамда тилнинг ривожланиш даражаси бир хил бўлмаган халқлар яшарди. Улар орасида ривожланган, қадимий ёзма адабий аъёналарига эга бўлган халқлар қатори, эндигина миллат сифатида шаклланаётган халқлар ҳам бор эди (қирғиз, бурят ва бошқалар). Ўз адабий тили ва ёзувига эга бўлмаган бошқа баъзи кам сонли миллатлар қатори улар расмий ёки диний тил сифатида бошқа халқларнинг ёзма тили ёки ёзувидан фойдаланар эдилар. Юқоридагиларни назарда тутиб, социолингвистика фани қўйидаги масалаларни ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди:

— адабий тилга асос бўла оладиган шевани топиш;

— бўлажак адабий тилнинг товуш таркиби хусусиятларини ҳисобга олиб, миллий ёзувни яратиш;

— янги барпо этилган адабий тилдан расмий тил сифатида халқ маорифи, маъмурий бошқарма, маданий муассаса ва оммавий ахборот воситаларидан кенг қўламда фойдаланиш.

Бу масалаларни ҳал этишда бошқа муаммолар ҳам юзага келди. Масалан, адабий тил даражасига кўтарилиши лозим бўлган шева бошқа шевалардан ўз мавқеи билан ажралиб туриши, кўпчиликка манзур бўлиши керак. Бу анчагина мураккаб масаладир. Масалан, ўзбек адабий тилини белгилашда дастлаб қадимги ўзбек адабий тили асос қилиб олинди. Лекин тез орада кўпчилик томонидан уни қабул қилинмаганлиги маълум бўлиб қолгач, адабий тил сифатида Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган, сингармоник хусусиятга эга бўлган қишлоқ шеваси тавсия этилди. Бу ҳам кутилган натижани бермаганидан сўнг ўзбек адабий тилига фонетик жиҳатдан асосан Тошкент шеваси ва морфологик жиҳатдан Фарғона шеваси (корлик-чигил-уйғур шевасида) асос қилиб олинди. Ўзбек адабий тилининг ривожланишида бу икки шевадан ташқари бошқа ўзбек шевалари ҳам маълум ҳисса қўшган ва қўшиб келмоқда. Рус социолингвистикаси юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, миллий адабий тилни барпо этишда кўпчилик гапирадиган шева эмас, балки ижтимоий моҳияти

кучлироқ, фан ва маданият марказида ишлатилаётган шевагина адабий тилга асос қилиб олиниши мумкин, деган хулосага келди.

Маълумки, адабий тил ўз нормалари ва қоидаларига эга бўлади. Адабий тилнинг қоида ва нормалари барча шевалар вакиллари учун мажбурий бўлиб, алоқа ва фикрлашувни осонлаштиришга, қулайлаштиришга хизмат қилади. Адабий тил атамашунослик билан узвий боғланган. Атама фан ва техника, маданият ва санъат соҳасидаги бир аниқ тушунчани ифодалайдиган сўздир. Масалан: фон, фонема, фонология, парадигма каби атамалар тилшуносликка хосдир. Атамашунослик — атамаларни ўрганадиган фан тармоғидир. Атамашуносликда икки йўналишга дуч келинади:

- 1) байналмилал сўзларни ўзлаштириш;
- 2) байналмилал сўзлардан буткул воз кечиш ва фақат миллий тил заминида атамалар яратиш.

Бу йўналишнинг иккаласи ҳам ўринли эмас. Кўпчилик тиллар томонидан қабул қилинган байналмилал атамалар ўрнига миллий адабий тилдан унинг ўрнини босувчи сўзни ахтариш ёки уни сунъий яратиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу ўта пуризм (тилни ўзлаштирилган сўзлардан тозалаш) бўлиб, адабий тилнинг мавқеини пасайтиришга олиб келади. Атамаларни кўпчилик тилларда умумий бўлиши фан ва техника ютуқларидан хабардор бўлиш ва улардан фойдаланишни осонлаштиради, ортинча сўзларни ёдлашдан озод қилади.

Шу билан бирга миллий адабий тилда бор бўлган атама ўрнига бошқа тилдан сўз ўзлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Одатда мазкур тилда гаплашувчи халқ бундай сунъийликни қабул қилмайди.

Ҳозирги ўзбек адабий тили атамалар луғати биринчидан, ўзбек тилида бор бўлган сўзлар ва воситаларни ҳисобга олиш ва иккинчидан, рус ҳамда рус тили орқали бошқа Оврупо тилларидан сўз олиш эвазига бойиб бормоқда.

Баъзи атамалар эса, рус тилидан нусха олиш, калька тариқасида пайдо бўлган: ледокол — **муз ёрар**, опрыскатель — **пуркагич** ва бошқалар.

Рус тили орқали кирган атамаларнинг кўпчилиги халқаро тиллар қаторидан ўрин олган тилларда товуш структураси деярли ўзгартирилмай ишлатиладиган атамалар бўлиб, улар **байналмилал сўзлар** деб юритилади: **социализм, социалист, коммунист, коммунизм, демокра-**

тия, федерация, партия, энциклопедия, стандарт ва ҳоказо.

Рус ва ўзбек социологик тилшунослиги миллатлараро алоқа воситаси муаммоси билан ҳам шуғулланади. Маълумки, бу вазифани Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида рус тили бажармоқда.

Янги Ҳамдўстликда барча миллатларнинг тиллари тенг ҳуқуқли ҳисобланади, ҳамма ўз она тилисида таълим-тарбия олиш ҳуқуқига эга.

Миллий тилларнинг шаклланиши ва ривожланишида рус тилининг таъсири каттадир. Техника, маданият, иқтисодиётга оид сўзлар рус тили орқали бошқа тилларга кириб келди. Миллий тиллар ҳам оддий кузатувчи бўлиб қолмай, ўз навбатида рус тилига таъсир ўтказиб, унинг лексикасини бойитиб борди.

Адабий тилларнинг шаклланишини ўрганиш натижасида тилшунослар тил жараёнига мақсадга мувофиқ таъсир ўтказиш яхши натижаларга олиб келиши мумкин ҳамда бу тилнинг ривожланишини тартибга солиш ва режалаштириш имконини туғдиради, деган хулосага келдилар.

Социологик тадқиқотлар «социалистик миллатларнинг тараққиёти муносабати билан миллий тилларнинг ривожланиш қонуниятлари»га оид илмий кенгаш тузилганидан кейин айниқса кенг тус олди. Мазкур Кенгашнинг бевосита раҳбарлигида олимлар катта салмоқли ишларни амалга оширишди. Ҳозирги кунда ижтимоий тилшунослик томонидан ҳал қилинган масалалар, юзасидан қуйидаги хулосаларни чиқаришимиз мумкин:

1) жамият тараққиёти тилларнинг ижтимоий вазифаларини ортиб боришига олиб келади;

2) ҳамма адабий тилларнинг луғат таркиби кенгайиб, бойиб боради;

3) ижтимоий тараққиёт суръатининг жадаллашиб бориши адабий тилларда ўз аксини топиб боради;

4) қўшни халқлар тилларининг бир-бирига ўзаро таъсири ортиб боради;

5) миллатлараро алоқа воситаси вазифасини ўтовчи тилнинг ижтимоий роли ошиб боради ва унинг бошқа тилларга таъсири кучаяди;

6) икки тиллилик ривожланиб боради.

Социолог олимлар тилларнинг ўзаро муносабати юзасидан олиб борган тадқиқотлари натижасида — тиллар бир-бирига лексик томондан таъсир кўрсатибгина қол-

май (яъни бир-бирдан фақат сўз ўзлаштирмасдан), балки бир-бирининг ички тузилишига ҳам таъсир этади, деган хулосага келдилар. Замонавий тилшуносликда «тилларни ички тузилишининг ўзаро ҳамкорлик жараёни» деган тушунча мавжуд. Бу тушунча:

— нутқ формаларининг ўзаро таъсири (халқ оғзаки тили билан адабий тил орасидаги муносабат, адабий тил билан шевадар орасидаги муносабат ва бошқалар);

— турли тил қатламларининг ўзаро муносабатлари, бир-бирига таъсири (фонетик, морфологик, лексик, синтактик, семантик, стилистик қатламлар орасидаги ҳамкорлик) масалаларини қамраб олади.

Маълумки, тилларнинг ички ривожланиши ички ва ташқи қонуниятга бўйсунди, яъни ўзаро ҳамкорлик жараёнида тиллар тараққиёти ички қонунлар таъсирига эмас, балки ташқи таъсирларга кўпроқ боғлиқ бўлади.

Мамлакатлараро алоқаларни ривожланиши мазкур мамлакатларда яшовчи халқ ва элатларнинг маданиятини бир-бирига яқинлашувига шарт-шароитлар яратиб беради. Тиллар ҳам бир-бирига таъсир кўрсатиб бойиб боради; бундай ҳамкорлик тилларнинг ички ривожланишига ҳам сабаб бўлади.

Чет элдаги социоллингвистик тадқиқотлар. Социологик тилшунослик юзасидан чет элларда ҳам кўп ишлар қилинган ва қилинмоқда. Масалан, Р. Т. Белл фикрича АҚШ тилшунослигида ижтимоий тилшуносликка икки хил ёндашувни кўриш мумкин. Биринчиси «соф социоллингвистика» бўлиб, унда гапирувчи ва тингловчилар грамматикасининг ўзаро бир-бирига таъсири, ҳамкорлиги ўрганилади. Иккинчиси — «тил социологияси» бўлиб, тил тузилиши билан ижтимоий тузилишларнинг ишоралар назарияси ичидаги интеграциясидир. Бу йўналиш тилшуносликни бошқа ижтимоий фанлар билан қўшиб, тил ишораларининг турли ижтимоий ҳаёт мазмунида ишлатилиши масалаларини ўрганади. Баъзи олимларнинг фикрича, ижтимоий тилшунослик ўрганадиган масалаларни иккига ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки АҚШда биринчи йўналиш **микросоциология** деб номланиб, уни асосан тилшунослар, иккинчисини эса **макросоциология** деб аталиб, уни социологлар ўрганади. Натижада ягона масала билан бир-бирига боғланмаган турли фанлар шуғулланади.

Микросоциолингвистиканинг диққат марказида кичик ижтимоий гуруҳларни ташкил этувчи шахс ва гуруҳнинг бошқа аъзолари ўртасидаги нутқий ҳамкорлик муносабати ётади. **Макросоциолингвистиканинг** диққат марказида эса бир социал гуруҳ билан иккинчи бир социал гуруҳ ўртасидаги нутқий мулоқот ётади. Микро ва макросоциолингвистикани бир-биридан ажратиб бўлмаслигининг асосий сабаби ҳам, ҳар қандай ижтимоий гуруҳ айрим шахслардан ташкил топган бўлишидadir. Ҳар бир шахс мазкур гуруҳ учун умумий бўлган тилдан фойдаланади ва шу билан бирга ўзига хос нутқий хусусиятларга ҳам эга бўлади. Бу хусусиятлар бир томондан, шахснинг ўзига хос психологиясига, иккинчи томондан бу шахс аъзо бўлган кичик социал гуруҳнинг касб-ҳунарига ҳам боғлиқ. Демак бу гуруҳнинг ўзига хос атама ва жаргонлари бўлиши мумкин. Лекин бундан на айрим шахс ва на айрим социал гуруҳ ўз тилига эга экан, деган маъно келиб чиқмайди. Бу шахслар мазкур миллий ҳудуднинг қаерида яшамасин, у мазкур миллий тилга алоқадор бўлса, шу миллий тил нормасидан чиқиб кетмайди, балки миллий тилнинг бир кўрнишида, вариантида гапиради. Шундай экан, микросоциолингвистика эришган ютуқлар макросоциолингвистика тадқиқотлари учун яхши илмий замин бўлиши мумкин. Микросоциолингвистик тадқиқотлар эса макросоциолингвистиканинг илмий асосларига таянмай тўғри хулосалар чиқара олмайди, чунки кичик ижтимоий гуруҳларнинг тузилиши жамиятнинг синфий тузилишидан келиб чиқади.

Чет эл тилшунослигида ҳам биздаги тилшуносликда бўлганидек, тилнинг ижтимоий муҳитига кўра ўзгариш хусусиятлари атрофлича ўрганилади. Бунини тилшуносликда **тилнинг ўзгариш назарияси** деб юритилади. Тилдаги ўзгаришлар, айтиб ўтилганидек, тилнинг ички жараёнлари ва ташқи таъсирлар асосида содир бўлади. Тилнинг ички ўзгариш жараёнига тилшунослик фанида «компенсация қонуни» номи билан юритиладиган ҳодисани мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу қонуниятга кўра тилнинг бирор қисмида бирорта ўзгариш рўй берса, бу ўзгариш тилнинг бошқа қисмида ҳам ўз аксини топади. Инглиз ва француз тилларининг тарихи бу жиҳатдан яхши мисол бўлиши мумкин. Қадимги инглиз ва француз тиллари грамматик қўшимчаларга бой, келишик системасига эга бўлган тиллар бўлган. Лекин вақт ўтиши билан бу тиллар аста-секин ўз грамматик

қўшимчаларини йўқота борган. Шу жумладан келишик системаси ҳам емирилиб, француз тилида у умуман йўқ бўлиб кетган, инглиз тилида эса битта келишик қўшимчаси сақланиб қолган. Бу ҳодиса иккала тилнинг грамматик тузилишида бурилиш ясади: грамматик қўшимчалар бажарадиган вазифанинг асосий оғирлиги сўз тартибига ўтди; иккала тилда ҳам гапдаги сўзларнинг синтактик алоқасини сўзларнинг тартиби белгилайдиган бўлди; гап, гапни ташкил этувчи сўзларни маълум тартибда жойлаштирилишини талаб қиладиган, яъни қатъий сўз тартиби пайдо бўлди. Бу тиллар учун тўрт синтактик восита (грамматик қўшимчалар, ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, оҳанг) лардан сўз тартиби биринчи даражали аҳамиятга эга бўлди. Демак, бир грамматик воситанинг мавқеини камайиши, иккинчи грамматик воситанинг аҳамиятини ошишига олиб келди. Тиллар ана шунга ўхшаш йўллар билан ўзларининг ички мувозанатларини сақлаб туради.

Замонавий инглиз тилида [1] фонемасининг юмшоқ ва қаттиқ тури учрайди. Биринчи тури сўзнинг бошида ва ўртасида, унлилар олдида, иккинчиси эса сўзнинг охирида ва сўзнинг ўртасида ундош товушлардан олдин ишлатилади. Тилдаги бундай ўзгаришлар ички ўзгаришлар бўлиб, ташқи омилларнинг бунга алоқаси йўқ.

Тил ўзгаришининг ташқи омиллари деганда кўпроқ тилнинг ишлатилишидаги ижтимоий шарт-шароитлар назарда тутилади. Маълумки, тилнинг луғати мазкур тилда сўзлашувчиларнинг барчаси учун умумий, тушунарли бўлган умуммиллат тоифасидаги сўзлардан ташқари, миллатнинг ижтимоий гуруҳланиши билан боғланган бўлиши ҳам табиий. Миллатнинг ижтимоий гуруҳларига генетик жиҳатдан айрим қабила ва аҳолининг худуд белгисига кўра ажралган айрим гуруҳлари билан бирга жамиятдаги синфий табақаланишга, касб-хунарга кўра ажралган аҳоли гуруҳлари ҳам кирди. Социал табақалар нутқидаги ўзига хосликлар, гуруҳлардаги ўзаро мулоқот хусусиятлари, турли гуруҳлар орасидаги алоқа вақтида қандай сўзлар ва грамматик конструкцияларни танланиши тилнинг ишлатилиш турларини пайдо бўлишига олиб келади. Шу билан бирга бундай ўзгаришлар гапирувчиларнинг ёшига, жинсига, маълумотига, нутқ содир бўлаётган муҳитга ҳам бевосита алоқадордир.

Ички қонуниятлар асосида бўладиган ўзгаришларни олдиндан ҳисобга олиш мумкин, бу ўзгаришлар гапи-

рувчининг хоҳиш-истагига боғлиқ эмас. Улар объектив ўзгаришлардир. Ташқи омиллар асосида пайдо бўладиган ўзгаришлар субъектив хусусиятга эга. Бундай ўзгаришларнинг ҳаммасини олдиндан айтиб бериш имконига доимо эга бўлинмайди. Ташқи таъсир манбаларини социал гуруҳларнинг хусусиятлари — буни шахсларро ўзгаришлар деб ҳам юритишади, шахслар ичидаги ўзгаришлар ва ингерент ўзгаришлар тарзида учга ажратиш мумкин.

Биринчи манба қайси ижтимоий гуруҳни ташкил этишига кўра тилшунос бу гуруҳни тилнинг қайси вариантыни ўз нутқида қўллашини айтиб бериши мумкин¹.

Масалан, ипакчилик билан шуғулланадиганлар нутқида **пилла**, **ипак қурти**, **пиллакаш**, **тут**, **тутчи** каби сўзлар учрайди; сувоқчиларда **боза**, **андава**, **лой**, **лэйлаш**, **газчўп** каби сўзлар кўплаб учрайди².

Иккинчи манбага айрим шахсларнинг нутқида боғлиқ бўлган ўзгаришлар киради. Айрим шахсларнинг нутқларида учраши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан билиш мумкин эмас. Чунки бундай ўзгаришлар мазкур шахснинг ким билан, қандай шароитда суҳбатлашиши ва бу нутқнинг расмий ёки норасмийлиги ва бошқа шунга ўхшаш сабабларга боғлиқ бўлади.

Учинчи манба ингерент ўзгариш деб юритилади. Бу манба аслида тилнинг ички тўзилиши заминидан ётади. Одатда тилдаги бирорта товуш ёки бошқа тил бирликлари икки ёки ундан ортиқ кўринишга эга бўлади. Булардан қайси бири гапирувчи томонидан ишлатилишини аниқ билиш қийин. Тилнинг тўзилишидаги ана шундай ҳодисаларнинг бўлиши гапирувчиларга тил воситасидан фойдаланаётганда эркин танлаш имкониятини яратади.

СОЦИОЛИНГВИСТИК ТИЛ ТИПОЛОГИЯСИ

Ижтимоий тилшунослик анъанавий тилшунослик яратган типологиялардан фарқланувчи тил типологиясини яратишга ҳам интилмоқда. Бундай типология тил-

¹ Роджер Т. Белл. Социоллингвистика. Цели, методы и проблемы М., 1980, 57-бет.

² М. Мирзаев ва бошқалар. Ўзбек тили. Тошкент, 1970, 41-бет.

нинг ички тузилишини назарда тутмай, балки унинг ташқи социал вазифасини акс эттирувчи, социолингвистик типологиядир.

Бундай типологияга асос қилиб стандартлаштириш, ҳаётийлик, тарихийлик ва автономлик деб номланувчи ўлчовлар қабул қилинган.

Стандартлаштириш деганда мазкур тилда гаплашувчилар томонидан қабул қилинган адабий тил тушунилади. Стандартлаштиришнинг муҳим омилларидан бири тилнинг грамматикасини ва луғатини тузишдир. Демак, стандартлаштирилган тил деганда жамият томонидан кундалик ҳаётда ўзаро фикр алмашиш қуроли сифатида фойдаланиладиган миллий адабий тил назарда тутилади.

Ҳаётийлик деганда мазкур тилда гапирувчи жамиятнинг бор-йўқлиги тушунилади. Тил ҳаётий бўлса, бу тилни она тилим деб биладиган жамият бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, баъзан ўлган тиллар қайтадан ҳаёт кашф этиши мумкин. Бундай тилларга классик иврит тили мисол бўлиши мумкин. Иврит миллодгача 1-минг йилликда Қадимги Фаластин аҳолисининг тили бўлган. «Таврот»нинг биринчи қисми ўша даврдаги ивритнинг асосий ёдгорлигидир. 1948 йилда Исроил давлати баъзи ўзгартиришлар киритиб, уни давлат тили сифатида қабул қилди¹.

Тарихийлик деганда мазкур тилнинг жамият томонидан ишлатилиши натижасида унинг мўътадил ривожланиб туриши тушунилади.

Автономлик деганда мазкур ижтимоий гуруҳ учун она тили сифатида хизмат қилаётган тил бошқа тиллардан тузилиши жиҳати билан тубдан фарқ қилиши ёки бир тилнинг варианты сифатида намоён бўлиши тушунилади. Агар ўзбек ва қозоқ тиллари бир-бири билан қиёсланса, улар орасидаги фонетик, лексик ва грамматик фарқлар кўзга яққол ташланади, уларнинг автономлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Лекин ўзбек тили билан Хоразмда ёки Самарқандда гапириладиган ўзбек тилининг шевалари тўғрисида гапирилса, унда уларни автоном дейишга ҳеч қандай асосимиз йўқ. Чунки шева билан миллий адабий тил ўртасида тузилиш жиҳатидан ўзгаришлар бўлмаслиги аниқ².

¹ Роджер Т. Белл. Социолингвистика. Цели, методы и проблемы. М., 1980 й. 198-бет.

² Ўзбек совет энциклопедияси. Тошкент, 1973, 4-том, 532-бет.

Юқорида келтирилган типологик принципларни ҳисобга олинса, қуйидаги ижтимоий тилшунослик типологияси пайдо бўлади (163-бетдаги чизмага қаранг).

Шундай қилиб, тилнинг ижтимоий лингвистик типологиясида стандарт, классик, маҳаллий, креол, пажин, сунъий ва маргинал тиллар деб аталмиш 7 тил тури бўлиши мумкин. Бу тилларнинг қисқача хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Стандарт тиллар деганда адабий тил нормасига эга бўлган тиллар тушунилади. Ҳозирги ўзбек адабий тили бунга яққол мисол бўла олади, чунки бу тилни ўз она тили деб билиб ундан кундалик ҳаётда фойдаланадиган халқ бор, у бошқа қардош халқлар тиллари каби тенг ҳуқуқли; унинг луғати ўз ресурслари ҳамда қардош тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ва байналмилал сўзлар асосида бойиб боради.

Классик тиллар деганда классицизм даврида мукамал, такомилга етган, ўз ёзувига эга бўлган, ўз даврида буюк асарлар яратилган тиллар тушунилади. Улар ўз даври учунгина эмас, балки тилларнинг кейинги тараққиёти учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Классик тиллар фақат мазкур тилда гаплашувчи халққа эмас, балки кенг халқ оmmasига мазмун ва шакл жиҳатидан яқин туради. Бундай тилларнинг адабий тиллардан фарқи шундаки, улар жонли тил эмас. Бу тилларда гаплашувчи жамият йўқ, шунинг учун уларни ўлик тиллар дейилади.

Маҳаллий тиллар деганда сон жиҳатдан кўп бўлмаган кичик миллатларга хизмат қилувчи, ўз ёзувига эга бўлмаган тиллар тушунилади. Америка қитъасидаги кўпчилик маҳаллий ҳиндуларнинг тили бунга мисол бўла олади.

Креол тиллар. «Европа мустамлакачиларининг африкаликлар, Шарқ мамлакатлари халқлари ва Америка ҳиндулари билан фикр алмашувлари натижасида Оврупо тиллари (португал, француз, инглиз) элементларидан ташкил топган тиллар. Масалан, Америкадаги Гаити ороли маҳаллий аҳолиси тилининг француз тили билан аралашуви натижасида гатти-креол тили, Латин Америкасидаги маҳаллий аҳоли — науатллар тили билан испан тилининг аралашувидан испан-науатль креол тили ҳосил бўлган. Креол тилининг ўзига хос хусусиятлари бор. Америкадаги Кюрасао, Аруба, Бонайре оролларида негр ва испан тиллари аралашувидан ташкил топган

Принцип ўлчовлари					Тилларнинг турлари	Мисоллар
Стандартлашган	Ҳаётчилик	Тарихчилик	Автономик			
+	+	+	+	Стандарт тиллар	Ўзбек адабий тили	
+	—	+	—	Классик тиллар	Латин тили	
—	+	+	+	Маҳаллий тиллар	Оғзаки араб тили	
—	+	±	—	Креол тиллар	Крио тили	
—	—	—	—	Пижин тиллар	Неомеланезий тили	
+	—	—	+	Сунъий тиллар	Эсперанто тили	
—	+	+	—	Шева тиллар	Кокни тили	

Э с л а т м а : + Хусусиятнинг борлигини кўрсатади.
 — Хусусиятнинг йўқлигини кўрсатади.
 ± Бўлиши, бўлмаслиги мумкин.

папьяменто тилининг грамматикаси содда: отлар турланмайди, феъл фақат бир хил формада қўлланади, газета ва дарсликлар чиқарилади. Креол тилидаги бадий ижодиёт, асосан фольклор характерида»¹. Шундай қилиб креол тиллар маҳаллий тиллардан икки ёки ундан ортиқ тилларнинг бир-бирига қўшилиб, аралашиб кетиши билан ва манба тилларининг грамматик структура-си кескин қисқариши билан фарқ қилади.

Пижин тиллар деганда ҳам овруполиклар тили билан маҳаллий тилларнинг чапишувидан пайдо бўлган тиллар тушунилади. Лекин пижин тиллар креол тилидан фарқ қилади. Креол тилида сўзлашадиган, уни она тил деб биладиган жамият бор. Лекин пижин тиллар бундай жамиятга эга эмас. Пижин тилларидан иккинчи тил сифатида катта порт шаҳарларда фойдаланилади. Баъзи олимларнинг фикрича, пижин тили креол тилларнинг пайдо бўлишининг бошланғич босқичидир. Маълум давр ўтиши билан бу тиллар креол тилларга айланиши мумкин. Ҳозирги кунда кенгроқ тарқалган пижин тиллардан бири — «пижин-инглиш» тили дейиш мумкин.

Сунъий тиллар махсус яратилган халқаро тиллардир. Эсперанто тили бунга мисол бўла олади. Бу тил 1887 йилда поляк Л. Заменгоф томонидан яратилган бўлиб, кейинги йилларда муаллифнинг ўзи ва бошқа шахслар томонидан мукамаллаштирилган.

Унинг графикаси латин алфавитида, сўзларнинг асо-

¹ Ўзбек совет энциклопедияси. Тошкент, 1975. 115- бет.

сий кўпчилиги оврупо тилларидан олинган, грамматикаси агглютинация принципига асосланган. Ундаги грамматик қўшимчалар сўзларнинг грамматик формасини ўзгартириш имкониятини беради. Бир қўшимча бир грамматик маъно англатиши билан эсперанто туркий ва фин — угор тилларини эслатади. Ҳозирги кунда у анча кенг тарқалган сунъий тиллардан биридир. Бу тилда ахборотлар чиқарилади, бир қанча машҳур классик асарлар таржима қилинган. Баъзи мамлакатларда бу тилда радио эшиттиришлар ҳам ташкил этилган.

Диалект (юнонча *dialectos* — шева, лахжа) — маълум бир қабила, халқ ёки миллатнинг таркибий қисмлари тилидир. Диалектлар умумхалқ тилининг қуйи босқичи саналиб, шевага нисбатан кенгроқ маънога эга, тилнинг кичик бўлаги ҳисобланган шевалар йиғиндисидан таркиб топади. Масалан, юз, қирқ, сарой, найман, манғит, қорақалпоқ, минг, фалойир, буркут каби шевалар бирлашиб, ўзбек тилининг қипчоқ диалектини ташкил этади. Диалектлар орасидаги фарқни фонетика, грамматика ва луғат таркибида кўриш мумкин.

Диалектлар грамматик қурилиш ва луғат фондига эга бўлиб, социал жаргонлардан фарқ қилади. Диалектлар миллатнинг ташкил топиш жараёнида миллий тилга асос бўлиши ва тараққий этиб, миллий тил даражасига кўтарилиши мумкин. Ф. Энгельснинг таърифича, диалектларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши уруғ ва қабилаларнинг конкрет тарихи билан, тилларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёт йўллари эса қабила иттифоқлари ва халқларнинг конкрет тарихи билан боғланган. Демак, диалект ва шевалар уруғ, қабила бўлиб яшаган қадим аждодларимизга мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилган. Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман тиллари фонетик системаси, грамматик қурилиши ва луғат бойлиги жиҳатдан бир-бирига яқин. Бу, қадим даврларда шу халқларни ташкил этган уруғ ва қабилаларнинг аралаш яшагани, яқин муносабатда бўлганлиги билан изоҳланади¹.

Шундай қилиб, социолингвистика ҳозирги кунда катта одимлар билан ривожланиб бормоқда. Бу замон тақозосидир. Ўз мустақиллигига эришган давлатларнинг ўз миллий адабий тилларини яратиш, ёзувни асос-

¹ Ўзбек совет энциклопедияси. Тошкент — 1973, 4- том, 17- бет.

лаш, уни мукаммаллаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Фан ва техника тараққиёти халқаро савдо-сотиқнинг кенгайиб бориши бир томондан, тилларда байналмилал сўзлар сонининг ошиб боришига сабаб бўлса, иккинчи томондан, маҳаллий тиллар билан халқаро тил вазифасини ўтаётган тиллар ўртасидаги тўқнашувларга, тил чатишувларига (креоллаштириш, пиджинлаштириш) сабаб бўлмоқда. Бу масалалар билан ижтимоий тилшунослик шуғулланиши, бундай ҳодисаларнинг қонуниятларини илмий равишда очиб бериши зарур.

Демак тил, Соссюр айтгандек «ўзи учун ва ўз ичида» воқе бўлмасдан, у бир томондан, ўз ички қонуниятлари асосида эволюцион йўл билан ривожланса, иккинчи томондан, ташқи таъйиқлар, таъсирлар асосида ҳам ривожланиши мумкин экан. Жамиятга тил қанчалик зарур бўлса, тилга жамиятнинг бўлиши ҳам шунчалик зарурдир.

Тилнинг мавқеи, ривожланиши унинг муомалада бўлишига боғлиқ. Тил ўзининг мулоқот, билиш, ифода вазибаларини бажариши учун унинг ўз худуди, бу ҳудудда яшовчи жамияти, жамиятнинг иқтисодий базаси бўлмоғи даркор, зеро бу худуд, содир бўлаётган барча ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, маънавий ва мафкуравий силжишлар тилга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Тил кишилар орасида асосий мулоқот воситаси бўлиши билан бир қаторда халқнинг ҳаётий тажрибасини, анъанаси, миллий характерини ва ҳатто билим даражасини акс эттирувчи кўзгудир. Миллатнинг бу хусусиятлари ўзгарувчандир, шунинг учун уларни ўзида акс эттирувчи тил ҳам донмо ўзгариб, янгиланиб боради. Ана шулар тилга ташқаридан ўтказиладиган таъсирдир. Шу таъсирлар асосида тилда содир бўладиган ўзгаришлар социолингвистика мавзуларидан бири ҳисобланади.

Ҳар бир жамият аъзоси тилнинг социолингвистик ишлатиш қоидаларини ўзлаштириб олиши керак. Гапирувчининг тил малакаси ҳар бир муайян вазиятда тил воситаларидан мазкур шарт-шароитга тўғри келадиганларини танлай билишига қараб белгиланади. Бундай қоидаларни гапирувчилар икки хил йўл билан ҳаёт ва нутқ тажрибаси ва махсус тайёрларлик орқали (мактаб, олий таълим системасида) ўзлаштиришлари мумкин.

Бундай масалалар ҳам ижтимоий тилшунослик назаридан четда қолмайди.

Замонавий социолингвистика юқорида айтилганлардан ташқари аёллар, эркаклар, ўсмирлар, мактаб ва боғча ёшдагиларнинг нутқиға хос хусусиятларни ўрганиш билан ҳам шуғулланади.

Мустиқил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Социолингвистика атамаси қандай маъноларни англатади?

2. Нима учун социолингвистика кенг одимлар билан ривожланмоқда?

3. Рус ва ўзбек социолингвистикаси қандай масалалар устида ишламоқда?

4. Бошқа тиллардан сўз ўзлаштиришнинг ижобий ва салбий томонлари тўғрисида гапиринг.

5. Тилларнинг ҳозирги даврдаги қандай ривожланиш қонуниятларини биласиз?

6. Тиллар бир-бирига фақат лексик жиҳатдан таъсир кўрсатадими ёки грамматик нуқтан назардан ҳам таъсир ўтказиши мумкинми?

7. Чет элларда ва хусусан АҚШда социолингвистика қандай масалалар билан шуғулланади?

8. Микросоциолингвистика ва макросоциолингвистика нима?

9. Тилдаги «компенсация қонуни»ни тушунтириб беринг.

10. Социолингвистик типология қандай ўлчовлар асосида тилларни турларга ажратади?

11. Стандарт, классик, маҳаллий, креол, пажин, диалект ва сунъий тилларнинг бир-биридан фарқини тушунтириб беринг.

12. «Тилшуносликка кириш» курсидан практикум қўлланмасидаги 38, 48, 50, 56, 57, 58-машқларни ба-жаринг.

ТИЛЛАРНИНГ ТИПОЛОГИК ТАСНИФИ

ЮНЕСКОнинг ахборотиға кўра ҳозирги кунда дунёда 5600 дан ортиқ тил мавжуд. Бу тилларнинг ривожланиш даражаси ва жамиятда тутган ўрни, уларда гаплашувчиларнинг сони турличадир. 100—200 кишидан

ташкил топган қабиланинг тили ҳам, юз миллионли халқ гапирадиган тил ҳам алоҳида тил ҳисобланади. Мавҳум тафаккур соҳиби бўлган одам турли тилларни эшитганда ёки ўрганганда уларда асосан икки жиҳатдан: моддий ўхшашлик (нет, not, nicht, нест ёки биродар, brother, Bruder, брат) ва сўзларнинг грамматик тузилиши, негиз ясалиши, гапда сўзларнинг бир-бири билан боғланиш усулидаги ўхшашлик (ўзб.: китоб+лар+ . +им+из+да, суахили: — «у бунни хоҳлайди») борлигини албатта сезади. Бу масалалар билан жиддий шуғулланиш XIX асрдан бошланди. Тилларни турларга ажратиш тўғрисида гап борганда генетик (генеологик), морфологик ва структурал таснифлашга аҳамият берилади. Баъзан тилларни турларга ажратишни тиллар типологияси деб ҳам юритилади. Тилшунослик фанида бу энг катта муаммолардан бири ҳисобланади. Уни ҳал қилишга чет эл олимлари қатори, ўзбек тилшунослари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Маълумки, ҳар қандай типология қиёслашни тақозо қилади. Ж. Бўроновнинг фикрича, тил системаларини қиёсий ўрганишда умумий типологик метод ва тарихий қиёсий метод мавжуд.

Умумий типологик метод лингвистик типологияни яратишга хизмат қилади. Лингвистик типология ўз навбатида структурал типология универсалияси, тилларнинг типологик (морфологик) таснифи махсус типологик назария ва эталон тилни аниқлашни қамраб олади.

Умумий типологик метод «турли тиллар системаларини умумлаштириб, қиёслаб ўрганувчи метод» дир.

Ҳозирги замон лингвистик типология фанининг асоси бўлган структурал типология, тилнинг структурал лингвистика методларига асосланиб, турли тилларнинг структурал белгиларини системага солади ва инвентарлаштиради. Структурал типология аниқ методлар асосида тил қатламининг дифференциал белгиларини, типологик хусусиятларини аниқлайди ва уларнинг типологик таснифини тузади. Структурал типология тилдаги ҳар бир структурани умумий лингвистик иштирокчи тарзида ўрганади¹. Тил универсалиялари барча тиллар-

¹ Ж. Бўронов. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси Тошкент — 1973, 70-бет.

га хос тил хусусиятларидир. Ҳамма тилларнинг вазифалари бир хил бўлганлиги учун, тилларда қандайдир ўхшашлик бўлиши табиийдир. Тиллар структурасидаги ана шу ўхшашлик ҳодисаси тилдаги **умумий ўхшашлик** ёки **универсаллик** дейилади.

Тил универсалиялари барча тиллар системаларига хос умумий лингвистик категориядир. Тил универсалиялари ёки универсализм тилдаги умумий категорияларни ўрганати ва дескрептив ҳамда бошқа методларни тилнинг умумий қонунлари билан типологик умумийликни аниқлашда қўлланилади. Универсализм тил қонунларининг умумлаштирилиши демакдир.

Структурализм дедуктив метод воситасида иш кўрса, универсализм индуктив метод асосида иш кўради, яъни маълум умумийликни барча тиллар системаларига татиқ этади¹. Масалан:

— агар тил фақат суффиксли бўлса, послелог албатта бўлади;

— агар тил фақат префиксли бўлса, предлог ҳам бўлади;

— агар тилда род категорияси бўлса, сон категорияси ҳам бўлади;

— агар тилда род категорияси отларга хос бўлса, олмошларда ҳам род категорияси бўлади².

Типологик (морфологик) типология «тилларнинг грамматик қурилишига қараб таксономик гуруҳларга бўлиш билан шуғулланади³». Бу типология устида қуйироқда батафсил тўхталиб ўтамиз.

Махсус типологик назария. «Тиллар системаларини типологик тадқиқ қилиш усуллари ва махсус қонун ва методларини яратиш махсус типологик назариянинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Махсус типологик назарияни яратишда дунё тиллари системаси структурал типологиянинг объекти ҳисобланади. У конкрет тил системасини алоҳида ўрганувчи дескрептив метод ва бир гуруҳ қардош тиллар системасини ўрганувчи генетик методдан фойдаланиб, умумий типологик методларини яратади.

¹ Ж. Бўронов. Қайд этилган асар, 71—72-бетлар.

² Ж. Гринберг. Некоторые грамматические универсалии, преимущественно касающиеся порядка значительных элементов. Новое в лингвистике. V том. М., 1970. 114—161-бетлар.

³ Ж. Бўронов. Қайд этилган асар, 74-бет.

Типологик назария барча тиллар системаларидаги универсалликни аниқлашга қодир бўлиши керак.

Типологик назария универсалияларни баён этиш усулларини ифодалайди, типология учун махсус атама-лар танлайди¹.

Метатил (эталон тил). «Типологиянинг асосий вази-фаларидан бири турли тиллар системаларини тасниф-лаш учун мезон вазифасини ўтовчи маълум система яратишдир. Бундай система метатил ёки эталон тил дейилади. Эталон тил умумий универсал тил бўлиб, ҳамма аниқ тиллар унинг инварианти ҳисобланади. Дедуктив усулда аниқланган тайёр воситачини эталон тил-га солиштириш натижасида бошқа тилларнинг систе-маси аниқланади. Эталон тил сифатида аниқ тил ёки система ҳам олиниши мумкин. Эталон тилнинг асосий вазифаси тиллар системасини ифодалашда ўлчов бир-лиги вазифасини ўташдан иборат. Кўрилаётган наза-рияда қайд қилинишича, эталон тил вазифасини умумий сунъий тил қондаларидан ташкил топган рамзий тил системаси яхши ишланган конкрет тил, маълум фоно-логик, морфологик, синтактик, моделлар ва бошқа сис-темалар бажариши мумкин².

ҚИЁСИЙ ТИПОЛОГИЯ

Ж. Б. Бўроновнинг назариясига асосан қиёсий типо-логия умумий лингвистик типологиянинг бир қисмидир. «У икки ва ундан ортиқ аниқ тиллар системаларини, тиллардаги маълум категорияларни дедуктив равишда алоҳида ўрганади, тиллар системаларидаги лингвистик ҳодисаларни бир-бири билан таққослаб, умумий типо-логик қоида ва қонунлар яратади.

Икки тил системасини икки ёқлама қиёслашда ҳар бир қиёсланаётган тил системасининг баён этилган ма-териали алоҳида-алоҳида қиёсланади. Ҳар бир қатлам бирлигининг ўзига хос хусусияти, бошқа қатламларда-ги бирликларнинг ўзаро алоқалари ҳисобга оли-нади»³.

Қиёсий типология характерологияни ва универсал грамматикани ўз ичига олади.

¹ Ж. Бўронов. Қайд этилган асар, 75-бет.

² Ж. Бўронов. Қайд этилган асар, 75-бет.

³ Ж. Бўронов. Қайд этилган асар, 76-бет.

Характерология тилларни қиёслаш билан шуғулла-
нувчи назарий ва амалий фандир. У «бирор аниқ тилни
бошқа тил билан солиштириб унинг характерли хусу-
сиятини ўрганади... Характерология аниқлаган лингвист-
тик бирликлар ва лингвистик белгилар ҳам структурал
типология, ҳам қиёсий-тарихий метод учун тайёр ма-
териал бўлиб хизмат қилади»¹.

Универсал грамматика. Қиёсий типологиянинг бу
қисми ҳам тил системаларини қиёслаш билан шуғул-
ланади. Универсал грамматика характерологиядан фарқ
қилади. Агар характерология фақат бир хил қатлам-
ларни таққосласа, универсал грамматика грамматик во-
ситалардан ташқари лексик воситаларни ҳам ҳисобга
олади. Масалан, кўплик категорияси универсал грамма-
тика нуқтан назаридан қуйидаги воситаларни ўз ичига
олади:

1. Кўпликни ясовчи аффиксал морфема (от, олмош,
феъл ва бошқа сўз туркумларида);

2. Сон туркумига кирувчи сўзлар;

3. Айрим олмошлар;

4. Жамловчи отлар;

5. Сўз формаларини ўзгартирувчи фонетик ҳодиса-
лар (умлаут):

das Haus — уй

die Häuser — уйлар

das Buch — китоб

die Bücher — китоблар

die Tochter — қиз

die Töchter — қизлар

die Mutter — она

die Mütter — оналар

Универсал грамматика қардош бўлмаган тиллар
системаларини қиёслашда жуда қўл келади. Шунинг-
дек, у таржима назарияси, лексикография, методика
фанлари учун жуда муҳим асос яратиб беради.

Тил универсалияларини тузишда универсал грамма-
тикадан қисман фойдаланилади.

Қиёсий типология структурал типологиядан қуйида-
гича фарқ қилади:

а) текширилаётган тиллар сони чегараланганлиги
сабабли қиёсий типология умумий типологик қонун ва
мукамал тил универсалиясини ярата олмаса ҳам, унга
замин яратади. Қиёсий типологик тадқиқотлар натижа-
сида олинган тил системасига оид далиллар тиллар уни-
версалиялари ва умумий типологик қонун яратишда иш-


³ Уша ерда, 77—78- бетлар.

латилади; б) қиёсий типология тиллар системаларини алоҳида-алоҳида тадқиқ қилиш усулларини ишлаб чиқади ва қиёслаш усулларини топади; в) структурал типология тиллар элементларининг вазифалари ва ўзаро алоқаларини қиёсласа, қиёсий типология тил элементлари ўртасидаги алоқа ва аниқ элементларни танлаш билан шуғулланади;

г) қиёсий типология фақат тиллар системасидаги ўхшашликка таянибгина қолмай, балки система бирликларисидаги турлилик ва маълум категориал маънолар ифодаланишидаги қатламлараро фарқларини ҳам ўрганади.

Масалан, структурал типология тил универсалиясини гапда қатламларга кўра аниқлайди. Ҳар бир қатлам бирлигини бошқа тиллардаги айнан шундай қатлам бирлиги билан таққослайди. Қиёсий типология эса бирор категорияни турли қатламлар бирликлари воситасида ифодаланиш усулларини кўриб чиқади:

Методлар



д) қиёсий типологияда текширилаётган тиллар сони чегараланган бўлади;

е) қиёсий типология ҳам назарий, ҳам амалий томонни кўзласа-да, у кўпроқ амалий ва методик мақсадларга хизмат қилади.

Тил турли системаларини қиёсий ўрганиш методлари тўғрисида қуйидаги китобларга қаранг¹.

У. Қ. Юсуповнинг фикрича тил билан боғланган қиёслаш икки хил: айрим олинган тилнинг стурктурасини ўрганишда ишлатиладиган қиёсий метод (битта тил ичида қиёслаш) ва икки ёки ундан ортиқ тилларни ўрганишдаги қиёсий метод (тиллараро қиёслаш) бўлиши мумкин.

Тилнинг фонемасидан тортиб то мураккаб синтактик бирликлари аниқлангунча қиёслашнинг биринчи туридан фойдаланилади. Масалан: китоб, китобим, китобинг, китоби, китобимиз, китобингиз, китоблари.

Бундай қиёслаш натижасида бу сўз формалари орқали ягона грамматик категория — отлардаги грамматик эгалик категориясини ифодаланишини аниқладик. Шунингдек, мазкур категорияда шахс ҳамда сон маънолари ҳам ўз аксини топишини қайд қилгандик, зеро бу қўшимча иккита маънонинг кўрилаётган категорияга боғлиқ бўлиши табиийдир. Чунки эгалик шахс билан боғлиқ бўлгач, нутқда нарса ва ҳодисалар уч шахсдан бирига тааллуқли эканлиги доимо англашилиб туриши керак. Эга бўлмиш шахс бўлиши ва унга алоқадор бўлган нарса ҳам бирлик ёки кўпликда туриши мумкин. Шу сабабли бу категорияда сон маъноси доимо акс этиб, ўз грамматик кўрсаткичларига эга бўлади.

Ўзбек тилида эгалик маъноси такрорланиб турадиган грамматик воситалар ёрдамида амалга оширилади. Бундай қиёслашни хусусий тилшуносликка хос бўлган қиёслаш дейилади. Ҳар қандай қиёслаш натижасида қиёсланаётган ҳодисадаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш мумкин. Юқорида келтирилган мисоллардаги ўхшашлик барча сўзлар орқали ягона эгалик маъносининг ифодаланаётганлигидадир. Фарқ эса ҳар бир сўз формаларининг хусусий маъносида: **китобим** гарчи эгаликни ифодаласа-да, **китобинг** сўзидаги эгаликдан фарқ

¹ Ж. Бўронов. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. Тошкент 1973, 64—79-бетлар. Дж. Буранов. Сравнительная типология английского и тюркских языков. Москва, 1983.

қилади, чунки биринчи сўз биринчи шахсга хос бўлган эгаликни, иккинчиси эса — иккинчи шахсга хос эгаликни кўрсатади.

Тиллараро қиёслашда икки ёки ундан ортиқ тиллар қиёсланади. Бундай қиёслаш ўз навбатида систематик қиёслаш ва носистематик қиёслашга ажратилади.

Носистематик қиёслаш аксарият илмий асарларда учрайди; муаллифлар бундай қиёслашдан ўз фикрларини тасдиқлаш мақсадида фойдаланадилар. Систематик қиёслаш тилларнинг барча ёки айрим қатламлари ва уларнинг бирликларини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, тиллар таркибидаги ўхшашлик ва фарқларни таъкидлайди. У. Қ. Юсупов бундай қиёслашни тилларни таҳлил қилиш методи даражасигача кўтаради.

Тилларни систематик равишда қиёсий ўрганиш қиёсий тарихий тилшуносликда, типологияда (классик — морфологик ва структурал типологияларда), қиёсий типологияда, чоғиштирма тилшуносликда қўлланилади.

Қариндошлик даражаси турлича бўлган ва жойлашган ўрнидан қатъи назар икки тилни синхроник қиёсий ўрганиш чоғиштирма тилшунослик деб аталади.

Тилларни чоғиштирма ўрганиш таржима, машина таржимаси, лингвофалсафий, лингводидактик ва назарий масалаларни ўрганишни мақсад қилиб олади.



Таржима мақсадидаги чоғиштириш асосида бир умумий маънонинг икки тилдаги ифодаланиш воситаларини аниқлаш ётади. Асл матн эса таянч нуқта вазифасини ўтайди. Таржима қилинаётган матннинг маъносини иккинчи тил воситалари орқали ифодалаш таржиманинг асосий мақсадидир. Демак, таржима мақсадида қиёслаш икки тилнинг системасини мунтазам солиштириб ўрганиш бўлмай, балки бир тилнинг системасини иккинчи тил сўзлари орқали изоҳлашдир.

Дунёдаги тилларнинг бир-биридан фарқ қилиши юқорида айтиб ўтилганди. Уларни таркибий қисмларга ажратиб солиштириб ўрганишни лингвофалсафий мақсадлардаги чоғиштирма ўрганиш деб юритилади. Бу масала тилшуносликнинг асосий муаммоларидан бўлмиш тил ва тафаккур орасидаги муносабатга бевосита алоқадордир.

Чет тилни ўрганиш мураккаб лингвопсихологик ҳодисадир. Чет тилни ўрганиш жараёнида ўрганувчи онгида она тили ва ҳорижий тил системалари тўқнашади. Ўрганувчининг она тилиси янги тил системасини ўзлаштиришни осонлаштиради ёки унинг йўлига тўсиқ бўлади.

Бу икки тиллар системасидаги ўхшашлик ва фарқларга боғлиқ бўлади. Икки тил системасини тилларни ўқитиш методикасини назарда тутиб қиёслаш тилларни лингводидактик мақсадларда чоғиштирма ўрганиш дейилади.

Тиллар назарий мақсадларда ҳам чоғиштирма ўрганилиши мумкин. Бунда тилларнинг фонетик, морфологик, лексикологик ва синтактик қатламлари системали тарзда ўрганилиб, уларнинг ўхшашлик ва фарқлари, шунингдек, ўхшашлик ва фарқларнинг сабаблари аниқланади.



Генетик типология

Генетик типология тилларни қариндош ва қариндош бўлмаган тилларга ажратиб, бир умумий манбадан тарқалган тилларни **қариндош тиллар** деб атайди ва уларни бир тиллар оиласига киритади.

Генетик типологиянинг иш методини тилшуносликда тарихий-қийёсий метод деб юритилади. Тиллардаги ҳар қандай ўхшашлик ва фарқлар уларни қийёслаб ўрганиш асосида аниқланади. Қийёслашда фақат тилларнинг бугунги ҳолати эмас, балки уларнинг тарихий тараққиёт йўли, дастлабки ёзма ёдгорликларини ҳам ҳисобга олади. Шунга кўра бу метод **тарихий-қийёсий метод** деб юритилади ва у бир-бири билан боғлиқ уч масала: тилларнинг қариндошлик муносабатини исботлаш; тилларнинг дастлабки формаларини тиклаш; тилларнинг тарихий тараққиёт йўлининг илмий асосини қамраб олади.

Икки ва ундан ортиқ тилларнинг қариндошлигини тасдиқлаш мақсадларида уларнинг битта умумий манбадан келиб чиққанлигини исботловчи далилларни топиш керак бўлади (Бу ҳақда «Лингвистик таҳлил методлари»га қаранг).

Замонавий тилшунослик маълумотларига кўра ҳозирги кунда 20 дан ортиқ тил оилалари мавжуд. Булардан энг каттаси ҳинд-еврупо тиллари оиласидир. Тил оиласи ўз ичига бир бобо тилдан келиб чиққан ҳамма тилларни олгани учун у жуда йирик тиллар йиғиндисини ташкил этади. Ҳар бир оила ўз навбатида қариндошликнинг яқинлик даражасига кўра бир неча гуруҳларга ажралиши мумкин.

1. Ҳинд-еврупо тиллари оиласи қўйидаги гуруҳлардан таркиб топган.

1. **Славян гуруҳи:** тилшуносликка оид адабиётларда славян тиллари шарқий славян (рус, украин, белорус, тиллари), ғарбий славян (чех, словак, поляк, кашуб, серболужицк тиллари), жанубий славян (булғор, македон, серб, хорват, словен тиллари) бўлимларига ажратилади.

2. **Герман гуруҳига** инглиз, немис, швед, норвег, дат, исланд, голланд тиллари киритилади.

3. **Роман гуруҳи** француз, испан, португал, итальян, румин, молдаван тилларини қамраб олади.

4. **Болтиқ гуруҳи** литва, латиш, латгал тилларидан иборат.

5. **Эрон гуруҳига** форс, афгон, осетин, курд, тожик ва помир тиллари (шуғнан, рушан, бартанг, орошор, сарикол) тиллари тааллуқли.

6. **Ҳинд, тиллари гуруҳига** ҳинд, урду, бенгал, панжоб, синдхи, гужарат, маратхи ва бошқа тиллар киради.

Бу оилага яна ҳар бири биттадан тилдан ташкил топган арман, грек, албан тиллари гуруҳлари ва бир нечта ўлик тиллар гуруҳлари киради.

Ҳинд-еврупо тиллари оиласи энг мукаммал ишлаб чиқилган тиллардир. Лекин бу оилага қайси қабилалар тиллари асос солгани келиб чиқиш манбаи ҳанузгача номаълум. Олимлар фикрича бу оиланинг маскани Ҳиндистон (Ф. Шлегель), Урта Осиё — (А. Шлейхер), Марказий Европа (О. Шрадер), Дунай ҳавзаси (В. Георгиев) бўлган. Аммо бунинг аниқ асосли далиллари йўқ. 1986 йилда таниқли олимлар Т. В. Гамкрелидзе ва В. В. Ивановлар ўзларининг кўп йиллик изланишлари натижасида («Индоевропейский язык и индоевропейцы. Реконструкция и историко-типологический анализ праязыка и протокультуры») эълон қилинган асарларида ҳинд-еврупо тиллари оиласининг дастлабки худуди Кичик Осиё (яъни Тигр ва Ефрет дарёлари оралиғи) дир деб эълон қилишди. Олимларнинг фикрича мазкур тилдан фойдаланган қабилалар бу худудда эра-миздан олдинги IV асрда яшаган. Улар бундай хулосага ҳинд-европа тиллари оиласига кирувчи тирик ва ўлик тилларни қиёсий ўрганиш, уларнинг лексик, фонетик, грамматик материалларини ҳар томонлама таҳлил қилиниши натижасида келдилар. Бу асар олимларнинг умумий тилшуносликка, хусусан, тарихий-қиёсий тилшуносликка қўшган улкан улшларидир. Янги нуқта назар кўпчилик олимлар томонидан маъқулланди. Янги фикр ҳинд-европа тилшунослигида амалга оширилаётган тадқиқотлар учун замин яратди.

II. Туркий тиллар оиласи. Туркий тиллар оиласи тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар (Е. Д. Поливанов, Г. Рамстедт) туркий тилларни катта Олтой тиллар оиласига кирувчи гуруҳ деб ҳисоблаб, бу оилага тунгус-манчжур, мўғул, корейс ва япон тилларини ҳам киритишади. Бошқа олимлар (О. Бетлинг, Г. Винклер) урал-олтой тиллар оиласини ажратиб, унга юқорида қайд этилган тиллардан ташқари фин-угор тилларини ҳам киритишади. Туркий тиллар

билан шуғуллауучи олимларнинг фикрича туркий, мўғил, тунгус-манчжур тиллари орасидаги генетик қариндошлик узил-кесил тасдиқланмаган. Уларни бирлаштириши мумкин бўлган нарса — типологик ўхшашлик бўлиб, бу тиллар агглютинатив тиллар гуруҳига киради. Лекин бу қариндош деган маънони англатмайди. Шунинг учун ҳам кўп адабиётларда туркий тилларни алоҳида оила сифатида ажратилади. Туркий тиллар ўзаро яқин қариндош тиллар бўлиб, бу оилга кирувчи бирорта тилни ўзлаштирган киши шу оилга кирувчи бошқа тилни ҳам тушуна олиши мумкин. Ёқут ва чуваш тиллари бундан истиснодир, чунки улар кўпчилик туркий тиллардан анча узоқлашиб кетган.

Туркий тиллар оиласига кирувчи гуруҳлар ва тиллар¹

А. Ғарбий хун тармоғи

1. Булғор гуруҳи: чуваш тили;
2. Ўғиз гуруҳи бир нечта кичик бўлимлардан ташкил топган:

- 1) ўғуз-туркман: туркман ва тухман тиллари;
- 2) ўғуз-булғор: гагауз ва болқон турклари тиллари;
- 3) ўғуз-салжук: озарбайжон, турк, қрим-татар тилининг жанубий қирғоқ шеvasи ва урум тили;

3. Қипчоқ гуруҳи ҳам бир нечта кичик бўлимлардан ташкил топган;

- 1) қипчоқ-половецк бўлими: қарай, қўмиқ, қорағай-балқар, қрим-татар тиллари;
- 2) қипчоқ-булғор бўлими: татар ва бошқирд тиллари;
- 3) қипчоқ-нўғай бўлими: нўғай, қорақалпоқ, қозоқ, ўзбек тилининг қипчоқ шеvasи;
- 4) **Қорлуқ гуруҳи:** ўзбек ва янги уйғур тиллари.

Б. Шарқий хун тармоғи

1. Уйғур-ўғуз гуруҳи:

- 1) уйғур-тукуй бўлими: тува ва тофа тиллари;
- 2) ёқут бўлими: ёқут тили;

¹ Бу ўринда Н. А. Баскаков таснифи келтирилиб, унда жонли тилларгина ҳисобга олинган. Қаранг: **Баскаков Н. А.** Введение в изучение тюркских языков. «Высшая школа», Москва — 1969, 350—354 бетлар.

- 3) хакас бўлими: халас, шор, чўлим татар, қамаши, олтой тилининг шимолий шеvasи, сариқ-уйгур тиллари;
2. Қирғиз-қипчоқ гуруҳи: қирғиз ва олтой тиллари.
- III. **Фин-угор тиллар оиласи.** Бу оилага иккита тил гуруҳи киради: фин ва угор тиллари гуруҳлари. Биринчи гуруҳга фин, эстон, карел, коми-зирян, коми-пермяк, удмурт, марий, мордов ва бошқалар; иккинчи гуруҳга: венгер (ёки мадьяр), мансий, хантӣ тиллари киради.
- IV. **Сом-хом тиллари.** Бу тил оиласига араб шарқи мамлакатлари тиллари киради. Одатда, уларни беш гуруҳга ажратишади:
- 1) Семит (ёки сом) тиллари: араб, амхар, харири, ойсор, иврит;
 - 2) Қушит тиллари: галла, сомали, саҳо, бежа;
 - 3) Бербер тиллари: кобил, шилх, туарег, риф, тамазист;
 - 4) Чад-хом тиллари: хаусе, котоко, ангас, карекаре, сура, чузгу, муби ва бошқалар.
5. Араб гуруҳига қадимги араб тили киради. Бу ўлик тилдир.
- V. **Қавказ тиллари оиласи.** Олимларнинг фикрича¹, бу тилларнинг ҳам туркий тиллар каби генетик қариндошлиги узил-кесил исботланмаган. Қавказ тиллари оиласи дейилишига асосий сабаб, уларнинг географик жойлашишидир.
- А. Ғарбий гуруҳи:**
1. Абхаз бўлими: абхаз, абазин;
 2. Черкас бўлими: адигей, кабардин, убих;
- Б. Нах гуруҳи:** чечен, ингуш, бацбий;
- В. Доғистон гуруҳи:** авар, даргин, лезгин, лак, каратин, ахвах, гунзиб ва бошқалар;
- Г. Жанубий гуруҳ:**
- 1) Зан бўлими: мегрель, чан тиллари;
 - 2) Иберий бўлими: грузин, карталий, гурий ва бошқалар;
 - 3) Сван бўлими: сван тили.
- IV. Хитой-тибет тиллар оиласи.
- А. Тай — хитой гуруҳи:** хитой, дунган, тай, лаос, чжуан, вьетнам тиллари;

¹ А. А. Реформатский. Введение в языковедение. Москва. 1967 й., 419-бет.

Б. Тибет — бирма гуруҳи: тибет ва бирма тиллари.

Қайд этилган тил оилаларидан ташқари, монгол тиллар оиласи, тунгус — манчжур, дравид, аустра — осие, малай — полинез, австралия, папуа, африка каби бошқа тил оилалари бор.

МОРФОЛОГИК ТИПОЛОГИЯ

Морфологик типология тилларни қариндошлик муносабатларидан қатъи назар грамматик тузилиши асосида турларга ажратади. Тилларнинг морфологик типологиясига бағишланган дастлабки илмий асар Германияда 1809 йилда Фридрих Шлегель томонидан яратилган. «Ҳиндларнинг тили ва донолиги ҳақида» деган асарида Ф. Шлегель тилларни флектив ва аффиксал тилларга ажратади. Унинг фикрича тиллар пайдо бўлган кундан бошлаб бу икки турдан бирига мансуб бўлади ва шундайлигича қолади. Шундай қилиб, тилдаги доимий содир бўлиб турувчи ўзгариш инкор этилади. Таснифга асос қилиб сўз ўзгаришидаги ўзгариш олинган. Ф. Шлегель гапда сўзлар муносабатга киришганда ўзакнинг ички тузилиши ўзгарадиган тилларни истиқболли ҳисоблаб, уларни флектив тиллар деб атаган ва бу турга немис ва бошқа ҳинд-европа тилларини киритган. Унинг фикрича, аффиксал тилларнинг ўзаклари ўзгармайди, грамматик форма эса аффиксларнинг тўғридан-тўғри қўшилиши тўфайли ўзгаради. Бундай тилларни *v* «нуқсонли» тиллар деб атаб, уларга грамматик структураси туркий тилларникига ўхшаган тилларни киритган, қиёсланг:

Флектив тиллар	Аффиксал тиллар
шрайбе — шрийб	ёзяпман — ёздим
лежу — лёг	ётибман — ётдим

1818 йилда Ф. Шлегелнинг укаси Август Шлегель «Провансал тили ва адабиёти тўғрисида хотиралар» деган асарида тилларни флектив, аффиксал ва аморф тилларга ажратди.

У аморф тилларга хитой-тибет тилларини киритиб, уларнинг хусусиятлари тўғрисида батафсил маълумот берди, флектив тилларни эса синтетик флектив тиллар ва аналитик флектив тилларга ажратишни тавсия этди.

А. Шлегель ҳам тилларни мукамал ва мукамал бўлмаган тилларга ажратди. Кези келганда шуни қайд

қилиш керакки, тилларнинг яхши-ёмони, мукаммал ёки нуқсонлилиги бўлмайди. XIX ва ҳатто XX асрда яшаб ижод этган айрим немис ва америка олимлари миллат ва уларнинг тилларини камситувчи ана шундай фикрларни илгари суришган. Марксистик таълимот барча миллат ва тилларни тенг деб билади, чунки тиллар ўз жамиятига тўла-тўқис хизмат қилади. Немис тили немис халқига қандай хизмат қилаётган бўлса, ўзбек, нанай тиллари ҳам ўз халқига айнан шундай хизмат қилмоқда. Барча тилларнинг вазифаси бир хил, яъни алоқа воситаси хизматини ўтайди.

Ака-ука Шлегеллардан кейин бу масала таниқли немис олими, тилшунослик фанининг асосчиларидан бири Вильгельм Фон Гумбольдт томонидан ҳар томонлама кўриб чиқилди. «Тилдаги товуш ва ғоя формаларини бир-бирига тўғри ва шиддат билан қовушиб кетиши, тиллардаги муносабатларнинг ифода этилиши, гапларнинг ясалиш услубларни ва товуш формаларидан кўриниб туради»,— дейди Гумбольдт. Ана шуларни ҳисобга олиб, у тилларни флектив, агглютинатив, ажратувчи (аморф), мужассамлантирувчи (полисинтетик) деб номланувчи тўрт турга ажратди.

Бу тасниф олдингиларидан бирмунча фарқ қилади. Гумбольдт тилларнинг биринчи тури номини ўзгартирмай, «флектив» тарзида қолдириб, унга қўшимча тилларни киритди. Хусусан, бундай тилларга фақат ўзакда ўзгартириш содир бўладиган тиллар эмас, балки баъзи аффиксал тиллар ҳам киришини тушунтирди. Лекин бу аффиксалар агглютинатив тиллардагилардан тубдан фарқ қилади.

Ака-ука Шлегеллар аффиксал деб атаган тиллар гуруҳини Гумбольдт агглютинатив атамаси билан атади. Бу билан у аффиксал флектив тилларни аффиксал агглютинатив тиллардан фарқ қилишини назарда тутди.

Аморф тилларни у ажратувчи тиллар деб атади, чунки аморф сўзи формасиз деган маънони англатади. Хитой-тибет тиллари бошқа тиллар каби ўз формасига эга, лекин уларнинг грамматик формалари бошқа тиллардан фарқли сўз формаларини ўзгартириш йўли билан эмас, балки сўз тартиби ва оҳанг орқали ўзгаради.

В. Гумбольдт мавжуд таснифга яна бир тиллар гуруҳини киритиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб, уни мужассамлантирувчи тиллар деб атайди.

Тиллардан нуқсон топишда В. Гумбольдт ҳам четда қолгани йўқ. Унинг фикрича тафаккурнинг ривожланишини таъминлай оладиган ва унинг ривожланишига «тўсиқ бўладиган» тиллар мавжуд эмиш. Биринчи турдаги тилларни у қатъий тўғри формага эга бўлган тиллар ва иккинчисини қатъий тўғри формадан чекинувчи тиллар деб атаб, биринчисига флектив тилларни, иккинчисига — агглютинатив, ажратувчи ва мужассамлантирувчи тил турларини киритди. Аммо у ўз фикрини тасдиқлайдиган бирорта асосли далил топа олмади. Бундай далилнинг бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки тилларни камситиш сунъийликдан бошқа нарса эмас.

Юқорида келтирилган олимлардан ташқари тиллар таснифи билан Август Шлейхер, Ф. Мистели, Н. Финк, Ф. Ф. Фортунатов, Э. Сепир ва бошқа бир қанча тилшунослар ҳам шуғулланишган. Масалан, А. Шлейхер тилларни учга ажратиб (ўзак, агглютинатив ва флектив тиллар), ҳар бир тил ўз тараққиёт даврида ана шу уч босқични ўз бошидан ўтказади, деб тушунтиради.

Унинг фикрича, тиллар ўзак ҳолида туғилиб, вақт ўтиши билан баъзи ўзаклар ўз урғуларини йўқотади ва ёрдамчи сўзлар қаторидан ўрин олади; бу ёрдамчи сўзлар кейинчалик ўзлари тегшли мустақил сўзларга боғланиб, қўшимчалар: аввал агглютинатив аффиксларга, кейинроқ эса флектив аффиксларга айланади. Умуман олганда тилларда мустақил сўзларни ёрдамчи сўзларга ва уларни ўз навбатида қўшимчаларга айланиш ҳодисаси учраб туради. Туркий тилларда бу ҳозир ҳам давом этмоқда, масалан, ўзбек тилидаги **Мен студентман** гапини олсак, ундаги шахс ва сон кўрсаткичининг бевосита **мен** олмошига алоқадорлиги, шу олмошдан келиб чиққанлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бу гапимизга далил сифатида ҳозирги замон бошқирд ва тува тилларини келтириш мумкин: бу тилларда кесимдаги шахс ва сон кўрсаткичини урғу олмаган кишилиқ олмошлари бажаради. Ўзбек тилида бу жараён бирмунча илгарилаб кетган, яъни-**ман** қўшимчага айланиб, кесимга қўшилиб ёзилади, лекин тува ва бошқирд тилларида бу кўрсаткич гарчи урғу олмаса ҳам, ўз мустақиллигини сақлаб, кесимга қўшилмай ёзилади. Келтирилган мисол туркий тиллар, Шлейхер айтганидек, уч босқични босиб ўтган, дейишга ҳеч қандай асос бўла олмайди. Туркий тилларнинг тарихида ўзак даври бўлганлигини исботлайдиган далил йўқ. Лекин айрим тилларда акс жа-

раённи кузатиш мумкин. Масалан, бир вақтлар ички ва ташқи флексияга бой бўлган инглиз, француз тиллари кейинчалик ўзларининг бу хусусиятларини йўқотиб, хитой, бирма тиллари каби гапда сўзларни бир-бирига боғлаш, синтактик муносабатларни ифодалашда қатъий сўз тартиби ва ёрдамчи сўзларни кенг ишлатадиган бўлди. Демак, Шлейхер яратган назария амалда тасдиқланмади.

Таниқли рус олими Ф. Ф. Фортунатов тилларнинг морфологик типологиясига ўз ҳиссасини қўшиб, тиллар типологияси мутлоқ эмас, балки нисбий эканини таъкидлади. У мужассамлантирувчи тилларни типологик системадан четлатиб, тилларнинг тўртинчи түри сифатида флектив — агглютинатив тилларни қўшди ва унга семи тилларини киритди, чунки бу тилларда негиз флексиялари асосий грамматик восита ролини ўтайди. Бу тиллардаги ички флексияларнинг негизларга бўлган муносабати агглютинатив тиллардаги аффиксларнинг ўзак ва негизларга бўлган муносабати билан бир хилдир, дейди Ф. Ф. Фортунатов.

Америка тилшуноси Э. Сепир морфологик типологиянинг янги системасини яратишга уринди. У тилларни 15 дан ортиқ турга ажратди. Бу тасниф қатор камчиликлари туфайли кўпчиликка манзур бўлмади. Ҳозирги замон тилшунослигида В. Фон Гумбольдт яратган морфологик типология кўпчилик томонидан эътироф этилиб, тилларни тўрт турга ажратиш анъанага айланган. Бу тасниф асосида Гумбольдт системаси ётган бўлса ҳам, уни узоқ вақт сақланиб қолишига Гумбольдтдан кейин яшаб ижод этган тилшунослар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Энди тилларнинг ана шу тўрт асосий морфологик түрини кўриб чиқамиз.

Флектив тиллар. Флектив тиллар типига ҳинд-европа ва хом-сом тиллар оиласига мансуб бўлган тиллар киради. Бу тилларни синтетик флектив тиллар ва аналитик флектив тилларга ажратилади. Синтетик флектив тилларга немис, рус тилларига ўхшаган, флексияларга бой тиллар киритилади. Нутқда сўзлар орасидаги синтактик муносабатлар асосан флексиялар асосида амалга оширилади. Аналитик флектив тилларда, гарчи флексиялар бўлса ҳам уларнинг миқдори катта эмас, гапдаги сўзлар орасидаги синтактик муносабат кўпроқ сўз таркиби ва ёрдамчи сўзлар воситасида амалга оширилади. Шунинг учун аналитик тилларда сўз тартиби

катъий, ҳар бир гап бўлаги ўз ўрнида туриши шарт. Аналитик флектив тилларга инглиз, француз тиллари каби тиллар киритилади. Бу тилларда одатда гапнинг эгаси биринчи ўринда (кесимдан олдинги ўринда), кесим иккинчи ўринда (эгадан кейинги ўринда), агар кесим ўтимли феъл билан ифодаланган бўлса, унда учинчи ўринда (кесимдан кейин) тўлдирувчи туради. Аниқловчининг ўрнини олдиндан белгилаб бўлмайди. У доимо от билан боғланган бўлади; аниқланмиш қаерда бўлса, аниқловчи ҳам шу ерда бўлади; у эга вазифасини бажараётган сўздан олдин ҳам, қўшма от кесим вазифасида келган отдан олдин ҳам туриши мумкин. Ҳол эса маъносига кўра гапда турли ўринларни эгаллаб туриши мумкин. Шундай қилиб, сўз тартиби тўғрисида гап борганда эга, кесим ва тўлдирувчиларнинг гаптаги ўрни назарда тутилади. Синтетик флектив тилларда сўз тартиби нисбатан эркин.

Флектив тилларга хос бўлган умумий хусусиятлар қуйидагилар:

1. Бир флексия бир нечта маъно англатиши мумкин. Масалан, рус тилидаги **виж-у** сўзига қўшилган **-у** флексияси бир вақтнинг ўзида шахс, сон, замонни кўрсатади.

2. Бир флексия бир нечта вариантга эга бўлиши мумкин. Масалан, рус тилида отларда кўплик **-ы, -и, -а, -я** каби қўшимчалар ёрдамида ясалади: столы, стулья, дома, книги.

3. Ўзакка ва негизга флексия қўшилганда товушлар алмашинуви кузатилиши мумкин:

Бежать — бегу
писать — пишу

4. Ўзак ва негиз, негиз ва грамматик флексиялар ўртасидаги чегарани аниқлаш кўп қийинчиликлар туғдиради:

мыться — моюсь
пить — пью

5. Ички флексияларга бой: масалан, араб тилида:

kitab — китоб
kutub — китоблар
tiktib — у (женский род) ёзаяпти
jiktib — у (мужской род) ёзаяпти
uktib — мен ёзаяпман

лечь — лягу
петь — пою
везти — вожу ва ҳоказо.

6. Грамматик формалари супплетив йўл билан яса-
ладиган сўзлар учрайди: масалан, рус тилида:

ходить — шел
я — меня
хорошо — лучше

немис тилида:

sein, bin, ist, war ва бошқалар.

Агглютинатив тиллар. Агглютинатив тилларга тур-
кий, фин-угор, япон, корейс, дравид, банту тиллари ки-
ради. Бу тилларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар-
дан иборат:

1. Аффиксларга бой, гапда сўзларни бир-бирига боғ-
лаш учун асосан ана шу қўшимчалардан фойдалани-
лади.

2. Бир аффикс бир грамматик маъно ифодалайди;
шу хусусияти билан агглютинатив тилдаги аффикслар
флексиялардан фарқ қилади, қиёсланг:

пиш-у | I шахс
| бирлик -ёз-яп-м-ан
| ҳ. замон

Ўзбек тилидан олинган мисолда **-яп** — замон кўр-
саткичи, **-м** — шахс кўрсаткичи, **-ан** — сон кўрсаткичи-
дир. Рус тилида бу кўрсаткичлар ҳаммаси фақат бир-
гина — у билан ифода этилади;

3. Аффикслар асосан бир хил кўринишга эга бўлиб,
вариантлари деярли йўқ. Масалан: ўзбек тилида кўплик
фақат **-лар** қўшилиши орқали ясалади; келишик қўшим-
чаларининг деярли ҳаммаси ўз кўринишига эга; ва-
риантлари бор қўшимчалар эса (масалан: **-м, -им, -нг,**
-инг, -ка, -га, -қа кабилар), сўзларнинг фонетик тузили-
ши билан боғлиқ (позицион ўзгаришларга киради).

4. Ўзак, негиз, грамматик аффикслар орасидаги че-
гара доимо аниқ, масалан: иш — чи — лар — дан
дарс — лик — лар — ни

5. Сўзларнинг грамматик формаларини ясашда суп-
плетив ҳодисаси деярли учрамайди.

6. Қўпчилик агглютинатив тилларда сўз тартиби

нисбатан қатъий. Лекин бу қатъийлик аналитик флектив тиллардаги сабаблар билан тушунтирилмайди. Сўз тартибининг бузилиши ҳамма вақт ҳам сўзнинг функциясини ўзгаришига олиб келмайди; қатъий сўз тартиби кўпроқ тил анъанаси билан боғлиқ. Масалан, ўзбек тилида оддий гаплардаги сўз тартиби қуйидагича:

эга — тўлдирувчи — кесим

7. Сўзларга қўшиладиган аффикслар ўзакка маълум тартиб асосида қўшилади. Агглютинатив тилларни ўрганувчилар уларнинг грамматик тузилишидаги бу хусусиятни ҳисобга олишлари керак.

8. Агглютинатив тиллар аффиксларнинг ўзакдан олдин ёки кейин туришига кўра префиксал агглютинатив тиллар ва постфиксал агглютинатив тилларга бўлинади. Туркий тиллар постфиксал агглютинатив тиллардир. Африкадаги суахили префиксал тилдир. Масалан: апатака сўзида учта префиксдан кейин ўзак ўрин олган, яъни а-па-т-атака (у буни хоҳлади).

Ўзак (ажратувчи) тиллар. Тилшунослик фанида иккала атама ҳам учрайди. Бу тилларга асосан хитой-тибет тиллари (хитой, тибет, тай, вьетнам ва бошқалар) киради. Уларнинг хусусиятлари сўзлари кўпроқ бир бўғинлилиги, аффикслар, флексиялар йўқ ёки деярли йўқлиги, гапда сўзлар орасидаги синтактик боғланиш асосан сўз тартиби ва оҳанг орқали амалга оширилишидир. Сўзларнинг гапда тутган ўрни уни қайси гап бўлаги вазифасини бажараётганини ва қайси сўз туркумига тааллуқли эканини кўрсатади. Тилшунослик тарихида ва ҳозирги замон тилшунослигида бу тиллар «аморф», яъни «формасиз» тиллар номини олган. Грамматик форма тилларда бир хил намоён бўлмайди. Юқорида кўрганмиздек, баъзи тилларда форма аффикс ва флексиялар ёрдамида, баъзиларида эса, ички флексиялар орқали, учинчиларида ёрдамчи сўзлар ёки супплетив йўллар билан ифодаланади. Умуман олганда формасиз тил йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўзак тилларнинг формаси ўзига хос равишда ясалади. Улардаги сўзлар ўз формаларини гапдаги ўринлари орқали ифода этадилар ёки оҳанг ёрдамида амалга оширадilar.

Мужассамлантирувчи (полисинтетик) тиллар. Бу тилларга америкалик ҳиндулар ва Россиядаги чукот, коряк тиллари киради. Бу тиллар кўп жиҳатдан ҳали

ўрганилмаган. Ҳозирги кунда маълум бўлган манбаларга қараганда, бу тилларда сўз тушунчаси нисбийдир. Чунки бу тиллардаги сўз бошқа тиллардаги айрим товушларга тўғри келиб, ўзининг узил-кесил маъносини фақат гап таркибидагина кашф этади. Одатда бу сўз — элементлар бир-бирига қўшилиб ёзилади. Бу тиллардаги гаплар бошқа тиллардаги сўзга тўғри келади. Масалан, нахуатль тилидаги *qanivatcar canivinju* гапнинг маъноси «мен уйнинг олдида ичдимми?», яъни «уй + олдида + ўтган замон + ичмоқ + савол + мен».

Чинук тилидан яна бир мисол: *inialudam* «мен бунга унга бергани келдим». Бу гапда «**d**» элементи «бермоқ» феъли бўлиб, гапнинг ўзагини ташкил этади.

i — яқин ўтган замон

n — мен

i — бу

a — унга (женский род)

l — воситасиз тўлдирувчи кўрсаткичи

u — гапирувчи томонидан бажариладиган иш-ҳаракат

am — келмоқ

Шундай қилиб, мужассамлантирувчи тиллардаги бир сўз-гап бошқа тилларда бир нечта сўзлар орқали ифода қилинади.

Тилларнинг морфологик (типологик) таснифи тўғрисида гап борганда ҳеч бир тил ўз хусусиятлари билан бошқа тилга мутлоқ мос келмаслигини айтиб ўтиш ўриндир, демак, типология абсолют эмас, нисбийдир. Тиллар ўзларининг кўпроқ хусусиятлари билан у ёки бу турга мансуб бўлиши мумкин. Ҳар бир тилда флектив, агглютинатив ва бошқа элементлар бўлиши табиий. Масалан, ўзбек тили агглютинатив тил, лекин унда флексия учраши мумкин: **келдик** сўзидаги **-к** бир вақтни ўзида ҳам шахсни, ҳам сонни кўрсатади. Инглиз тили аналитик флектив тил бўлса ҳам шунга ўхшаган агглютинатив воситалари бор. Демак, тилларни у ёки бу турга киритишда уларнинг қайси хусусиятлари кўпроқлигига асосланилади.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Дунёда нечта тил бор? Тилларнинг сонини узил-кесил айтиш мумкинми? Жавобингизни асосланг.

2. Типология сўзининг маъносини тушунтиринг.

3. Тиллар типологиясининг қандай турларини биласиз?

4. Ж. Бўроновнинг тиллар типологияси, хусусан қиёсий типология тўғрисидаги фикрини тушунтириб беринг.

5. У. Қ. Юсуповнинг тиллар типологиясига оид фикрини гапириб беринг.

6. Генетик (генеологик) типология қандай масалалар билан шуғулланади? Генетик типологиянинг илмий асосларини ким ва қачон яратди? Генетик типологияни ўрганивчи методни ва унинг услубини тушунтириб беринг.

Бобо тил, тиллар оиласи, тиллар гуруҳи, проспектив диахрония, ретроспектив диахрония қандай тушунчаларни ифодалашини гапириб беринг.

Қандай тил оилаларини биласиз? Генетик типология ўз вазифасини тугатдимми (дунёдаги ҳамма тил оилалари аниқланганми)? Ўлик ва жонли тил орасида қандай фарқ бор?

7. Морфологик типология қандай масалалар билан шуғулланади? Морфологик типологиянинг тарихини гапириб беринг. Қайси чет эл ва рус олимлари бу масала билан шуғулланган? Мукаммал ва мукаммал бўлмаган тиллар бўлиши мумкинми? Жавобингизни асослаб беринг.

Морфологик типологияни тилларнинг қариндошлигига алоқаси борми?

Қайси олимнинг морфологик типология тўғрисидаги фикри тилшўнослик фанида бошқаларникидан кенгроқ тарқалган? Тилларни флектив, агглютинатив, полисинтетик ва ўзак тилларга ажратиш баҳссизми? Соф флектив, соф агглютинатив тиллар борми? Тилларни грамматик жиҳатдан тўрт турини гапириб беринг.

8. Структурал ва ареал типологиялар қандай масалалар билан шуғулланади?

9. «Тилшўносликка кириш» курсидан практикум» қўлланмасидаги 205—222- машқларни бажаринг.

10. Қуйидаги рус сўзлари орфографиясига мос келадиган инглиз ва немис тилларидаги сўзларни аниқланг ва шулар асосида бу тилларни қариндош эканини тушунтиринг. Сўзларнинг маъноларида фарқ бўлса, уни қайд этинг.

Ветер, нос, два, три, шесть, семь, десять, молоко, дочь, сестра, брат, волк, нет.

11. Ўзбек тилидаги **-га, -ка, -қа, -ган, -кан, -гани,**

-қани, -м, -им, -нг, -инг, -и, -си; -дай, -дек каби икки ё ундан ортиқ кўринишга эга бўлган қўшимчаларни флектив тилларга хос бўлган элементлар деса бўладими?

12. **Ота бола излади; Бола ота излади** гапларида сўзлар ўртасидаги аналитик муносабат ўзбек тилига хосми? Қайси тилларда сўзлар ўртасидаги синтактик муносабат асосан ана шундай воситалар кўмагида амалга оширилади?

13. **Тулки балиқни еди** гапини рус (инглиз, немис, француз) тилига таржима қилинг ва бу тилдаги сўзлар ўртасида синтактик боғланиш қандай воситалар орқали амалга оширилганлигини қайд этинг. Содда гапдаги сўз тартибини қиёсланг.

14. Келтирилган қатордаги тиллардан иккитаси бошқа тиллар оиласига киради. Шуларни қатордан чиқариб ташланг.

1. Рус, украин, белорус, амхар, чех, болгар, хакас.

2. Ўзбек, коряк, тожик, чуваш, қирғиз, монгол.

3. Қирғиз, татар, турк, тува, абхаз, авар.

4. Қараим, француз, итальян, испан, якут, португал.

5. Форс, пушту, тожик, курд, осетин, лезгин, қўмиқ.

15. Қуйидаги жавоблардан тўғрисини танланг.

1. Ўзбек тили агглютинатив тил бўлгани учун унда сўзларнинг грамматик формаси кўпроқ инфикслар ёрдамида ясалади.

2. Ўзбек тили агглютинатив тил бўлгани учун сўзларнинг грамматик формаси асосан сўз тартиби билан белгиланади.

3. Ўзбек тили агглютинатив тил бўлгани учун сўзларнинг грамматик формаси ёрдамчи сўзлар ва оҳанг ёрдамида ясалади.

4. Ўзбек тили агглютинатив тил бўлгани учун сўзларнинг грамматик формаси кўпроқ постфикслар орқали ясалади.

5. Ўзбек тили агглютинатив тил бўлгани учун сўзнинг ўзак, негиз ва грамматик қўшимчалари орасидаги чегаралар аниқ.

ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ МЕТОДЛАРИ

Тилни бир бутун мураккаб система сифатида ўрганиш ҳозирги замон фанининг барча тараққиёт талабларига жавоб бера оладиган янги илмий методларнинг бўлишини тақозо этади.

Методлар қайси фанга тааллуқли бўлишидан қатъи назар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Метод объектив, яъни: а) метод қачон, қаерда, ким томонидан қўлланилмасин, таҳлил қилинаётган материал бир хил бўлса, натижа ҳам бир хил бўлиши; б) таҳлил натижасида олинган маълумот текширилиш имкониятига эга бўлиши; в) субъектив фикрларнинг аралашувига йўл қўймаслиги керак.

2. Метод изчил бўлиши ўрганилаётган объектни тўлиқ таҳлил қила олиши учун зарур атамалар системасини қамраб олиши ва қўшимча тушунчаларни талаб этмаслиги лозим.

3. Метод универсал бўлиши, яъни тилнинг камида асосий тўрт қатлами (фонетика, морфология, лексикология ва синтаксис)ни таҳлил қилишга яроқли бўлиши керак.

4. Метод содда бўлиши, яъни фойдаланилганда қўшимча қийинчилик туғдирмаслиги керак.

Қуйида ҳозирги замон тилшунослигида қўлланилаётган баъзи методларни кўриб чиқамиз.

Гап бўлаклари методи. Гап бўлаклари методи қадимий таҳлил услубларидан бўлиб, у ўз ичига бош бўлаklar: эга ва кесим, иккинчи даражали бўлаklar: аниқловчи, ҳол, тўлдирувчи уюшиқ бўлаklar каби атамаларни олади ва, асосан гапларни таҳлил қилиш билан шуғулланади. Таҳлил қуйидаги босқичларни ўз ичига олади.

1. Гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаклари аниқланади. Бу босқичда сўзларнинг гапдаги вазифасига асосланиб эга, кесим, тўлдирувчи, ҳол ва аниқловчилар ажратилади.

2. Аниқланган гап бўлаклари қайси сўз туркумлари томонидан ифодаланганлиги ўрганилади.

3. Бу босқичда эса гап бўлаклари вазифасида келаётган сўзлар қандай грамматик формада турганлиги (яъни морфологик категориялари) аниқланади.

Бу метод юқорида келтирилган талабларнинг ҳаммасига тўлиқ жавоб беролмайди. Гарчи у изчил ва содда бўлса ҳам уни объектив ва универсал деб бўлмайди.

Универсал эмаслигига сабаб, у фақат синтаксис қатламида ишлатилиб, қолган қатлам бирликларини таҳлил қилмайди. Объектив эмаслигига ҳам сабаблар бор. Шу ерда Т. Қудратов ва Т. Нафасовларнинг «Лингвистик таҳлил» қўлланмасидан кўчирма келтирамиз: «Гап

бўлаклари таҳлилида гапни таркибий қисм (бўлак) ларга тўғри ажрата олиш, гап бўлакларига ажратишнинг принципларини ажрата олиш муҳимдир. Шу факт аёнки, ҳар қандай гап бўлаги маълум саволга жавоб бўлади. Шу хусусиятга кўра кўпинча сўроқлар бериш билан гап бўлагини аниқлаш практикаси мавжуд. Бу бирдан-бир тўғри метод эмас... Нутқда **Молли колхоз — ёғли колхоз. Карим — ишчи. Икки ўн беш бир ўттиз** типдаги гаплар кўп қўлланади. Бундай гаплар бош бўлаклардан иборат. Ҳар иккала бўлак ҳам бир хил сўроқ талаб этади, лекин икки хил гап бўлагидир...»

«Сўзнинг маъноси гап бўлагини белгилашда зарурий белгилардан биридир»¹.

Келтирилган кўчирмалардан сезилиб турибдики, бу методни қўллаётганда фақат сўроқ бериш, фақат сўзнинг грамматик формаларини ҳисобга олиш ёки фақат сўзларнинг маъноларига таяниш мумкин эмас экан. Чунки ҳар хил гап бўлаклари бир хил саволга жавоб бўлиши мумкин; бир хил грамматик формага эга бўлган сўзлар турли гап бўлаги бўлиб қолиши мумкин ва ҳоказо. Демак, бу метод юқорида келтирилган кўпчилик талабларга жавоб бера олмайди. Келтирилган далиллар асосан ўзбек тилини таҳлил қилишдаги қийинчиликларни кўрсатяпти. Бошқа тилларни таҳлил қилишда ҳам юқоридагига ўхшаш бир қанча қийинчиликлар учрайди.

Тарихий-қиёсий метод

Тарихий-қиёсий метод шу номда аталадиган тилшунослик билан узвий боғлиқ.

Тарихий-қиёсий тилшуносликнинг пайдо бўлиши тилшунослик тарихида тасодифий ҳол бўлмай, балки тилшунослик фанида эришилган ютуқларнинг мантиқий якунидир.

1599 йилда Голландиялик олим Ю. Скалигер дунёда 11 тил онласи борлигини ва ҳар бир оила ўз бобо тилига эга эканлигини таъкидлаганди.

1767 йилда Француз руҳонийси Керду француз академиясида, 1786 йили инглиз шарқшунос олими В. Жонунз Калькуттадаги Осие жамиятида қилган маърузаларида Оврупа тиллари билан қадимги ҳинд тили —

¹ Т. Қудратов, Т. Нафасов. Лингвистик таҳлил. «Ўқитувчи» нашриёти Т., 1981, 100—101-бетлар.

санскрит орасида қариндошлик муносабатлари борлигини таъкидлашганди. Лекин бу масала Р. Раскнинг «Қадимги исланд тилининг пайдо бўлиши» (1814 йил) Ф. Боппнинг «Санскрит тилининг тусланиш системасини грек, славян, лотин, форс ва герман тиллари билан қиёсий ўрганиш» (1816 йил), немис олими Я. Гриммнинг «Немис тили грамматикаси» (1819 йил) ва рус олими А. Востоковнинг «Славян тили ҳақида мулоҳазалар» (1920 йил) асарида илмий асосда исботланди. Бу олимлар ўз илмий ишларида Оврупа тиллари билан Осиёдаги форс ва санскрит тилларини фонетик, грамматик ва лексик томонидан қиёсий ўрганиб, улар бир умумий бобо тилдан келиб чиққан, деган хулосага келдилар ва бу тиллар оиласини шартли равишда **Ҳинд-Оврупа оиласи** деб юрита бошладилар. Ана шу иш жараёнида қиёсий-тарихий метод майдонга келди.

Тарихий-қиёсий метод ҳозирги кунда юқорида келтирилган талабларга жавоб бера оладиган энг мукамал метод ҳисобланади. Бу метод ёрдамида қуйидаги масалалар ҳал қилинади.

1. Тилларни қиёсий ўрганиш ва уларнинг бир-бирига қариндош ёки қариндош эмаслигини аниқлаш;

2. Қариндош деб топилган тилларни бир-бири билан қиёслаб ўрганиш натижасида уларнинг асосида ётган бобо тилни тиклаш; бундай қиёслаш тилшунослик фанида **ретроспектив қиёслаш** дейилади. Таҳлил тилларнинг ҳозирги ҳолатини қиёслашдан бошлаб, тиллар тарихига қараб чуқурлашиб боради.

3. Тилларнинг ривожланиш йўли аниқланиши мумкин, яъни маълум тил ўзининг шу кунги кўринишига қандай етиб келганлиги, тилнинг шаклланиш масалалари муҳокама қилиниши мумкин. Тилларни бундай қиёслаб ўрганишни **проспектив қиёслаш** деб юритилади. Таҳлил қариндош тилларнинг ёзма ёдгорликлари пайдо бўлган даврдан бошлаб ҳозирги кунгача ўтган тарихини қиёслаб ўрганади.

Қуйида тарихий-қиёсий методнинг иш услубидан намуна келтирамыз;

	санскрит	латин	қадимги славян
I шахс	bharami	fero	Берж
II шахс	bharasi	fers	Берешь
III шахс	bharati	fert	Береть

Бу мисолда уч қариндош тилдан бир хил маъно англ

латувчи сўз (феъл) олинган ва учта шахсдаги формалари келтирилган. Бу тилларнинг бир-бирига қариндош эканини кўрсатувчи биринчи далил 2- ва 3- шахслардаги қўшимчаларнинг ўхшашлигидир. Фонетик жиҳатдан ҳам ўхшашлик бор. Тилларнинг фонетик тузилиши ўрганилаётганда аҳамият кўпроқ ундошларга берилади, чунки унлилар тарихан беқарор бўлиб ўзгариб туриши мумкин. Санскрит ва қадимги славян тилидаги сўзлар таркибида **Б** ва **Р** ундошлар бор; латин тилида эса **Р** бор-у, лекин **Б** нинг ўрнида **f** келяпти. Изланишлар кўрсатишича, кўп ҳолатларда санскрит ва қадимги славян тилларида **Б** товуши келганда, латин тилида **f** товуши келган¹. Демак, буни фонетик қонуният деб атаса бўлади. Латин тилининг тарихий ривожланишининг маълум бир босқичида ана шундай ўзгариш (кўчиш) рўй берган. Тарихий-қийёсий метод тилларнинг бир-бирига қариндошлигини ана шундай йўл билан исботлайди. Битта бобо тилдан тарқалган тиллар тиллар оиласини ташкил этади. Масалан: ҳинд-Оврупо тиллар оиласи, туркий тиллар оиласи, Қавказ тиллар оиласи ва бошқалар.

Бир оиллага кирувчи тиллар лексик, грамматик ва фонетик тузилишнинг яқин-узоқлигига кўра, турли гуруҳларга ажралаши мумкин. Масалан, ҳинд-оврупо тиллар оиласи ўндан ортиқ гуруҳларга ажралади: славян, герман, роман, болтиқ, форс, ҳинд ва бошқалар.

Субституция методи

Бу метод ҳам кўпдан бери тилшунос олимлар томонидан ишлатилиб келинади. Нутқдаги маълум бир позицияда турган тил элементларини бошқаси билан алмаштириб содир бўладиган функционал ўзгаришни аниқлаш субституция методининг вазифасига киради.

Субституция методи ёрдамида синоним, антоним ва омоним сўзларни тилларнинг лексик системасида тугган ўрнини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан: эски, қари, кекса сўзлари синонимик қаторни ташкил этади. Бу сўзларнинг маъноларини яқинлик даражасини субституция методи билан текшириб кўриш мумкин.

¹ Бу мисол **Ф. Бопп**нинг «Санскрит тилининг тусланиш системасини грек, славян, латин, форс ва герман тиллари билан қийёсий ўрганиш» асаридан қисқартиб олинди.

қари одам
кекса одам
эски одам

Келтирилган сўз бирикмаларида аниқловчи вази-
фасини ўтаётган синонимларни алмаштириб кўрамиз: 1-
ва 2-бирикма тил нормасига мос келади, учинчиси эса
ғайритабiiий сўз бирикмасидир. Яна бир мисол:

қари кийим
кекса кийим
эски кийим

Бу ўринда 1- ва 2- бирикмалар ўзбек тили учун ода-
тий эмас, учинчиси эса одатий. Шундай қилиб бу си-
нонимлар мутлақ синоним эмас. Чунки улар доим бири
иккинчисини алмаштириб кела олмайди.

Бу метод ҳамма талабларга жавоб бера олиши ту-
файли тилшунослик фанида мустаҳкам ўрин эгаллаган.
Бу метод тилнинг ҳамма қатламларига бирдай хизмат
қила олади.

Дистрибутив метод. Дистрибуция — бу тилдаги бир-
орта элементнинг нутқ жараёнида бошқа элементлар
билан биланга олиш қобилиятидир. Масалан, бирорта
сўз, морфема, фонеманинг бошқа сўз морфема, фонема-
лар билан муносабатга кириша олиши шу элементлар-
нинг **дистрибуцияси** дейилади.

Дистрибуциянинг морфологик, синтактик ва лексик-
семантик турлари мавжуд.

Морфологик дистрибуция деганда бир сўз туркуми-
ни бошқа сўз туркумлари билан муносабатга кириша
олиши тушунилади: сифат от билан, равиш феъл билан,
артикллар от билан ва ҳоказо.

сифат	от	равиш	феъл	артиклъ	от
қизил	байроқ	тез	гапирмсқ	а	rep
қуёшли	Ўзбекистон	баланд	учмоқ	а	book
янги	баёнот	тоза	термоқ	а	table

Лексик-семантик дистрибуция деганда тил элемент-
ларининг маъно нуқтаи назаридан бир-бири билан му-
носабатга кириша олиш қобилиятлари тушунилади.
Лексик-семантик дистрибуция баъзан морфологик дис-
трибуцияга зид келиб қолиши мумкин. Чунки ҳамма
сифатлар ҳам ҳамма отлар билан муносабатга кириша
олмайди. Масалан, **яхши** сўзи **душман**, **ёвуз** сўзи **дўст**
билан маъно жиҳатдан муносабатга кириша олмайди.

Чунки улар маънолари жиҳатдан бир-бири билан бирика олмайди. Лекин **яхши дўст, ёвуз душман** сўз бирикмалари маъно жиҳатдан бир-бирларига мосдир.


Синтактик дистрибуция гап бўлақларининг бир-бирини тақозо қилишидир. Масалан, эга кесим ва аниқловчи билан бевосита муносабатга киришса, кесим эга, тўлдирувчи ва ҳол билан муносабатга киришади.

Маълумки, тил бирликлари шакл ва маъно жиҳатдан иккига ажратилади: ҳам шакли, ҳам маъноси бор бўлган бирликларни 2 планли бирликлар деб юритилади ва фақат шаклга эга бўлган бирликларни эса бир планли бирликлар деб юритилади. Бир планли бирликларга фон ва фонемалар киритилади. Тилнинг қолган бирликлари (морфема, сўзлар ва бошқалар), икки планли бирликлардир. Грамматик ва лексик-семантик дистрибуция икки планли тил бирликларига хосдир.

Демак, фон ва фонемаларнинг дистрибуцияси тўғрисида гап борганда мазкур товушдан олдин ва кейин тура оладиган товушларни аниқлашнинг ўзи кифоя. Икки планга эга бўлган бирликлар тўғрисида гап борганда дистрибуциянинг ҳамма турларини ҳисобга олиш зарур.

Бевосита иштирок этувчиларга ажратиш методи. Бу метод тилнинг икки планли бирликлари бор бўлган ярусларга бирдек хизмат қилади. Бевосита иштирокчиларга ажратиш методи ўз ишини синтактик қатламда бошлаб, морфологик ярусгача давом этади. Бу методга асосан ҳар қандай бутунлик, хусусан, гап ҳоким ва тобелик муносабатида бўлган қисмлардан иборатдир ва улар бевосита бўйсунуш — иерархия — принципига амал қилади. Гап аввал икки иштирокчи қисмга ва сўнгра ҳар бир иштирокчи қисм яна икки иштирокчи қисмларга ажратилади. Бу иш то охириги икки энг кичик маъно англатувчи бирлик аниқлангунча давом этади.

Масалан:





Таҳлилни шу ерда тўхтатса ҳам бўлади. Лозим бўлса, ҳар бир сўзнинг энг кичик маъно англатувчи бирликларини аниқлашда давом этиш мумкин.

Таҳлилдан кўришиб турибдики, бевосита иштирокчиларга ажратиш аналитик методдир; у гапларни майда қисмларга бўлиб ўрғанади. Бу метод ёрдамида таҳлилчи гапларни ташкил этувчи бир-бири билан синтактик равишда боғланган бевосита иштирокчиларни аниқлайди. Гапнинг катта-кичиклигига қараб таҳлил бир неча босқичдан ташкил топган бўлади. Ҳар бир босқичда таҳлилчи сўнги жуфтликни навбатдаги ташкил этувчиларга ажратади. Бу методни яратган олимларнинг тавсиясига кўра гапни биринчи бор иштирокчиларга ажратиш **эга гуруҳи** билан **кесим гуруҳи** ўртасида амалга оширилади. Кейинги бўлинишлар эса, синтактик боғланиш қаерда кучсиз бўлса ўша ердан амалга оширилади. Бундан чиқадиган хулоса шуки гапдаги биринчи бўлиниш ундаги энг кучсиз синтактик боғланиш нуқтасини кўрсатади, охириги бўлиниш эса — синтактик боғланишнинг энг кучли нуқтасидир. Юқорида келтирилган гапимизда кучсиз синтактик боғланиш нуқтаси **олимларимиз** билан **космосни** сўзлари чегарасидир, энг кучлиси эса — **забт** билан **этмоқдалар** сўзлари орасидаги боғланишдир. Демак, бевосита иштирокчиларга ажратиш методининг мақсади гапни ташкил этувчи сўзлар орасидаги синтактик боғланиш даражасини кўрсатишдир.

Бу таҳлил бир неча хил кўринишга эга. Уни дарахтсимон таҳлил қилиш мумкин (юқоридагига ўхшаб) ёки гапдаги иштирокчиларни вертикал чизиқчалар билан ажратиш мумкин. Чизиқчаларнинг сонига қараб, нечанчи босқич иштирокчиси эканини аниқлаш мумкин, масалан:

Бизнинг || олимларимиз | космосни || забт || этмоқдалар.

Тўртбурчаклар ёрдами билан ҳам таҳлил қилиш мумкин:



Трансформацион метод. Бу метод замонавий методлар ичида энг мукаммали ҳисобланади. Чунки у тилдаги синтактик жараёнларни тушунтириш имконига эгадир.

Трансформацион метод таълимотига биноан тилнинг

синтактик тузилиши асосида элементар ядро гаплар ётади. Бу элементлар синтактик структураларнинг ўзгариши янги турдаги мукамалроқ структураларни (синтактик бирикларни: сўз бирикмалари, гапларни) юзага келишига сабаб бўлади. Ҳар бир мураккаб гап бошқа бир элементар (ядро) гапнинг ўзгариши натижасидир. Бу метод гўё тил пайдо бўлган вақтдан бошлаб, тилнинг то ҳозиргача бўлган ривожланиш босқичларини ўз ичига олади. Баъзи олимларнинг фикрича, тилларнинг ривожланиш босқичларини болалар нутқи мисолида кўриш мумкин.

Болалар нутқини ўрганиш шунини кўрсатадики, улар дастлаб айрим товушларни, уларнинг комбинациясини, айрим сўзларни, сўз бирикмаларини ва кейинчалик содда элементар гапларни талаффуз қила бошлайдилар. Шундан сўнг аста-секин боғланган қўшма гапларни (паратаксис), кейинчалик эса, эргашган қўшма гапларни (гипотаксис) ишлата бошлайдилар. Трансформацион таҳлил ана шу жараёни тушунтириш имкониятига эга. Шу сабабли уни **кучли метод** деб юритишади.

Бу метод элементар (ядро) гаплар, трансформацион қоидалар, синтактик парадигмалар каби тушунча ва атамаларни қамраб олади.

Элементар (ядро) гап деганда икки ёки уч сўздан ташкил топган «нарса ва унинг хусусияти» (ранги, ҳажми ва бошқалар), «нарса ва унинг иш-ҳаракати», «нарса ва унинг ҳолати», «нарса ва унинг сони» каби маъноларни англатувчи содда гаплар тушунилади. Масалан: **Эшик очиқ. Қўй ўтлаяпти. Қарим уй қурмоқда** кабилар. Трансформа гаплар деганда маълум трансформацион қоидалар ёрдамида мураккаблаштирилган гаплар тушунилади.

Трансформацион қоидалар деганда элементар (ядро) гапларни турли хилдаги сўз бирикмаларига ёки турли бошқа хилдаги гапларга айлантирадиган тадбирлар тушунилади.

Трансформацион қоидалар уч хил бўлади:

а) элементар (ядро) гапларни сўз бирикмаларига айлантириш; б) элементар (ядро) гапларни бошқа содда гапларга айлантириш; в) икки ва ундан ортиқ элементар (ядро) гапларни битта мураккаб ёки қўшма гапларга айлантириш.

Биринчи қоидага биноан **қуш сайраяпти** деган элементар гапни **қушнинг сайраши ёки сайраётган қуш** каби сўз бирикмасига айлантириш мумкин.

Иккинчи қонда ўз ичига бир нечта майда қондаларни олади. Масалан, сўз қўшиш, сўз тартибини ўзгартириш, сўз тушириб қолдириш, актив формадан пассив формага айлантириш ва бошқалар.

Эшик очиқ эшик очиқ эмас
Эшик очиқ эшик очиқми? каби

Учинчи қондага асосан **Кеч тушди** — **Ёмғир ёғди** деган элементар гаплар қўшма гапга айлантирилиши мумкин. **Кеч тушди ва ёмғир ёғди. Кеч тушгач, ёмғир ёғди** каби.

Трансформацион методга асосан **Биз қушнинг сайрашига маҳлиё бўлиб ўтирар эдик** деган гап уч элементар (ядро) гапдан ташкил топган: **Биз ўтирар эдик, Биз маҳлиё эдик. Қуш сайрар эди.** Биринчи ва иккинчи элементар гаплар компрессия (ихчамлаш) деб аталмиш трансформацион қоида асосида бир-бири билан бириккан. Иккала гапда ҳам умумий эга — **биз** — бўлгани учун улардан бири тушиб қолади. Худди шу тарзда **эдик** тўлиқсиз феълнинг ҳам биттаси тушиб қолади, натижада: **биз маҳлиё ўтирар эдик** гапи пайдо бўлади. Бу гапга сўз қўшиш қондасига асосан **бўлиб** сўзини қўшамиз. **Қуш сайрар эди** гапини юқорида келтирилган трансформацион қоидага асосан сўз бирикмасига айлантирамиз — **қушнинг сайраши**. Шуларни ҳаммасини қўшсак мураккаб содда гап ҳосил бўлади. **Биз қушнинг сайрашига маҳлиё бўлиб ўтирар эдик.**

Рус тилидаги «приглашение писателя» деган сўз бирикмаси икки хил маъно англатади: **кимдир ёзувчини таклиф қилган ёки ёзувчи кимнидир таклиф қилган.** Буни трансформацион метод воситасида қуйидагича изоҳлаш мумкин. Бу сўз бирикмаси асосида иккита бир-биридан фарқланувчи элементар (ядро) гап ётибди.

1. Писатель приглашает кого-то.

2. Кто-то приглашает писателя.

Бу гапларни биринчи трансформацион қоида асосида сўз бирикмаларига айлантириб кўрайлик.

Писатель приглашает → приглашение писателя

Кто-то приглашает писателя → приглашение писателя.

Натижа шуни кўрсатадики, бир-биридан тубдан фарқ қилувчи иккита гап сўз бирикмасига айлантирилганда бир хил натижа берди: **приглашение писателя.** Бу сўз бирикма омонимик сўз бирикмалиги учун унинг маъноси ҳам икки хил.

Трансформацион метод ана шу хусусияти билан бошқа методлардан анча кучлидир.

Статистик таҳлил. Статистик таҳлил тилнинг барча қатламларига бирдек қўлланиши сабабли универсал метод ҳисобланади. Бу метод трансформацион таҳлил каби тушунтириш қобилиятига эга бўлмаса-да, нутқда тил элементлари ва тил ҳодисаларининг ишлатилиш даражасини аниқ кўрсатиб беради. Ҳозирги замон тилшунослиги тил ҳодисаларини фақат сифат томонидан эмас, балки миқдор жиҳатидан ҳам чуқур ўрганишни тақозо этади. Маълумки, миқдор ўзгариши сифат ўзгариши билан узвий боғлиқдир.

Тил ва нутқ ҳодисаларининг ишлатилиш даражаси бир хил эмас. Тил ҳодисаларининг статистик хусусияти луғавий маълумотларга асосланади. Тиллардаги сўз туркуми миқдор жиҳатдан ўрганилганда отлар луғат таркибининг 50—60%, феъл 20—25%, қолган сўз туркумлари тахминан 15—20% ни ташкил этиши аниқланган.

Немис тилидаги отларда род категорияси борлиги маълум. Учта роднинг бу тилдаги нисбати қуйидагича:

- женский роддаги отлар — 45%
- мужской роддаги отлар — 38%
- средний роддаги отлар — 17%

Аввал айтганимиздек, келтирилган миқдор кўрсаткичи уларнинг нутқда ишлатилиш даражасига тўғри келмайди. Маълумки, тилларда энг кичик сўз туркуми артикль ва предлогдир. Бу икки сўз туркуми инглиз, немис, француз тилларида тахминан 20 сўзни ўз ичига олади. Лекин ишлатилиши жуда юқори даражада. Француз олими Гиронинг таъбири билан айтганда бу сўзлар нутқининг тахминан 50% ташкил этар экан.

Статистик метод XX асрда пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда баъзи тиллардаги сўзларнинг нутқда қўлланилиши даражасига кўра тузилган луғатлар (частотные словари) мазкур методнинг самарали натижасидир.

Статистик метод функционал услубларни фарқлашда кўп ишлатилади. Масалан, инглиз тилида мажҳул даража бадий асарларга қараганда илмий асарларда кўпроқ қўлланилади. Нутқда эргашган қўшма гаплар (гипотаксис) боғланган қўшма гаплардан (паратаксис) кўпроқ учрайди ва ҳоказо.

Шундай қилиб статистик таҳлил тил ва нутқ ҳодисаларини оддий санаш, миқ-

орини аниқлаш методи бўлиб, тилнинг абиатини, қонуниятларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маъно компонентларини таҳлил қилиш методи (Дефиницион таҳлил). Кейинги 20—25 йиллар ичида сўзнинг маъно англатиш жиҳатини майда элементар маъно англатувчи бирликларга бўлиб ўрганиш ривожланди. Сўзнинг луғавий маъносини бу тарзда ўрганиш тилшуносликда маъно компонентларини таҳлил қилиш методи омини олди.

Ушбу метод азалдан кўп маъноли сўзларнинг ўзаро маъносини фарқлашда лексикография соҳасида маълум даражада қўлланиб келинган.

Тилшунослар бу методдан 50—60-йилларга келиб интаксисда ҳам фойдалана бошладилар.

Сўзнинг маъноси фарқловчи семалар йиғиндисидан ташкил топади. Сема — сўзнинг энг кичик маъно биригидир.

Масалан:

аёл — одам;	қиз — одам;
аёл жинсига	аёл жинсига таал-
тааллуқли; ёши	луқли; ёши катта
катта.	эмас.

Демак, ушбу методга кўра сўзнинг маъноси дискрет элементар семалар йиғиндисидан (маъновий компонентлар, белгилардан) ташкил топади.

Ҳозирги кунда маъно компоненти методининг икки ўриниши мавжуд:

1. Сўзнинг луғавий мақоласини таҳлил қилиш.

2. Кўп поғонали дефиницион таҳлил — КПДТ (рус тилида МДА — многоступенчатый дефиниционный анализ).

Уларнинг ўзаро фарқи қуйидагича:

1. Сўзнинг асосий маъноси (умумий фарқловчи семалар) ушбу сўзнинг луғавий мақоласида эксплицит, яъни очиқ ва аниқ ифодаланган бўлса, бунда дефиницион таҳлилнинг биринчи туридан фойдаланамиз.

blackhead — a stupid person

Бу ерда **blockhead** сўзининг изоҳи бу сўзнинг инсонга ааллуқли эканлигини (person) (лексемаси — эксплицит изоҳ) а бу инсоннинг ақлан ожиз (stupid) эканлигини кўрсатиб урибди.

2. КПДТ асосан фарқловчи семаларни аниқлашда энг қўлланилади. Агар сўзнинг маъноси луғавий мақо-

ла изоҳида аниқ бўлмаса, яъни имплицит (яширин тарзда ифодаланган бўлса, унда биз кўп поғонали м тоддан фойдаланган ҳолда тил бирлигининг семанти белгиларини аниқлаймиз.

calf — stupid, silly, raw — indecent, morally offensive — unpleasant, disgusting

Ушбу сўзнинг фарқловчи стилистик семаси КПД тазилининг 4 поғонасидагина аниқланади.

Ҳозирги кунда КПД таҳлили фразеологияда ҳам кен қўлланмоқда.

to be on tenterhooks — in a state of discomfort or agony

Бу ерда **state** (ҳолат, аҳвол) сўзи ҳолатни эксплицит рвишда ифода этган. Аммо, to have a bee in one's bonnet фразеологик ибораси ҳолат ёки ҳаракатни англиштишни лғатлардан аниқлаш қийин.

Шунинг учун, ушбу иборанинг луғавий мақоласида асосий компонентни КПДТ ёрдамида таҳлил қилиб чиқ миз. to have a bee in one's bonnet — to be foolish or eve fantastic on some matter imbecile — mentally weak — in state of stupor or lethargy

Ҳолат маъноси бешинчи поғонада аниқланади. У: бек тилида ҳам бундай мисолларни келтириш мумкин

бети шувут бўлди — уятли ҳолатда бўлмоқ (эксплицит ифодаланган). Бироқ **Таъби хира бўлди, кайфият ёмонлашди** — руҳий ҳолат (2 — поғонада аниқланади).

Ҳозирги кунда маъно компонентлари таҳлили ҳа 2 кўринишда таржима назарияси ва практикасида кен қўлланмоқда. Икки тил ўртасидаги сўзларнинг мос келиш-келмаслик ҳолларини ушбу метод ёрдамида ўрганиш катта қулайликлар туғдиради.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Лингвистик таҳлил деганда нимани тушунасиз?
2. Лингвистик таҳлил қандай талабларга жавоб бериши керак?
3. Қандай лингвистик методларни биласиз?
4. Гапларни таҳлил қилиш методининг иш услубини тушунтириб беринг.
- Унинг қандай камчиликлари бор?
5. Қариндош тилларни аниқлаш учун қайси метод

ишлатилади? Бу метод кимлар томонидан яратилган? Тарихий-қийёсий метод ҳозирги замон тилшунослигида ҳам ишлатилиши мумкинми?

6. Тил оиласи ва тил группаси деганда нима тушунаси?

7. Субституция методининг вазифасини тушунтириб беринг. Бу метод тилнинг қайси қатламини таҳлил қилишда кўпроқ фойда келтиради?

8. Дистрибутив метод ўз олдига қандай вазифаларни қўяди?

Морфологик, лексик-семантик ва синтактик дистрибуция нима?

9. Бевосита иштирокчиларга ажратиш методи қайси қатлам бирликлари билан шуғулланади? Бу метод қандай саволга жавоб беради? Иерархия деганда нима тушунаси? Гапдаги бевосита иштирокчилар қандай йўллар билан ажратилади?

10. Нима учун трансформацион метод мукамал деб ҳисобланади? У қандай тушунча ва атамаларни ўз ичига олади? Элементар (ядро) гаплар, трансформаларни тушунтириб беринг. Неча асосий трансформацион қоидаларни биласиз? **Катта байрам концертини тамоша қилдик** гапи неча хил маъно англатади? Буни трансформацион метод асосида тушунтириб беринг.

11. Статистик таҳлил методи қандай масалалар билан шуғулланади? У қайси тил қатламларида ишлатилиши мумкин?

12. Маъно компонентларининг таҳлил қилиш методи бошқа методлардан қайси хусусияти билан фарқ қилади? Сема атамасини тушунтириб беринг. Бу метод тилшуносга қайси тил бирликларини таҳлил қилишда кўпроқ фойда келтиради ва нима учун?

13. Сизнингча қайси метод тил ҳодисаларини ўрганишда кўпроқ фойда келтиради? Юқорида келтирилган методлардан қайси бирини Сиз амалда қийинчиликсиз қўллаш оласиз?

14. Қўйдаги гапларни гап бўлаклари методи ёрдамида таҳлил қилинг.

Улар боғдан чиқиш олдидан бир йигитга дуч келди.
(*Ойбек.*)

У кўм-кўк водийнинг марказидан анча узоқда.
(*И. Раҳим.*)

Манзура катта деразани очиб юборди. (*А. Мухтор.*)

Пахта ишчилар билан деҳқонлар ўртасидаги алоқа-ни мустаҳкамловчи муҳим воситалардандир.

Впервые в мире посадка осуществлена в автоматическом режиме.

Программа испытательного пуска универсальной ракетно-космической транспортной системы использования «Буран» выполнена полностью («Правда»).

Хлопок нового урожая еще не поступил в закрома Родины.

Молодые не верят в эти признаки (*А. Седой*).

В приведенном тексте содержится три, скрытых вопроса (*Л. П. Доблаев*).

Before them stood Linnet and her husband.

She does not look so starved as some of these young women.

Andrew Pennington displayed all the conventional reactions of grief and shock.

His personal possessions were not many. (*A. Christie*)

15. Юқоридаги машқда келтирилган гапларни бево-сита иштирокчилар методи ёрдамида таҳлил қилинг.

16. Қуйидаги синонимларни субституция методи ёр-дамида маъноларнинг яқинлик даражасини аниқланг.

Юз, бет, башара, турқ, ораз, чеҳра.

Уй, том, кулба.

Юрак, дил, қалб.

Осмон, кўк, ҳаво, фалак, само.

Грандиозный громадный, большой, великолепный, ог-ромный, крупный.

Битва, сражение, побой, борьба, бой, драка.

Глаза, очи.

Грустить, печалиться, унывать, тосковать, вешать, нос.

Худой, тощий, костлявый.

Есть, лопать, жрать.

to begin, to start, to commence

soon, instantly, swiftly

calm, quiet, cool

17. Қуйидаги сўзларнинг грамматик ва лексик дис-трибуциясини аниқланг: 1) қуёш, таъзим, пахта, кеч, тун, чақмоқ, диёр;

2) оқ, қизил, мусаффо, сокин, қудратли;

3) чалмоқ, чекмоқ, ёзмоқ, қовжирамоқ.

18. а) Қуйидаги сўз бирикмалари қайси гапларнинг трансформацияси натижаси эканини аниқланг:

очиқ ҳаво, болаларнинг баланд овозда куйлаши;
поезднинг тўхтамаганлиги;
его прыжок, наша жизнь, в гостинице.

б) Қуйидаги гапларни трансформацион метод билан отлашган сўз бирикмаларига айлантинг:

Назаров ташаккур айтди.

Осмонда булут қалинлашди.

Мактаб болалар билан тўлди.

Ёш рассом асарлари виставкаси очилди.

Самолёт произвел посадку.

Я провел три дня в колхозе.

Деревья наряжаются.

Олег усмехнулся.

John plays chess.

She stole a sideways glance at him.

I'll look after you.

I hardly think so.

I have a cabin.

19. Қуйидаги сўзларни маъно компонентларига кўра таҳлил қилинг ҳамда улар орасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқланг: ака-ука, опа-сингил, набира — внук, набира — внучка, кулба — том — уй, хижина — хата — дом.

ФИКР АЛМАШУВ ЭҲТИЁЖИНИНГ ТИЛЛАР ТАРАҚИЁТИГА ТАЪСИРИ

Халқаро савдо-сотиқ ишлари, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланиши миллатлараро умумий тил масаласини долзарблаштиради. Бу масала турли давр, худуд ва табақаларда турлича ҳал қилинган.

Ҳозирги вақтда тилшунослик бундай тилларнинг бир неча турини биледи. Хитой портларида «пижин-инглиш» деган тил порт ходимлари ва бошқа давлатлардан келган кемалар денгизчилари ўртасида алоқа воситаси хизматини ўтамоқда. Бу тил бузиб айтиладиган инглиз тили лексикаси ва хитой грамматикасидан ташкил топган. Масалан, инглиз тилида «*prison*» сўзи «каптар» дегани бўлса «пижин-инглиш» да бу сўз исгалган паррандани англатади. «*Magu*» сўзи инглиз тилида атоқли от, энг кенг тарқалган аёллар исмидир, «пижин-инг-

лиш»да бу сўз билан умуман аёлларни аташади ва ҳоказо.

Ўрта ер денгизи портларида «сабир» тили «халқаро тил» вазифасини ўтайди. Бу тил француз, испан, итальян, грек ва араб тилларининг элементларидан ташкил топган.

Халқаро дипломатияда турли даврда турли тил ишлатилган: Ўрта асрларда шарқ мамлакатларида араб тили, Оврупада эса — латин, ундан кейинги даврларда француз тили катта аҳамиятга эга бўлган. XIX асрнинг биринчи ярмида бу тил ҳаттоки дунё тили даражасига кўтарилган. Буюк Британия империясининг мавқеи ошиши билан, француз тили ўрнини инглиз тили эгаллай бошлади. XX асрда Германияда фан ва техниканинг ривожланиши натижасида немис тили ҳам дунёга тез тарқала бошлади, лекин бу кўпга чўзилмади; Германия империясининг барбод бўлиши билан немис тили ҳам ўзининг аввалги мавқеини йўқотди.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг ташкил этилиши билан халқаро дипломатик тил масаласи ҳам ҳал бўлди. Ҳозирги кунда бешта тил: рус, инглиз, француз, испан ва хитой тиллари халқаро дипломатик тил вазифасини бажаради.

Халқаро тил сифатида латин тили тилшунослик тарихида чуқур из қолдирди. XIX асргача латин тили илм-фан соҳасида Оврупада якка-ю ягона тил сифатида қўлланар, илмий мақола ва докладлар ва ҳатто диссертациялар ана шу тилда ёзилар эди. Илмий адабиётларда латин атамаларининг кўплаб учраши ҳам шуну туфайлидир. Ҳозирги кунда ботаника, зоология, медицина, фармокология фанларида латинча номенклатура халқаро номенклатура вазифасини ўтайди.

Миллатлараро иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларнинг ривожланиши миллий тилларнинг тараққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Маълумки, ҳар бир тил энг аввал ўзининг ички имкониятлари асосида бойийди, ривожланади, янгиланиб боради. Кундалик ҳаёт билан боғлиқ бўлган янги тушунчаларни тилда ифода қилиш учун она тили системасидаги элементлардан мумкин қадар фойдаланиб, янги сўз ва иборалар тузилади. Лекин шун билан бирга миллий тилларнинг бойиши фақат ички ресурслар билан чегараланмай бошқа тиллардан ҳам турли қўшимча, сўз ва ҳаттоки иборалар ўзлаштирилади. Ҳозирги инглиз тилининг аме-

рика вариантыда **flopnik** деган сўз бор. Бу сўз инглиз тилида тахминан 1960 йилларда пайдо бўлган. Унинг тарихи қуйидагича: Совет фанининг фазодаги муваффақиятлари кўпчилик тиллар лексикасини ана шу соҳадаги сўз ва иборалар билан бойитди. Бошқа тиллар қатори инглиз тили ҳам рус тилидан **спутник** сўзини ўзлаштиради. Америка Қўшма Штатлари учирган ернинг сунъий йўлдошлари бир неча бор муваффақиятсизликка учрагандан кейин АҚШ матбуоти уларни **flopnik** деб атади; **to flop** — барбод бўлмоқ, йиқилмоқ маъноларни англатади. Демак, **flopnik** сўзи интернационал сўз; ўзак **flop** — инглизча, сўз ясовчи элементи эса русча -ник. Шундай қилиб бу сўз спутник антоними сифатида ишлатилган.

Бундай мисолларни тилларда кўплаб учратиш мумкин.

Халқаро сунъий тиллар

Юқорида қайд қилинганидек халқаро тил масаласи доимо долзарб бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан азалдан олимлар халқаро алоқа воситаси сифатида сунъий тил яратишга ҳаракат қилишган. Бундай тиллар фақат XIX аср охирида пайдо бўла бошлади.

1880 йилда Германияда «воляпюк» деган тил лойиҳаси эълон қилинди. 1887 йилда эса, Польшада Заменгоф томонидан яратилган «эсперанто» тили пайдо бўлди.

Бу икки тилдан эсперанто кўпчиликка маъқул бўлди. У тез орада турли мамлакатларга тарқалди. Дастлаб бу тил билан марка йиғувчилар (филателистлар), нумезматлар (танга пул йиғувчилар), спортчилар, тижорат аҳли, кейинчалик файласуфлар, филологлар ва ҳаттоки ёзувчилар ҳам қизиқиб қолдилар. Эсперанто тили дарсликлари кўплаб нашр қилина бошланди. Баъзи адабий асарлар бу тилга таржима қилинди, баъзи ёзувчилар эса, бу тилда адабий асарлар ҳам яратишди. Лекин бу асарларнинг бадий қиймати йўқ даражададир, чунки сунъий тиллар табиий тиллардан фарқли ўлароқ стилистик воситалардан ҳолидир. Улар табиий миллий тилларга нисбатан иккиламчи ёрдамчидир. Бу тилда гаплашувчиларнинг сони чегараланган. Булардан ташқари сунъий тилларнинг асосий камчилиги — уларнинг ривожланмаслиги, бу тилни она тил деб ҳисоблай-

диган жамиятнинг йўқлигидир. Агар табиий тиллар табиий равишда эволюция йўли билан доимо ривожланиб турса, сунъий тиллардаги янгиликлар сунъий равишда амалга оширилади. Ана шу сабабларга кўра бу ва бунга ўхшаш бошқа тиллар ҳеч қачон халқаро тил вазифасини ўтай олмайди.

Ҳақиқий халқаро тил бирорта табиий миллий тил асосида пайдо бўлади. Лекин бундай тилнинг пайдо бўлиши учун маълум тарихий шарт-шароит бўлиши лозим. Бундай тил буйруқ йўли билан киритилмай, балки миллатларнинг эркин ихтиёрий хоҳиши, иродаси билан майдонга келади.



Халқаро ва миллатлараро тиллар

Ижтимоий тараққиёт заминида юзага келадиган ва барча халқлар тили учун умумий бўлган муаммолар билан одамлар қадимдан шуғулланиб келганлар. Эҳтимол, муаммо қачонлардир одамлар бир-бирларини тушунмайдиган, қабила-қабила бўлиб яшаган вақтларда фикр алмашиш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлгандир.

Кишилик жамиятининг тараққий этиб бориши, ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва у билан боғлиқ бўлган халқаро алоқа зарурати тобора кескинлаша бошлади. Натижада, жойларда денгиз сигнализация системаси, халқаро телеграф коди, метр системалари ўлчови каби алоқа воситалари пайдо бўлди. Бироқ бу воситалар фақатгина махсус тармоқлардаги кишилар муносабатларини акс эттириш учунгина хизмат қилади ва шунга кўра халқаро воситачи тил вазифасини ўтай олмайди.

Умумий тил муаммоларининг тарихи бой ва ибратлидир. Қадимий ибтидоий халқларда бундай восита вазифасини «имо-ишора тили» ўтган. Қулдорлик жамиятининг ривожланиши ва қудратли «жаҳон империяси»нинг яратилиши билан ғолиблар ўз тилларини зўрлик билан мағлуб халққа мажбуран қабул қилдира бошладилар. Натижада, Рим империясида воситачи тил вазифасини латин тили ўтади. У хўжалик, маданият ва диний ишларда қўлланарди. Алоқа тил вазифасини узоқ вақт Африка, Осиёда араб тили, Марказий Осиё ва Ҳинди Хитой мамлакатларида санскрит бажариб келди. Умумий тил ҳақидаги биринчи кўрсатмалар бизга қадимги

грек файласуфи Платон ва римлик сарой шифокори Клавдий Галленларнинг ишларидан маълум.

Ўрта асрларда тил масалалари бўйича машҳур олимлар ҳам фаол иш олиб борганлар. Масалан: XI асрда араб шайхи Моҳиддин Муҳиддин қабилалараро тил лойиҳасини ишлаб чиқди.

Кейинроқ эса халқаро тил муносабатлари учун ёзма белгилар системасини каталониялик файласуф Раймонд Луллий тузиб чиқди. Худди шу масала устида файласуф ва маърифатчилар, ёзувчи ва шоирлар, олимлар Хуан Луис Вивас, Теофил Фоленго, Томас Мор, Шарл Фурье, Анри Сен Симон, Т. Кампанелла, Я. Каменский, Ф. Бэкон, Р. Декарт, Лейбниц, Ньютон, Паскаль, Ампер ва бошқалар шуғулланган. Уларнинг бари умумий тил ғояларининг тарафдорларигина бўлиб қолмасдан, балки унинг тузилиш принципларини, лойиҳаларини ишлаб чиққанлар.

Халқаро тил масаласи ҳозирги кунда ҳам долзарбдир. Бунинг исботи сифатида қуйидаги далилларни келтириш мумкин.

Бу масала бўйича ЮНЕСКОда бир неча марта мунозаралар ўтказилиб, халқаро тил масаласи юзасидан маърузалар тингланди. 1952 йилда бу масала бўйича тегишли ҳужжат қабул қилинди:

— Эсперантистлар 1954 йилда БМТга мурожаат қилиб эсперантони халқаро тил сифатида тасдиқлашни сўрашди. Бу мурожаатга 78 мамлакатдан 16,5 млн. киши имзо чекди;

— Ушбу масала махсус ва умумий халқаро тилшунослик конгрессларида бир неча марта муҳокама қилинди.

Мазкур масала кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматларида ҳамда Фанлар Академиясида ҳам катта қизиқиш уйғотди. 1924 йилда АҚШда Халқаро тилнинг махсус уюшмаси International Auxiliary Language Association ташкил этилди.

Эдуард Сепир, Отто Есперсен ва Андре Мартинелар бу жамиятнинг ишида фаол иштирок этдилар. Скандинавия мамлакатларида 1965 йилда халқаро тил масалаларини ўрганиш бўйича илмий комитет сайланди.

XX асрнинг бошларига келиб, халқаро тил ҳаракати янада фаоллашди.

О. Есперсеннинг ўзи бу масалага оид 60 дан ортиқ мақола ва ўз лойиҳасини эълон қилди.

50-чи йилларнинг охирида Фанлар академияси қо-

шидаги Тилшунослик Институтида халқаро тил мавзуйга бағишланган бир неча музокаралар бўлиб ўтди.

Интерлингвистик изланишлар тарихида халқаро тилнинг юзлаб лойиҳалари вужудга келди. Бу лойиҳаларни белгилари ва мезонларига кўра гуруҳлаш мумкин. Масалан: рус тилшуноси Эрнест Дрезен инсон тафаккурининг умумий тил яратишдаги барча изланишлари ва босиб ўтиши мумкин бўлган йўللарни кўрсатиб, лойиҳаларни 6 турга:

фалсафий лойиҳа, универсал ҳарфлар лойиҳаси; табиий тиллардан бирининг халқаро тил сифатида қўллаш лойиҳаси; аралаш тиллар системасининг лойиҳаси; ёрдамчи тилларнинг лойиҳасини табиий тирик ва ўлик тилларнинг ўзгартирилиши ва соддалаштирилиши базасида яратилиши; «апостериор» лойиҳалар: интернационал элементлар асосида замонавий тиллар тузишга ажратади.

Умумий тил ғоясининг қисқача таърифи ана шулардан иборат. Бу муаммо билан махсус илмий фан интерлингвистика шуғулланади.

Қуйида интерлингвистиканинг ривожланиш истиқболларига назар ташлаймиз.

Халқаро ва миллатлараро тилларнинг вужудга келиши

Тилшунослик фанида тилларнинг сони ҳақидаги рақамлар (2,5 мингдан то 5,5 минггача) нисбийдир. Чунки ҳозиргача тил ва диалект, шевалар орасидаги фарқ умумий тилшунослик нуқтаи назаридан узил-кесил ҳал этилмаган, аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган. Ер шарининг баъзи нуқталарида тил ва диалектлар шунчалик кўп ва шунчалик аралашиб кетганки, у ерда неча тил ва неча диалект борлигини ҳеч ким аниқ айта олмайди. Бундай ерларни тилшуносликда баъзан, «лингвистик чангалзор» деб ҳам юритишади.

Масалан Кавказ, Доғистон кўп тилли ўлка ҳисобланади. Жумладан, Доғистонда 40 тилда сўзлашадилар. Оврупо халқлари 120 тилда сўзлашади. Ҳиндистонда 15000 тил ва диалектлар мавжуд. Индонезия ҳам кўп тилли мамлакат бўлиб, мамлакат шарқ қисмининг ўзида 200 дан ортиқ тил бор. Африка ҳам булардан қолишмайди. Нигерияда 400 га яқин. Кенияда 100 га яқин, Ганада 50 дан ортиқ тил мавжуд. 1000 дан ортиқ

тилга эга бўлган Янги Гвинея «лингвистик чангалзори» бу борада ўзинга хос ўринни эгаллайди.

Кўриниб турибдики, мавжуд тилларнинг мавқеи бир хил эмас. Баъзи тиллар кичик этник гуруҳга хизмат қилса, бошқалари эса мазкур тилни она тили деб билган миллатлар чегарасидан чиқиб, бошқа миллатлар ўртасида ҳам алоқа воситаси хизматини бажаради. Халқлар ўртасидаги доимий алоқа умумий тил заруратини келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан биридир. Бу айниқса кўп миллатли давлатларда кўзга яққол ташланади. Масалан: ёқут тили эвенклар ўртасида, ава тили Доғистонда регионал алоқа тили сифатида хизмат қилади. Осиё ва Африка мамлакатларида эса араб, ҳинд, суахили тиллари миллатлараро тил вазифасини ўтайди.

Тиллар ичида ўзининг хилма-хиллиги ва кенг тарқалганлиги билан ажралиб турадиган ва ҳар бирида камида 10 млн. дан ортиқроқ аҳоли гаплашадиган тиллар 50 га яқин. (Биринчи жадвалга қаранг.) Ушбу гуруҳдаги 12 тил айниқса кенг тарқалган замонавий тиллардан ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирида 100 млн. дан ортиқ киши сўзлашади. Бу 12 тил 3 милларддан ортиқ, яъни дунёнинг 62% аҳолисига хизмат кўрсатади,

Кўп тарқалган замонавий тиллар

1-жадвал

№ №	Тиллар	Сўзлашувчилар сони (млн)	% ҳисобида
1.	Хитой тили	965	19,71
2.	Инглиз тили	391	7,99
3.	Рус тили	270	5,52
4.	Испан	251	5,13
5.	Ҳинд	245	5,0
6.	Араб	151	3,09
7.	Бенг ал	148	3,02
8.	Португал	148	3,02
9.	Индонезия	140	2,88
10.	Немис	120	2,45
11.	Француз	120	2,45
12.	Япон	120	2,45
Ҳаммаси бўлиб		3069	яъни 62,3

Эслатма: Қолган тилларда гаплашувчилар 1826 миллион кишини, аҳолининг 37,3% ташкил этади.

Миллатлараро тил билан бирга кенг диапазонли ва

кенг қўлланиладиган тиллар ҳам вужудга кела бошлайди. Бундай тиллар халқаро тил ёки жаҳон тили деб аталади.

Жаҳон тили сўнгги асрнинг ривожланишига хос бўлган иқтисодий, сиёсий, маданий, миллий ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келди. XVII—XVIII асрларда испан, француз ва немис тиллари халқаро миқёсда кенг тарғиб этилди, XIX асрда инглиз тили, XX асрда эса рус тили катта қизиқиш уйғотди. Ф. Энгельс таъбири билан айтганда, рус тили XIX асрнинг охиридан нафақат ўзига-ўзи, балки ўзи тарғиб этаётган адабиёт учун ҳам хизмат қилди ва қизиқиш уйғотди.

Ҳозирги вақтда қўйидаги 6 тил расмий жаҳон тиллари ҳисобланади: хитой, инглиз, рус, испан, араб ва француз тиллари. Бу тиллар 2 миллиарддан ошиқроқ кишиларга ер аҳолисининг қарийб 44% га хизмат қилади ва халқаро ташкилотлар ишларида кенг қўлланилади.

Жаҳон тиллари

2-жадвал

№№	Тиллар	Сўзлашувчилар сони (млн. киши)	% ҳисобида
1.	Хитой тили	965	19,71
2.	Инглиз тили	391	7,99
3.	Рус тили	270	5,52
4.	Испан тили	251	5,13
5.	Араб тили	151	3,09
6.	Француз тили	120	2,45
	Қолган тилларда	2,747	56,11

Халқаро ташкилотлар тили

Ҳозирги пайтда кундан-кунга сони кўпайиб бораётган халқаро учрашувларнинг аҳамияти ниҳоят даражада ўсиб бормоқда. Илгариги даврларда бундай учрашувлар учун биргина тил кифоя эди. Ҳозирда халқаро ташкилотларнинг сони ҳам, у ерда қўлланиладиган тиллар миқдори ҳам ошиб бормоқда.

1860 йилда дунёда атиги 8 та халқаро ташкилот бўлган бўлса, 1977 йилда уларнинг сони 1800 тага етди, шулардан 1000 га яқини бутун дунё ташкилотлари бўлиб, улар давлатлар ва ҳукуматларнинг асосий қисмла-

Йирик Оврупа конгрессларида қўлланилган тиллар

3-жадвал

Йил	Конференция	Қўлланилган тиллар
1648 1815 1919	Вестфаль конференцияси Вена тинчлик конгресси Версаль тинчлик конференцияси	латин тили француз тили
1946	Париж конференцияси	француз, инглиз тиллари француз; инглиз, рус тиллари
1975	Хельсинки конференцияси	француз, инглиз, рус, немис, испан, итальян тиллари

рини бирлаштиради. Бу ташкилотлар ўзларининг иш фаолиятларида 40 дан ошиқ тилдан фойдаланадилар.

Халқаро ташкилотлар обрўи ўсиб бориши билан расмий тилларнинг сони ҳам ўсиб бормоқда. Тиллар сонининг ўсиб боришига мисол қилиб ҳозирги вақтда 159 та мамлакат аъзоларини ўз ичига олган Бирлашган

Миллатлар иттифоқи ва БМТ тиллари

4-жадвал

Ташкилотлар	Йил	Расмий тиллар	Қўлланилган тиллар
Миллатлар Иттифоқи БМТ	1919	инглиз, француз	инглиз, француз
	1945	инглиз, француз, рус испан, хитой	инглиз, француз
БМТ	1948	инглиз, француз, рус, испан, хитой	инглиз, француз, испан
БМТ	1968	инглиз, француз, рус, испан, хитой	инглиз, француз, испан, рус
БМТ	1973	инглиз, француз, рус, испан, хитой, араб	инглиз, француз, испан, рус, хитой, араб тиллари
БМТ	1974	инглиз, француз, рус, испан, хитой, араб, немис тиллари	инглиз, француз, испан, рус, хитой, араб тиллари

Миллатлар Ташкилотини кўрсатса бўлади. Худди шундай ҳолни бошқа халқаро ташкилотларда ҳам кўриш мумкин.

Халқаро тил муаммоси фанга тааллуқлидир. Фан олдида тез-тез кўтарилиб турадиган бундай масалалар фақат бутун дунё олимларининг ҳамкорлигида ҳал қилиниши мумкин.

Кўпчилик олимлар барча илмий адабиётларни она тилида нашр этилиши муносабати билан бутун дунё илмий адабиётларини қузатиб бориш учун асосий Оврупо тилларини билишнинг ўзи кифоя қилмайди деб, асосли равишда таъкидламоқдалар. Кейинги пайтда инглиз, француз, немис тилларида нашр этилаётган илмий ишларнинг португал, итальян, хитой, голланд, ҳинд, араб, суахили, япон тиллари ролининг ўсиши ҳисобига камайиб бориши қузатилмоқда.

Кўп тиллилик муаммоларини ҳал этиш йўллари

Ўз вақтида халқаро тил сифатида Оврупода кенг тарқалган инглиз, француз, немис тиллари таклиф этилганлигини айтиб ўтган эдик.

Француз тилини халқаро тил бўла олишлиги масаласи бўйича анча-мунча илмий ишлар қилинди, лекин бу ишларнинг барчаси ўтмиш билан боғлиқдир. Тўғри, ўз даврида француз тили расмий дипломатик тил вазифасини ўтаган. XIX аср бошида, Наполеон даврида, у жаҳон тили вазифасига асосий даъвогар эди.

Кейинчалик эса Британия империясининг пайдо бўлиши билан инглиз тили асосий даъвогар бўлиб қолди.

40-йилларга келиб тилшуносликка оид баъзи асарларда инглиз тилининг ўзига хос маданий хусусияти ҳақида кўплаб гапирила бошланди. Англия Вазирлар маҳкамасида махсус бюро мавжуд бўлиб, унинг асосий вазифаси инглиз тилини халқаро жаҳон тилига айлантиришни тарғиб қилиш бўлган.

Кўпчилик олимларнинг фикрича халқаро тил вазифасига таклиф этилган миллий тил қўйидаги сабабларга кўра бу вазифани бажара олмайди: биринчидан, халқаро тил вазифасини бажарувчи тил мамлакати кўп имтиёзларга эга бўлади;

— иккинчидан, ушбу мамлакат ўз ғояларини кўпроқ тарғиб қилиш имкониятига эга бўлади ва бу эса ўз навбатида, унинг сиёсий жиҳатдан катта устунликка эга

бўлишини таъминлайди. Табиийки, ҳамма мамлакатлар ҳам бундай имтиёзли ҳуқуқларни бошқа мамлакатларга бериб қўйишга рози бўлишмайди.

Бундай фикрлар асоссиз эмас. Бунда миллий тилларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципи бузилади. Икки тил: етарли деган фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, инглиз тилини француз тили билан, инглиз тилини испан тили билан ёки рус тилини инглиз тили билан бириктириш таклиф этилади. Билингвизм назарияси, айниқса, Ғарбий Оврупо мамлакатларида кенг тарғиб қилинди. Бироқ билингвизмнинг муваффақиятига ишониб бўлмайди, чунки у миллий тилларнинг ривожланишига халақит беради, шунинг учун ҳам у қаршиликка учради. Ҳеч қачон халқаро тил бўлмаган латин тили хусусида тўхталиб ўтиш мумкин. Бунда айниқса унинг сиёсий бетарафлиги эътиборга лойиқдир. Бироқ латин тилини ҳозирги замон талабларига мослаштириш ва ўрганиш анчагина мушкулдир. Латин тилини ўрганишни осонлаштириш (содалаштириш) мақсадида уни туб ўзгартириш борасида кўп ҳаракатлар қилинди. Улар орасида итальян математиги Джузеппе Планонинг *Latino Sine Flexione* системаси жуда машҳур бўлишига қарамай, у ўз моҳияти жиҳатдан сунъий тил тоифасига киради.

Халқаро тилга талаб

Бу муаммони ҳар хил йўллар билан ҳал қилишга ҳаракат қилинди, лекин уларнинг ҳаммаси бир умумий фикрни яъни сунъий тил яратиш фикрини олдинга сурди. Шундай экан, қабул қилинажак сунъий тил қандай афзалликларга эга бўлиши керак? Аввало у сиёсий жиҳатдан бетараф бўлиши, иккинчидан, у ниҳоят даражада бой ва шу билан бирга, амалий жиҳатдан ўта содда бўлиши керак.

Сунъий халқаро тил системаси мантиқий ва пухта ўйлаб қилинганлигига қараб, инсоният учун ёрдамчи тил бўлади.

Сунъий тилни табиий тил билан солиштириб бўлмайди, чунки бу 2 хил тушунчалардир. Кўпинча ўз табиати билан сунъий бўлганлиги учун сунъий тил қаттиқ танқидга учрайди, бу тил табиий тилга хос фазилатларга эга эмас ва шунга кўра у яшаш қобилиятига эга бўлмайди.

Тил — бу маданий-тарихий ҳодиса сифатида маълум шарт-шароитлар заминида пайдо бўлади. Мавжуд тилларнинг ҳаммаси маълум даражада ясамадир (сунъийдир). Сунъий ва табиий тилнинг фарқи шундан иборатки, уларда тилнинг ривожланишига онгли равишда таъсир этиш даражаси бир хил эмас. Бокарев Е. А. сунъий тилнинг 4 турини белгилаб берди:

- 1) а priori тиллари (ро, глобако, унилингва);
- 2) соддалаштирилган миллий тиллар (Basic English, Latino, sine Flexione);
- 3) натурал тиллар (окциденталь, интерлингва);
- 4) автоном, соф сунъий тиллар (эсперанто, идо, нео).

Эсперанто

Кўп сонли халқаро сунъий тиллар лойиҳаларидан фақат 1887 йил ташкил топган эсперанто ҳозирги кунда кенг тарқалган.

Ҳозирги вақтда эсперанто дунёдаги юздан ортиқ мамлакатларга тарқалган бўлиб, ундан фан ва техникада, туризм ва тинчлик учун кураш мақсадларида фойдаланилмоқда. 80 дан ортиқ миллий уюшмаларни ўз ичига олган умум эсперанто уюшмаси (УЭУ) ҳар йили жаҳон конгрессини ўтказиб туради. (Биринчи конгресс 1905 йилда бўлиб ўтди.) Эсперантистларнинг турли махсус ташкилотлари мавжуд: ёшлар ташкилоти, ёзувчилар, таржимонлар, автомобилчилар, медиклар, химиклар, филологлар, математиклар ва бошқалар, 40 дан ортиқ дунё радиостанциялари эсперанто тилида эшиттиришлар олиб боради. Бу тилда 120 дан ортиқ газета ва журналлар, таржима асарлари ва оригинал бадиний асарлар нашр этилади. Илмий ишлар ва диссертациялар ёзилади. Эсперанто 8 та халқаро ташкилотнинг ишчи тили ҳисобланади.

Эсперантонинг кенг тарқалиши натижасида унда орфоэпик вариантлар, лексик ва сўз ясалиш синонимияси пайдо бўлиб, тилнинг диалектик бўлинишлари кузатилмоқда.

Эсперантога турли хил ёндашиш мумкин. Унга қайси томонидан ёндашилмасин, у йиллар давомида олиб борган оммавий лингвистик тажриба сифатида катта назарий қизиқиш уйғотади.

Шундай қилиб, халқаро тил масаласи кўп олимлар томонидан ўрганилмоқда. Улар бир-бирларига зид фикрлар баён қиладилар. Баъзиларнинг фикрича эсперанто келажакда инсониятнинг ягона тили бўлиб, у албатта миллий тиллардан бири бўлиб қолади. Бошқаларнинг фикрича, бундай тил фақат ўзига миллий тилнинг энг яхши хусусиятларини сингдира олган сунъий тил бўлиши керак.

Таниқли рус тилшуноси А. А. Реформатский сунъий тилларнинг баъзи томонларини танқид қилиб шундай дейди: «Ҳақиқий халқаро тил янги миллий тилнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган тарихий реал миллий тилларнинг асосида ташкил топиши мумкин»¹.

Худди шу фикр Қ. Х. Хоназаров томонидан ўз тасдиғини топади. «Эҳтимол, инсониятнинг ягона жаҳон тили озми-кўпми ривожланган миллатлараро тилларнинг заминида вужудга келса керак». Муҳими, умумий тилнинг давомли, босқичма-босқич яратилишини тан олишдир.

Қ. Х. Хоназаров фикрича, бу жараён ўз ичига тўрт босқични олади:

1. Октябрь инқилобидан кейин тилларнинг ҳар тарафлама ривожланиши.

2. Миллатлараро тилларнинг ихтиёрий равишда ажралиб, чиқиши, шу жумладан, асосий миллатлараро алоқа тилини ҳам.

3. Миллатлараро тилнинг секин-аста асосий алоқа воситаси бўлиши «Она» тилга айлантириш.

4. Миллатлараро мукамал етилган тилларнинг бирини ягона жаҳон тилига айлантириш.

Олимларнинг бошқа бир гурӯҳи эса, бўлажак умумий тил фақат онгли равишдагина яратилган ва миллий тил ҳисобига бойитилган бўлиши керак, деб фараз қиладилар.

«Вақти келиб одамлар ниҳоятда мукамаллашган сунъий тилни яратишлари ва ўзларига хизмат қилиб келган табиий тилни инкор қилишлари эҳтимолдан ҳоли эмас» деб ёзади В. Г. Костомаров.

Яна шундай олимлар ҳам борки, улар тарих йўналишини олдиндан аниқлай олмай, умумий тил муаммо-

¹ А. А. Реформатский. Введение в языковедение. Москва, 1976 г. 524-бет.

«сини ечишда табиий тил ва сунъий тилдан фойдаланиш мумкин деган фикрни олға сурадилар.

С. Т. Калтакчян таъбирича «бундан кейинги интернационаллашган ҳаёт вақти келиб, шу куннинг эҳтиёжи бўлган жаҳон тилини ўзи ишлаб чиқади».

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Миллатлараро ва халқаро тиллар деганда нима тушунилади?

2. Кишилиқ фаолиятининг тараққиёти жараёнида миллатлараро тил масаласи қандай ҳал қилинган?

3. Халқаро тил яратилишига оид қандай лойиҳалар мавжуд?

4. «Лингвистик чангалзор» нимани назарда тутади?

5. Дунёда энг кўп тарқалган тилларни қайд этинг.

6. БМТ да қабул қилинган расмий тиллар нечта ва улар қайсилар?

7. Кўп тиллиқ муаммоси қандай йўллар билан ечиши мумкин?

8. Сунъий тилларнинг неча турини биласиз?

9. Эсперантонинг шу кундаги мавқеини гапириб беринг.

10. Қуйидаги жавоблардан тўғрисиини танланг:

а) Ҳар қандай тил миллатлараро алоқа тили бўлиши мумкин.

Фақат иқтисодий, маданий ва миллий жиҳатдан ривожланган миллат тилигина миллатлараро алоқа тили вазифасини ўташи мумкин.

б) Келажакда фақат сунъий тил жаҳон тили бўлади.

Келажакда жаҳон тили ролини бирорта миллий тил ҳам бажариши мумкин.

в) Фан ва техника тараққиётини кузатиб бориш учун битта ҳорижий тилни билиш кифоя.

Фан ва техника тараққиётини кузатиб бориш учун кўп ҳорижий тилларни билиш зарур.

г) Бирорта миллий тил жаҳон тилига айланиб қолса, бу тилга мансуб миллат бир қанча имтиёзларга эга бўлади.

Бирорта миллий тил жаҳон тилига айланиб қолса, бу тилга мансуб миллат ҳеч қандай имтиёзга эга бўлмайди.

ЁЗУВ

ЁЗУВНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Тил дастлабки қарашда барқарор, ўзгармас фонетик, лексик ва грамматик системани ташкил этади. Масалан, бизга фикр алмашиш қуроли бўлиб хизмат қилаётган ўзбек тили, боболаримизга ҳам, ота-оналаримизга ҳам бирдай хизмат қилиб келган. Бобо ва набира ўзаро гаплашаётганларида на биринчи ва на кейинги авлод тил нуқтаи назаридан ҳеч қандай қийинчилик сезмайди. Улар доимо бир-бирларини тушунишади. Лекин шу билан бирга, тил қотиб қолган нарса эмас. Тилга чуқурроқ ёндашилса, бунга ишонч ҳосил қилинади. Тил ҳар кун, ҳар дақиқа ўзгарувчан ҳодисадир. Тилдаги содир бўлаётган ўзгаришлар шундай секинлик билан бўладики, буни бир авлоднинг яшаш даврида ажратиб олиш ва уни қайд қилиш одатда амри маҳолдир. Уч-тўрт авлоддан кейин эса, тилнинг лексик, грамматик қатламларидаги силжишлар кўзга ташлана бошлайди. Бундай силжишларни биз бир нарса туфайли у ҳам бўлса, ёзув орқали билиб олишимиз мумкин (гап ёзув пайдо бўлгандан сўнгги давр ҳақида боради). Агар ёзув бўлмаса, тил эволюцияси тўғрисида бизда ҳеч қандай тасаввур бўлмаслиги мумкин эди. Фақат ёзув борлиги учунгина, биз тилнинг тарихий тараққиётини кузатиш шарафига муяссар бўламиз: бу ривожланишни қайд қиламиз, олдинги авлодларимиз тилни ўрганиб, уни ҳозирги даврдаги тил билан қиёслаймиз. Тилнинг ривожланиш йўлини ўрганамиз, тилга кириб келаётган янгиликларни ва уларнинг сабабини аниқлаймиз.

Ўқиш ва ёзув ҳозирги вақтда шунчалик одат тусига кириб қолганки, гўё улар бир умр тил билан бирга боғлиқ бўлгандек кўринади. Аслида ёзувнинг пайдо бўлганига кўп вақт бўлгани йўқ. Баъзи тилларнинг ҳанузгача ёзуви йўқ. Америка қитъаси маҳаллий аҳолисининг кўпчилиги тилларини бунга мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Инқилобгача Россияда яшовчи кам сонли миллатларнинг ўз ёзувлари йўқ эди. Уларнинг ёзувига асризмнинг 20—30-йилларида асос солинди.

Ёзувнинг пайдо бўлиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди, у маданият ва тилнинг тараққиётига ижобий ҳисса қўшди. Ёзув воқеа ва ҳодисаларни абадийлашти-

риш ҳамда воқеа ва ҳодисаларни (ахборотни) узоқ масофага етказиш имконини берди.

Пиктографик ёзув

Кўпчилик олимларнинг фикрича, ҳар қандай ёзувнинг асосида мусаввирлик ётади. Атроф-теваракдаги нарсаларни суратда акс эттириш ҳамма халқларга хосдир. Шунинг учун ҳозирги замон ёзуви бўлмаган пайтда одамлар баъзи ҳодиса ва воқеаларни узоқ масофага етказиш ниятида ёки замонда абадийлаштиришни, жонли ва жонсиз нарсаларнинг расмини чизиш йўли билан амалга оширишган. Бундай ёзув **пиктографик ёзув** деб ном олган. Бу атама икки сўздан иборат бўлиб, биринчи ярми латинча **pictus** (чизилган) ва иккинчи ярми грекча **grapho** (ёзаман) деган маъноларни англатади. Бу ёзувнинг бирликларини **пиктограммалар** деб аташади. АҚШнинг таниқли олими Л. Блумфильд бу ёзувга мисол тариқасида қуйидагиларни келтиради: Американинг маҳаллий оджибва қабиласининг бир аъзосида дарахтнинг узун пўстлоғи бўлган. Пўстлоқда бир қанча шакллар чизилган бўлиб (тулки, бойўғли ва бошқалар), у айтиладиган муқаддас қўшиқ тартибини кўрсатар эди. Яна бир мисол: мандан қабиласининг бир аъзоси савдогарга икки бир-бирини кесиб ўтган чизиқ ва бу кесмаларнинг бир томонига бир милтиқ билан қундуз ва унинг ўттизта параллел чизиқчаларни, иккинчи томонда эса, савсар, сувсар ва қўтоснинг сурати чизилган мактубни юборган. Бу хатнинг маъноси қуйидагича бўлган: «Мен савсар, сувсар ва қўтос мўйналарини бир милтиқ ва ўттизта қундузнинг терисига алмаштиришга розиман».

Ёзувнинг бу тури мукамал бўлмай, у биринчидан, расмлар орасидаги муносабатларни, уларнинг тартибини кўрсата олмайди ва бунинг натижасида бир мактубни бир неча хил ўқишга, талқин қилишга йўл қўяди, иккинчидан мавҳум тушунчаларни акс эттириш имкони йўқ даражададир.

Логографик, иероглифик ва михсимон ёзув

Тушунчалар мавҳум тафаккурнинг ривожланиши натижасида пиктографик ёзув аста-секин мукамаллашиб

борди ва натижада **идеографик** (грекча **idea** тушунча ва **grapho** ёзаман деган сўзлардан ташкил топган) ёзув пайдо бўлди.

Баъзи олимлар ёзувнинг бу турини **логографик** (грекча **logos** сўз ва **grapho** ёзаман деган сўзлардан ташкил топган) ёзув деб аташади, чунки бундай ёзувда ундаги символлар фақат бизни ўраб турган муҳитдаги нарсаларни акс эттирмай, тилдаги сўзларни ҳам акс эттиради. Тилдаги ҳар бир сўз ўз символикага эга бўлади. Идеографик (логографик) ёзувнинг бирлигини идеограмма (логограмма) деб юритишади. Масалан, **кўл тез кунда қуриб қолди**, дейдиган бўлсак, бу гапда ташқи дунёдаги бир предмет тўғрисида гап бораётир. Идеография нуқтаи назаридан бу ерда бир символ бор, лекин гап беш символдан ташкил топган. Маълумки, тилдаги ҳамма сўзлар ташқи дунёдаги нарсаларга мос келмайди.

Логограмманинг пиктограммадан фарқи шундаки, пиктограмма бевосита предметни акс эттиради, логограмма эса, сўзнинг маъносини изоҳлайди. Демак логограмма бевосита предмет шакли бўлмай, у сўз маъносини акс эттирувчи шартли белгидир.

Бу ёзувдаги қийинчиликлардан бири, маъносини шакллар билан акс эттириш қийин бўлган логограммаларни ишлаб чиқишдир. Қадимги араблар «юз минг» сонини **итбалиқнинг** шакли орқали изоҳлашган. Хитойликлар эса, «яхши» сўзини **аёл киши** билан бола символли орқали кўрсатишган.

Логографик ёзувнинг пиктографик ёзувдан афзаллиги қуйидагилардан иборат:

а) логографик ёзув хабар қилиниши лозим бўлган текстини анча муфассал акс эттира олади;

б) пиктографик ёзувда сўз тартиби, сўз формалари ноаниқ бўлса, логографик ёзувда бу масалалар умуман ҳал қилинган;

в) пиктографик ёзув субъективликка, ихтиёрликка йўл қўйса, логографик ёзув барқарор логограммалардан ташкил топган.

Логографик ёзувнинг бироз мукаммаллашган формаси **иероглифик** ёзув деб ном олган. Иероглиф сўзи грекча **hieroglyphoi** сўзидан олинган бўлиб, у «муқаддас ёзув» демакдир. Иероглифларда оз бўлса ҳам, ифодаланувчи нарса билан боғланган бирор хусусият сақланиб тура-

ди. Бу ёзув қадимги Арабистонга, ҳозирги Хитойга хосдир.

Агар логографик ёзувда баъзи мавҳум тушунчаларни ифодалаш қийин бўлган бўлса, энди иероглифик ёзувда бу масала ҳам узил-кесил ҳал бўлди. Бу ёзувда алфавит тушунчаси ҳам пайдо бўла бошлайди. Чунки иероглифик ёзув асосида ёзилган текстни ўқиш учун бир қанча мавҳум тушунчаларни англатувчи белгиларни ва кўп миқдорда иероглифларни билишга тўғри келади.

Маълум шакллар маълум нарсаларга боғланиб қолгандан кейин, улар **ёзув шакллари** деб аталади. Ёзув шакллари барқарор ва доимий шакл бўлиб, у ҳамма вақт кишилар томонидан бир хил қабул қилинади ва маълум шароитларда бошқаларга тегишли маълумотларни етказиш мақсадида қўлланилади. Кишилар бу шаклларни яхши ўзлаштириб олганларидан сўнг бу шакллар билан улар ифодалаётган нарсалар орасидаги ўхшашлик катта аҳамиятга эга бўлмай қолади. Тез ёзиш ва кўпроқ маълумот етказиш мақсадида одамлар шаклларнинг баъзи иккинчи даражали элементларини тушуриб қолдирадилар ва натижада бу шакллар билан улар ифодалаётган нарсалар орасидаги ўхшашлик камайиб, охир натижада у йўқ бўлиб кетиши мумкин. Бундай ўзгаришлар ёзувни қандай материалга ёзилаётганига ва қандай ёзув қуроли ишлатилаётганига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Қадимги Месопотамияда қўлланилган миҳҳат ана шундай ўзгаришларни ўз бошидан кечирган логографик ёзувнинг бир кўринишидир. Бу шакллар турли комбинациядаги узун ва қисқа миҳсимон чизиқлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг асосида пиктограммалар ва логограммалар ётган бўлиши аниқдир. Мазкур ёзувларнинг шу даражада ўзгариб кетишига сабаб, уларнинг лойга ёзилган бўлишидир.

Юқорида келтирилган ёзувларнинг ҳамма тури ўқиш ва ўқитиш ишларини анча мушкуллаштиради. Ёзувни оммавийлаштириш учун, уни албатта осонлаштириш, соддалаштириш керак эди. Бундай заруриятнинг туғилишига яна бошқа объектив сабаблар ҳам бор эди: савдо-сотиқнинг ривожланиши ва давлатларнинг барпо бўлиши ҳам юқорида зикр этилган жараёни тезлаштиришга сабаб бўлди. Ёзувнинг соддалашиш жараёни бир неча йўллар билан амалга оша бошлади.

1. Лексик элементларнинг сонини янги шакллар билан кўпайтириш ўрнига, янги тушунчаларни мавжуд

логограммалар ёки иероглифлар комбинацияси орқали ифодалашдир. Бу йўл билан хитой ёзуви ривожлана бошлади. Масалан, «кўз ёши»ни ифодалаш учун «кўз» ва «сув»нинг комбинациясидан, «асирлик»ни кўрсатиш учун «оёқ» ва «доира» ёки «айлана» комбинациясидан фойдаланиш керак эди. Логографик алфавитни бу йўл билан соддалаштириш ва қисқартириш унумсиз эди.

2. Логографик ёзувни соддалаштиришнинг иккинчи йўли — сўзларнинг грамматик формаларига тааллуқли-лигидир. Масалан, логограммаларни ўзак сифатида қолдириб, грамматик маънолар учун янги логограммаларни ўзак логограммалар маъносига қараб қўшиш. Бундай усул тилнинг грамматикаси учун бирмунча силжиш бўлса ҳам, тилдаги лексик birlikларни, яъни сўзларнинг сонини қисқартиришга хизмат қилмас эди.

3. Ёзувни соддалаштиришнинг энг унумли ва прогрессив усули **фонографик** ёзувга ўтиш эди. Бу сўз грекча бўлиб, у **phone** товуш **grapho** ёзаман деган маъноларни англатади. Шундай қилиб, фонографик ёзув тилни фақат грамматик тузилишини ифодаламай, балки унинг фонетик тузилишини, яъни сўзнинг товуш таркибини ҳам акс эттирар эди.

Фонографик ёзув

Фонографик ёзув бир турли бўлмай, у ҳам кўп кўринишларга эга. Шулардан бири — **силлабик** ёки **бўғин** ёзувидир. Бу ёзув қўшма сўзларни майда қисмларга бўлиш йўли билан пайдо бўлди. Бу майда қисмлар ҳозирги вақтдаги бўғинларга тўғри келади. Шундай қилиб, иероглифлар бўғинларни ифодалайдиган бўлди. У ёки бу сўзни ёзиш лозим бўлса, ана шу бўғинларни бир-бирига қўшиш усули билан тузишар эди. Бу ёзувга қадимги ҳинд ёзуви *деванагари* яхши мисол бўла олади. Бу ёзувдаги ҳар бир ишора ундош товушларнинг **а** унлиси билан қўшиб талаффуз қилинишини назарда тутди, яъни **па, ба, да, га, ша** ва шу тартибда. Агар бошқа унлини талаффуз қилиш зарур бўлса, унда ё ҳарфларнинг устига, ёки тагига маълум белгилар қўйиларди.

Қадимги Месопотамияликларнинг миҳқати ҳам шундай бўғинларга эга эди: **ma, mi, mu, muk, mut, nam** шу тартибда. Бу birlikлар логограмма сифатида қўлла-

ниши билан бир қаторда, янги сўзларни ясашда ҳам иштирок қилардилар. Янги сўзларни ясашда ана шу логограммалардан қайси бири тўғри келса, шуларнинг комбинациясидан фойдаланилар эди. Шундай қилиб, логографик ёзув бирликлари аста-секин фонография вазифасини бажара бошлади. Бошқача қилиб айтганда, бўғинлар товушларнинг вазифасини ўтай бошлади. Бўғинларнинг сони турли тилларда турлича эди. Масалан, Кипр оролидаги қадимги греклар тахминан 65 та силлабарийдан (бўғин бирлигидан) фойдаланишган. Гвинея оролидаги вайлар 226 силлабарийдан фойдаланишган.

Баъзи бўғин ёрдами билан сўз тузиш имконияти кам бўлган тиллар, кейинчалик бўғинлар билан ишлатиладиган турли белгилар кашф этишди. Тилшуносликда бу белгилар **диакритик белгилар**, деб ном олган (бундай белгилар ҳозирги замон ўзбек тилида ҳам мавжуд: ў, қ ҳарфларидаги белгилар шулар жумласидандир.

Бундай диакритик белгилар қадимги ҳинд тилида ҳам кенг қўлланилган. Уларда ундошдан кейин унлини ва, ҳаттоки, унлидан олдин турувчи ундошни бекор қилувчи белгилар ҳам бўлган. Кейинчалик бу тилда ҳам ундошлар учун, ҳам унлилар учун янги кўшимча символлар кашф этилиб, узил-кесил фонографик ёзувга, яъни тилдаги сўз формаларини фонетик бирликлар — товушлар орқали ифодалашга ўтилди. Агар силлабик (бўғин) ёзуви фонографик ёзувнинг биринчи босқичини ташкил қилса, ҳар бир товуш учун ўзининг символини яратиш, иккинчи босқич бўлди.

Шу муносабат билан ҳозирги биз ишлатаётган ҳарфларнинг келиб чиқиши диққатга сазовор. Баъзи олимларнинг ёзишларига қараганда, ҳозир биз қўллаётган ёзувга Арабистонда финикийлар томонидан асос солинган. Финикийларнинг ёзувлари дастлаб қадимги греклар томонидан ўзлаштирилган. Бу ўзлаштириш жараёнида юнонлар финикийларнинг ёзувига анчагина янгиликлар киритиб, кераксиз элементларни ташлаб, ўзларининг тилларига мослаштиришган. Юнонлардан бу ёзув аста-секин Урта Ер денгизи атрофида жойлашган бошқа халқларга ҳам тарқала бошлаган. Урта асрларда бу ёзув греклардан болгарларга, сербларга ва улардан русларга ўтган. Юқорида қайд қилинганидек, ҳар бир тил бу ёзувни қабул қилаётганда, мазкур тилнинг товушлар системасининг талабига биноан ўзгартишлар

киритган. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай алфавитларнинг ҳарфлари оддий бир товушни ифодаламай, балки у ёки бу тилнинг асосий товушларига, яъни фонемаларига мос келарди. Шунинг учун бу алфавитларни фонематик алфавитлар дейиш мумкин.

ГРАФИКА

Графика атамаси грек тилидаги **graphikos** сўзидан олинган бўлиб, **ёзилган**, **ифодаланган** деган маъноларни англатади. Бу ҳарфларнинг ёзилиши шакллари ва ҳарф билан товуш орасидаги муносабатни ўрганадиган фандир. Шундай қилиб, графикани ҳарфларнинг ёзилиш шакли, тури, хусусиятлари, сўздаги ўрни ва шу муносабат билан улар ифодалаган товушларнинг хусусиятлари қизиқтиради. Сўнгги йилларда баъзи психологлар айрим шахсларнинг ҳарфларни ёзиш хусусиятига қараб, бу шахсларнинг характерини аниқлаш йўлида анча ишлар қилдилар.

Ўзбек тилининг алфавитидаги баъзи товушлар турли график формаларга эга. Масалан, **Т** ҳарфининг босма шакли билан ёзма шакллари орасида, яъни **Т** билан **Т** ва **т** орасида анча фарқ бор. **Б** ҳарфининг сўздаги ўрнига қараб, ҳар хил талаффуз қиламиз: сўзнинг бошида, ёки унли олдида у **б** талаффуз қилинади, масалан, **баробар**, **дарбоза** ва ҳ. к. Лекин баъзида сўзнинг охирида **п** деб талаффуз қилинади: **келиб кетди**, **ўқиб чиқди** ва бошқалар. Бу масалаларда инглиз, француз тиллари алоҳида ўрин тутаяди. **У** тилларда ҳарф билан талаффуз орасида жуда катта фарқ ётади. Бу тўғрида қуйроқда, орфографик принциплар тўғрисида гап борганда батафсил гапирилади. Бизнинг алфавитда силлабик фонемалар ҳам учрайди: масалан, **я**, **ю**, **ё**.

Гарчи фонографик ёзув ҳозирги вақтда кенг тарқалган бўлса ҳам, кундалик ҳаётда ёзувнинг боқа турлари ҳам учраб туради. Чунки ҳар бир турнинг ўзига хос афзаллиги бор. Масалан, пиктографик ёзув одатда реклама эҳтиёжлари учун, меҳмонхоналарда маҳаллий тилни билмайдиган хорижийларнинг мушкулларини осонлаштириш учун кенг ишлатилади (масалан: сартарошхона, устахона ва шу кабилар эшик-деразаларидаги ҳамда жисмоний тарбия ва спорт турларини ифодаловчи белги — суратлар).

Идеограммалар кўча ҳаракатини таъминлашда (масалан: ундов белгиси огоҳлантиришни, доира ичига олинган тўғри тўртбурчак юриш ман этилишини ва бошқалар), картографияда (қазилма бойликлар белгиси, катта шаҳарлар, территориянинг ҳайвонот дунёси ва бошқалар) математика (сонлар ва белгилар: 1, 6, 9, +, —, =. ...), кимёда (H_2O , —) кенг қўлланилади.

Пиктограмма ва логограммаларни ҳозирги вақтда кўплаб қўлланилишига сабаб, уларнинг тушунчаларни аниқ, қисқа ва тежамли ифодалашдир. Масалан, $12 + 29 = 41$ деб сўзлар билан ёзсак, бизга қанча вақт ва масофа керак бўлишини аниқ тасаввур қиламиз. Бундан ташқари пиктограмма ва логограммалар одамларнинг қайси тилга мансуб бўлишидан қатъи назар, ҳаммага тушунарлидир.

Юқорида қайд этилган масалалар графика шуғулланиши лозим бўлган масалалардир.

ОРФОГРАФИЯ

Орфография сўзи иккита грекча сўздан ташкил топган, яъни **orthos** тўғри ва **grapho** ёзаман. Демак орфография сўзининг маъноси тўғри ёзишдир. Шу сабабли орфографиянинг асосий вазифаси — алфавитнинг ёзувдаги қўлланиш қоидалари, сўзларнинг ёзилиши ва бўғин кўчиришдир. Агар ҳозир ишлатиладиган алфавитлар тилдаги мавжуд товушларга миқдор ва сифат нуқтаназаридан бир-бирига тенг бўлса, орфографиянинг вазифаси ярмига қисқарар эди. Лекин, афсуски, бундай алфавит йўқ даражада; алфавитдаги ҳарфлар сони тилдаги нутқ товушлари сонига ҳамма вақт тўғри келавермайди. Авваллари сўзларнинг ёзилишини тартибга солувчи қоидалар бўлмаган. Ҳамма ўзича, ўзи тўғри деб билган усулда ҳарфларни ишлатган. Бу нарса, баъзи ҳолларда тушунмовчиликларга ҳам олиб келган. Орфографик қонун ва қоидаларнинг келиб чиқишига сабаб ана шулар бўлган.

Тилшунослик фани тарихида ҳарфларни ишлатишнинг олтига усули қайд қилинган. Лекин булардан асосийси бешта: **фонетик**, **фонематик**, **тарихий** (ёки **анъанавий**), **морфологик** ва **символик** усуллардир. Бу принципларнинг ҳар бирини изоҳлашга ўтишдан олдин шуни айтиш керакки, у ёки бу тилда улар айрим, соф ҳолда учрамайди, балки аралаш ҳолда учрайди. У ёки бу тил-

даги бош орфографик принципини биз улар орасидаги нисбатдан аниқлаб оламиз: қайси принцип кўпроқ қўлланилса, ана шу асосий бўлиб ҳисобланади.

Фонетик принцип. Бу принцип ҳозирги вақтда асосий принциплардан биридир. Фонетик принципга асосан талаффуздан қандай товуш эшитилса, шунга мос келадиган ҳарф ёзилиши лозим. Бунга энг яхши мисол ўзбек тилидаги жўналиш келишигининг қўшимчасидир: яъни **-га, -ка, -қа**. Сўзнинг охирида буларнинг қайси бири эшитилса, шуниси ёзилади. Масалан: **уйга, далага, ботқоққа, қумлоққа, теракка, эшкакка** ва ҳоказо. Бу қўшимчалар ҳам ҳар хил ёзилишидан қатъи назар, тилда ягона вазифани ўтайди. Фонетик принципга ўзбек тилидан яна бир мисол келтириш мумкин: **қорин, бурун, сингил** каби сўзларга эгалик, келишик қўшимчалари қўшилиб келганда, улардаги унлиларнинг эшитилмаслиги (талаффуз қилинмаслиги) натижасида тушиб қолади: **қорнига, бурунм, синглинг** каби.

Рус тилидаги **без-** морфининг ёзилиши ҳам фонетик принципга бўйсунадн, бу морфнинг охиридаги товуш қандай эшитилса, шундай ёзилади, масалан: **бездушный, обездоленный, бессрочный, беспечный** каби.

Лекин на ўзбек тилининг ва на рус тилининг орфографияси фонетик принципга тўла-тўқис бўйсунмайди. Фонетик принципга белорус тилининг орфографияси амал қилади.

Фонематик принцип. Фонематик принципга асосан морфлардаги товушлар қайси позицияда ва қандай талаффуз қилинишидан қатъи назар, бир хил ёзилишни талаб қилади. Ўзбек тилидаги ўтган замон феълининг **-ди** қўшимчаси ўтган замон равишдоши қўшимчаси **-(и) б** бу принципга яхши мисол бўла олади. Масалан, **олиб борди** деганимизда назарда тутилаётган иккала қўшимча ҳам ўзининг асл ҳолича, яъни **б** ва **д** деб талаффуз қилинади ва шундай ёзилади. Лекин **олиб кетди** деганимизда, биринчиси **п** ва иккинчиси — **т** деб талаффуз қилинса-да, биз фонематик принцип асосида ёзувда **б** ва **д** ларни сақлаб қоламиз. Ёки, **олиб борди** дейилганда, нутқда биттагина **б** талаффуз қилинади: **оли-б-орди**. Тиллардаги бундай ҳодиса **гаплогия** деб ном олган (тилдаги ёнма-ён турган икки ўхшаш элементнинг бир-бири билан қўшилиб кетиши ва уларнинг фақат биттаси талаффуз қилиниши **гаплогия** дейилади). Лекин шунга қарамай, фонематик принципларнинг таъ-

сирида биз биринчи сўзнинг охирида ҳам, иккинчи сўзнинг бошида ҳам **б** ни ёзамиз.

Орфографик принципнинг бу тури рус тилида айниқса кўзга яққол ташланади. Чунки, юқорида айтганимиздек, бу принцип рус тилида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Масалан, **дераза** сўзи **акно** деб эшитилса ҳам **окно** деб ёзилади; **сув** сўзи **вада** бўлиб эшитилишига қарамай, **вода** деб ёзилади; **тўқимоқ** сўзи **визать** дейилса ҳам, **вязать** деб ёзилади; **мос келмоқ** сўзида **ф** эшитилса ҳам (**совпадать**), **в** ёзилади ва ҳоказо.

Тарихий принцип. Тарихий ёки анъанавий принцип асосида сўзлар уларда мавжуд ҳозирги вақтда талаффуз қилинадиган, товушларга асосланиб ёзилмай, балки тарихда, яъни аввал ўтмишда қандай ёзилган бўлса, ҳозир ҳам шундай ёзилади. Кўп ғарбий Оврупо тиллари шу принципга бўйсунди. Ҳозирги замон инглиз ва француз тиллари бу принципга энг яхши мисолдир. Масалан, инглиз тилидаги **яшамоқ** сўзи **to live** деб, **ишламоқ** сўзи **to work** деб, **ёмон кўрмоқ** сўзи **to condemn** деб, қарз сўзи **debt** деб ёзилади. Талаффузда эса **е, г, п, б**, лар тушиб қолади, яъни [Iv[[wə:k], [kəp'dem], [det].

Шу тилдаги **light, daughter, thorough**—(ёруғ, қиз, синчиклаб) сўзлари айниқса диққатга сазовордир. Биринчи сўздаги беш ҳарфдан учтаси, иккинчи сўздаги саккизта ҳарфдан тўрттаси, учинчи сўздаги ҳам саккизта ҳарфдан тўрттаси талаффуз қилинади, яъни [lait], [dɔ:tə], [θʌrə].

Француз тилидаги **Paris** (Париж) сўзидаги охирги ҳарф ўқилмайди, ёки **homologue** сўзидаги тўққизта ҳарфдан фақат олтигаси талаффузда ўз аксини топади, яъни [ɔmɔlog].

Немис тилида бундай мисоллар инглиз ва француз тилларидагига қараганда камроқ бўлса ҳам, лекин учраб туради, масалан: **Tisch** (стол) сўзи бешта ҳарфдан иборат бўлса учта товуш талаффуз қилинади. Ёки **Deutsch** (немис тили) сўзида еттита ҳарф бўлса ҳам, фақат тўрт товуш талаффуз қилинади ва бошқалар.

Морфологик ва символик принциплар. Морфологик ва символик принциплар сўзларнинг ёзилишида грамматика ва лексиканинг манфаатларини назарда тутаяди. Бунга рус тилидаги баъзи сўзларнинг ёзилиши қулай мисол бўла олади. Рус тилидаги юмшатиш белгиси юмшатиш лозим бўлган ундошлардан кейин ишлатилади, масалан, **мел — мель, быт — быть** ва ҳоказо. Лекин айрим ҳолларда бу белги ундоши юмшатиш мақсадида эмас, балки сўзнинг қайси грамматик родга киришини

кўрсатиш учунгина қўлланилади: **мышь, фальшь, ночь, тушь**. Маълумки **ч** ва **ш** товушларнинг юмшоқ тури йўқ. Юмшатиш белгиси бу ерда грамматик вазифани ўташ учунгина ишлатилган.

Немис тилидаги отларнинг бош ҳарф билан ёзилиши ҳам орфографиянинг морфологик принципига асосланган. Бу йўл билан немис тили отларни бошқа сўз туркумидан ажратади, масалан, **acht**—саккиз, лекин **Acht**—диққат, **lesen**—ўқимоқ, **Lesen**—ўқиш, **Leben**—ҳаёт, **leben**—яшамоқ ва ҳоказо. Рус тилидаги не инкорини сўзларга қўшиб ёки ажратиб ёзилиши ҳам грамматиканинг манфаатлари билан боғлиқ.

Символик принцип фонетика ажрата олмайдиган лексик омонимларни фарқини кўрсатиш билан шуғулланади. Масалан: инглиз тилидаги **тун** ва **суворий** сўзлари бир хил талаффуз қилинади, яъни [naɪt]. Лекин, ёзилишида бири **night** тарзида, иккинчиси **knight** тарзида ёзилади. Инглиз тилидаги **учрашмоқ, гўшт** ва **чегара** сўзлари бир хил талаффуз қилинади, яъни [mi:t] лекин ёзувда уларни бир-бирдан ажратиш учун символлардан фойдаланилади (юқорида келтирилган тартибда) **to meet, meat** ва **mete**. Бундай ҳодиса немис тилида ҳам учрайди: **viel** ва **fiel** сўзлари бир хил талаффуз қилинса ҳам, ёзилиши ҳар хил, чунки уларнинг маънолари ҳам ҳар хил: **кўп, йиқилди**.

Орфографиянинг морфологик ва символик принциплари бошқа принципларга нисбатан кам учрайди.

ЁЗУВНИНГ МАХСУС ТУРЛАРИ

Юқорида келтирилган ёзувлардан ташқари, ҳозирги вақтда махсус ёзувлардан ҳам кенг фойдаланишади. **Стенография** ва **транскрипция** — ёзувнинг ана шундай махсус турига киради.

Стенография. Бу сўз иккита грек сўзидан тузилган бўлиб, **steno** тор ва **grapho** ёзаман деган маънони англатади. Стенография махсус тайёргарликни талаб қиладиган ва мутахассислар томонидан ишлатиладиган ёзувдир. Унинг ёрдамида оғзаки нутқни тез ва тўлиқ қоғозга тушириш мумкин. Уни ҳарфли ёзувнинг бошқа бир тури деса бўлади. У логограммага ўхшаш белгилар системаси сифатида (бундай) ҳолда уларнинг ҳар бири айрим бир ва ҳаттоки бир нечта сўзнинг маъносига тенг келади), ёки фонограммалар сифатида ишлатилиб, айрим бўғин ва ҳаттоки бўғинлар бирикмасини ифодалайди. Стенографик ёзувнинг ўз орфографик

принциплари мавжуд. Бу принциплар стенографик белгиларни тўғри, бир хил маънода ишлатилишларини таъминлайди. Ёзувнинг бу тури оғзаки нутқни ёзиб олишни бир неча мартага қисқартириши мумкин. Шунинг учун у йиғин ва мажлисларнинг протоколларини ёзиб олишда кенг қўлланилади.

Транскрипция. Транскрипция сўзи латин тилидаги **transcription** деган сўз асосида келиб чиққан. Бу сўзнинг маъноси кўчириб ёзишдир. Бу стенография сингари махсус ва сунъий ёзув бўлиб, нутқдаги сўзларнинг талаффузини аниқ кўрсатиш учун қўлланилади. Унинг ишлатилиш доираси жуда тор. Агар орфография ҳамма учун умумий ва бирдан-бир ёзув деб ҳисобланса, транскрипция махсус эҳтиёжлар учун ишлатилади.

Ишлатилиш мақсадига кўра, транскрипцион ёзув **фонетик, фонематик, амалий транскрипцияга** ажратилади.

Фонетик транскрипция. Фонетик транскрипция талаффузни аниқ ифодалашга хизмат қилади. Транскрипциянинг бу тури ҳорижий тиллар луғатида кенг қўлланилади. Орфографияси тарихий ва анъанавий принципларга асосланган тилларни талаффузини акс эттиришда махсус фонетик транскрипциянинг роли айниқса каттадир. Ҳар бир талаффуз қилинган товушни акс эттириш фонетик транскрипциянинг асосий вазифасидир. Бу транскрипция ҳар қандай алфавитга асосланган бўлиши мумкин. Баъзи махсус товушларни белгилаш учун эса, у диакритик белгилардан бошқа алифбелардан қўшимча белгилар олишдан, мавжуд белгиларни тескари ёзиш йўлидан фойдаланади.

Фонетик транскрипция чет тилни ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

Фонематик транскрипция. Агар фонетик транскрипция сўзларнинг талаффузини улардаги мавжуд ҳарфлар составидан қатъи назар акс эттирса, фонематик транскрипция сўзларни фонемик составига кўра ифодалаб, товушларни тутган ўрнига қараб ўзгариш хусусиятларини ҳисобга олмайди. Фонематик транскрипция грамматика китобларида мисолларнинг морфологик структурасини кўрсатиш учун кўплаб ишлатилади, чунки бундай ҳолларда сўзларнинг талаффузи эмас, балки уларнинг таркиби аҳамиятлидир. Демак, бу транскрипциянинг асосий принципи шундан иборатки, у фонемаларни қандай ўринда ишлатилган бўлишидан қатъи назар,

уни доимо бир хил белги билан кўрсатишдир. Фонематик транскрипция белгиларининг сони фонетик транскрипция белгиларидан бирмунча кам. Бунинг сабаби фонематик транскрипция фонемаларнинг вариантларини акс эттириш учун қўшимча белгилардан фойдаланмайди. Шундай қилиб транскрипциянинг бу тури рус тилига ўхшаган орфографияси фонематик принципга асосланган ёзувга яқин туради.

Ҳозирги вақтда чет тилни ўқиш ва ўқитиш ишларида амалда Халқаро Фонетик ассоциациянинг латин тили графикаси асосида тузилган транскрипцияси кенг қўлланилади.

Транслитерация. Бу сўз иккита латин сўзидан ташкил топган бўлиб **trans** орқали **lit (t) era** ҳарф маъноларини англатади. Шундай қилиб транслитерация — бир тилнинг график белгиларини ёки ҳарфларини иккинчи тилнинг график белгилари ёки ҳарфлари билан ифодалашдир.

Транслитерация одатда сўзларни таржима қилиш керак бўлмаганда, ёки таржима қилишга эҳтиёж бўлмаганда ишлатилади. Кўпинча атоқли отлар ва терминлар шу йўл билан ифодаланади. Масалан, инглиз тилидаги **astronaut** сўзи [astrə'no:t] деб талаффуз қилинса ҳам, биз уни рус ва ўзбек тилларида **астронавт** деб ёзамиз ёки **park** сўзи [pɑ:k] деб талаффуз қилинишига қарамай, биз **парк** деб ёзамиз. Француз тилидаги **Meillet** сўзини, Мейе, **Paris** сўзини **Париж** деб ёзамиз. Келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики ҳозиргача тиллараро транслитерацион қоидалар узил-кесил келишиб олинмаган. Чунки баъзи ҳолларда биз она тилимизда транслитерация йўли билан сўзларни ифодалаётганимизда мазкур сўзнинг чет тилида талаффуз қилинишини назарда тугамиз; бунга француз тилидаги **Meillet** сўзи яхши мисол бўла олади, лекин кўп вақтда, биз сўзларни талаффузига аҳамият бермаймиз ва натижада ўзлаштирилаётган сўзнинг талаффузи бузиб кўрсатилади. **Қартер. Париж** сўзлари шулар жумласидандир. **Paris** сўзини французлар (пари) деб талаффуз қилишади.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ёзувнинг кишилиқ жамиятидаги роли нимадан иборат?

2. Ёзувнинг қандай босқичларини биласиз?

3. Қандай ёзув пиктографик ёзув дейилади?

Пиктографик ёзувнинг бирликлари қайси атама билаң белгиланади?

4. Логографик (идеографик) ёзувнинг пайдо бўлиши сабабларини қайд этинг. Бу ёзувнинг бирлиги қайси атама билан белгиланган?

5. Иероглифик ва миҳсимон ёзувлар тўғрисида нимани биласиз? Ҳозир ҳам бу ёзувлардан фойдаланишадими?

6. Нима учун пиктографик ва логографик ёзув жамиятнинг талабига жавоб бера олмайди?

7. Қандай ёзувни фонографик ёзув дейишади? Бу ёзув аввалги ёзувлардан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?

8. Ўзбек ва рус тилларида пиктографик ёзув элементлари учрайдими? Агар учраса, қаерларда қўлланилади ва нима учун?

9. Графика атамаси қайси тилдан олинган ва у қандай маънони англатади? Тилшунослик фанида графика қандай масалалар билан шуғулланади?

10. Орфография атамаси қайси тилдан олинган ва у қандай маъно англатади?

11. Орфография қандай масалалар билан шуғулланади?

12. Қандай орфографик принципларни биласиз?

13. Фонетик, фонематик, тарихий, морфологик ва символик принциплар тўғрисида гапириб беринг. Уларнинг ижобий ва салбий томонларини қайд қилинг.

14. Ёзувнинг махсус турларига нималар киради?

15. Стенографик ёзув билан логографик ёзув орасида боғлиқлик борми?

16. Транскрипцион ёзувнинг амалий аҳамияти нимадан иборат? Унинг қандай турларини биласиз?

17. Транслитерация нима ва транслитерацион принциплар узил-кесил ҳал бўлганми?

18. «Тилшуносликка кириш» курсидан практикум қўлланмасидаги 223, 224, 225, 226, 227, 228, 229, 230, 231, 232, 233, 234, 235- машқларни бажаринг.

19. Қуйидаги инглиз, немис ва француз тилидаги сўзларда товуш ва ҳарфлар нисбатини аниқланг:

инглиз: thought, phone, daughter, teach, taught, know, light, boy, girl, certain, bed, respect, who, damn, wrong, dangerous, happy.

немис: gescheckt, Sprache, heißt, Uhr, schön, beleuchten, durchschnittlich, zehn.

француз: beau, aujourd'hui, beau coup, chambardement

nous, veux, chien, soutien, protestation, l'opposition, autant, joyeux, citoyen, cadeau.

20. Қуйидаги рус тилидан олинган мисолларда неча хил префиксал морфемалар бор? Бу морфемаларнинг ёзилиши қайси орфографик принципга асосланган?

избирать, испить, развязать, растаять, восстать, возвести, беспечный, бездонный, спрятать, сдать.¹

21. Қуйидаги келтирилган сўзлар ва сўз формаларининг қайси принципга асосан ёзилганини изоҳланг. Уларнинг морфемик структурасини аниқланг.

кетди, ўтган, кечган, теккан, ёздириш, уқтириш, чиққан, олдинга, олға, паркка, тоққа, боққа, кучга, ёзувчи, келувчи, борибди, келибсан, атамоқ, алмаштирмақ, олмаш, автор, сбор, битта, учта, обод, фишт, мазкур, кўнгил, кўнглим, фанний, Юсуп, Юсупов.

А. сон → сон + а = сана; от → от + а = ата

ёш → ёш + а = яша; онг → онг + ла = англа

В. сайла → сайла + а = сайлов; ўқи → ўқи + в = ўқув

ишла → ишла + е = ишлов; тўла → тўла + в = тўлов

тарқа → тарқа + в = тарқов; тара → тара + в = таров

22. А. Берилган сўзларга жўналиш келишиги қўшимчаларини қўшиб ёзинг. Қўшимча олган баъзи сўзлардаги товуш ўзгаришини орфографик принциплар асосида тушунтиринг.

уй, мактаб, дала, қишлоқ, ётоқ, тоғ, барг.

педагог, митинг, тилак, япроқ, терак, қумлоқ, тиг, иттифоқ, этак, тупроқ, этик.

Б. Берилган отларга эгалик қўшимчаларини қўшиб баъзи сўзлар ўзагидаги товуш ўзгаришларини орфографик принциплар асосида тушунтиринг.

оёқ, қулоқ, кўнгил, сингил, кўйлак, байроқ, парк, ҳуқуқ, оғиз, иштирок².

ТИЛНИНГ СИСТЕМАТИК ХУСУСИЯТИ

Системанинг умумий назарияси устида иш олиб бораётган олимларнинг фикрича система «бир-бири билан боғланган элементлар мажмуи», «элементларнинг ҳар

¹ С. И. Колабина. Практикум по курсу «Введение в язызнание». М., 1977. 39-бет.

² М. Мирзаев. «Ҳозирги замон ўзбек тили» машқлар тўплами. Тошкент, 1958, 27—32-бетлар.

қандай йиғиндиси ва улар орасидаги муносабат», «таркибий қисмларга бўлина оладиган ва структура деб аталмиш элементлар орасидаги боғланиш схемасига эга бўлган мураккаб бутунлик»дир.

Келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, система тушунчасини олимлар турлича талқин қиладилар. Баъзилар система билан структура (таркиб) ни синонимлар сифатида ишлатишса, бошқалар уларни фарқлайдидлар, Баъзилар система деб фақат тил бирликлари орасидаги боғланишларни тушунса, бошқалар ҳам бирлик, ҳам улар орасидаги муносабатларни тушунишади. Юқорида тилшунослик фанининг мавзуси тўғрисида гапирилганда тилнинг структураси деганда тил бирликларини, система деганда мазкур бирликлар орасидаги муносабатни тушунилиши айтиб ўтилганди. Ана шу фикрни давом эттирамиз. Муносабат ёки боғланиш бор жойда бутунлик бор. Ҳар қандай бутунлик таркибий қисмларга бўлиниш хусусиятига эга. Таркибий қисмлар ёки бирликлар мазкур бутунликда тутган ўрнига ва салмоғига кўра турлича бўлиши мумкин, яъни бутунликнинг бевосита иштирокчилари бу бутунликнинг хусусиятларига ва унда ҳукмронлик қилаётган қонун-қоидаларга қараб кичик ва катта бўлиши мумкин. Агар бутунлик таркибий қисмларга ажралиши мумкин бўлса, парчаланишдан ҳосил қилинган бирликлар яна қайта қўшилиб, дастлабки шаклига ҳам келиши мумкин. Лекин қайта тикланиш ихтиёрий, тартибсиз бўлмай мазкур бутунликни яхлитлигини таъминлаб турган қонун-қоида асосида амалга оширилади. Бутунликни парчалашни таҳлил, уларни қайта эски ҳолига қайтаришни эса синтез дейилади. Таҳлил ва синтез бир хил услуб ва атамалар ёрдамида олиб борилади.

Сунъий ва табиий системаларни ажратиш мақсадга мувофиқдир. Сунъий системалар инсон томонидан яратилиб, унинг ақли ва гидроки асосида қайта кўриб чиқилиши, мукаммаллаштирилиши мумкин. Масалан, радио, телевизор совутгичлар бундай системаларга мисолдир.

Табиий системалар бирор мақсадни кўзлаб атайин яратилмайди. Улар табиатда, жамиятда мавжуд бўлади. Инсон бундай системаларни турли тадқиқотлар йўли билан ўрганади, чунки улар инсоннинг иштирокисиз табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунлари асосида пайдо бўлган. Инсоннинг вазифаси бу системани тушун-

тириб беришдан иборат бўлиб, унга ўзгартиш кирита олмайди, ундаги бирорта элементни тушуриб қолдириши ёки бошқасини қўшиши мумкин эмас. Ана шундай системалардан бири тилдир.

Бир қарашда товушлар, сўзлар ва уларнинг тартиб-сиз йиғиндисидан иборатдек бўлиб кўринган тил, аслида мукаммал системани ташкил қилади. Тилнинг системали хусусиятини тилшунослик тарихида биринчи бўлиб таниқли немис олими В. фон Гумбольдт очиб берган¹. Унинг фикрича, ҳар бир товуш маълум дифференциал (фарқлаш) белгилари йиғиндиси бўлиб, бошқа товушларга ҳам ўхшайдиган хусусиятларга эга бўлади. Товушлардаги умумий ва фарқланувчи белгилар уларнинг ўзаро системасини ташкил қилади. Тилдаги товушларнинг миқдори ва уларнинг ўзаро муносабати мазкур тилнинг талаб ва эҳтиёжларига мос келади.

Тилнинг системаси турли ҳолларда турлича намоён бўлади. Шулардан бири, В. фон Гумбольдт томонидан асос солинган компенсация (мувозанатни сақлаш) қонунидир. Бу қонунга биноан сўзнинг бирор қисмида бирорта ўзгариш рўй берса, бу ўзгариш сўзнинг бошқа қисмига таъсир этмай қолмайди. Масалан, қадимги замон инглиз тилидаги *berg, soft* сўзларида *g* товуши талаффуз қилинар эди. Кейинчалик бу товуш аста-секин талаффуздан тушиб қола бошлади. Лекин бу товушнинг тушиб қолиши ундан олдин келаётган қисқа унлиларнинг чўзиқроқ талаффуз қилинишига олиб келди, шундай қилиб сўздаги мувозанат сақланиб қолди.

Бу масалани чуқурроқ ва тўлароқ ёритилишида швейцариялик олим Ф де Соссюрнинг хизмати каттадир. У тилни шундай таърифлайди: «Тил — бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйилган элементлар системасидир»; «тил фақат фарқлардан иборат». Бундай таърифдан чиқадиган хулоса шуки, тилни ташкил этувчи элементлар унинг системасини ҳосил қилмасдан бу бирликлар орасида ўрнатиладиган муносабатлар аҳамиятлидир. Соссюр тил системасининг икки хусусиятини кўрсатади:


¹ Тафсилотларини қуйидаги асарлардан кўринг. В. фон Гумбольд. О различии строения человеческих языков и его влияния на духовное развитие человеческого рода. О сравнительном изучении языков применительно к различным эпохам их развития. В. А. Звегинцевнинг «История языкознания XIX—XX веков в очерках и извлечениях» тўпламида. I қисм. М., 1964. 73 ва 85-бетлар.

1) тил системасининг таркибий қисмлари ҳамма вақт мувозанатда бўлади; 2) ўз хусусиятига кўра тил системаси ёпиқдир. Соссюр фикрича, тил бирликлари ўзаро икки хил муносабатга киришади: синтагматик ва ассоциатив (замонавий тилшуносликда кейингисини парадигматик муносабат деб юритишади). Тил бирликлари маконда ва замонда бирин-кетин пайдо бўлади. Бу синтагматик алоқадир. Бунинг маъноси шуки, сўз талаффуз қилинаётганда товушлар мулоқот давомида гапдаги сўзлар бараварига бир вақтда айтилмасдан кетма-кет талаффуз қилинади. Демак, кетма-кет содир бўлган тил бирликлари орасидаги алоқа-синтагматик алоқадир.

Бирорта ўхшаш хусусияти билан бириккан тил элементлари орасидаги муносабат ассоциатив муносабатдир. Масалан, ўзбек тилидаги **китобим, уйим, дўстим, Ватаним** сўзлари ассоциатив муносабат билан боғланган, чунки уларнинг ҳаммасини биринчи шахс бирликдаги эгалик қўшимчаси бирлаштириб турибди; **дом, домам, дому, домов** сўзларини бирлаштириб турган нарса — умумий негиздир. Тиллардаги синтагматик ва ассоциатив муносабатлар ҳам ўзаро боғлиқдир. Синтагматик муносабатга киришган сўзлар сўз бирикмалари ва гапларни сўзлар ассоциатив муносабатга киришган сўзлардан танлаб олинади. Масалан, **Мы видели дома** деган гапдаги **д о м а** сўзи ана шу сўзга ўхшаган бошқа сўзлардан танлаб олинган.

Тилнинг системаси уни ташкил этувчи тил қатламларини ўрганишда айниқса кўзга яққол ташланади. Маълумки тилда тўрт асосий қатлам бўлиб, улар бир-бирлари билан бевосита боғланган. Фонетика, морфология, лексикология ва синтаксис ҳамда бу қатламларнинг бирликлари — фонема, морфема, сўз (лексема) гаплар тилнинг таркиби (структураси)ни ташкил қилишади. Ҳар бир қатламнинг бирликлари ўзаро системали муносабатда бўлишидан ташқари қатламлараро система ҳам мавжуддир. Масалан, фонетика бирликлари бўлмиш фонлар орасидаги системали боғланишни олиб кўрамиз. [p], [t], [b], [d] фонлари орасида мустақкам боғланиш бор: уларнинг ҳаммасини боғлаб турган нарса — ундошлиқдир; биринчи ва иккинчи товушни бирлаштираётган хусусият — уларнинг жарангсиз ундош; учинчи ва тўртинчи фонларни бирлаштириб турган хусусият — уларнинг жарангли ундошлигидир. Лекин бу товушлар бир-биридан бирмунча фарқ ҳам

қилади: [t] ва [d] тилтанглай, [p] ва [b] лаб-лаб товуши. Келтирилган товушлар орасидаги ўхшашлик ва фарқни қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Икки томонга йўналтирилган стрелкалар келтирилган фонлар орасидаги умумийлик ва қарама-қаршиликни ифодалайди. Ҳар қандай ривожланиш, тараққиётнинг асосида жуфтлик (бинарлик) ётади. Жуфтликнинг асосий кўрсаткичи жуфтлик аъзоларининг ҳар иккисига хос умумийлик ва шу билан бирга улар орасида маълум жиҳатларда фарқ бўлишидир. Бундай кўрсаткичлар юқоридаги тўрт товушда бевосита ўз аксини топган.

✓ Соссюрнинг тил фақат фарқлардан иборат дейиши ҳам бежиз эмас. Бунинг асл маъноси тил бирликлари бир вақтнинг ўзида бир-бирини тақоза қилади ҳамда инкор этади демакдир. Бу принципни тилнинг бошқа бирликларига ҳам татбиқ этиш мумкин. Қатламлараро муносабат тил системасини янада яққолроқ кўрсатади. Фонетика, фонология, морфология, лексикология ва синтаксис қатламлари ўзаро чамбарчас боғлангандир. Қуйи қатлам бирликлари юқори қатлам бирликларини ҳосил қилишда асос бўлиб хизмат қилади: фонлар морфларни, морфлар сўзларни, сўзлар сўз бирикмалари ва гапларни, гаплар эса матнларни барпо қилади. Айрим олимларнинг таъкидлашича, тилнинг луғати сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчи воситаларнинг манбан сифатида ҳам намён бўлади. Баъзи ҳолларда лексик бирлик бўлмиш сўзлар бошқа сўзлар билан бирикиб, қўшма сўз сифатида ишлатилиши жараёнида, улардан бири ўзининг дастлабки маъносини йўқота боради ва аста-секин ёрдамчи сўзларга, кейинчалик эса аффиксларга ўтиб қолади. Аниқловчи вазифасини ўтаб турган сўзлар сўз ясовчи аффиксларга ўтиши кўпчилик тилларнинг таърифида эътироф этилган (инглиз тилидаги full «тўла» сўзи сўз ясовчи аффикс сифатида ҳам ишлатилади: spoonful, useful каби).

Эркин ёки барқарор сўз бирикмаларининг иштирокчиларидан бири вақт ўтиши билан ўзининг асосий маъ-

ноларини йўқотади, баъзан фонетик кўринишида ҳам ўзгариш содир бўлади, улар аввал ёрдамчи сўзларга, кейин эса грамматик морфемаларга айланади. Туркий тиллардаги феълларнинг шахс-сон кўрсаткичлари фикримизнинг далилидир. Табиийки бу жараён катта тарихий даврни ўз ичига олади.

Тилнинг системали хусусиятини яна бир мисолда кўрсатиш мумкин. Морфология қатламининг бирлиги, морфларнинг турлари ҳам ўзига хос системани ташкил этади. Юқорида қайд қилингандек морф (морфемалар) нутқ ва тилнинг икки томонлама (икки планли) бирлиги ҳисобланади: улар шакл ва маънога эга бўлган бирликлардир. Лекин шакл ва маъно ҳамма вақт ҳам тўғридан-тўғри, очиқ ифодаланмайди: баъзиларида морфнинг ҳар иккала томони очиқ ифодаланади [чой], бошқаларида шакл йўқ-ку маъно бор (ўзбек, инглиз тилларида отларда бирлик ана шундай морф билан ифодаланади), морфларнинг учинчи турида шакл бор-у маъно йўқ: рус тилидаги **поливаемочная** деган сўздаги [о] морфининг аниқ маъноси йўқ, аммо вазифаси бор, икки сўзни бир-бирига қўшишга хизмат қилади. Бундай морфлар бошқа тилларда ҳам мавжуд.

Шундай қилиб тил системадир. Тилни ташкил этувчи барча элементлар ўзаро узвий боғланган. Тилларда ҳеч қандай тасодифга ўрин йўқ, унинг ҳар қандай элементи, бўлаг икки бир бутунликнинг таркибий қисмидир (Ф де Соссюр). Бу мавзунинг якунида **система ва тартиб** тушунчалари орасидаги муносабатга ҳам тўхталиб ўтиш керак. Бу икки тушунча бир-бири билан боғлиқ бўлса ҳам, улар бир-бирига тўғри келмайди. Тартиб кўпроқ индивидуал, субъектив бўлиб, уни ҳар бир шахс ўзича тушуниши, ўзича тартиб ўрнатиши мумкин, масалан, уй жиҳозларини ёки кутубхонадаги китобларни ҳамма ўзича тартибга келтириши мумкин, уларнинг тартиби ўзгариши билан сифати ўзгармайди. Лекин система гарчи ўз ичига тартиб тушунчасини олса ҳам, у тартибдан тубдан фарқ қилади: системани ўзгартириш мумкин эмас, системанинг қисмларини ўзгартиш унинг сифатини ўзгартиришга, ҳатто уни барбод бўлишига олиб келиши мумкин.

Мулоқот вақтида гапирувчи товуш, сўз ва бошқа тил бирликларини ишлатаётганда албатта тил системасига риоя қилади, акс ҳолда тингловчи уни тушунмаслиги мумкин.

Фикр алмашиш қуроли бўлмиш тил тафаккур билан узвий боғланган. Тил миллий маданият шакли сифатида тафаккурнинг ҳаракати, унинг фаолияти натижа-сида яратилган маънавий бойликни замонда ва маконда абадийлаштиради. Бизнинг асримизда барча фанларнинг катта одимлар билан ривожланиб бориши баъзи масалаларга янгича ёндашишни тақозо қилмоқда. Кейинги йиллардаги логика, психология, одамнинг бош мияси фаолиятини ўрганишдаги изланишлар шунини кўрсатадики, тафаккурнинг бир-биридан фарқ қилувчи икки кўриниши мавжуд бўлиб, уларнинг бири — предмет тафаккури, иккинчиси эса — мавҳум тафаккурдир. Предмет тафаккури одам ва ҳайвон учун умумий бўлиб, уларнинг кундалик амалий ҳаётини белгиловчи, авлоддан-авлодга инстинкт орқали ўтиб очликни, хавф-хатарни, иссиқ-совуқни ажратишни таъминлайдиган тафаккурдир. Мавҳум тафаккур фақат одамларга хос бўлиб, у тил билан бирга пайдо бўлган ва у билан бирга ривожланади. Тил билан тафаккур орасидаги муносабат тўғрисида гап борганда, ана шу тафаккур назарда тутилади. Бу икки ижтимоий ҳодиса доимо бир-бирини тақозо қилади, бир-бирини яшашига ва ривожланишига ёрдам қилади. Маълумки, фикр юритишнинг асосий мақсади нарса, ҳодисаларнинг бизни ўраб турган муҳит, борлиқдаги ўрнини аниқлаш, улар орасидаги муносабатни ўрганиш, мавжуд илмий фаразлар юзасидан фикр юритиш ва уларни мукамаллаштиришдир.

Ҳозиргача фан ва техника эришган ютуқлар асосида тафаккурнинг ана шундай фаолияти ётади. Лекин тафаккур эришган ажойиб муваффақиятларни илм оламига етказиш, абадийлаштириш тилсиз амалга ошмаслиги табиий бир ҳолдир. Тил воситаси ёрдамида эришилган амалий, назарий ютуқлар эътироф этилади, тарғиб қилинади, сон-саноқсиз ўқувчи, эшитувчиларга етказилади. Бу янгиликни ўқиган ва эшитганлар улар юзасидан яна фикр юритиб, уларнинг камчиликларини топишади, эътироф этишади ва мазкур ғояни янада ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишади. Табиийки, ғояларнинг тақомиллашиши жараёнида янги тушунчалар, янги назариялар пайдо бўлади, уларни қайд этиш учун ҳамма вақт ҳам тилда тайёр сўзлар, сўз бирикмалари бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда тил тафак-

кур фаолияти маҳсулини тўла-тўқис ўзида акс эттириши учун мазкур янгиликка ҳар томонлама мос келадиган сўз ва ибораларни топиши зарур. Шу тариқа тил ҳам қотиб қолмай тафаккур билан биргаликда ривожланиб, такомиллашиб боради. Шунинг учун тил ва тафаккур орасидаги муносабат тўғрисида гап борганда, уларни ўзаро бир-бирига ҳар томонлама боғланган ҳодисалар деб юритишади. Бу икки ҳодиса умуман мавжуд бўлиши учун улар орасида доимо ана шундай ҳамжиҳатлик бўлиши зарур; шу йўл билан улар бир-бирига доимо таъсир ўтказади ва бир-бирини бойитиб боради. Шунини ҳам қайд этиш керакки, бу икки жуфтликдан биринчиси, яъни тафаккур доимо олдинда боради, тилга нисбатан тезроқ ривожланади. Баъзи олимлар образ тафаккури, техник ҳамда мантиқ тафаккурларини фарқлашни тавсия этишади. Образ тафаккури ўз аксини адабий асарлар назм, наво ва тасвирларда, техника тафаккури техникага оид адабиётларда, мантиқ тафаккури эса тушунча ва муҳокамаларнинг тўғри қўлланилишида топади. Тил тафаккурнинг ҳамма турларини акс эттиришда ягона қурол ва воситадир. Тилшунослик фанининг марказий муаммоси бўлмиш тил ва тафаккур масаласида сўз юритилганда улар бир-бирига тенгми ёки улар бошқа-бошқа нарсаларми, деган саволга жавоб бериш керак бўлади. Бу масаланинг ўрганилиш тарихида мазкур саволга бир-бирига зид бўлган фикрлар изҳор қилинади. Баъзи олимлар уларни бир-бирига тенг дейишса, бошқалар уларни бир-биридан умуман ажратиб қўйишади. Шу мулоҳазалар устида бироз тўхталиб ўтамыз.

Тил билан тафаккурни бир-бирига тенг дейиш тўғри бўлмайди. Чунки: 1) киши ўйлаб юрган фикрини тил орқали ифодалайди дейиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Киши фикрининг бошқаларга айтиш мумкин бўлган қисминигина тил ёрдамида суҳбатдошига (ўқувчисига) етказилади. 2) тил моддий, тафаккур эса ғоявий ҳодисалардир; 3) икки нарсани тенг дейиш учун уларнинг таркибини ҳам бир-бири билан қиёслаш ва улар бир-бирига мос келса, уларни тенг дейишга асос туғилади. Маълумки, тафаккурни мантиқ фани, тилни эса тилшунослик ўрганади. Мантиқ фани тафаккурни таркибий қисмларга ажратганда, у уч бирликдан: тушунча, муҳокама ва ҳулосадан таркиб топганини қайд этади. Тилшунослик фани нутқни таркибий қисмларга бўлганда

Тилни ўзлаштириш

Тил системасини ўзлаштириш масаласига доир адабиётларда гўдакларда нутқнинг пайдо бўлишига ёндашиш бир хил эмас. Баъзи олимларнинг фикрича одам пайдо бўлган вақтдан бошлаб тил ҳам пайдо бўлган. У авлоддан-авлодга ўтиб, такомиллашиб борди. Натижада инсоннинг гапириш қобилияти одам руҳига шунча чуқур жойлашганки, у наслдан-наслга ўтиш хусусиятига эга бўлган, ҳар бир янги туғилган гўдак тилни янгидан ўрганмасдан, балки организм балоғатга етиши билан унинг тил қобилияти ҳам организм билан бирга тараққий этади. Демак, инсон зоти гапиришни уни ўраб турган жамият аъзолари томонидан ўрганмай, улар ёрдамида бош миясига жойлашган мавжуд системани тиклайди, акс ҳолда, бу олимларнинг фикрича, болалар тилдек мураккаб бир ҳодисани бунчалик тез ва мукамал ўрганиб олишлари мумкин бўлмасди. Бу фикр, қанчалик тўғри эканини ҳозир айтиш қийин, лекин жонли мавжудотлар ичида мавҳум тафаккур эгаси бўлмиш инсонлар тилни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш қобилиятига эга экани ҳеч қандай исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Турли миллатга мансуб бўлган гўдакларда тил системасини ўзлаштиришда талай умумийликлар бор: гўдаклар нутқ товушлардан ургу олган қисминигина талаффуз қила бошлайдилар, дастлаб очиқ бўғинлар талаффузи ўрганилади¹ ва ҳоказо. Ёши улғайган сари боланинг тил тажрибаси оша боради ва мукамаллашади.

Нутқнинг яратилиши

Нутқни яратилиши ўз ичига бир қанча мураккаб руҳий ва жисмоний жараёнларни олади. Демак, нутқ — фаолиятдир. Ҳар қандай фаолият бирор ният (мотив) билан боғлиқ. Ниятни амалга ошириш йўлида инсон ҳаракат қилади. Ҳар бир ҳаракат ўз олдига бирор мақсадни қўяди: бир ёки бир неча мақсаднинг бажарилиши ниятнинг ушалишига олиб келади. Бирорта мақсадни

¹ Болалар дастлаб а, па, ма каби бўғинларни илк бор талаффуз қилиши ҳеч кимга сир эмас.

амалга ошириш ўз навбатида бир қанча тадбирларни ўз ичига қамраб олади. Қисқаси ниятнинг ушалиши бирин-кетин маълум тартибда жойлашган босқичлардаги **фаолиятлар** йиғиндиси билан боғлиқ.

Фаолиятнинг иккита етакчи ва ёрдамчи турлари фарқланади. Етакчи фаолиятнинг бажарилиши онг иштирокида, ёрдамчи фаолиятнинг бажарилиши онг иштирокисиз амалга оширилади.

Нутқнинг яратилиши юқорида келтирилган моделлардан иккинчисига «мазмун→матн» га тўғри келади. Нутқни пайдо бўлишининг бошланғич нуқтаси руҳий, якуний нуқтаси жисмонийдир, чунки у нутқ органларининг ҳаракати натижасида содир бўлади. Ана шу икки нуқта орасидаги жараён психологик тилшуносликни қизиқтирадиган масаладир. Юқорида таъкидланганидек, нутқ фаолияти бир-бири билан узвий боғланган жараёнлар натижасидир. Ҳар бир босқич ўз вазифасини тўлатуқис мустақил бажариши тўғри матнларнинг яратилиши билан якунланади. Бу жараёнда мазмун етакчи бўлиб, унинг мақсадга мувофиқ чиқиши ёрдамчи босқичларнинг автоматлашган фаолияти билан боғлиқ. Бирор мазмунни нутқ шаклига келтиришда биринчи босқич хотирадаги сўз бойлигидан зарур сўзни танлайди, иккинчи босқич тўғри синтактик қурилмани аниқлайди, учинчиси — сўзни керакли морфологик шакллар билан жиҳозлайди. Мазкур босқичларда тайёрланган «маҳсулотнинг» тўғри ёки нотўғрилигини назорат қилиб турувчи мослашмалар бўлиб, улар ўзларидан олдин жойлашган ишлаб чиқариш босқичларига акс-садо сифатида сигналлар жўнатиб туради, лозим бўлганда тузатишлар киритилишини талаб қилади. Энди ана шу жараёни, яъни «мазмун→матн»ни моделлаштиришга ўтамиз. Нутқ содир бўлиши учун бирор ният бўлиши керак, яъни гапирувчининг бошқа бир кишига (эшитувчига) бирор хабар етказиш эҳтиёжи туғилди, дейлик.

Ниятнинг туғилиши нутққа кирмайди. Ният пайдо бўлгандан кейин инсон уни амалга оширишга ҳаракат қилади; шу мақсадда мазкур ниятнинг мазмуни шакллантирилади; бу жараён ўз ичига икки босқични олади:

биринчи босқичда матннинг **темаси** ва бу тема тўғрисида нима дейилиши, яъни **рема** аниқланади.

Психологик тилшунослик маъно ва мазмун атама-ларини бир-бирдан ажратишни талаб қилади, чунки уларнинг асосида турли тушунчалар ётади. Шаклнинг

маъноси бу шаклнинг системада тутган ўрнидан аниқланса, унинг мазмуни кўпроқ инсоннинг ҳаёт тажрибасидан, атроф-теваракни унинг онгида қай даражада акс этганлиги, қисқаси, унинг билим даражаси билан белгиланади. Масалан алоқада ишлатиладиган **марка** кўпчилик учун хатни алоқа системаси орқали бирор манзилга юбориш воситаси сифатида қабул қилинади. Лекин **марка** йиғувчилар (филателистлар) учун унинг қиймати бошқача, улар маркаларни қачон алоқага чиқарилганлиги, нима муносабат билан таъсис этилганлиги, нашрнинг миқдори каби масалалар билан қизиқадилар. Шундай экан, биз маънони ижтимоий умумлашган тушунча, мазмунни эса мантиқий — ҳиссий тушунча деб ажратишимиз мумкин, уларнинг биринчиси ижтимоий, иккинчиси — яқка тартибдаги шахсийдир.

Ниятни амалга оширишдаги уринишнинг биринчи босқичдаги шакли мазмун тушунчаси билан боғлиқ, яъни бунда айтилмоқчи бўлган ахборотнинг шахсий кўриниши аниқланади. Бу кўриниш ҳам нутққа кирмайди, гапирувчи уни ўзи учун аниқлаб олади. Буни олимлар чуқур семантик босқич деб юритишади.

Ниятни амалга оширишнинг иккинчи босқичи нутқнинг дастлабки кўринишидир. Бу босқичда сўзловчи мазмуннинг эгаси — субъекти ва объекти каби қисмларини ажрата бошлайди. Агар биринчи босқичда бир бутун ниятни сўзловчининг шахсий ҳаёт тажрибаси асосида шакллланган мазмуни ҳамда унинг тема ва ремаси аниқланган бўлса, иккинчи босқичда ана шу мазмунни жамият аъзоларига умумий бўлган, улар тушуна оладиган қисмларга ажратиб, ҳар бир таркибий қисмнинг ўз тема ва ремаларни, субъект, объектлари аниқланади. Демак, мазмун босқичи ўз ўрнини маъно босқичига бўшатиб беради.

Гапирилаётган фикрларнинг қанчалик ҳақиқатга тўғри келиши, инсон бош миясида рўй бераётган бу жараёнларни узил-кесил тўғрилигини исботловчи далиллар йўқ. Лекин тиббиёт ўз тарихида, шу жумладан ҳозирги кунда ҳам баъзи шахсларнинг мавжуд фикрларини ифодалай олмаётганларидан шикоят қилишлари маълум. Бундай ҳолларда ҳамма беморларнинг касали бир хил эмаслиги табиийдир: баъзилари ўз хотираларидаги сўз бойликларидан керакли сўзларни топа олмайдилар, бошқалари сўзларни ажратиб олсалар ҳам уларнинг морфологик шаклларини аниқлашда қийин-

чиликлар сезадилар, учинчилари синтактик қурилмани танлашда ожизлик қиладилар ва ҳоказо.

Ҳозиргача биз икки босқич тўғрисида фикр юритдик. Олимлар биринчи (яъни мазмун босқичи) босқични чуқур-семантик босқич, иккинчисини (маъно босқичи) ташқи семантик босқич деб юритишади. Шундан кейин ниятни амалга оширишнинг учинчи босқичи бошланади. Бу босқич чуқур-синтактик босқич деб ном олган. Мазкур босқичда субъект, объект ва предикатларни ифода-лайдиган сўзлар ҳамда ушбу моделни синтактик қурилмаси танланади. Лекин бу сўзлар ва синтактик қурилмалар, бевосита мулоқатга мўлжалланган якуний маҳсулот бўлмай уларнинг умумлашган образларидир: назарда тutilган субъект, объект ва ҳоказоларнинг ифодаланиши мумкин бўлган сўзлар йиғиндиси; мазкур хабарни ифода қила оладиган синтактик қурилмалар мажмуаси сифатида намоён бўлишидир. Кўпчилик олимларнинг фикрича, бу босқичдаги жараён ички нутққа тўғри келади. Сўзловчи хабарни бевосита мулоқотга чиқаришдан олдин у бу маҳсулотни овознинг иштирокисиз, ички нутқ ёрдамида қайтариб олади. Бу нарса ёш болаларнинг ўйнаётганда қилаётган ишини овоз чиқариб бажариши билан тенг; мана шу нутқ ички нутқнинг манбаи ҳисобланади; болалар уни ёшлигида овоз чиқариб таъкидлашса, катталарда бу овознинг иштирокисиз амалга оширилади. Нутқнинг бу босқичи энг оддий синтактик қурилмадан ташкил топган бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бундан кейинги босқич ташқи-синтаксисдир; бунда сўзловчи томонидан синтактик қурилманинг узил-кесил шакли аниқланади.

Синтактик қурилма ҳал бўлгач, навбатдаги босқич бошланади. Буни чуқур морфологик босқич деб юритилади. Чуқур морфологик босқичда танланган синтактик қурилмага мос келувчи сўзларнинг умумий морфологик шакли аниқланади. Шундан сўнг моделни кейинги босқичга ташқи-морфологик босқичига ўтказилади. Бу ерда дастлабки мазмунни ифода қилувчи сўзларнинг морфологик формаси узил-кесил аниқланиб, унинг таркибий қисмини ташкил этувчи гаплардаги сўзларнинг морфологик шакллари ҳам равшанлашади. Ниҳоят фонологик ва фонетик босқич иш бошлайди: фонологик босқичда мазкур мазмунни ифода қила оладиган фонемалар ажратилади; фонемаларнинг ўзи бевосита нутқда иштирок этмайди; улар нутқ товушларининг умум-

лашган кўринишидир. Шунинг учун мазмун бевосита нутқда намоён бўлиши учун конкрет нутқ товушлари фонема (тил товуш) ларининг ўрнини эгаллайди. Энди кўзда тутилган мазмун бевосита мулоқотга чиқиши ва тингловчи эътиборига ҳавола қилиниши мумкин.

Ниҳоят нутқни яратилиш моделини кўрсатишимиз мумкин: ният (мотив)←чуқур семантик босқич→ташқи семантик босқич→чуқур синтактик босқич→ташқи синтактик босқич←чуқур морфологик босқич→ташқи морфологик босқич→чуқур товушлар босқичи ёки фонологик босқич ва ниҳоят фонетик босқич.

Турли экспериментлар йўли билан замонавий психологик тилшунослик тавсия этадиган модель ана шу. Табиийки, илм-фаннинг ривожланиши билан бу модель келажакда янада такомиллашиши мумкин.

Келтирилган назарияни бир ният (мотив) мисолида кўриб чиқайлик. Масалан эртага биз тоққа чиқамиз, деган хабарни тингловчига етказиш нияти туғилди дейлик. Чуқур семантик босқичда ҳали таркибий қисмларга ажратилмаган умумий мазмун пайдо бўлади. Иккинчи босқичда энди сўзловчи умумий мазмундан тил билан боғлиқ бўлган «субъект», «объект» каби таркибий қисмларни ажратади. Бу тушунчаларни тилга оид дейишимизга сабаб, улар тил ёрдамида ажратилади. Учинчи босқичда иккинчи босқичда аниқланган субъект, объект, предикатларни хотирадаги қайси сўзлар ва мазмунни ифодалашга мос келадиган умумий мавҳум синтактик қурилмалар танланади. Сўз ва синтактик конструкция конкрет бўлмасдан, балки субъект, объект ва ҳоказоларни ифода қилоладиган тил воситалари йиғиндиси, мазкур мазмунга мос келадиган барча синтактик қурилмалар тўғрисида гап бораепти. Тўртинчи босқичда эса конкрет сўзлар ва конкрет синтактик қурилма ажратиб олинади (соғда ёйиқ гап ва бу гапни ташкил этувчи **биз, боғ, эрта, чиқмоқ** сўзлари). Кейинги босқичда сўзларнинг умумий морфологик шакли аниқланади (**биз** сўзи бош келишида, тоғ сўзи жўналиш келишида, **чиқмоқ** феъли ҳозирги-келаси замон формасида ва ҳоказо). Олтинчисида эса морфологик шаклларнинг танланган сўзларга мос келган воситалари белгиланади (**биз**, ноль қўшимча билан, тоғ сўзига жўналиш келишигидаги **-га, -ка, -қа** қўшимчаларида охириги, яъни **-қа** танлаб олиниб **тоғ** сўзидаги охириги **«ғ»** товушини **«қ»** билан алмаштириб қўшимча тайёрланилади ва ҳо-

казо). Шундан сўнг товушлар босқичига ўтилиб дастлаб фонемалар, кейин эса конкрет морфлар, нутқ товушлари ёрдамида **Эртага биз тоққа чиқамиз** деган гапни овоз ҳамда нутқ органилари иштирокида талаффуз қиламиз.

Ҳеч қандай шубҳа йўқ-ки, қайд этилган жараёнда эвристик ва алгоритмик ҳодисалар кўплаб учрайди; бундай ҳодисалар ҳар бир босқичда ўз аксини топиб, тўғри матн яратилишга ўз ҳиссаларини қўшишади.

Эвристик ва алгоритмик жараёнлар тўғри матнлар яратилишига ҳизмат қилишади. Яратилган матннинг тўғрилиги кўрсаткичи ушбу матнни тингловчи томонидан сўзловчи назарда тутганидек тушунилишидир. Баъзан сўзловчи томонидан фикр яхши ифодаланмаган ҳам бўлиши мумкин, бундай ҳоллар турли босқичлардаги эвристика ва алгоритмларнинг йўл қўйган камчиликлари натижаси деб қаралади. Шундай воқеа содир бўлганда тингловчи қўшимча саволлар билан бу камчиликларни бартараф қилиши мумкин. Энди нутқни тингловчи томонидан тушунилиши ёки идрок қилиниши масаласига ўтамиз.

Нутқни идрок қилиниши

Сўзловчи томонидан яратилган матн талаффуз қилинганча, ҳаво тўлқинлари орқали тингловчининг қулоғига етиб келади. Ана шу ондан бошлаб нутқ товушлари бирикмасидан ташкил топган матн сўзловчининг жамиятдоши томонидан идрок қилина бошлайди. Идрок қилиш ҳам узундан-узоқ бир мураккаб жараённи ташкил қилади. Тингловчининг олдида турган вазифа бир тўда товушлар бирикмасидан унинг асосида ётган мазмунни чиқариб олиб, унга ё нутқий, ё жисмоний жавоб қайтариш, ёхуд мурожаатни эътиборга олиб қўйишдир. Демак, бу ерда гап «матн→мазмун» моделини тафсилотларини аниқлаш тўғрисида боради.

Матнни идрок этиш масаласига ёндашишда олимларнинг фикри бир хил эмас. Шулардан энг кенг тарқалгани иккита: биринчиси — нутқни яратилишининг акс жараёни (яъни: матн→фонетик-фонологик босқич→

морфологик босқич → синтактик босқич → семантик босқич → мазмун); иккинчиси — синтез орқали таҳлилга ўтиш. Бу фикрларнинг биринчиси тўғрисида гап борганда ҳам тилшунос, ҳам психологлар унинг ижобий томонларини ҳамда изчиллигини таъкидлаш билан бирга, унинг ҳақиқатдан анча узоқ бўлган илмий фараз деб билишади. Чунки мулоқат вақтида пайдо бўладиган асраб, сақлаб қўйиладиган мулк бўлмай, у одатда амалий нуқтаи назардан ҳозиржавобликни талаб қилади (бу нарса юқорида айтганимиздек ё жисмоний, ё нутқий бўлиши мумкин). Шундай экан назарда тутилган йўл билан матнни идрок этиш талай вақтни талаб этади. Агар тингловчинини мазкур сигналга жавоб қайтаришини ҳисобга олинса, унда бундай мулоқот ғайритабиий бўлиб қолиши ҳавфи туғилади. Аввал таъкидланганидек инсон кундалик ҳаётида кучини, вақтини донмо тежамли сарф қилади. Бу жиҳатдан ҳам биринчи фикр тўғри эмаслиги кўриниб турибди. У тежамлилик принципига зиддир¹. Шунинг учун кўпчилик олимлар иккинчи фикрни мақсадга мувофиқ деб топиди. Бу назария қатор тадқиқотлар асосида юзага келган. Бу назарияга кўра сўзловчи талаффуз қилган товушлар бирикмаси тингловчининг эшитиш органлари томонидан қабул қилинган, у бутунлигича идрок қилиш жараёнининг семантик босқичига тушади. Маълумки, инсон ўз ҳаёт тажрибасида минглаб бундай матн ва мазмунларни эшитган, улар хотирада умрбод сақланади. Шундай экан эшитилган товушлар бирикмасини идрок этишда эвристик жараёнлар ишга тушади. Инсон ўзига йўналтирилган матннинг ҳар бир иштирокчисини айрим-айрим идрок этмай, ундаги асосий ғояларни ажратиб олиб, уларни бир-бирига боғлайди ва ягона мазмун яратади. Шунини ҳам айтиш керакки, ҳамма вақт бу жараён бир хил осонликда кўчмай, баъзида синтез бошқа босқичлардаги чуқур таҳлил йўли билан амалга оширилади. Бу нарса сўзловчи ва тингловчининг жамиятда тутган

¹ Шунини ҳам ёдда тутиш керакки, ҳар қандай тежамлиликнинг чегараси бор. Агар тежамлилик атроф-теваракни, бизни ўраб турган муҳитни тўғри тушунишимизга ғов бўлса, унда инсон бундай тежамлиликдан воз кечади, мақсадни амалга ошириш учун ҳар бир кишида етарли куч ва қобилият бор.

Ўрни, мутахассислик соҳаси, ёши каби бир қанча факторларга боғлиқдир. Гап шундаки, ҳар қандай матнда қайта-қайта такрорланиб келадиган бирликлар бўлади. Бундай бирликлар нутқда қанча кўп бўлса, уни тушуниш шунча осон ва аксинча, уларнинг сони қанча кам бўлса, бу матнни тушуниш шунча қийин кечади. Ҳаёт тажрибаси натижасида йиғилган ва хотирада сақланадиган ахборотни яхлит бир матн деб билсак, ана шу матнда, табиийки, баъзи таркибий қисмлари бир неча юз борлаб қайтарилган бўлади. Янгидан эшитилган матнда ана шулар қайтарилса, идрок этишнинг семантик босқичининг ўзида биз якуний мазмунни чиқариб олишимиз мумкин, унда бошқа босқичларга мурожаат қилишга тўғри келмайди. Лекин суҳбатдош айтган матнда «... некоторое возрастание содержания гелия по отношению к аргону, связано, с одной стороны, с поступлением гелия из палеозойских толщ по возрожденным разломам, с другой — его высвобождением из минералов и пород по микротрещинам, образовавшимся при землетрясении» каби гап учраса, унда тингловчи геология ва сейсмологиядан хабари бўлмаса, бу гапнинг мазмунини у ҳар бир босқич таҳлилидан ўтказишга мажбур бўлади, унга эвристик тадбирлар ёрдам бера олмайди, тингловчининг алгоритмга мурожаат қилишига тўғри келади, чунки тингловчи хотирасида бундай тажриба ўз аксини топмаган. Хулоса шуки, инсон томонидан матнни идрок қилиш бирлиги доимо бир хил эмас. Бу нарса суҳбатдошнинг ҳаёт тажрибасининг бойлиги, чекланган ёки чекланмаганлиги билан бевосита боғлиқ. Матн мазмунини ечилишида ҳал қилувчи бирлик сифатида бўғин, сўз, сўз бирикмаси, гаплар, гап бирикмалари ишлатилиши мумкин. Одатда тингловчи бу бирликларнинг энг каттасидан бошлайди.

Шундай қилиб, нутқни идрок қилиш нутқни яратишига ўхшаган мавҳумликдан аниқликка қараб интилувчи босқичлар системаси бўлмай, у ҳар бир янги матннинг хусусиятига қараб ўзгариб турувчи моделни ташкил этади. Лекин унинг дастлабки икки поғонаси аниқ, ўзгариш кейингиларида рўй бериши мумкин:

матн→семантик босқич→мазмун ёки матн→семантик босқич→(синтактик босқич→морфологик босқич→фонологик ва фонетик босқичлар)→мазмун.

Психологик тилшунослик баён этилган масалалардан

ташқари бир қанча йирик муаммоларни ҳал қилишда ҳам бевосита иштирок этади. Хусусан тингловчининг нутқ товушлар, морфлар, сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар каби тил бирликларини идрок қилишнинг психоллингвистик асосларини ҳар хил амалий тадқиқотлар ёрдамида ёритиб беради. Психологик тилшушнослик ўз олдида турган масалаларни ҳал этишда тилшунослик, физиология, психология, социология, тиббиёт каби фанлар эришган ютуқларга таяниб иш олиб боради¹. Мазкур фаннинг бу ерда баён этилган таснифи ўта ихчамлаштирилган ва содалаштирилган.

¹ Қўлланманинг бу боби ёзилаётганда қуйидаги адабиётлардан кенг фойдаланилди:

Выготский Л. С. Мышление и речь. М. 1934.

Кацнельсон С. Д. Типология языка и речевое мышление. Л., 1972.

Леонтьев А. А. Слово в речевой деятельности. 1965.

Касевич В. Б. О восприятии речи «Вопросы языкознания», 1974 ва бошқалар.

ФОНДАЛАНИЛГАН ВА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЕТЛАР:

1. Абдуазизов А. А. Ҳозирги замон инглиз тили назарий фонетикаси. Тошкент, 1986.
2. Азизов О. А. Тилшуносликка кириш. Тошкент. 1963.
3. Ахманова О. Р. Словарь лингвистических терминов. М., 1969.
4. Брук С. И. Население мира Этнодемографический справочник. М., 1986.
5. Буранов Дж. Б. Сравнительная типология английского и тюркских языков. М., 1983.
6. Бенвенист Эмиль. Общая лингвистика. М., 1974.
7. Бўронов Ж. Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. Тошкент, 1973.
8. Буранов Дж. Б., Юсупов У. К., Ирисқулов М. Т., Садыков А. С. Грамматические структуры английского, узбекского и русского языков. Ташкент, 1986.
9. Головин Б. Н. Введение в языковедение. М., 1977.
10. Синтаксис текста. Под ред. Золотова. М., 1979.
11. Зиндер Л. Р. Введение в языковедение. М., 1987.
12. Кодухов В. Н. Введение в языковедение. М., 1987.
13. Косовский Б. И., Павленко Н. А. Общее языковедение. М., 1987.
14. Колабина С. И. Практикум по курсу «Введение в языковедение» М., 1977.
15. Каримов Ш. К. «Тилшуносликка кириш» курсидан практикум. Т., 1987.
16. Қўчқортюев И., Қўчқортюева Р. «Тилшуносликка кириш». Т., 1976.
17. Қўчқортюева Р. «Тилшуносликка кириш» курсидан машқлар. Т., 1989.
18. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1978.
19. Маслов Ю. С. Введение в языковедение. Москва, 1975.
20. Никольский Л. Б. Синхронная социолингвистика. Москва, 1976.
21. Перетрухин В. Н. Введение в языковедение. Руководство к работе над курсом. Москва, 1984.
22. Роджер Т. Белл. Социолингвистика. Москва, 1980.
23. Рождественский Ю. В. Введение в общую филологию. М., 1979.
24. Реформатский А. А. Введение в языковедение. Москва, 1967.
25. Рождественский Ю. В. Лекции по общему языковедению. Москва, 1990.
26. Содиқов А. С., Абдуазизов А. А., Ирисқулов М. Т., Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1981.
27. Степанов Ю. С. Основы общего языковедения. М., 1975.
28. Общее языковедение. Институт языковедения. АН СССР. Ответственный редактор — член корреспондент АН СССР. Б. А. Серебrenников. Москва, 1972.

29. Общее языкознание. Методы лингвистических исследований. Ответственный редактор — член корреспондент АН СССР. Б. А. Серебrenников М., 1973.
30. Фердинанд де Соссюр. Заметки по общей лингвистике. Москва, 1990.
31. Хожиев А. Лингвистик терминлар лугати. Тошкент.
32. Шайкевич А. Я., Абдуазизов А. А., Гурджилова Е. А. Введение в языкознание. Ташкент, 1990.
33. Швейцер А. Д., Никольский Л. Б. Введение в социолингвистику. Москва, 1978.
34. Юсупов У. К. Проблемы сопоставительной лингвистики. Тошкент, 1986.

МУНДАРИЖА

<i>Сўз боши</i>	3
ТИЛШУНОСЛИҚ ФАНИНИНГ УРГАНИШ СОҲАСИ ВА МАВЗУСИ	5
ТИЛ — ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА	8
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар	10
ТИЛНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.	
Тилнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги асосий фараз- лар	12
Тилларнинг шаклланиши ва ривожланиши	16
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар	21
ФОНЕТИКА. Нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлиниши	22
Бўғин	25
Фон ва фонема	29
Супрасегмент элементлар	36
Нутқ товушларининг ўзгариши	38
Товуш ва ҳарф	41
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар	42
МОРФОЛОГИЯ. Нутқни энг кичик маъно англатувчи	43
бирликларга ажратиш	43
Морф ва морфема	45
Морфеманинг турлари	45
Соддалашув	48
Қайта тузилиш	50
Мураккаблашув	51
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар	52
ГРАММАТИК МАЪНО	53
Тилнинг грамматик воситалари	55
Аффиксация	55
Оҳанг	55
Мелодика	56
Такрор	57
Супплетивизм	59
Сўз тартиби	62
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар	64

Грамматик категория тушунчаси	66 ✓
Асосий грамматик категориялар	70
Грамматик сон категорияси	73
Келишик категорияси	76
Грамматик замон категорияси	78
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар	82
Сўз туркумлари	84
Тилларда сўз туркумлари	87
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар	89
ЛЕКСИКОЛОГИЯ	90
Сўз — лексикологиянинг ўрганиш мавзуси ва тил- нинг асосий бирлиги	92 98
Сўз ва тушунча	99
Лексик маъно ва унинг турлари	102
Лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши	103
Сўзларнинг маъно муносабатларига кўра турлари. Синонимлар	104 105
Омонимлар	107
Антонимлар	108
Тилларнинг луғат таркиби	110
Неологизмлар	111
Сўз яшаш	111
ЛЕКСИКОГРАФИЯ	112
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар	115
СИНТАКСИС	118
Гап синтаксиси	119
Гапнинг турлари	122
Гап бўлаклари	127
Сўз бирикмалари	130
Синтактик муносабат турлари	130
Гапнинг актуал бўлиниши	134
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар	135
КОММУНИКАТИВ ТИЛШУНОСЛИК	138
Матн тилшунослиги	139
Матннинг таърифи ва бирлиги масалалари	140
Матнни ташкил қилувчи birlikлар	143
Матннинг таркиби	144
Матндаги синтактик боғланиш воситалари	145
Матн турлари	149
СОЦИОЛИНГВИСТИКА	152
Социоллингвистик тил типологияси	160
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар	166
ТИЛЛАРНИНГ ТИПОЛОГИК ТАСНИФИ	166
Қиёсий типология	169
Генетик типология	175
Морфологик типология	179

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар . . .	186
Лингвистик таҳлил методлари	188
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар	200
Фикр алмашиш эҳтиёжининг тиллар тараққиётига таъ- сири	203
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар	216
Ёзув. Ёзувнинг пайдо бўлиши	217
Графика	223
Орфография	224
Ёзувнинг махсус турлари	227
Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар	229
Тилнинг систематик хусусиятлари	231
Тил ва тафаккур	237
Психологик тилшунослик	240
Нутқнинг яратилиши	243
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	252

На узбекском языке

НИСКОЛОВ МАХАМАДАВАС ТУРСУНОВИЧ

ВВЕДЕНИЕ В ЯЗЫКОЗНАНИЕ

Учебное пособие для студентов филологических
и романо-германских факультетов
университетов и пединститутов

Издательство «Ўқитувчи» 1992

Муҳаррир, Т. Жўргов
Бадний муҳаррир Ж. Одиллов
Тех. муҳаррир Э. В. Вильданова
Мусаҳҳиҳа Д. Умарова

ИБ 5552

Теришга берилди 15.07.91. Босишга рухсат этилди 20.01.92. Формати 84×108¹/₁₆.
Кегель 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди.
Шартли б. л. 13,14. Шартли кр-отт. 14,1. Нашр. л. 13,77. Тиражи 6000. Зак.
2423. Баҳоси 16 с 50 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 15—92—91.

Ўзбекистон Матбуот давлат комитетининг Тошполиграфкомбинати. Тошкент, На-
воий кўчаси, 30. 1992.

Ташполиграфкомбинат Государственного комитета Республики Узбекистан по пе-
чати. Ташкент, ул. Навои, 30.